

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ

Ж. О. ТОЛИПОВА, А. Т. ҒОФУРОВ

## БИОЛОГИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
томонидан олий ўкув юртлари 5140400—«Биология ва инсон хаётин  
фаолияти муҳофазаси» бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун ўкув  
қўлланма сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ  
«IQTISOD-MOLIYA»  
2007

**Тақризчилар:**

Низомий номидаги ТДПУ профессори, педагогика  
фанлари доктори Д.Д. ШАРИПОВА  
Қори-Ниёзий номидаги ЎзГФИТИ илмий ходими,  
педагогика фанлари номзоди И.Ш. ИСМАТОВ

Толипова Ж. О.

**Биология ўқитиши методикаси.** Олий ўкув юртлари учун дарслик /  
Ж.О.Толипова, А.Т.Фофуров; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус  
таълим вазирлиги. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007. 236 б.

Фофуров А. Т.

Ушбу дарсликда бўлгуси биология ўқитувчиларининг илмий-методик  
тайёргарлигини таркиб топтириш ва ривожлантириш учун зарур бўлган  
биология ўқитиши методикасининг мақсад ва вазифалари, ривожланиш  
тарихи, биология ўқитишининг долзарб муаммоларига доир маълумотларни ўз  
ичига олган.

Дарсликдан «Кириш», «Биология ўқитиши методикасининг мақсад ва  
вазифалари», «Биология ўқитиши методикаси фанининг шаклланиши ва  
ривожланишининг қисқача тарихи», «Биология ўқитиши методикасининг  
долзарб муаммолари», «Биология ўкув фани мазмуни», «Биологик  
тушунчаларни шакллантириш ва ривожлантириш», «Биологияни ўқитиши  
методлари», «Биологияни ўқитиши воситалари», «Биологияни ўқитиши  
шакллари системаси», «Биологияни ўқитишида таълим ва тарбиянинг  
узвийлиги», «Ўкувчи ёшлар онги ва қалбига миллый истиқлол ғоясини  
сингдириш йўллари», «Ўрта маҳсус касб-хунар муассасаларида биология  
 ўқитишининг ўзига хос хусусиятлари», «Биологияни ўқитишининг моддий  
базаси» каби боблар ўрин олган.

Мазкур дарслик Олий ўкув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар  
фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиумининг 2007 йил да  
бўлиб ўтган - сонли баённомаси қарорига мувофик педагогика олий ўкув  
юрти талабалари учун дарслик сифатида нашрга тавсия этилган.

# МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	5
1-Боб БИОЛОГИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНинг МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ	6
1.1 Биология ўқитиш методикаси фан ва ўкув фани сифатида	6
1.2 Биологик таълимнинг роли	14
2-Боб БИОЛОГИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНинг ҚИСҚАЧА ТАРИХИ	19
2.1 Шарқ уйғониш даврида таълим ва тарбия масалалари	19
2.2 Биология ўқитиш методикасининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи.	24
3-Боб БИОЛОГИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИГ МУАММОЛАРИ	40
3.1 Биологик таълим жараёнининг яхлитлиги, ўқитиш принциплари ва конуниятлари	40
4-Боб БИОЛОГИЯ ЎҚУВ ФАНИ МАЗМУНИ	49
4.1 Биология таълими мазмуни	49
4.2 Биологиядан давлат таълим стандарти ва ўкув дастури	54
4.3 Биология дарслукларининг таҳлили	62
5-Боб БИОЛОГИК ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ	69
5.1 Умумий биологик ва хусусий тушунчаларни шакллантириш ва ривожлантириш	69
5.2 Биологик кўникма ва малакаларни таркиб топтириш йўллари	74
5.3 Биологияни ўқитишда ўкувчиларда мустақил ва ижодий фаолиятини таркиб топтириш	77
6-Боб БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ	84
6.1 Биологияни ўқитишда фойдаланиладиган методлар	84
6.2 Биология ўқитишнинг фаол методлари	93
7-Боб БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИ	100
7.1 Ўқитиш воситалари системаси	100
7.2 Кўргазма воситаларининг турлари ва таснифи	103
8-Боб БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ СИСТЕМАСИ	108
8.1 Биологияни ўқитишни ташкил этиш шаклларининг умумий тавсифи ва улар ўртасидаги узвийлик	108
8.2 Даре – биологияни ўқитишнинг асосий шакли	112
8.3 Экскурсия – биологияни ўқитишнинг мухим шакли	135
8.4 Уй вазифаси ва дарсдан ташкари ишлар	145
8.5 Синфдан ташкари машгулотлар	152
8.6 Биологиядан факультатив машгулотларни ташкил этиш	160
8.7 Биологиядан йиллик истиқбол ва мавзули режа тузиш	166

8.8	Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассаларида биологияни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари	172
8.9	Биология дарсларида замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш	181
9-Боб	<b>БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ УЗВИЙЛИГИ</b>	200
9.1	Биологияни ўқитишда таълим-тарбия масалалари	200
9.2	Ўқувчи-ёшлар онги ва қалбига миллий истиклол ғоясини сингдириш йўллари	212
10-Боб	<b>БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИ</b>	216
10.1	Мактабда биология хонасини ташкил этиш	216
10.2	Тирик табиат бурчаги	223
10.3	Мактаб ўқув тажриба ер майдонини ташкил этиш Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	228 233

## **СЎЗ БОШИ**

Республикамизнинг мустакилликка эришиши, жамиятда рўй берадётган маънавий-маърифий ўзгаришлар, узлуксиз таълим тизимининг жорий этилиши, узлуксиз таълим тизими турлари ўртасида узвийлик ва изчиликни амалга ошириш, модернизация килинган давлат таълим стандартлари ва янги таҳрирдаги биология ўкув дастури, ўкувчиларнинг ўзлаштирган билим ва кўнгилмаларини назорат килишининг рейтинг тизимини амалиётга кўлланилиши, биология ўқитувчиларини замонавий методик билим, кўнгима ва малакалар билан қуроллантириш мақсади биология ўқитиш методикаси курси мазмунини кайта кўриб чикиши такозо этди.

Ушбу дарслик умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассаларида ўқитиладиган биология ўкув фанининг мазмуни ва таълим-тарбия жараёнинг кўйилган талабларга жавоб берадиган олий педагогик таълимнинг «Биология ва инсон хаётий фаолияти муҳофазаси» мутахассислиги учун тайёрланган «Биология ўқитиш методикаси» намуний дастури асосида тайёрланди.

Ушбу дарсликни тайёрлашда бўлғуси биология ўқитувчиларини педагогик фаолиятга илмий-методик жихатдан тайёрлаш самарадорлигини ошириш мақсадида Кадрлар тайёрлаш миллый дастурининг мақсади, вазифалари, биология ўқитиш методикасининг илмий-назарий ва амалий ютуклари, дидактика ва ўқитиш методикаси соҳасида эришилган сўнгги ютуклар, узлуксиз таълим тизимида ўқитиш жараёнинг кўйилган талаблар асосида таълим-тарбия жараёнини мақсадга мувоғик самарали ташкил этиш масалалари камраб олинди. Ўкув дастуридан ўрин олган боблар мазмунига боғлик ҳолда миллый истикклол гояси сингдирилди, хорижий мамлакатларнинг биология ўқитиш методикаси бўйича нашр килинган дарсликларини таҳлил килиш ва ижодий фойдаланишга эътибор каратилди.

«Биология ўқитиш методикаси» нинг илмий-назарий масалаларни маърузада, амалий масалаларни эса амалий ва лаборатория машғулотларда ўрганиш тавсия этилади.

Педагогика олий ўкув юртларида «Биология ўқитиш методикаси»ни ўқитиша педагогик технологиялар, хусусан, модулли таълим, муаммоли таълим, ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг кичик гурухларда ўқитиш, командада ўқитиш методидан фойдаланиш учун замин тайёрлаш мақсадида ҳар бир мавзу якунида талабаларнинг мустакил бажариши учун саволлар, ўкув топшириклари, мустакил иш мавзулари, рейтинг тизимини жорий этиш мақсадида тест-топшириклари берилди.

Дарслик биринчи марта чоп этилаётганлиги учун камчиликлардан холи бўлмаслиги табиий ҳол. Мазкур камчиликларга барҳам бериш мақсадида ҳамкасларимиз томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар учун муаллифлар олдиндан самимий ташаккур ва миннатдорчилик изхор этади.

Фикр ва мулоҳазаларни Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетига юборишингизни сўраймиз.

**Муаллифлар**

# **1-Боб. БИОЛОГИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИННИГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

## **1.1-БИОЛОГИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАН ВА ЎҚУВ ФАНИ СИФАТИДА**

1. Биология ўқитиши методикасининг мақсади ва вазифалари.
2. Биология ўқитиши методикаси фан сифатида.
3. Биология ўқитиши методикасининг илмий-тадқиқот методлари
4. Биология ўқитиши методикасигининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.
5. Биология ўқитиши методикасининг ўқув фани сифатида.

### **Асосий тушунча ва таянч сўзлар**

Фан ва ўқув фани тушунчалари. Педагогика ва хусусий методика. Биология ўқитиши методикаси фанининг предмети ва обьекти. Биология ўқитиши методикасигининг илмий-тадқиқот методлари. Биология ўқитиши методикаси ўқув фани сифатида

#### **Биология ўқитиши методикасигининг мақсади ва вазифалари**

Биология ўқитиши методикаси умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув юртларида ўқитиладиган биология ўқув фани асослари билан боғлик бўлган мазкур таълим муасссаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнлари, таълим мазмуни, ўқитиши принциплари, конуниятлари, методлари, воситалари ва шаклларини ўрганади.

Ушбу масалаларни билиш ўқитувчига узлуксиз таълим тизими турларида таълим муассасаси мақсади ва вазифасидан келиб чишиб, биология курси мазмуни билан боғлик холда ўқув-тарбиявий жараёнларни замон талабларига мос холда ташкил этиш ва бошқариш имконини беради.

Биология ўқитиши методикаси биология ўқув фанларини ўқитишда таълим мазмуни, ўқитиши шакллари, методлари, воситаларини ўзаро боғлик холда амалиётга жорий этишини асосий мақсад килиб кўяди.

Узлуксиз таълим тизимининг умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими турида таълим-тарбия жараёнига кўйилган талаблар, тахсил олувчиликнинг ёш ва психологик хусусиятлари хисобга олинган холда, таълим мазмуни, ўқитиши шакли, методи ва воситаларининг узвийлигини таъминлаш масаласи долзарб муаммо саналади.

Биология ўқитиши методикасигининг асосий вазифаси ўқувчиларга биология ўқув фанлари бўйича ДТС билан меъёргланган билим бериш, ривожлантириш, тарбиялаш, уларнинг ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида камол топиши, мустакил хаётга тайёрлашга кўмак берувчи ўқув фанлар мазмуни, ўқитиши шакллари, воситалари ва методларини ишлаб чиқишдан иборат.

Биология ўқитувчиси ўз педагогик фаолиятида биология ўқитиш методикаси максади, вазифаси, ўқитиш принциплари, қонуниятларини чукур англаган холда, таълим-тарбия жараёнини унга кўйилган талаблар асосида ташкил этиши, тахсил олувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятлари хисобга олинган холда, таълим мазмунни, ўқитиш шакли, методи ва восита-ларининг узвийлигини таъминлаши лозим.

### Биология ўқитиш методикаси фан сифатида

Ҳар кандай фан инсоннинг тадқиқот фаолияти билан алокадор бўлиб, у нарса ва ходисалар тўғрисида билимлар тўплашга йўналган, ҳамда тадқиқот килинаётган нарса ходисалар тўғрисида тўлик ва чукур билим олишга каратилган. Фаннинг асосий функцияси тадқиқот ҳисобланади.

Биология ўқитиш методикаси фан сифатида мазкур фан билан боғлик ўкувчиларнинг билим олиш, тарбиялаш ва ривожлантиришни назарий ва амалий жиҳатидан тадқиқ қилишни мақсад килиб кўяди.

Фаннинг асосий белгиси бўлиб, мақсаднинг аниклиги, ўрганиш предмети, билимларни билиш усуслари, шакллари, шу билан бирга фаннинг ривожланиш тарихи, унинг бойишига сабаб бўлган қашфиётлар мухим саналади.

Биология ўқитиш методикаси педагогик фанлар мажмусига киради. Шу сабабли унинг мақсади ва вазифалари умумий педагогик мақсад ва вазифалардан келиб чиқади.

Биология ўқитиш методикаси барча ўкув фанларга таалукли бўлган педагогик коидаларни, биологик ўкув материалига тадбик этишга йўналган. Шу билан бир каторда, биология ўқитиш методикаси табиий, илмий, биологик, психологик, педагогик билимларни ўзида мужассамлаштиради.

Биология ўқитиш методикаси биология ўкув фанининг ўқитиш мақсадини, мазмунини, биологик билимларнинг танлаш принципини белгилаб беради.

Биологик билимларни танлаш принципи – бу мухим принцип бўлиб, тахсил олувчиларнинг билим заҳираси, ёш ва психологик хусусиятлари хисобга олинган холда, уларга тушунарли бўладиган, аввал ўзлаштирилган билимларга мантикий боғланган билимларни саралашга асосланади.

Умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларида биологияни ўқитишда таълим мазмuni мазкур принцип асосида шакллантирилган.

Биология ўқитишнинг ҳозирги даврда самарали бўлиши ўкувчиларнинг ўкув, меҳнат ва жамоат ишларида қатнашиши учун зарур бўлган биологик билимлар, кўнникмалар, малакаларни эгаллаганликлари билан белгиланади. Улар эса ўз навбатида ўкувчиларнинг тарбияланганлик даражаси, дунё-караши, зътиқоди, табиат, жамият ва шахсга бўлган муносабатида намоён бўлади. Ўкувчиларнинг ривожланиш даражаси - унинг қобилияти, жисмоний ва аклий жиҳатдан такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжи билан ифодаланади.

Фан сифатида биология ўқитиш методикасининг вазифалари тубандаги-лардан иборат:

1. Баркамол шахсни камолга етказиш, ўқитиши, ривожлантириш ва тарбиялаш жараёнида биология ўкув фанининг ўрнини аниклаш;

2. Умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари учун белгиланган биология ўкув дастурлари, ДТС ва дарсликларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чикиш ва уни таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш;

3. Ўкувчиларнинг билим заҳираси, ёш ва психолигик хусусиятларига мос равища ўкув фанларининг мазмуни, ундаги мавзуларнинг ўрганиш изчилиги ва мантиқий болганишларни белгилаш;

4. Биология ўкув фанининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, ўқитиши методлари, воситалари ва ташкилий шаклларини ишлаб чикиш;

5. Ўқитиши жараёнида қўллаш учун зарур жиҳозлар, биология хонаси тирик бурчак, тажриба ер майдонини ташкил этиш, табиий, тасвирий, динамик, аудио, видео воситаларни белгилаш.

6. «Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» асосида биологиядан янги таҳрирдаги ДТС ва ўкув дастуруни педагогик тажриба-синовдан ўтказиш;

7. Биологиядан ўкувчиларнинг ўзлаштирган билим ва кўнкималарини назорат қилиш ва баҳолаш рейтинг тизимининг методик таъминотини ишлаб чикиш;

8. Биология дарсликларининг янги авлодини ва электрон вариантини яратиш.

9. Биология чуқур ўзлаштиришга ихтисослашган академик лицейлар учун янги таҳрирдаги дастур талаблари ва ДТС меъёрларига мос келадиган дарсликлар ва методик қўлланмалар тайёрлаш;

10. Биологияни ўқитишида педагогик ва ахборот технологияларидан ўйгун равища фойдаланишининг методик таъминотини яратиш.

Биология ўқитиши методикасининг обьекти бўлиб, мазкур ўкув фани билан алоқадор бўлган ўкув-тарбиявий жараён хисобланади.

Биология ўқитиши методикасининг предмети биология ўкув фанларининг максадидан келиб чиккан ҳолда, таълим мазмунини танлаш, ўқитиши методлари, воситалари ва шаклларини ўйгунлаштириш оркали, ўкувчиларнинг ёш ва психолигик хусусиятларига мос равища таълим бериш, тарбиялаш ва ривожлантириш саналади.

Биология ўқитиши методикасининг предметига асосан, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитилиши белгиланган «Ботаника» ўкув фанининг таълим мазмунини танланган, мазкур мазмунни ўкувчиларнинг ёш ва психолигик хусусиятларига мос равища улар онгига етказишда ўқитиши методлари, воситалари ва шаклларини ўйгунлаштириш йўллари ишлаб чикилган.

Худди шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган «Зоология», «Одам ва унинг саломатлиги», «Биология (Цитология ва генетика асослари)», ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари учун

«Биология (Эволюция ва экология асослари)» ўкув фанларининг таълим мазмунини танланган, мазкур мазмунни ўкувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларига мос равишда улар онгига етказишида ўқитиш методлари, вositалари ва шаклларини уйғуллаштириш йўллари ишлаб чиқилган.

Биология ўқитиш методикасининг мақсади, вазифалари, ўрганиш обьекти ва предмети муайян илмий-тадқикот методларини тақозо этади.

Биология ўқитиш методикаси оламни билишда кўлланиладиган илмий-тадқикот методлари билан бир каторда хусусий методлардан хам фойдаланади.

#### **Биология ўқитиш методикасининг илмий – тадқикот методлари:**

1. **Кузатиш методи.** Мазкур метод ёрдамида биология ўқитувчиларининг дарс, дарсдан ташқари ишлар, лаборатория ва амалий машгулотлар, экспурсия, синфдан ва мактабдан ташқари машгулотларда ўкувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошкаришга асосланган педагогик фаолияти ўрганилади ва мазкур фаолиятдаги ижобий, салбий томонлар аникланади.

2. **Тахлил методи** ёрдамида кузатишдан тўпланган маълумотлар тахлил килинади, умумлаштирилади, хуносаланади ва ҳал этилмаган муаммолар аникланади ва уларни ҳал этиш учун зарур ишчи фаразлар илгари суриласди.

3. **Педагогик тажриба-синов методи** воситасида таълим-тарбия жараёнига киритилаётган янгиликларнинг самарадорлиги аникланади. Бугунги кунда биологиядан янги тажрирдаги ўкув дастури ва модернизация килинган ДТС Республика миқёсида тажриба-синовдан босқичма-босқич ўтказилмокда. Тажриба-синов натижалари тахлил килинади, таълим-тарбия жараёнида йўл кўйилаётган камчиликлар аникланади, уларга барҳам бериш йўллари ишлаб чиқилади. Биология ўқитувчиси педагогик фаолиятга ижодий ёндошиб, дарсдан ташқари ишлар, лаборатория ва амалий машгулотлар, экспурсия ва синфдан ташқари машгулотларда ўкувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, фан янгиликлари ва педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича тажриба-синов ишларини ўтказиш, тажриба ва назорат синфлардан олинган маълумотларни ўзаро тақослаш кўникласини эгаллаган бўлиши лозим.

4. **Умумлаштириш методидан** кузатиш ва педагогик тажриба-синовдан олинган маълумотларни тахлил килиш, умумлаштириш ва хурос ясашда фойдаланилади.

5. **Математик-статистик метод** - педагогик тажриба-синовдан олинган маълумотларни тахлил килиш, самарадорлик даражасини аниклашга асосланади.

6. **Илғор биология ўқитувчиларининг иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш методи** – педагогик фаолиятга ижодий ёндошган, таълим-тарбия жараёнида юқори самарага эришган ўкувчиларнинг иш тажрибасини ўрганиш, педагогик нашрларда мазкур тажрибанинг энг аҳамиятга молик томонлари ёритилган маколалар, методик тавсиялар чоп

этишига асосланади. Мазкур метод ўқитувчиларнинг август кенгашларида, шунингдек, ўқитувчиларнинг анъанавий педагогик ўчишларида биологияни ўқитишнинг долзарб муаммолари бўйича маъruzалари билан иштирок этишига замин тайёрлади.

Юкорида кайд этилган илмий-тадқикот методлари бир-бири билан узвий боғлиқ, бири-иккинчисини такозо этади.

Хозирги даврга келиб, биология ўқитиш методикасида ўтказилган педагогик тажрибалар натижасида «Биологик тушунчаларни ривожлантириш», «Биологияда ўқитиш шаклларининг системаси», «Биологияда ўқитиш методлари», «Биология ўқитишида назария ва амалиёт бирлиги», «Биологияни ўқитишида экологик тушунчаларни ривожлантириш», «Биология ўқитишнинг моддий базаси», «Биология ўқитувчиларини илмий-методик тайёргарлик даражасини орттириш назарияси ва амалиёти» каби назариялар ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган.

Мактабларда ўқитиладиган биология ўкув фанларга қараб «Биология ўқитиш методикаси» фани «Биология ўқитишнинг умумий методикаси», «Ботаника ўқитиш методикаси», «Зоология ўқитиш методикаси», «Одам ва унинг саломатлигини ўқитиш методикаси» ва ниҳоят «Умумий биологиянинг ўқитиш методикаси» каби хусусий ўқитиш методика фанларига ажратилади.

Биология ўқитишнинг умумий методикаси барча биология ўкув фанларига оид ўқитишининг мақсади, вазифаси, мазмуни, принциплари, методлари, воситалари, шакллари, биологияни ўқитиш тарихи, босқичлари каби масалаларни камраб олади. Хусусий фанларни ўқитиш методикаси эса у ёки бу ўкув фанининг мазмуни, ўқувчиларнинг ёши ва психологик хусусиятлари билан боғлиқ дарс, дарсдан ташкари ишлар, синфдан ташкари машгулотлар, экскурсиялар, амалий ва лаборатория машгулотларини ташкил этиш, жиҳозлаш кабиларни диккат марказида тутади.

**Биология ўқитиш методикасининг бошқа фанлар билан боғликлиги.**

Биология ўқитиш методикаси педагогиканинг бир қисми бўлган дидактика билан жуда яқин алокададир.

Дидактика ўқувчилар томонидан билимлар, кўнимкалар ва малакаларни ўзлаштиришнинг умумий конунлари, ўқитиш назариялари, конуниятлари ва принципларини ишлаб чиқкан бўлса, биология ўқитиш методикаси эса, биология ўкув фани мазмуни билан боғлиқ ҳолда ўқувчиларга таълим бериш, ривожлантириш ва тарбиялаш шакли, методи ва воситаларининг узвийлигини таъминлашга замин тайёрлайдиган назарий ва амалий масалаларни ишлаб чиқади.

Биология ўқитиш методикаси психология билан узвий алокададир. Чунки, биологияни ўқитиш ўқувчиларнинг ёши ва психологик хусусиятларига мос бўлган тақдирдагина самара беради. Масалан, ўсмирларда яъни, V-VI синф ўқувчиларида диккат бекарор бўлгани сабабли биология ўқитувчиси дарс жараёнида бир неча методлардан фойдаланиб, ўқувчилар фаолиятини алмаштириб туради, ҳамда уларнинг тафаккурини конкрет эканлигини

эътиборга олиб, кўргазмали воситалардан кўпроқ фойдаланилди. Юкори синфларда эса ўқувчилар диккати баркарорлашгани ва уларда абстракт тафаккур ривожлангани учун дарслар кўпроқ маъруза шакида ўтказилиши ва самарали методлардан фойдаланиш тавсия килинади.

Биология ўқитиш методикаси биология фани билан узвий алоқадор, яъни биология фанларнинг деярли барча соҳалари: ботаника, зоология, анатомия, физиология, цитология, биокимё, эмбриология, систематика, палеонтология, экология, эволюцион таълимот, антропология, молекуляр биология фан асосларини ўзида ифода килади. Тирик табиат вакилларининг ташки, ички тузилишини хаёт фаолиятини ташки мухит билан алоқасини тўғри тушунтириш ўсимлик, замбуруг, хайвон, микроорганизмларни аниклаш, улардан микро ва макропрепаратлар тайёрлаш, улар устида кузатиш, тажрибалар олиб бориш, ўқитувчидан яхши назарий билим, амалий тайёргарликни талаб килади. Лекин, мактаб биология ўқув фани билан биология фани орасида муҳим тафовутлар борлигини ўқитувчи яхши билиш керак.

Биология фанининг асосий мақсади тирик ва ўлик табиати тўғрисида тадқикот ўтказиш орқали фан янгиликларни кашф этилиш бўлса, мактаб биология ўқув фанининг мақсади, ўқувчиларнинг ёшига мос равишда уларга биологик билимлар, яъни биологик тушунча, қонунлар, назариялар бериш ва уни тушунтиришдан иборат.


Мактаб биология курсида фан эмас, балки фан асослари – ўқувчилар учун зарур асосий маълумотлар мужассамлашган. Шу билан бирга мактаб биология курси «кичик фан» эмас, балки ўқувчиларнинг ривожланиши ва тарбиясига кўмак берувчи биологиянинг асосий илмий тушунчалар системаси саналади.

### **Биология ўқитиш методикаси ўқув фани сифатида**

Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим муассасалари учун биология ўқитувчисини тайёрлашда биология ўқитиш методикаси ўқув фани нийоятда муҳим ўрин тутади ва мутахассислик фани саналади.

Бу ўқув фанини ўқитиш жараённида талабаларнинг педагогик фаолият ва биологияни ўқитиш учун зарур қасбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши назарда тутилади.

Табиийдирки, ўқув фанида фан тўплаган ҳамма билимлар эмас, балки унинг асослари берилади. У ўқитиш вазифалари, ўқувчиларнинг ёши, тайёргарлик даражасини эътиборга олган ҳолда маҳсус сараланган билимлар мажмуасидан иборат. Фандан фарқли равишда ўқув фанининг асосий вазифаси ўқувчиларга билим ва маълумот бериш, уларда ўқув кўникма ва малакаларни таркиб топтиришидир. Ўқув фани фаннинг аник нусхаси эмас. Ўқув фанини яратишда фан томонидан тўплланган билимлар ва тажрибалар тизимини талабаларга бериш устунлик килади. У факат илмий маълумотларни тўплаш тартиби эмас, балки тушунчаларни умумлаштириш, аниклаштириш, илмий фактларни, фикр – мулоҳазаларни тартибга солишдан таркиб топади.



Ўкув фани ўзининг асосий билим ва маълумот бериш, ўкув кўнікма ва малакаларни таркиб топтириш функцияларидан келиб чиқкан холда маълум тартиб асосида тузилган. Олий мактаб биология ўқитиш методикаси дарслиги ўз тузилиши ва мазмунига кўра фанга яқинрок. У ўз таркибига илмий маълумотлардан ташқари фандаги айрим мунозарали масалаларни

ешишга қаратылған түрлича қарашларни, хакиқатни топишида мұвафаққиятты ё мұвафаққиятсыз изланишларни ҳам үзида ифода қиласы. Шу билан бир каторда илмий изланишлар методологиясіні, усулларини ҳам яратади.

Биология үкитиш методикасы үкув фани талабаларни назарий ва амалий жиҳатдан педагогик фаолиятга тайёрлаш жараённанда факат мактаб биология курсининг тузылишини баён этиш чекланмай, умумий ўрта ва ўрта маҳсус қасб – хұнар муассасаларыда биология бўйича үкитишнинг ташкил этишини ўзига хос томонлари билан ҳам таништиради, биология үкитиш усуллари, воситаларни кўллаш бўйича кўникма малакаларни шакллантиришга ҳамда ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган минимал билимлар мажмусини талабалар томонидан ўзлаштириш имконини беради. Шу билан биргаликда замонавий педагогик, ахборот технологияларни кўллаш, биология үкитишда инновацион ёндашиб кўникмаларни хосил қиласы. Олий педагогика ўкув юртларыда биология үкитувчиларини педагогик фаолиятга тайёрлашда биология үкитиш методикаси мухим ўрин тутади ва мазкур курсни үкитишни юкоридаги методик тизим шаклида тасаввур қилиш лозим.

Мазкур методик тизимни ишлаб чикишда қуидагилар асос қилиб олинди:

1. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да үкитувчиларнинг тайёргарлигига қўйилған талабларни амалга ошириш мақсадида биология үкитувчининг илмий-методик тайёргарлигини орттиришга имкон берадиган таълим мазмуни танланди, сараланди ва шу асосда «Биология үкитиш методикаси», ўкув курсининг дастури ва ўкув кўлланмалари тайёрланди. Методик тизимнинг ҳамма таркибий кисмлари шу талабларни амалга оширишга хизмат қилиши назарда тутилди.

2. Таълим мазмунини ёритиш мақсадида үкитишнинг самарали воситалари, методлари ва шакллари танланди. Уларнинг узвийлиги асосида таълим-тарбия жараённанда фойдаланиладиган педагогик технологиялар ажратиб кўрсатилди. Маъруза, лаборатория ва амалий машгулотлар педагогик технологиялар талаблари асосида ташкил этилди. Педагогик технологияларнинг талаблари асосида үкитувчининг педагогик ва талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш, фаоллаштириш ва бошқариш диккат марказда бўлди.

3. Талабаларнинг мустакил таълими ва иши таълим-тарбия жараённинг ажралмас, зарурий таркибий кисми ва шакли сифатида унинг мақсади, вазифалари, мазмуни ва дидактик функциялари аникланди.

4. Талабаларнинг педагогика олий ўкув юртларыда ўзлаштирган илмий-назарий билимлари, амалий ва ўкув кўникмалари педагогик амалиёт давомида педагогик жараёнда кўлланиши, шу асосда мустахкамланиши ва малака даражасига кўтарилиши назарда тутилди.

5. Педагогик амалиётнинг мақсади, вазифалари, дидактик функциялари хисобга олинган холда талабаларнинг индивидуал иш режалари жорий этилди, улар мақсадли илмий-ижодий изланишларга

жалб этилиб, мазкур ишларнинг натижалари битириув малакавий ишларда ўз ифодасини топади.

Шундай қилиб, педагогика олий ўкув юртларида ўқитиладиган «Биология ўқитиш методикаси» фан сифатида узлуксиз таълим тизимида биологияни ўқитишга доир муҳим методик муаммоларни ҳал этишни кўзда тутса, ўкув фани сифатида бўлгуси биология ўқитувчиларини педагогик фаолиятга илмий-методик жиҳатдан тайёрлашга замин яратади.

### **Талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш саволлари**

1. Биология ўқитиш методикасининг асосий мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
2. Фан билан ўкув фани ўртасида қандай тафовутлар мавжуд?
3. Биология ўқитиш методикаси фан сифатида нималарни тадқик киласди?
4. Биология ўқитиш методикаси ўкув фани сифатида қандай вазифаларни бажаради?
5. Биология ўқитиш методикаси билан педагогика фани ўртасида қандай боғланишлар бор?
6. Биология ўқитиш методикаси билан психология фани ўртасида қандай боғланиш бор?
7. Биология фани билан биология ўқитиш методикаси орасидаги тафовутни ёритиб беринг.

## **1.2. БИОЛОГИК ТАЪЛИМНИНГ РОЛИ**

1. Биологик таълим ютуклари.
2. Биологик таълимнинг тарбиявий ва шахсни ривожлантиришдаги аҳамияти.
3. Биологик таълимнинг вазифалари.

### **Асосий тушунча ва таянч сўзлар**

Биология фанида эришилган ютуклар. Биология фани ютукларини бошха фанларга боғлиқлиги. Бионика, космик биология, биологиянинг тиббиёт, агрономиядаги ва политехник роли.

Биологик таълим инсоният ҳаётида катта аҳамиятга эга. Биология ўқитувчиси биологик билимларнинг ҳар бир инсон ҳаёти ва меҳнатидаги ролини чукур англаши, бунга ишонч ҳосил қилиши ва бу ишончни ўкувчиларда тарбиялаши зарур. Биология ўқитувчининг қасби, ўкувчиларга нега ҳар бир одам биологияни ўрганиши зарурлигини сингдириши учун юқори савиядаги билим ва мустаҳкам иродани талаб этади.

ХХ-ХХI асрда фан ва техника ривожланиб кетди. Биология фанининг ютуклари ишончли тарзда инсоният янги асрга – биология асрига кириб борганилиги хакида далолат бермокда. Биология фанининг ютуклари кўп жиҳатидан табиий фанлар физика, химия, математика, астрономия ва бошқа фанлар соҳасида эришилган ютуклардан фойдаланиш натижасида юз бермокда. Бу фанларнинг ютуклари ва методлари асосида электрон микроскопия, спектроскопия, рентгеноструктура таҳлили, хужайранинг молекуляр ва субмолекуляр дараҷада ўрганиш имконини беради. Биохимия ва биофизика методлари асосида тажрибалар ўтказиш натижасида моддалар алмашинуви айникса оксил биосинтезининг механизми очиб берилди, фотосинтез сирлари очилди. Ирсиятнинг моддий асоси ДНК ва РНК структураси, функцияси аён бўлади, генетик код тилсими маълум бўлди.

Олимларнинг дикқат эътибори хаёт ходисаларининг моҳиятини аниклашга, моддалар алмашинуви, ирсият ва ўзгарувчанликни бошқаришнинг турли усуllibарини ишлаб чикишга каратилган.

Хужайра ва унинг органоидларида борадиган кўп жараёнларининг физик-кимёвий ва биологик моҳиятини очиб берган фан ютуклари хаётий жараёнлари боришига актив араласиши имкониятларини бермокда. Биология фанининг ютуклари тиббиёт олдига хавфли ўсма касаллиги- рак, ОИТС, вирус, юрак, кон-томир ва бошқа касалликларни даволаш каби вазифаларини кўймокда ва бу хасталиклар аста-секинлик билан ўз давосини топмокда.

Тирик организмларни тузилиши ва унда борадиган жараёнларга асосланган техника фани – кибернетика асосида табииёт фанларида янги йўналиш – бионика вужудга келди, бу биологияни физика ва техника билан боғлайдиган фандир. Бионика - организмларнинг морфологик ва функционал мосланишларини мухандислик масалаларини ечиш доирасида аниклади ва тахлил килди. Масалан, сезги органлари жуда кичик бўлган ҳашоратлар, тез ва кўп ҳаракатланиб энергияни кам сарфлаши, тез таъсиrlаниши, танловчанлиги ва ўз-ўзини бошқара олиши кабилар олимлар фикрини жалб этади ва техникага кўллаш усуllibари хакидаги фикрларни туғдиради.

Ҳозирги вактда жуда кўп курилмалар ҳайвонот ва ўсимлик оламининг тузилишига асосланган холда ишлаб чикилмоқда.

Хаётий жараёнларни бошқаришда физиологик фаол моддаларни роли ниҳоятда ортиб бормокда. Шунинг учун биологлар биологик фаол моддалар гормонлар, витаминлар, антибиотиклар, оксиллар хосил қиласидаган микроорганизм штаммларини яратиб ген ва хужайра мухандислиги усуllibарини кўллаб инсоният учун зарур бўлган моддаларни синтез килиб олмоқда. Бунга мисол килиб ҳозирги вактда ичак таёқчаси бактерияси генотипига инсулин синтезини бошқарувчи ген киритиш оркали инсулинни синтез килиш йўлга кўйилган. Бу жараёнлар биотехнологияда кенг кўлланилмоқда.

Инсоният, замонавий генетика ва биотехнология ютукларига таяниб, хоссалари олдиндан маълум бўлган микроорганизмларни штаммларини яратадиган бўлди. Микроорганизмлардан ва ҳайвонлар учун зарур бўлган

витаминлар, антибиотиклар ва бошқа гормонлари ишлаб чиқилмоқда. Бу биопрепаратларни саноат усулида ишлаб чиқиш йўлга кўйилиб, ҳайвонлар озукасига кўшиб берилмоқда. Микроорганизмлар ёрдамида ҳайвонлар маҳсулдорлигини ошириш, ўсимликларни ўсиш ва ривожланишини тезлаштириш, ҳосилни ҳамда ўсимликларни касалликларга чидамлигини ошириш усуллари йўлга кўйилган. Ген инженерияси усуллари кўлланиб кўсак куртига чидамли гўза ва коларадо кўнгизига ҳамда пестицидларга чидамли ўсимлик навлари етиштирилган.

Биология фанининг янги соҳаси-космик биология коинотдаги ҳаётнинг шакллари, тарқалиши ва унинг ҳусусиятлари кандай, ўзга сайёralарда ҳаёт нишоналари бор ёки йўқлиги ҳақидаги оламшумул саволларга жавоб бериши кутилмоқда.

Биология фани эришган ютукларини ишлаб чиқаришга жорий килинган сари одамлар учун биологик таълим профессионал тайёргарлик элементи бўлиб колади. Умумий техника тараққиёти билан бирга уларнинг ихтисосла-рига бўлган талаблари ҳам ошмоқда. Ўкувчилар ўсимликшунослик, баликчи-лик, ўрмончилик, чорвачилик, қишлоқ хўжалигининг турли соҳалари учун зарур билимларни эгаллаш ғоят зарурлигини сезмоқдалар ва эгалтамоқдалар. Шундан кўриниб турибдики, ўрта мактабда биология таълими касбга йўналтирилган характеристерга эга бўлмоги ва у ёш авлоднинг ижтимоий фойдали ҳамда унумли меҳнатдаги иштироки билан boglaniши лозим. Бу йўналиша олиб борилган ишлар фермер хўжаликлирида, кўкаламзорлаштиришда, янги фойдали қазилмаларни, ўсимликларни кидириб топишда, доривор ўсимликлар тўплашда ва бошқа ижтимоий фойдали ишларда амалга оширилади. Ўқитишининг амалий масалаларига эътиборни каратиш назарий билимларни чуқурлаштиришга ёрдам килади ва табиат, қишлоқ хўжалиги билан boglik мактаб ўкувчиларига касб танлашларига имкон беради.

Биологик таълим мазмуни ўкувчиларнинг аклий, ахлокий, эстетик, гигиеник, жисмоний, иктисолий, меҳнатсеварлик, экологик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, миллий истиқлол гоясини улар онигига сингдиришда бой имкониятларга эга. Шунга кўра ўқитувчи хар бир мавзу мазмуни билан узвий боғлиқ ҳолда, уларни тарбиялашга ўз дикқат-эътиборини каратмоғи лозим. Биологияни ўрганиш меҳнатга муҳаббат ва хурматни, меҳнатни инсониятнинг барча моддий ва маънавий бойликларининг манбаи сифатида эътироф этишни тарбиялаш учун кенг имкониятлар беради.

Биология курсини ўрганиш тўғри йўлга кўйилиши, ўкувчилар томонидан таълим муассасасини тамомлаб чиққандан кейин ҳам мустакил равишида маълумот олиш йўли билан билимларни тинмай янгилаб бориш эҳтиёжини туғдирали ва ривожлантиради.

Хозирги замон кишисининг ҳаётини тирик табиат тўғрисидаги илмий билимларсиз тасаввур этиб бўлмайди, чунки унинг ҳаёти ўсимликлар ва ҳайвонот олами билан буткул боғланган. Ўсимликлар – органик ҳом ашё ва энергия олиш, ҳайвонот дунёси ўз навоатида турли хил озиқ-овкат ва саноат ҳом ашёсининг манбаи бўлиб хизмат килади. Табиий бойликлардан

мохирона фойдаланиш ва уларни кўпайтириш халк ва давлат фаровонлигини юкорига кўтариш учун хизмат қиласди.

Биологик таълим ўкувчиларда илмий дунёкарашни тарбиялаш имконини беради. Ўкувчилар биологик таълим олиш жараённада табиат фактлари ва ходисаларини ўзаро боғланишда, харакат, ўзгариш ва ривожланиш ҳолатида тушунишга ўрганадилар. Биологик таълим кўп жихатдан ёш авлодни эстетик тарбиялашга ёрдам беради. Ажойиб манзара ёш рухнинг ривожланишига шу қадар улкан дараҷада тарбиявий таъсир кўрсатадики, педагогнинг таъсири у билан тенглаша олмайди. Биологияни ўрганишда эстетик тарбияга барча ўкув тарбия жараённинг узвий кисми сифатида каралади. Илмий идрок килиш эстетик қабул қилиш ва хиссиятларни ўз ичига олади.

Биологик таълим инсоннинг калби ва аклига ижобий таъсир қилиш учун хамма имкониятларга эгадир. Табиатни идрок қилиш у билан якинроқ танишаётган кишига жуда катта хузур бахш этади. Табиат воситалари билан эстетик тарбия бериш ёш авлоднинг умумий эстетик тарбиясига кўмаклашади. Табиатни севиш – катта ва мураккаб туйғудир. У юксак қалб ва акл доираларини қамраб олади ва одамнинг онгли маънавий ҳаётининг асосий томонини ташкил этади. Бу туйғу кўп жихатдан ватанпарварлик хисларига монанд келади. Жонажон табиатга бўлган мухаббат билан бирга ёш авлодга жонажон ўлкага, жонажон мамлакатга кўйилган меҳр ўсади. У бевосита болаликда, мактаб йилларида туғилади. Улғайиш ва етуклик меҳр мухаббатни хис этишига олиб келади ва уни мустаҳкамлайди.

Биологик таълим бутун ёш авлодни табиатга тўғри ва онгли муносабатда бўлишга олиб келади, унга нисбатан таъсирчан мухаббатни тарбиялайди, табиатнинг чиройини идрок этишдан ташқари уни мухофаза қилиш, асрар, табиат бойликларини ўз кўллари билан яратиш ва кўпайтиришга ўргатади. Буларнинг барчасига биологик конуниятларни чукур ва онгли равишда ўзлаштиргандагина эришиш мумкин.

Шундай қилиб, биологик таълимнинг шахс ривожланишида куйидаги аҳамияти мавжуд:

1. Ўкувчиларни биология ўкув фани асослари билан таништириб, уларнинг ДТС билан меъёрланган билим, кўникма ва малакаларни эгаллашига, улардан мустакил хаётда ва амалиётда фойдаланишга замин тайёрлайди.

2. Ўкувчиларни улуғ алломаларнинг маънавий мероси, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган хиссалари билан таништириш орқали уларнинг онги ва калбига миллий истиқбол гояси сингдирилади.

3. Ўкувчиларнинг илмий дунёкарашини шакллантириш, маънавий-ахлоқий, аклий, жисмоний, гигиеник, жинсий, иктисодий, экологик, эстетик, меҳнат тарбиясини амалга ошириш, касбга йўллаш орқали шахснинг баркамоллигига муайян хисса кўшади.

4. Ўкувчиларнинг ўзи ва ўзгаларнинг саломатлигини асрар, соглом турмуш тарзи кўникмаларини эгаллаш, жамиятдаги иллатларга карши кураш гоялари сингдирилади.

5. «Соғлом авлод» Давлат дастури, табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари билан танишириш ва уларни амалга оширишда фаоллиги таъминланади.

6. Жаҳон миқёсидаги глобал, минтақавий ва маҳаллий экологик муаммолари, уларни бартараф этиш йўллари билан таниширади.

7. Ўсимликлар ва ҳайвонларнинг табиатдаги ва инсон ҳаётидаги аҳамияти, табиий экологик системаларнинг қонуниятлари билан танишириш орқали табиатга нисбатан онгли муносабат таркиб топтирилади.

### **Талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш саволлари**

1. Биологик билимларнинг инсон ҳаётида тутган ўрнини аникланг.
2. Ўқувчиларни тарбиялашда биологик таълимни қандай аҳамияти бор?
3. Нима учун биология фанини ишлаб чиқарувчи кучларнинг бири деб аташ мумкин?
4. Биологик таълимнинг шахс ривожланишида тутган ўрнини изохланг.

## **2-Боб. БИОЛОГИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИННИГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ**

Ҳар бир фаннинг объекти, предмети, илмий-тадқиқот мәтодлари бўлар экан, у фан бўлиб шакллангунга қадар муайян тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтади.

✓ Биология 1931-йилга қадар табиий фанлар таркибида ўқитилган ва уни ўқитиш табиатшуносликни ўқитиш методикаси деб аталган.

1931-йилдан бошлаб биология ўқитиш методикаси алоҳида мустакил фан сифатида вужудга келган ва шу кунга қадар ривожлантирилиб келинмоқда.

Шу сабабли, биология ўқитиш методикасининг ривожланиш тарихи табиатшунослик ва уни ўқитиш методикасининг вужудга келиши ва ривожланишига баглий.

Инсоният жамиятининг асосий конунларидан бири, тўпланган билим, қўйнма, малака ва тажрибаларни ёш авлодга етказиш саналади.

Табиатни ўрганиш, ундаги ҳодисаларнинг моҳияти, объектларга хос хусусиятларни аниклаш, тирик организмларда борадиган хаётий жараёнлар, табиатдаги ва инсон ҳаётидаги аҳамияти бўйича тўпланган билимлар ёш авлодга ўргатиш азалдан бошланган.

Табиат конуниятларининг кашф этилиши, илмий фаразлар, оламни ўрганиш методларининг ишлаб чиқилиши табиатшунослик фанининг вужудга келишига замин яратди.

Шу сабабли аввал табиатшунослик фанининг вужудга келиши, унга баглий ҳолда таълим муассасаларида табиатшуносликни ўқитиш методикасининг шаклланиш тарихини ўрганиш массадага мувофиқ.

### **2.1. ШАРҚ ЎЙГОНИШ ДАВРИДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ**

1. Уйғониш даври.
2. Абу Наср Форобийнинг таълим-тарбия ҳакидаги карашлари.
3. Абу Райхон Берунийнинг таълим-тарбия ҳакидаги карашлари.
4. Абу Али ибн Синонинг таълим-тарбия ҳакидаги карашлари.

Тарих зарваракларининг гувохлик беришича, Милоддан кейин Европада табиий фанлар инкирозга учраган бир пайтда, IX-XV асрлар давомида Марказий Осиёда маданият, илм-фан бекиёс ривожлана борди. Айникса, табиий фанларга қизиқишлир кескин орта бошлади. Ўша тарихий даврда ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, ал-Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек каби буюк олимлар дунёга келди. Уларнинг илмий изланишлари ва маънавий мероси таъсирида дунёвий илмлар ривожланди. Ўша улуғ мутафаккирлар инсон маданий-маърифий карашларини ўстиришда ўз даврида ва хозирги кунда ҳам мухим аҳамият касб этади, улар инсон камолотига доир бекиёс таълимот яратганлар.

Шу сабабли ҳам Марказий Осиёнинг IX-XV асрларда ижод килган буюк алломалар Европанинг XVI-XVIII асрларида яшаган олимларининг муносиб ўтмишдошлари саналади.

Бу хакда рус академиги Юрий Крачковскийнинг «Европада вужудга келган ва ривожланаётган жаҳон цивилизацияси Ўрта асрларда Марказий Осиёда вужудга келган цивилизация бешигида катта бўлган» деган фикрини эслаш ўринли.

Бўлгуси биология ўқитувчилари Марказий Осиёнинг IX-XV асрларда ижод килган буюк алломаларнинг маънавий меросларини кунт билан ўрганишлари, табиий фанлар ривожига кўшган хиссаларини аник билишлари, бу маълумотлардан келгуси педагогик фаолиятида фойдаланиш оркали ўқувчилар онги ва қалбига миллий истиқбол гоясини сингдириш ўйларини белгилаши лозим.

Буюк алломалар яшаган даврда араб тили илмий ва алоқа тили эди. X аср ўрталариға келиб, форс-тоҷик тилида ҳам иш юритила бошланди. Бу даврда Бухорода китоб дўконлари бўлиб, унда йирик олимлар ва фозил кишилар учрашиб, илм-фан тўғрисида турли хил баҳслар юритишар эди. Абу Али Ибн Сино китоб дўкондаридан бирида Форобийнинг Аристотель «метафизика» сига ёзган шархларини сотиб олганлиги фикримизнинг ёркин исботидир.

XI асрда Хоразмда илм-фан айникса ривожланди. Хоразм шохи Маъмун ўз саройига эзиг забардаст олимларни таклиф этади. У ташкил этган «Байтул хаким», «Донишмандлар уйи» да комусий олимлар Беруний, Ибн Сино, Абу Наср ибн Ирок каби олимлар ижод билан шуғуландилар. Бу кейинчалик «Маъмун» академияси номи билан дунёга машҳур бўлган.

Шарқ «Уйғониш даври» да илм-фан ривожланиши уч йўналишда бўлди.

Биринчи йўналиш математика-тиббиёт йўналиши бўлиб, буларга математика, астрономия, кимё, география, минералогия, тиббиёт, доришунослик каби фанлар киритилиб, ал-Хоразмий, Ахмад Форобийлар математикага, ибн Сино тиббиёт ва фалсафа, Беруний табиётга оид, Журжоний тиббиёт ва фалсафага оид йирик асарлар яратдилар.

Иккинчи йўналиш ижтимоий-фалсафий йўналиш бўлиб, бунда фалсафа, тарих, мантик, руҳшунослик, нотиклик ва бошка фанлар бўлиб, бу соҳада Форобий, ал-Киҳдий, Ибн Сино, Мухаммад Наршахий кабилар фаолият кўрсатган.

Учинчи йўналиш таълимий-аҳлоқий йўналиш бўлиб, бу соҳада комусий олимлар ўз карашларини ижтимоий-фалсафий ва илмий асарлари таркибида ёки аҳлоқий асарларида баён этганлар.

Шарқ Уйғониш даврида инсон муамоси маънавий соҳадаги асосий масала бўлган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия масаласига катта зътибор берилган. Яратилган асарларда шаркка хос бўлган инсоннинг аҳлоқий-руҳий камолотини улуғлаш етакчи ўрин тутган. Мазкур таълимий-аҳлоқий асарларда инсоннинг маънавий камолга етиши юксак хулк-одоб, илм-фанни эгаллаши асосидагина амалга ошиши мумкин деган гоя илгари сурилган.

Илмий билимга асосланувчи метод шаклланди, натижада аклий тарбия олимлар эътиборида бўлган. Хоразмий, Форобийлар бу методни асослаб беришган буюк мутаффаккирлар эди. Табиат ва унга боғлиқ таълим тарбияни ривожлантириш бўйича Форобий, Беруний, Ибн Синоларнинг қарашлари алоҳида аҳамиятга эга. Булар ҳақида кискача тўхталиб ўтамиз.

**Абу Наср Форобий** – ўрта аср шарқининг машҳур мутаффакири, қадимги Юонон фалсафасининг Шарқдаги энг йирик давомчиси ва тарғиботчисидир. Форобий қадимги юонон илмининг чукур билимдони бўлган, унинг Шарқда тарқалиши ва ривожига катта хисса қўшгани туфайли уни – «Шарқ Аристотели» - «Муаллими Соний» - «Иккинчи муаллим» (биринчи муаллим Аристотель) деб атайдилар.

Форобий таълим – тарбияга багишланган асарларида таълим тарбиянинг мухимлиги, унда нималарга эътибор бериш зурулиги, таълим-тарбия усуллари ва услуби ҳақида фикр юритади. «Фозил одамлар шахри», «Бахт-саодатга эришув тўғрисида», «Ақл маънолари» каби асарларида ижтимоий-тарбиявий қарашлари ўз ифодасини топган.

Форобий «Бахт-саодатга эришув тўғрисида» асарида билимларни ўрганиш тартиби ҳақида фикр баён этган. Унинг таъкидланишича, аввал билиш зарур бўлган илм ўрганилади, бу олам асослари ҳақидаги илмидир. Уни ўргангач, табиий билимларни, табиий жисмларни тузилиши, шаклини, осмон ҳақидаги билимларни ўрганиш лозим. Ундан сўнг, умуман, жонли табиат ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақидаги илм ўрганилади, дейди.

Форобий таълим-тарбияяга биринчи марта таъриф берган олим саналади. Таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш, тарбия-назарий фазилатларни, маълум хунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ нормаларни ва амалий малакаларини ўргатишдир, дейди олим.

Форобий мазкур асарлarda ахлокий фазилатларга тўхталиб ўз фикрларини баён этади. Ахлокий фазилатлар деганда, шахснинг билимдонолиги, донолиги ва мулоҳазали бўлиш, вижданлилик, камтарлик, кўпчилик манфаатини юкори қўйиш, ҳақикат, манавий юксакликка интилиш, адолатлилик каби хислатларни тушунди. Аммо бу хислатларнинг энг мухими ҳар бир инсоннинг билимли, маърифатли бўлишидир. Шунинг учун Форобий ахлок тушунчасига ақл билан узвий боғлиқ холда тафаккурга асосланган ахлок асосида карайди.

Форобийнинг талим-тарбия йўллари, усуллари, воситалари ҳақидаги қарашлари ҳам кимматлидир. У инсонда гўзал фазилатлар икки йўл – таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Таълим назарий фазилатларни бирлаштиrsa, тарбия назарий ва амалий фазилатларни бирлаштиради, ҳар иккаласи бирлашса, етуклик намоён бўлади дейди. Форобий таълимда барча фанларни назарий асослари ўрганилса, тарбияда маънавий ахлоқий қоидалар, одоб меъёрлари ўрганилади, касб – хунарга оид малакалар ҳосил қилинади, деб уктиради.

Форобий таълим-тарбияяда рағбатлантириш, одатлантириш, мажбур этиш методларини илгари сурган. Ҳар икки усул ҳам инсонни ҳар камол

тамойилга етказиш максадини кўзлайди. Форобийнинг таълим-тарбия ҳакидаги қарашлари ҳозирча ўз аҳамиятини саклаб келмоқда.

**Абу Райхон Беруний** – жаҳон фанининг тараққиётига фоят улкан хисса қўшған зўр истеъод эгаси ва тадқикотчи эди. Унинг ўлмас илмий асарлари жаҳон фани тараққиётида бениҳоя юксак аҳамиятга моликдир. Берунийнинг йирик асарларига «Минералогия», «Хиндистон», «Геодезия», «Ўтмиш ёдгорликлари», «Сайдана» кабиларни олиши мумкин.

Беруний ҳар бир яратган асарнинг киши руҳиятига, қобилиятига мос, уни толикирмайдиган бўлишига эътибор беради.

Бу ҳақда Беруний куйидагича ёзади: «Бизнинг максадимиз ўқувчини толиқтириб қўймаслиқдир. Ҳадеб бир нарсани ўқий бериш зерикарли бўлади. Агар ўқувчи бир масаладан бошқа бир масалага ўтиб турса, у худди турли-туман боғ-роғларда сайр килгандек бўлади, бир боддан ўтар-ўтмас, бошқа боғ бошланади. Кейин унинг ҳаммани кўриш ва томоша килгиси келади». Берунийнинг илмий билимларини эгаллаш ўйлари, усуслари ҳакидаги фикрлари ҳозирги даврда ҳам долзарбdir.

Олимнинг фикрича ўқувчига билим беришда:

- ўқувчини зериктирмаслик;
- билим беришда бир хил нарсани ёки бир хил фанни ўргатавермаслик;
- узвийлик, изчилик;
- янги мавзуларни, қизиқарли, асосан, кўргазмали баён этиш керак деб уқтиради.

Билим олишида тушуниб ўрганиш, илмий тадқикотчининг покликка риоя этишига алоҳида эътибор беради, жамиятнинг равнаки маърифатнинг ривожига боғлик деган гояни илгари суради.

Абу Райхон Беруний билим олишини ахлоқий тарбия билан боғлади. Зоро, инсонда комилликнинг муҳим мезони юксак ахлоқлиқдир.

Беруний инсон ҳар томонлама камолга етиши учун у илмли бўлиши билан бирга меҳнатсевар ва хунар ёгаси бўлиши ҳам керак дейди. У инсон камолотида уч нарса муҳимлигини таъкидлайди. Бу ҳозирги давр педагогикасида ҳам эътироф килувчи ирсият, муҳит, тарбиядир. Маълум бир даврда инсон камолотига ирсият, муҳитнинг таъсирини инкор этиб, факат тарбияни тан олдилар. Лекин Беруний ўз замондошлари - Форобий, Ибн Синолар каби инсон камолотида ҳар учаласини ҳам муҳим деб хисоблади. Яъни у инсоннинг камолотга етишида илму маърифат, санъат ва амалиёт асосий рол ўйнасада, насл-насад, ижтимоий муҳит ва ижтимоий турмуш конуниятлари ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Беруний назаридаги инсон камолга етишнинг энг муҳим омиллари илм-маърифатли бўлиши ва юксак ахлоқлиқдир. Беруний илмий билимга оид, таълим методлари ҳакидаги қарашлари билан таълим назариясида ўзига хос мактаб яратади. Берунийнинг ҳам табиий, ҳам ижтимоий фанларни қамраб олган 150 дан ортиқ асари мавжудлар.

**Абу Али Ибн Сино** – бутун мусулмон Шарқнинг улкан комусий акли, жаҳон илми ва маданиятининг энг машҳур намоёндаларидан биридир. Ибн

Сино ўрта аср фанининг турли соҳалари фалсафа, тиббиёт табиатшунослик, бадиий адабиёт бўйича ёзган асарлари билан ўчмас из қолдирган, у ўз даврида «Олимлар раиси» унвони билан тақдирланди. Унинг йирик асарларига қуидагиларни киритиш мумкин «Тиб конунлари», «Аш-Шифо», «Ал-Қонун», «Ан-Нажот», «Донишнома» ва бошкalar.

Иbn Сино ўзининг таълим-тарбияга оид карашларини ижтимоий-фалсафий карашлари билан боғлиқ ҳолда ифодалаган ва маҳсус рисолаларда талкин килган. Шунингдек фанларни тасниф этган ва бунда у биринчи ўринга тиббиёт фанларини қўйган.

Иbn Сино билим олишда болаларни мактабда ўқитиш зарурлигини қайд этар экан, таълимда қуидаги томонларга риоя килиш зарурлигини тъқидалайди:

- болага билим беришда бирданнiga китобга банд килиб қўймаслик;
- таълимда енгилдан оғирга бориш орқали билим бериш;
- ўқитишида жамоа бўлиб мактабда ўқитишига эътибор бериш;
- билим беришда болаларнинг кизикиши ва кобилиятини ҳисобга олиш;
- ўқитишини жисмоний машқлар билан кўшиб олиб бориш;

Бу талаблар ҳозирги давр тамойилларига ҳам мос келиши билан кимматлидир.

Иbn Сино ўқитувчининг қандай бўлиши кераклиги тўғрисида катор фикрларни баён этади. Улар қуидагилардир:

- болалар билан муомулада босик, жиддий бўлиш;
- берилаётган билимни талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш;
- таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиш;
- талабанинг хотираси, билимларини эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиши;
- фанга қизиктира олиш;
- берилаётган билимларни энг муҳимларини ажратиб бера олиш;
- билимларни талабларга тушунарли, унинг ёши, аклий даражасига мос равишда бериш;
- ҳар бир сўзнинг болалар хиссиётини уйготиш даражасида бўлишига эришиш зарур, дейди олим.

Иbn Сино таълимотида ўқитишида қайси методлардан фойдаланимасин у талабада ҳакикий билим хосил килиш, мустакил ва мантикий фикрлаш кўниқмаларини ривожлантириш, олган билимларини амалиётга тадбиқ эта олиш қобилиятини таркиб топтириш асосий мақсад бўлган.

Иbn Сино аклий ахлоқий тарбия билан бир каторда инсон камолотида жисмоний тарбиянинг муҳим аҳамиятини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатидан таҳлил килади.

Иbn Синогача инсоннинг камолга етишида жисмоний тарбиянинг таъсири ҳақида бизларда бир яхлит таълимот яратилмаган эди.

Жисмоний машқлар, тўғри овқатланиш, уйку, баданни тоза тутиш, тартибга риоя этиш, инсон соғлигини саклашда муҳим омиллардан эканини ҳам илмий ҳам амалий жиҳатидан асослади.

Хулоса қилиб айтганда, Ибн Синонинг таълим-тарбиявий қарашларида инсоннинг ҳам аклий, ҳам ахлоқий эстетик ҳамда жисмоний томондан ривожланиши унинг камолга етишининг асосий мезони сифатида талқин этилади.

### **Талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш саволлари**

1. Уйғониш даврида таълим-тарбиянинг ривожига қайси олимлар хисса күшган?
2. Уйғониш даврида табиат фанлари соҳасида қайси олимлар илмий изланишлар олиб борган?
3. Ал-Форобий таълим-тарбия түғрисидаги қарашлари нималардан иборат:

  4. Берунийнинг йирик асарларида таълим-тарбия түғрисида қандай гоялар илгари сурилган?
  5. Нима учун Форобийнинг «Иккинчи муаллим» деб аташган?
  6. Ибн Синонинг йирик асарларини санаб беринг.
  7. Ибн Сино асарларида таълим-тарбия ҳакидаги қандай қарашлар мавжуд?
  8. Ибн Сино ўқитувчи учун қандай тавсиялар берган?

## **2.2. БИОЛОГИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИННИГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ**

1. Табииётшунослик ўқитиш методикасининг дастлабки даври.
2. Табииётшуносликниң мактабларда ўқитиш ва унинг методикаси.
3. XX асрда биология ўқитиш методикасининг ҳолати.
4. Туркистон жадидчиллик ҳаракатида таълим ва тарбия.
5. Ўзбекистонда биология ўқитиш методикаси.
6. XXI - асрда биология ўқитиш методикасини ривожлантириш истиқболлари

### **Асосий тушунча ва таянч сўзлар**

Табииётшунослик ва биология ўқитиш методикаси. Мактаблардаги табииёт ўқув фанлари. Мактаблардаги биология ўқув фанлари. Биология ўқитиш методикасига оид дарслар, жиҳозлар.

Табииётшунослик, хусусан биология ўқитиш методикасининг тарихини ўрганиш бўлғуси биология ўқитувчилари аввалги мавзуларда қайд этилган биологияни ўқитишининг асосий муаммоларини ҳал қилиш ва амалиётга жорий этиш масалаларни жамият ривожининг турли босқичларида амалга ошириш билан боғлиқ бўлган илмий-тадқикот ишларининг мазмуни билан танишиш имконини беради.

Маълумки, таълим муассасаси ўкув режасига муайян табиатшунослик ўкув фанининг киритилиши, ўқитувчи-методистлар томонидан қуидаги муаммолар:

1. Табиий фан билан ўкув фани ўртасидаги тавофтун аниглаш;
2. Ўкув фани структураси, яъни қайси бўлимлардан иборат бўлишини белгилаш;
3. Ўкувчиларнинг ёш ва психолигик хусусиятларини инобатга олган холда ўкув материали мазмунини саралаш;
4. Ўкув материали мазмунини ёритиш имконини берадиган ўқитиш методлари, воситалари ва шаклларини танлаш;
5. Жамиятда ҳукм сурاء́тган гоя, ўкув муассасасининг мақсади ва вазифларини эътиборга олган холда ўкув фани орқали таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни амалга ошириш йўлларини белгилаш ва муайян методик тавсиялар яратиш;
6. Фан ривожи, қўлга киритилган ютуклардан ўқитиш жараёнида фойдаланиш, яъни ўкувчиларни фан янгиликлари билан таништириб боришни ҳал этишни тақозо этади.

Табииётшунослик ўқитиш методикаси ривожининг турли босқичларида ушбу муаммолар турлича ҳал этилган.

Шу сабабли, табииётшунослик ўқитиш методикаси тарихи даврларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофик.

### **1. Табииётшунослик ўқитиш методикасининг дастлабки даври**

Европа мамлакатларида табииётшунослик мактабларга ўкув фани сифатида XVIII аср охирида киритилган. Бу соҳада дастлабки дарсленикни В.Ф.Зуев ёзган. Унинг дарслиги «Анорганик табииёт», «Ўсимликлар дунёси», «Хайвонлар дунёси» каби бўлимлардан ташкил топган. Биринчи бўлим тупрок, тошлар, тузлар, ёнилги моддалар, тошга айланган организмлар ҳакида, ўсимликлар дунёси бўлимида эса ўсимлик органларининг тузилиши, ҳар хил ўсимликларнинг таснифи, инсон ҳаётидаги аҳамиятига оид билимлар берилган.

Зоология бўлимида айрим хайвонларнинг ташки киёфаси, ҳаёт кечириши хикоя килинади.

В.Ф.Зуев дарслигида ўсимликлар, хайвонлар морфологияси, системасидан ташкари экологияга оид маълумотлар бор. Дарсликда табиий, тасвирий кўргазмали қуроллардан фойдаланиш ҳақида ҳам фикр билдирилган.

Дарсликда 148 хил ўсимлик ва 157 хил умурткали хайвонлар таърифланган ва содда тилда ёзилган. Дарсликнинг мантикий тузилиши оддийдан мураккабга томон, инсонлар учун аҳамиятли бўлган ўсимлик ва хайвонларга жозибали таъриф берилган.

Ушбу дарсликда фан билан ўкув фани ўртасидаги тафовут белгиланган ва ўрганиш обьекти методик жиҳатдан тўғри танланган эди.

Дарсликнинг ўқитувчилар учун мўлжалланган кириш кисмida ўқитиш методикасига доир кўрсатмалар, жумладан, дарсларни сухбат тарзида, кўргазма воситаларини намойиш килиш орқали ташкил этиш тавсия килинган.

В.Ф.Зуев ўқитишида кўргазмаликнинг аҳамиятини англаган ҳолда дарсликнинг 2-қисмига илова шаклида «Табиат тарихига оид шаклар» дейилган атлас нашр этади. Мазкур атлас жами 193 та расм ва суратларни ўзида жамлаб, дарс давомида ўқувчиларга тарқатма материал сифатида тарқатиш кўзда тутилган.

В.Ф.Зуев дарсликдан ўрин олган минераллар ва ўсимликлар табиий ҳолда намоноиши этиши зарурлигини уқтирган.

В.Ф.Зуев табиётшунослик дарслигини тайёрлаш билан бир каторда, ўқитиши методикасига доир муайян, ўша давр учун аҳамиятли бўлган методик тавсияларни яратиш орқали табииётшунослик ўқитиши методикасини бошлаб берди ва шу сабабли мазкур фаннинг асосчиси саналади.

Биология фанида К. Линнейнинг «Табиат системаси» кенг таркалганлиги сабабли, рус подшоси Александр I гимназияларда табииётшуносликни фан даражасига мослаб ўқитиши тавсия этади.

Олимлар томонидан В.Ф.Зуев томонидан ишлаб чиқилган методик тавсияларга амал қилиш, табииётшунослик ўқитиши методикасининг ривожига муайян хисса кўшишга олиб келарди, лекин XIX асрда подшо кўрсатмаси асосида нашр килинган А.Ш.Теряевнинг «Ботаника» дарслиги ўқувчилар учун тушунарли бўлмади.

1828-1852 йиллар мобайнида Россияда таълим соҳасида ислоҳ ўтказилиб табииётшунослик ўқув фани мактаб режасидан олиб ташланди.

Кейинчалик 1853 йилдан бошлаб мактабларда қайта «Табиат хақида умумий тушунча», «Зоология», «Ботаника», «Минералогия», «Одам анатомияси ва физиологияси» каби фанлар ўқитила бошланди.

Мазкур ўқув фанлар бўйича ёзилган дарсликлар ҳажми нихоятда катта бўлиб, уидаги ўқув материаллар жуда мураккаб бўлгани сабабли ўқувчиларда хеч кандай кизиқиши уйғотмади. Факат В.И.Даль томонидан ёзилган ботаника дарслиги экология ва табииатни муҳофаза қилиш бўйича бой маълумотга эга бўлгани учун у тушунарли бўлиб ўқувчиларда шу фанга нисбатан кизиқиши уйғота олди.

## 2. Табииётшуносликни мактабларда ўқитилиши ва унинг методикаси.

XIX асрнинг иккичи ярмига келиб Ч.Дарвиннинг органик олам эволюцияси тўғрисидаги таълимоти эълон килингандан кейин олимлардан А.Н.Бекетов, К.А.Тимирязев мактаб табииётшунослик ўқув фанини асосий вазифаси ўқувчиларниң мантиқий тафаккурни ривожлантириш ва тарбиялашдан иборат эканлигини эътироф этдилар.

А.Н.Бекетов ўқувчиларнинг мустақил равишда мантиқий тафаккурни ривожланишида табииётшунослик мухим аҳамиятга эга эканлигини қайд килади. У табииётшуносликни ўқитишида кўргазма куроллардан кенг фойдаланиш, тажрибалар олиб бориш нихоятда мухим эканлигини таъкидлайди.

А.Н.Бекетовнинг ишларини ўрганиш, олим томонидан ўқитиши методикасининг ушбу кундаги мухим муаммолари, жумладан:

- Ўкувчиларда мустакил фикрлаш ва тафаккурни тарбиялаш;
- Мустакил ишларни ташкил этиш орқали ўкувчиларда кузатувчанликни ривожлантириш;
- Ўқитишида индуктив ва дедуктив методларни уйғунлаштириш, ўқитиши методларининг таълимий ва тарбиявий аҳамияти;
- Ўкув фани тирик организмларнинг морфологияси, анатомияси ва физиологиясига оид материалларни синтезидан иборат бўлиши кабиларни ҳал этишга асосланган.

А.Н.Бекетовнинг ўқитиши соҳасидаги фикрлари кўп жиҳатдан немис табииётшунос педагоги Август Любен (1804-1873) карашларини эслатади. Табииётшуносликга багишланган унинг дарслигида бу фанинг тарбиявий аҳамияти, хусусан, ўкувчилар олиб борадиган мустакил ишларда, экспурсияларда уларни тадқикот ишлар ўтказиш кўнимкамларини хосил этиш лозимлиги таъкидланади. А.Любен методи бўйича ўкувчилар аввало органик оламнинг алоҳида вакиллари билан маҳаллий обьектлар мисолида танишишлари керак. Бунда иложи борича табиий ўсимликлар, хайвонлар билан бошқа ҳолатларда эса уларнинг яхши ишланган тасвирлари билан машғулот олиб бориш лозимлиги уқтирилади. Ўкувчилар ўқитувчи таклиф этган режа асосида мустакил ўкув материалларини ўрганишлари бунда оддийдан мураккаб, маълумданномалум томон йўналиш яъни индуктив метод асосий ўрин эгаллаши керак. Бирок мактабларда кўргазмали воситаларнинг камлиги А.Любеннинг илгор методик кўрсатмаларини жорий этишга тўскинилик килди.

Бундан ташкари А.Любен дарслигида диккат зътибор факат ўсимликлар морфологияси ва систематикасига қаратилганлиги табиийки педагогик жамоатчиликни каноатлантирумас эди. Бу эса ўз навбатида табииётшуносликнинг мазмунига мос бўлган янги педагогик муаммоларни ҳал этиш зарурлигини кўрсатарди.

Табииётшунос педагог А.Я.Гердинг (1841-1888) фаолияти ана шу муаммоларни ҳал этишга қаратилди.

А.Я.Герд фикрича Любен табииётшунослигининг энг катта камчилиги унинг мазмунини замон талабларига мос эмаслигидир.

А.Я.Герд XIX асрнинг табииётшуносликнинг йирик методисти саналади. Унинг кайд этишича мактаб табииётшуносликнинг асосий максади ўкувчиларга ривожлантирувчи билим беришдан хамда билим олишдаги уларнинг мустақилларини тарақкий этдиришдан иборатdir.

А.Я.Герд фаолиятида дарсларда тажрибаларни намойиш килиш, экспурсиялар ўтказиш, амалий машғулотлар олиб бориш мухим ўрин тутади. Олимнинг кайд этишича, табииётшуносликнинг ўқитишидан кўзланган вазифа организмларнинг хилма-хиллиги билан танишишириш, уларнинг ҳаёти ёрутлик, ҳарорат, намлик, хаво тупрокка ва бошқа организмларга боғликлигини тушунтириш, табиатдаги сабаб билан оқибатнинг ўзаро боғликлигини идрок этишдан иборат бўлмоги керак.

А.Я.Герд Дарвин томонидан асосланган эволюцион назария таъсирида бўлган ва ўз дарслкларига эволюцион принципни жорий этган. У мактаб табииётшунослик курси:

- Анорганик дунё;
- Ўсимликлар дунёси;
- Ҳайвонот дунёси;
- Одам;
- Ер тарихи кабилардан тузилган бўлиши керак деб тъкидлайди.

А.Я.Герд ўқитиш давомида ўкувчиларда мустакил фикрлаш ва тафаккур, кузатувчанликни ривожлантириш, билишга бўлган кизиқишлигини орттиришга замин тайёрлайдиган ўқитиш методларини ишлаб чиқади ва биринчи ўринга қўяди. Ўша пайтда урф бўлган баён килиш методини танқил килади, бунда ўкувчиларнинг пассив, билимларни ўзлаштириш хотирлаб колиш билан боғлиқ бўлишини қайд этган.

А.Я.Герд ўқитишда асосий эътибор кузатиш ўтказиш ва тажриба қўйиш, муайян мавзуларда экспурсиялар ўтказиш, кузатилаётган обьектларга асосланиб, ўкувчиларни мулоҳаза юритиш, хуоса чиқариш ва билимларни умумлаштиришга ўргатиш лозимлигини кўрсатади.

Бундан ташкари, олим ўқитиш жараёнининг мухим таркибий кисмлари бўлган дарс, дарсдан ташкари ишлар, экспурсиялар ва синфдан ташкари машгулотларни узвий ташкил этиш юзасидан методик тавсиялар яратган.

А.Я.Герд фаолияти туфайли табииётшуносликни ўқитиш методикаси педагогика фанининг алоҳида илмий шахобчаси сифатида эътироф этила бошланди.

### **3.XX асрда биология ўқитиш методикасининг холати.**

#### **XX-асрнинг биринчи ярмида методикасининг умумий йўналиши.**

1902-йилда Л.С. Севрук томонидан нашр килинган “Бошланғич табииёт курсининг методикаси” китобига асосланди. Мазкур кўлланмада жонсиз табиат, ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамни ўрганишга доир дастлабки методик тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, унда ўқитишнинг асосий шакли бўлган дарсни ташкил этиш муаммолари, сұхбат-дарслари, хикоя методидан фойдаланиладиган дарслар, мавзулар бўйича ўкувчиларга бериладиган саволлар, саволларга таҳмин килинадиган жавоблар берилган эди.

Шунингдек, табииётшуносликни ўқитишда дарсларнинг жиҳозланишига эътибор қаратиш, препаратларни тайёрлаш, кузатиш ва тажрибалар қўйиш, ўкувчиларнинг мустакил иш топшириклари таърифланган.

Олимнинг фикрича, ўқитувчи мавзу мазмунига оид дарсда нимани хикоя килиш билан бир категорда, қандай хикоя килиш, нимани кўрсатиш билан бир категорда қандай килиб кўрсатиш, ўкувчиларни кўргазма. воситаларини факат кўриш билан, бир категорда уларни мулоҳаза юритишга эътибор қаратиши лозим.

Ўша пайтда Л.С. Севрук томонидан нашр килинган “Бошланғич табииёт курсининг методикаси” китоби кенг тарқалган ва ўқитувчилар томонидан эътироф этилган.

Ҳақикатан ҳам, Л.С. Севрук томонидан табииётшуносликни ўқитиш методикасига доир мухим масалалар кўтарилиб чиқилган ва ҳал этиш бўйича тавсиялар яратилган.

Табииётшунослик ўқитиш методикасига В.В.Половцов ҳам катта хисса кўшган. У 1907 йили “Табииётшуносликнинг умумий методика асослари” китобини нашр килиб, унда методикага оид билимлар системасини ёритди. Половцов дарсликка киритилган ўкув материал мазмуни биринчидан шакл билан функциянинг бирлигига, иккинчидан ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаёти уларнинг яшаётган мухити билан боғлик ҳолда ўрганилишига, учинчидан бой биологик маълумот берадиган организмларни ўрганишига асосланиши кераклигини таъкидлайди. Бу жараёнда олим амалий машгулотлар, эксперименталар низоҳатда мухим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтади. В.В.Половцов биринчи маротаба фан билан ўкув фани орасидаги ўхшашлик ва тафовутни очиб беради ва бу соҳада тадқиқот ишлар олиб бориш лозимлигини таъкидлайди. Табииётшунослик методикаси тарихида В.В.Половцов экологик билимлар ва биологик методни тарғиб килган олим сифатида юкори баҳоланади.

1917 йилдан бошлаб табииётшунослик фани биология фани деб атала бошланди.

Бу даврда Москва ва Петербург методистлари биология ўқитиш сависини ошириш, унинг таълим ва тарбиявий аҳамиятини очиб беришга харакат килдилар. 1920-1930 йиллар мобайнида биология ўқитишнинг асосий муаммоси бўлиб назария ва амалиётнинг бирлигини жорий этиш хисобланади. Буни амалга ошириш учун билимлар ва кўнинкалар яъни ўкув материали ўкув фанларга таксимланган, балки йил фаслларини эътиборга олиб долзарб мавзуларга, масалан «Табиат», «Қишлоқ билан шахарнинг боғликлиги», «Ердаги хаёт ва хаётий жараёнларнинг физик-химик асослари», «Экиш ва ўсимликларни парваришилаш» каби мавзуларга таксимланган эди. Бундай интеграллашган дастурлар табиий равишида ўкувчиларга системали билим берга олмас эди, шунга кўра ўкув материалыни лаборатория методи асосида ўрганиш тарғиб килина бошланди. Натижада ўкувчилар синф дарслари ўрнига табиатни кузатиш, таъжириба ўтказиш билан шугуллана бошладилар. Лаборатория методи ўкув дастурининг асосий максади меҳнат, табиат ва жамият комплексни ўрганишдан иборат бўлган. Бу интеграллашган ўкув дастурлари мактабларда ўқитиладиган ўкув фанлари орасидаги тўсикни бартараф килишга қаратилган эди. Лекин бундай интеграллашган ўкув дастурлари ўкувчиларга системали билимлар берга олмаслиги тезда маълум бўлиб колди.

Шунинг учун 1931-йилдан бошлаб ҳукуматнинг маҳсус қарори билан бошлангич ва ўрта мактаб ислоҳ килинди, таълим-тарбия беришнинг асосий ташкилий шакли даре бўлиши лозимлиги уткирилди. Шу пайтдан бошлаб мактабларда ботаника, зоология, одам анатомияси, физиологияси, дарвинизм каби ўкув фанлари мактаб режасига киритилди, ўкув дастурлари ва дарсликлиари яратилди, ҳамда мактаб хаётига жорий этилди.

**ХХ-асрининг иккинчи ярмида биология ўқитиш методикасининг ривожланиши.**

Биология ўқитиш методикасининг асосий муаммоси биология таълими мазмунини танлаш саналади.

Ўша даврда озик-овқат танқислиги муаммоси бўлгани учун биология таълими мазмунидан ўкувчиларни кишок хўжалиги ўсимликлари биологияси

асослари билан таништириш, қўлланиладиган агротехник тадбирлар, юкори хосил олиш системаси билан таништириш масалалари ҳам ўрин олган эди.

Мактаб биология таълимими якунлаш максадида ўкув режага киритилган 9-синфда ўқитиладиган «Дарвинизм асослари» ўкув фани Ч. Дарвин таълимоти билан бир каторда, кишлок хўжалиги ўсимликлари ва уй хайвонларининг янги навлари ва зотларини яратиш усуллари билан таништиради.

1930 йилдан бошлаб биология фанида Н.И. Вавилов ва Т.Д. Лысенко бошлиқ олимлар орасида кескин гоявий кураш кетди. Академик Т.Д. Лысенко бошлиқ олимлар жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари олимлари томонидан, хусусан, цитология, генетика, эволюцион таълимот соҳасидаги ютукларни тан олмадилар ва уларни «буржуазия олимларининг» ихтиорлари соҳта, гайри илмий деб эълон қилдилар ҳамда мактаб, олий ўкув юртлари биология дарсликлари мазмунига киритилишига тўскинлик қилдилар. Шунга кўра мактаб ва олий ўкув юртлар биология дарсликларида ўша пайтда кашф этилган куйидаги кашфиётлар:

1. Эволюция таълимотининг синтетик назарияси;
2. Политипик тур ва унинг таркиби;
3. Хужайра органоидларининг тузилиши ва функциялари;
4. Нуклеин кислоталарнинг тузилиши ва функциялари;
5. Хромосома назарияси;
6. Биосфера таълимоти;
7. Биогеоценоз таълимоти мактаб дарсликларида ўз ифодасини топмаган эди.

1964 йилга қадар мактаб дарсликларидағи билимлар биология фанининг 1930-40 йилларидағи ривожланиш холатини ёритиб келди. Ваҳоланки, дидактикалининг илмийлик принципига кўра мактаб ўкув фанлари ўз мазмунига кўра фаннинг кейинги ютукларини ўзида ифода килиши лозим эди.

Биология фани ютуклари биологик таълимнинг экологик, эволюцион йўналишини кучайтириш ва ўқувчиларда генетик саводхонликни таркиб топтириш максадида генетика, цитология ва экологияни ўқитиши самарадорлигини орттириш масаласини кўйди.

1950 йилда Н.М. Верзилин томонидан ва унинг раҳбарлигига биологик тушунчаларни таркиб топтириш ва ривожлантириш методикаси назарияси ишлаб чиқдил.

Биологик билимларнинг таркиби ва тузилиши, асосий тушунчалар аникланди, биологияни ўқитишида изчиллик ва фанлараро bogланиш ишлаб чиқдилди.

Методик тадқиқотлар натижасида умумий биологик тушунчаларни амалий билимлар билан уйғунлаштирган холда шакллантириш йўллари аникланди.

Тушунчаларни шакллантириш муаммоси «... таълим-тарбия жараёнинг асосий харакатлантирувчи кучи, ўқитиши жараёнининг динамик асоси» деган хуносага келинди.

Буларнинг барчаси ўрта таълим мактабларида биология ўкув фани мазмуни қайта кўриб чикиши такозо этди.

Факат 1964 йил октябрь ойида академик Лисенко шахсига сифиниш барбод бўлганидан кейин мактабдаги барча биологик дастур ва ботаника, зоология, одам анатомияси, физиологияси, умумий биология дарслклари мазмунига генетика, экология, цитология, биохимия, молекуляр биология ва шу каби фанларнинг сўнгги ютуклари киритилди.

П.И.Боровицкий таҳрири остида чиккан “Биология ўқитиш методикаси” (М.1962), проф.Б.В.Всесвятскийнинг Биологиянинг умумий ўқитиш методикаси” (М.1960), да ҳам биология фанининг сўнги ютуклари эътибордан четда колди, Н.М.Верзилин ва В.М.Корсунскаяларнинг “Биология ўқитишнинг умумий методикаси” (М.1972) да эса етарли даражада ёритилмади.

Факат проф. И.Н.Пономарёва таҳрири остида нашр қилинган “Биология ўқитишнинг умумий методикаси” (М.2003) гина замон талабларига мос ҳолда ёзилган деб айтиш мумкин.

Биологик таълимнинг назарий масалаларини ҳал этиш жадал суръатлар билан ҳал этилган бир вактда ўкув-тарбия жараёнини оптималлаштиришига қаратилган хусусий даражадаги методик тадқиқотлар олиб борилишини такозо этди.

### **Туркистон (Ўзбекистон)да табииётшуносликни ўқитиш ва таълим-тарбия масалалари**

XIX-аср охири, XX-асрнинг бошларида Туркистонда чор мустамлакачи-лигининг кучайиши натижасида ўлкада жадидчилик харакатининг вужудга келишига сабаб бўлди.

«Жадид» сўзи арабча сўз бўлиб, «янги», «жадидчилик» эса янгилик тарафдорлари деган маънони билдиради. Жадидлар Миср, Туркия, Кавказ, Туркистон ва бошка ўлкаларда сиёсий оқим сифатида юзага келди. Жадидлар ўз даврининг энг илгор кишиларидир. Бу кишилар жамиятнинг кайси табакасига мансублигидан катъий назар, янгилик, тараккиёт, маърифат ва маданият тарафдори бўлиб чиқдилар.

Туркистонлик жадидлар она-Ватанларини мустакил, озод ҳолда кўришни ўзларининг бош максадлари деб билдилар. Миллий озодлик курашида курол кучи билан мұваффакият козониб бўлмасди. Шу боис улар миллий истибодога тушиб колишлиарининг сабабларини таҳлил килиб, буларнинг туб илдизлари йўқ килиб ташлаш лозимлигини англаб етдилар. Натижада жадидларининг хамма нарсадан олдин ҳалкка маърифат бериш лозим деган гояси юзага келди. Жадидлар 1906 йилдаёк «Тараккиёт» деб номланган газета нашр эттириб, ўз гояларини тарқата бошладилар. Туркистоннинг турли шаҳарларида жадид мактаблари очилиб, уларда диний илмлар билан биргаликда дунёвий билимлар жумладан табиат ҳакидаги билимлар хам тарғиб килина бошланди. Жадидлар учун илм ва маърифат ягона курол бўлиб, улар шу курол ёрдамида ўлкада ижтимоий – иқтисодий ва маданий тараккиёт учун курашмокчи бўлдилар. Жадидлар ўз эзгу орзуларини, факат мактаб, маъориф ва таълим тарбияни тўгри йўлга кўйиш, уни ривожлантириш билангина амалга ошириш мумкин, деб билдилар.

Жадидлар маърифати ҳакида гап кетганда дастлаб кримлик Исмоил Гаспиринскийни тилга олиш керак. У Россия мусулмонлари орасида биринчи “мактаби усули жадид”, яъни “янги усул мактаби”га асос солди.

Исмоил Гаспиринский таклиф этган “Усули жадид” мактабининг тузилиши, дарсларнинг ташкил килиниши, ўқитиш методикаси, назорат турлари кўп жихатдан Европа таълим тизимига яқин бўлган. У мадрасаларни ислоҳ килиш, дунёйи фанларни ўқитиш масалаларини кўтарди. Жумладан, диний фанлар ва араб тили билан бирга тиббиёт, кимё каби фанларни ўрганиш зарурлиги ҳакида сўз юритади.

И.Гаспиринский янги усулни таргиг килиш, жадид мактабларини ташкил этитириш учун турли жойларга сафар киласди. Туркистонда ҳам 2 марта бўлиб, маҳаллий халк ёрдамида, дастлабки янги усул мактаблари очишга муваффақ бўлди.

Жадидлар, энг аввало, ўқитишнинг эски усули ярамаслигини, ёшларга замонавий илмларни ўргатиш зарурлигини тушунишлари билан бирга, таълим тизимида она тилини чуқурроқ ўргатиш, она тилидаги дарсларни кўпайтириш, бошқача килиб айтганда, ўкув дастурида она тилидаги дарсларни ошириш орқали ўкувчиларни она тилида ўқитиш орқали ёшларда ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғусини шакллантириш мумкин деган ҳолосага келиш ва бу йўлдаги дадил ҳаракат жадидларнинг маърифат соҳасидаги янгича қарашлар, аникроги Концепцияси эди. Ана шу ҳаракат замирида жадидларнинг педагогик қарашлари ҳам шаклланиб борди.

Жадидлар “Тараккиёт” газетасида мактаб дастурига алоҳида эътибор берди. Уларнинг айрим дастурларига кўра, бошланғич мактаб 4-синфдан ташкил топиши керак. Унга 7-ёшдан кичик болалар кабул килинмайди. Дастурда нималар ўқитилиши билан бирга мактабнинг ташкилий томонлари ҳакида ҳам аниқ кўрсатмалар бор. Жумладан, йилда тўkkиз ой таҳсил, уч ой таътил бўлиши ҳакида, ўкувчиларни мактабга 15-августдан 1-сентябргача қабул килиш, 15 майда имтихон бўлиши ҳакида қарор келтирилган. Дастурда байрамларда бир кун дам олиш бўлиши, мактабда дарслар кетаётгандан мактабга қабул килиш тўхтатилиши тўғрисида қарор ҳам мавжуд.

Жадидларнинг тарбия ҳакида қарашлари ҳам илгор фикрлар билан бойдир. Жадидларнинг тарбия одоб-ахлоқ ҳакидаги фикрлари, асосан қадимдан ислом оламида қарор топган қадриятлар ва ахлоқий қарашлар негизида шаклланган. Жадидлар аждодлардан болалар, умуман, инсон тарбиясида мусулмонларга хос диёнатли, саҳоватли, хушахлоқ, хушмуомула бўлиш сингари муҳим хислатларни қабул килдилар. Айни замонда уларнинг педагогик қарашларида янги бир тушунча пайдо бўлди. Бу тарбияда мухит, замон, шароитнинг ўрни тўғрисидаги қарашdir. Жадидлар педагогикаси ижтимоий ҳаёт, унинг талаблари, эҳтиёжларини хисобга олиш билан ўзларигача бўлган Шарқ педагогикасидан бир қадам силжиш бўлган эди.

Жадидлар комил инсон – бу энг замонавий инсондир. Замонавий инсон эса, миллат ва Ватан манфаатини барча нарсадан устун қўювчи, маърифатли, диний ва замонавий илм-фанларни эгаллаган хушахлоқ, тарбияли кишидир дейди.

Марказий Осиё жадидчилиги ҳакида гап кетганда буни Беҳбудий, Мунаввар кори, Шақурий, Фитрат, А.Авлоний каби ўнлаб маърифатпарвар илм дарғаларнинг фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди, аксинча улар ҳакида гап кетганда жадидчиликни четлаб ўтиб бўлмайди:

Махмудхўжа Беҳбудий, Туркистонда жадидлар харакати асосчиларидан бири, жаҳонга машҳур бўлган географияшунос, атоқли жамоат арбоби, буюк исломшунос, педагог олимдир.

Беҳбудийнинг номи Туркистон мактаб маорифида кенг ўрин эгаллади. У биринчи бўлиб ўлкада янгича усулдаги мактабларнинг ташкил этилишини тарғиботчиларидан ва амалиётчиларидан биридир. Беҳбудий “усули жадид” мактабининг конун коидаларини И.Гаспиринский ва унинг мақолаларидан ўрганади. У “усули жадид” мактаблари учун бир қанча, жумладан, “Қисқача умумий жўғрофия”, “Болалар мактаби”, “Ахоли жўғрофиясига кириш”, “Россиянинг қисқача жўғрофияси” каби дарсликлар ёзди.

Беҳбудийнинг янги мактаблар учун ёзган асарлари мактабларнинг ислоҳида катта ходиса бўлди. Айни даврда бу дарсликлар назарий, илмий ва амалий жиҳатдан кенг кўлланилди. Беҳбудий Туркистоннинг келажаги учун янги кадрларида, мутахассисларида ва ўқимишли ёшларида деб билади. Шунинг учун ҳар бир ёзган маколасида янги тараққиётта жавоб берадиган кадр тарбиялаб етиштириш масаласини кўярди.

Мунаввар кори Абдурашидхон ўғли XX – асрнинг биринчи чорагида факат Туркистондагина эмас, Россия мусулмони зиёлилари орасида ҳам машҳур эди. Жамоатчилик уни янги усул мактаблари асосчиси, моҳир муаллим, дарслик ва ўкув китоблари муаллифи, жамоат арбоби сифатида хурмат или тилга оларди.

Мунаввар кори Тошкентда “усули савтия” мактабини очди. У мактабни аввал ўз ҳовлисида, кейин бошқа жойларда очишга харакат киласади. У мактабни ислоҳ килмай туриб, одамларнинг онга ўзгариш ясад бўлмаслигини яхши тушуниб етган эди.

Мунаввар кори ёшларни чет злга юбориши, у ерда илм фанни ўрганишини тарғиб киласди. У 1916 йили Тошкентда йигилишда нутқ сўзлаб шундай дейди: “Ўзбек зиёли болаларнинг Германияга бориб ўқитишга жуда мухтожмиз, болалар ўқиб, илм таҳсил олиб келсалар, миллатга катта хизмат кила оладилар”. Мунаввар кори форс, араб, рус, турк тилларини мукаммал билган. Мунаввар кори 1917 йил май ойида тараққийпарвар мусулмон ёшлари ва руҳонийлар иштироқида ўтган курилтойда “Шўрои исломия” жамияти раисини муовини этиб сайланади. Натижада илгор фикрли кишилар унинг атрофида тўплана бошлайди. У 1918 йил май ойида Тошкент шахрида “Турк ўчоги” илмий маданий жамияти тузади. У инсоннинг маърифатли бўлиб, кўзи очилмагунча на ўзини, на ҳалкининг эркини муҳофаза кила олишини, бу иймонсиз эканини мутафаккиона нозиклик билан ўз асарларида ифода этади.

Абдулла Авлоний 1907 йилда Тошкентнинг Миробод маҳалласида, кейинчалик Дегрез маҳалласида янги усулдаги мактаблар очди. Хадрада

“Мактаб кутубхонаси” номли китоб дўкони очди. Авлонийнинг мактаби ўз олдига кўйган мақсад ва вазифаларига машгулотларни синф – дарс тизими асосида ўз она тилида олиб борилиши билан эски усул мактабларидан фарқ килар эди. У ўз мактабида болаларга табиат, география, тарих, адабиёт, тил, хисоб каби фанлардан маълумотлар берар эди. Айниқса ўкувчиларни табиат фанлари ўсимликлар, хайвонларнинг хилма–хиллиги уларни парвариш килиш усуллари ҳакида маълумотлар берилиши жуда қизиктирган.

А.Авлоний мактабларда табиий фанлар ҳам ўз ривожини топган.

А.Авлоний “Усули жадид” мактаблари учун тўрт кисмдан иборат “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар”, “Биринчи муаллим”, “Туркий гулистон ёхуд ахлок”, “Иккинчи муаллим”, “Мактаб гулистанни” каби дарслик ва ўкиш китоблари яратди. Бу асарларида дунё ҳалклари асарларини улуғлаб, ўз ҳалқини дунёвий илмларни эгаллашга, маданиятли ва маърифатли бўлишга чакиради.

А.Авлонийнинг педагогика оид асарлари ичида “Туркий гулистон ёхуд ахлок” асари XX-аср бошларидаги педагогик фикрлаш тараққиётини ўрганиш соҳасида катта аҳамиятга эгадир. Бу асар ахлокий ва таълимий тарбиявий асардир. Ўзбек педагогикаси тарихида А.Авлоний биринчи марта педагогикага таъриф бериб “Педагогика бола тарбиясининг фани демакдир” дейди. Авлоний бола тарбиясининг нисбий равишда қўйидаги тўрт бўлимга ажратади.

1. Тарбиянинг замони
2. Бадан тарбияси.
3. Фикр тарбияси.
4. Ахлоқ тарбияси.

Авлоний тарбия доирасини кенг маънода тушунади. Уни биргина ахлок билан чегаралаб кўймайди. У биринчи навбатда боланинг соғлиги ҳакида ғамхўрлик килиш лозимлигини уткиради.

Авлонийнинг фикрича, соглом фикр, яхши ахлок, илм маърифатга эга бўлиши учун баданинг тарбия килиш зарур. «Баданинг саломат ва кувватли бўлмоги инсонга энг керакли нарсадир. Чунки ўқимок, ўқитмок, ўрганмоқ ва ўргатмок учун инсонга кучли, касалсиз организм лозимдир».

Болаларда фикрлаш кобилиятини ўстириш ва бу тарбия билан мунтазам шугулланиши бениҳоят зарур ва мукаддас бир вазифа. Бинобарин, у муаллимларнинг «диккатларига суняган, вижданларига юқланган мукаддас бир вазифадир... Негаки фикрнинг куввати, зийнати, кенглиги, муаллимнинг тарбиясига боғлиқдир».

А.Авлоний илмнинг жамият тараққиётидаги ролини тушунарди. Шунинг учун ўшларни илм сирларини билишга, айниқса табиий фанларни билишга чакиради. Чунки бу фанлар табиатда бўлган ходисаларни моҳиятини ечишга имкон беради. Ўшларни китоб мutoала килишга чакиради. Унинг фикрича, илм-фан агар жамият манфатига хизмат қилмаса, ҳалқ фаровонлиги йўлида қўлланмаса, у ўлиkdir. А.Авлоний ўз илмини амалда кўллай оладиган кишиларга юксак баҳо беради, уларни доно инсонлар, деб билади.

**Абдурауф Фитрат** XX-аср бошларида Ватан мустакиллиги ва миллат фаровонлиги учун курашган жадидчилик харакати намоёндаларидан бири, у йирик олим, давлат ва сиёsat арбоби, мохир педагог ва буюк маърифатпарвардир. Фитрат ўзбек олимлари ичida биринчи бўлиб, ўша даврда профессор унвонига эга бўлган олимдир. Фитрат ўз асарларида таълим тарбия ва унинг максадлари мактаб-маориф ишлари, билим бериш усуулларини ва воситалари хакида, маърифатли инсонларни тарбиялаш йўллари хакида тўхталган. Фитрат ёшларни чет тилларни ўрганишга даъват этган. У мамлакатни ривожланиши учун чет эллар фани, маданиятидан хабардор бўлиши лозим деб биларди. У халқ маорифи нозири бўлған даврда талабаларни Германия, Туркияга у ердаги илфор Европа илм-фан, табобат, техника сирларини ўрганиш учун юбориш ташаббускорларидан бири бўлди. Фитрат инсоннинг камолотга етишиш учун бадан тарбия муҳим аҳамиятта эга эканлигини айтиб, инсоннинг бутун аъзоси саломат ва қувватга эга бўлмаса, ундай инсон узок яшамаслигини қайд киласди. Болаларнинг илм олиши билан бирга уларнинг бадан тарбиясига аҳамият берилиши лозим. Фитрат болаларнинг соғлом бўлиб, камол топиши хакида гапирав экан, уларни ёшлигидан соғ ҳаводан баҳраманд килишни тавсия этади. Фитратнинг ахлокий тарбия хакидаги фикрлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фитратнинг уқтиришича, болалар сувга ўхшайдилар. Сув қайси рангдаги идишда бўлса, ўша рангда товланган каби болалар ҳам қандай мухитда бўлсалар, ўша мухитнинг ҳар қандай ахлок ва одатни қабул киласдилар. Маданиятили миллат бўлиш учун болаларнинг ахлок тарбиясига катта аҳамият бериси кераклиги қайд этади. Фитрат ахлокий тарбияда, аввало, ота-она ва муаллимларнинг ўzlари гўзал ахлоки бўлишлари зарурлигини айтади. Фитрат ватаннинг равнак топиши учун дунёвий илmlарни эгаллашга даъват этади.

**Абдуқодир Шакурий.** Жадидлар педагогикасини Абдуқодир Шакурий сиймосисиз тасаввур килиш қийин. Чунки у ўз замонасининг етук олими, маориф фидойиси эди. Шакурий Самарқандда янги усулда биринчи мактабни ташкил килган кишидир. Шакурий мактабида аник дастур асосида дунёвий фанлар ҳам ўқитилган.

Таникли олим Жўра Йўлдошев ўзининг «Таълим истикололи йўлида» номли китобида Шакурий ишлари хакида шундай фикр билдиради «А.Шакурий ўқиши, ўқитиш услубидаги янгиликнинг аҳамияти шундаки, биринчидан у ўша даврда мавжуд бўлган эски ўқитиш усуулларини кўлламайди. Иккинчидан мактабда кичик ёшдаги ўғил ва қиз болаларни бирга ўқитиш услубини жорий килди. Учинчидан, болаларни она тиалисида ўқитишга қатъий риоя қилди, чет тилларни ўрганишга даъват этди. Тўртинчидан, янги усул мактаблари учун жуда содда, тушунарли тилда дарсликлар тузиб, уларни нашр этди. Бешинчидан ўз мактабларига меҳнат ва мусика дарсликларини киритди. У ўз ўқувчиларига кишлоқ хўжалиги ва боғдорчиликка оид ишлар билан таништирди. Бу машғулотлар учун мактаб дастуридан алоҳида соатлар ажратди». Бу сўзлар Шакурийнинг педагогик фаолиятига берилган энг киска, айни пайтда батафсил таърифдир.

Жадидларнинг таълим-тарбия ҳақидағи қарашлари ва ҳаракатлар натижасида. Урта Осиёда жумладан Ўзбекистонда дунёвий илмлар табиат фанлари, фан техникага, табобатга оид илмларни ривожланишига туртки бўлди. Жадидларнинг таълим-тарбия тўгрисидаги қарашлари шу билан ҳарактерлики, улар аждодларимизнинг бу борадаги кимматли фикрлари илгор, замонавий қарашлар билан уйғунлаштирилдилар. Шу боис уларнинг педагогик қарашлари ижтимоий заминга асосланганни билан ханузгача ўз аҳамиятини саклаб келмоқда.

#### 4.Ўзбекистонда биология ўқитиш методикасининг ривожланиши.

Республикамида биология ўқитиш методикасига оид тадқиқотлар XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланади.

Ўзбекистонда собиқ Иттифоқ марказида нашр килинган дарслерлар жорий этилгани ва ундаги кўпгина ўкув материаллар нотаниш бўлгани сабабли, ўкувчиларнинг билим даражаси паст эди. Шу сабабли республика методист олимларининг эътибори мактаб ботаника, зоология, умумий биология дарсларида маҳаллий материаллардан фойдаланиш муаммосини ечишга каратилди. (Е.М.Бельская, А.Е.Сухарев, А.Т.Гофуров). Шу билан бир вактда ботаник, зоологик билимларни мактаб тажриба ер участкасида ва тирик бурчакгиде олиб борилаётган амалий ишлар билан боғлаш масалалари тадқиқ килинди (М.Жабборов, Т.Исхаков, Х.Шокиров).

1961 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти (хозирги пед. университет)да “Биология ўқитиш методикаси” кафедраси ташкил килинди. Мазкур кафедрани ташкил этилганлиги бир томондан юкори малакали методист-олимларни тайёрлашга, иккинчи томондан биологияни ўқитишдаги тури мавзулар бўйича илмий тадқиқот ишларни олиб боришга имкон яратди.

Биология ўқитиш методикаси кафедраси факат Ўзбекистон учун эмас, балки қардош Козогистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон республикалари учун ҳам 15 дан ортиқ юкори малакага методист олимлар-фан номзодлари етиштириб берди. Методист олимлардан И.А.Норбеков, М.Махкамов, А.Т.Гофуров ботаника, зоология фанидан ўтказиладиган экскурсияларнинг хиллари, уларни ўтказиш методикаси, унда ўкувчилар томонидан олиб бориладиган кузатишлар, тажрибаларни ҳал қилдилар.

Мактаб ботаника курсини ўқитишга бўлган дидактик талаблар, ботаника дарсларида ўкувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш масалалари Е.М.Бельскаянинг “Ботаника дидактикаси” кўлланмасида ўз ифодасини топди.

М.Ортиқов эса ўзининг мактабларда ўтказган тажрибаларига асосланиб, биология дарсларида экран воситалари (ўкув фильмлари, диафильмлар, диалозитивлар)дан фойдаланиш ўкувчиларда биологик ўкув материалини ўзлаштиришга бўлган кизиқишини орттиришига, уларнинг билимини мустахкам бўлишида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини исботлаб берди.

Ж.Толипова дарсларни хилма хиллаштириш, ноанъянавий дарслар (семинар, конференция, муаммоли мунозарали) ўтказиш ўкувчиларнинг билиш

фаолиятини фаоллаштиришда, мустакиллигини ривожлантиришда, пухта билим эгаллашларыда мухим ахамият касб этишини кўрсатиб берди. Мактабдаги билимлар тушунчалардан ташкил топган. 1950 йиллардан бошлаб Н.М.Верзилин бошлиқ бир гурух рус методистлари хусусий биологик тушунчаларни тадқик қилдилар. Улардан фарқли равишда 1970 йилдан бошлаб А.Т.Фофуров умумий биологик тушунчаларни, хусусан, “хўжайра”, “моддалар ва энергия алмашинуви”, “ирсият ва ўзгарувчанлик”, “органик олам эволюцияси” каби тушунчаларни ўкувчиликандай ўзлаштириши ҳакида кузатиш, тажриба ишларини олиб борди ва бу соҳада “Умумий биологик тушунчаларни шакллантириш” деган мавзуда ўкув методик кўлланманга яратди.

Одам анатомияси ва физиологияси ўкув фани бўйича лаборатория машғулотларини олиб бориш тўғрисида А.М.Қодировнинг ўкув кўлланмаси мактаблар ҳаётида кенг кўлланилмоқда.

Маҳаллий материалларга асосланган холда синфдан ташқари машғулотларни қандай шаклда мазмунда ўтказиш кераклиги А.Т.Фофуров, С.К.Хабироваларнинг кўлланмасида ёритилган. Кўлланмада айрим ўкувчиликар, ўкувчиликар гурухи ҳамда оммавий равишда ташкил этиладиган синфдан ташқари машғулотларнинг киллари, уларнинг мазмуни ва ўзаро боғликлиги мактабларда ўтказилган педагогик тажрибалар асосида очиб берилган.

Кейинги пайтларда экологик мувозанатнинг бузилиши оқибатида сув, ҳаво, тупрок турли чиқиндилар билан ифлосланиши ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ўсимликлар ва ҳайвонотлар, одамлар ҳаётига ҳавф солмоқда. Шу ўринда мактабларда олиб бориладиган экологик таълим-тарбияга ҳихоятда ахамият бериш зарурлигини кўрсатади.

Мазкур масаланинг долзарблигини эътиборга олиб А.Т.Фофуров, О.Н.Носиров мактабларда ўқитувчиликар билан ҳамкорликда ўтказилган тажрибаларга асосланиб “Мактаб биология курсида табиат муҳофазаси тушунчасини шакллантириш”, М.Нишибоева “Мактабда экологик таълим-тарбияни амалга ошириш” каби кўлланмаларни чоп этдилар.

Мактаб биология курсини ўқитишдан максад ўкувчиликарни факат билимлар билан эмас, шу билан бир каторда уларда ўкув кўнинка ва малакаларни ҳосил қилишдан иборат. Бу соҳада лаборатория машғулотларни олиб бориш ҳихоятда мухим саналади. Шуни эътиборга олган холда А.М.Қодиров “Одам физиологиясидан лаборатория машғулотлар”, А.М.Қодиров, К.Ҳайдаров “Биология ўқитиш методикасидан лаборатория машғулотлари” каби кўлланмаларни нашр этдилар.

Мустақиллик йилларида республика методистларининг диккат эътибори ўкувчиликарнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш масаласига қаратилди. Бу ўринда биологияни ўқитиша педагогик технологиялардан фойдаланиш (дидактик-ўйин, муаммоли, модулли таълим ва ҳамкорликда ўқитиш технологиялари ва х.к) қаратилди. (Ж.Толипова, А.Т.Фофуров).

Републикамиз методистлари биологиянинг факат умумий ўқитиш методикаси билан эмас, балки хусусий методикаси билан ҳам шуғуллана бошладилар. (Ж.Толипова ва бошкалар)

Мактаб биология курсида чет тиллардан олинган кўпгина атамалар мавжуд. Мазкур атамаларнинг туб маъносини билиш биологик билимларни онгли ўзлаштиришга якиндан кўмак беради. Ўзбек биолог олимлари ботаник, физиологик, биологик атамаларнинг изохли лугатини тузишга муваффак бўлдилар. (М.Набиев, Ш.Курбанов, А.Зикиряев, С.С.Файзуллаев). Мазкур изохли лугатлардан фойдаланиш ўкувчилар билимини онгли бўлишида ижобий натижага бериши мукаррардир.

**XXI** асрда биология ўқитиш методикасини ривожлантириш истиқболлари Республикаизда узлуксиз таълим тизимининг жорий этилиши, жамиятимизда рўй бераётган ижтимоий-иктисодий, маърифий-маънавий ўзгаришлар барча ўкув фанлари каби биология ўқитишни замон талабларига мослаштиришни такозо этади.

Биология ўқитиш методикасининг бутунги кунда долзарб муаммоларидан бири, биологияни ўқитиша узлуксиз таълим тизими турлари бўлган умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими, олий таълим ўртасидаги узвийлик ва изчиликни таъминлашdir.

Ушбу муаммони хал этиш максадида юкорида кайд этилган узлуксиз таълим тизимининг турлари учун биологиядан ДТС ва ўкув дастурлари ишлаб чиқилди ва тажриба-синовдан ўтказилди. Олинган натижаларга кўра биологиядан модернизация килинган ДТС ва янги таҳрирдаги ўкув дастурлари амалийтга жорий этилди.

Биологиядан модернизация килинган ДТС ва янги таҳрирдаги ўкув дастурлари амалийтга жорий этиш самарадорлигини орттириш учун биология ўқитиш методикаси кўйидаги муаммоларни хал этиши зарур:

- Ўкувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш йўллари, хусусан, биологияни ўқитиша педагогик ва ахборот технологияларидан уйгун фойдаланиш методикасини яратиш;
- Биология ўқитища ўкувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш самарадорлигини орттириш йўлларини ишлаб чиқиш;
- Ўкувчиларнинг ўзлаштирган билим ва кўнкимларини назорат килиш ва баҳолаш рейтинг тизимини жорий этишининг методик таъминотини яратиш.
- Биологияни ўқитиша ўкувчиларни маънавий-ахлоқий, аклий, хукукий, гигиеник, иктисодий, шунингдек, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш мазмуни, методлари ва шаклларини ишлаб чиқиш;
- Биология ўқитиша ўкувчилар онги ва қалбига миллий истиқлол гоясини сингдириш мазмуни, методлари ва шаклларини ишлаб чиқиш ва амалийтга жорий этиш;

Педагогика олий ўкув юртларида биология ўқитиш методикаси курсини ўқитиш жараёнida:

- таълим-тарбия жараёнida касбий йўналишнинг устуворлигини таъминлаш;

- ўқув режадан ўрин олган хар бир ўқув курсининг бўлгуси ўқитувчиларни тайёрлашда, хусусан, касбий-педагогик тайёргарлигини таркиб топтиришида тутган ўрни ва улушкини аниклаш, шу асосда таълим-тарбия жараёнининг дидактик максади, мустакил таълим мазмунини аниклаш, педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш орқали талабаларни ўқув-билиш фаолиятининг субъектига айлантириш йўларини белгилаш;
- биология ўқув курсларини ўқитишида касбий йўналтиришни амалга ошириш ва талабаларнинг илмий-назарий тайёргарлигини илмий-методик тайёргарлик билан уйғунлаштириш муаммоларини ишлаб чикиш лозим.
- Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида:
- ўқитувчиларнинг илмий-методик тайёргарлиги даражасини аниклашнинг рейтинг тизимини ишлаб чикиш;
- педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида тингловчиликнинг мустакил ишлари ва мақсадли ижодий изланишларини ташкил этиш;
- биология ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида масофадан ўқитишни жорий этишнинг методик асосларини ишлаб чикиш зарур.

Педагогика олий ўқув юртлари талабалари ижтимоий-гуманитар, педагогик-психологик, мутахассислик фанлари ва биология ўқитиш методикинин курсини мукаммал ўрганиши, мустакил таълим ва битирув малака ишларини бажариш жараёнида муайян ушбу муаммоларни ҳал этишга ўз хиссаларини кўшиши лозим.

### **Талабаларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилиш саволлари**

1. В.Ф.Зуев асарида биология ўқитишнинг қандай масалалари ҳал килинган.
2. А.Я.Герднинг биология ўқитиш методикасидаги хизматлари нималардан иборат.
3. Асрнинг 20-30 йилларида мактабларда биология ўқитиш қандай усулларда ва шакллarda амалга оширилган.
4. Нима сабабдан ўтган асрнинг 30-65 йилларида мактаб биология дарсликларининг ҳолати фан ривожидан оркада колди.
5. Ўзбекистонда биология ўқитиш методикаси қайси вақтдан бошлаб ривожланган.
6. Е.М.Бельская, А.Т.Фофуровларнинг биология ўқитиш методикасига кўшган хиссаларини ёритиб беринг.

### **Мустакил бажариш учун топшириклар**

1. Биология бўйича таълим стандартлари билан танишинг ва унда биологик билимлар қандай йўналишларда берилганлигини аникланг.
2. Мактаб биология ўқув дастури билан танишинг ва унинг асосий компонентларини белгиланг.

### **3-Боб. БИОЛОГИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ МУАММОЛАРИ**

#### **3.1. БИОЛОГИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ЯХЛИТЛИЛИГИ, ЎҚИТИШ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ҚОНУНИЯТЛАРИ**

1. Замонавий таълим-тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий ва узлуксиз таълим тизимининг фаолият кўрсатиш принциплари.
3. Ўқитиш принциплари ва конуниятлари.
4. Биологик таълим жараёнининг яхлитлилиги.

Жамият ривожининг хар бир боскичи таълим тизими олдига давлат ва ижтимоий буюртмаларни кўяди. Таълим тизими мазкур буюртмаларга мувоффик ўзининг максад ва вазифаларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг мустакилликка эришиши, жаҳон хамжамиятига юз тутиши, ривожланган мамлакатлар билан иктисолид, маданий-маърифий, дипломатик алоқаларнинг йўлга кўйилиши барча жабхалар каби таълим тизимини ислоҳ килишни талаб этди.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конунида таълим мамлакатимизнинг ижтимоий тараккиёт соҳасида устувор йўналиш деб эълон килинган.

Мазкур ҳужжатда мамлакатимизнинг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари этиб, куйидагилар кайд этилган:

1. таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
2. таълим узлуксизлиги ва изчиллиги;
3. таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
4. давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг хамма учун очикилиги;
5. таълим дастурларини танлашга ягона ва табакалаштирилган ёндошув;
6. билимли бўлиш ва истеъодони рағбатлантириш;
7. таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйгуналаштириш;

Маълумки, мамлакатимизнинг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари узвий равишда узлуксиз таълим тизимининг фаолият кўрсатиш принципларига бевосита таъсир кўрсатади ва уларни такозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим тизимини тубдан ислоҳ килиш, замон талаблари асосида кайта қуриш, узлуксиз таълим тизимининг турлари, таълим муассасалари олдиғаги вазифалар, кадрлар тайёрлаш миллий моделини амалиётга татбик этиш масалалари билан бир каторда узлуксиз таълим тизимининг куйидаги фаолият кўрсатиш принциплари кайд этилган.

1. Таълимнинг устуворлиги – таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этилиши ва ривожлантирилиши жамиятимиздаги устувор йўналиш саналади. Таълимнинг устуворлиги юксак маънавиятли, билимли ва салоҳиятли баркамол шахснинг шаклланишига замин яратади.

2. Тълимнинг демократлашуви – тълим ва тарбия услубларини ташлаша, тълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда устоз ва таҳсил олувчининг ҳамкорлигига асосланади.

3. Тълимнинг инсонпарварлашуви – инсон кобилиятларини тўлик чилиши ва билим олишга бўлган эхтиёжларнинг кондирилиши, миллий ва умуминсоний кадрияtlар устуворлигининг тъминланиши. инсон, жамият ва тарроғ-муҳитнинг ўзаро муносабатларини уйғунлаштиришга асосланади.

4. Тълимнинг ижтимоийлашуви – тълим олувчиларда онгли интизом, шисолий кадр – киммат туйгуси, юксак маънавият, ижтимоий нормаларга асосланган хулк-автор, эстетик бой дунёкараш, мантикий ва ижодий ғикрлаши таркиб топтириш назарда тутилади.

5. Тълимнинг миллий йўналтирилганлиги – тълимнинг миллий тарихимиз, ҳалқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги. Узбекистон ҳалкларининг маданиятини саклаб колиш ва бойитиш, тълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошка ҳалкларининг тарихи ва маданиятини хурматлашни тъминлайди.

6. Тълим ва тарбиянинг узвий боғликлиги ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришни назарда тутади.

7. Иктидорли ёшларни аниқлаш – тълим жараёнини дифференциаллаштириш ва индивидуаллаштириш, иктидорли ёшларга тълимнинг энг юкори таражасида, изчил равишда фундаментал ва маҳсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратишни қўзда тутади.

Республикамида олиб борилаётган тълим соҳасидаги ислоҳотларнинг чуваффакияти узлуксиз тълим тизимининг барча турларида тълим-тарбия жараёни ташкил этиладиган ўқитиш принциплари тълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари ва узлуксиз тълим тизимининг фаoliyat кўрсатиш принципларига канчалик мос келиши ва уларни амалиётга жорий этишга сафарбар этилганлигига боғлик.

Маълумки, ўқитиш принциплари - ўқитиш тизимининг тузилиши, ишохияти, унинг конунлари ва конуниятлари хакидаги, шунингдек, фаолиятни ташкил этадиган, амалиётни бошқаришда намоён бўладиган билимлар мажмумаси саналади.

Республикамиздаги ижтимоий-иктисодий, маънавий-маърифий ўзгаришлар биологик тълим жараёнида ижтимоий-иктисодий ривожланишининг методологик принципи, илмийлик, системалик, фундаменталлик, изчиллик, кўргазмалик, тълим ва тарбиянинг узвийлиги, онглилик, назарияни амалиёт билан боғлаш, самарадорлик, тушунарлилик, мантикий кетма-кетлик, узвийлик, тълимни дифференциаллаштириш ва индивидуаллаштириш, индивидуал ва гурухларда ўқитишни уйғунлаштириш, ўқитиш максади, мазмуни, воситалари ва шаклларининг ижтимоий муҳитга боғликлиги, ўқитиш максади, воситалари ва натижалар бирлиги, баҳолаш ва ўз-ўзинн баҳолаш принципи билан бир қаторда, тълимни демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш каби принципларга ҳам амал килиниши зарурлигини кўрсатди.

**Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг методологик принципи** – Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллӣй дастурнида белгиланган максад ва вазифаларни амалга ошириш максадида таълим-тарбия жараёнини замон талабларига мос ташкил этиш, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришни такозо этади.

Мазкур принцип таълим жараёнининг мазмуни ва ташкил этилишидаги ўзига хос ҳусусиятларни акс эттириб, етакчи принцип саналади. Колган принциплар унга мазмун ва мохияти жихатидан узвий боғлик бўлади.

Биологиянинг мазмунини саралаш ва таълим тарбия жараёнини ташкил этишда куйидаги принципларга асосланилади.

**Илмийлик принципи** – биологияни ўқитишида ўқувчиларнинг илмий дунёкашини шакллантиришга асос бўладиган ва амалий аҳамияти ёритилган, назарий ва амалий жихатдан фанда аникланган илмий билимлар, фактлар, тушунчалар, қонунлар, назарияларни ўрганишни кафолатлайди.

**Системалик принципи** – тирик организмларни биологик система сифатида турли тузилиш ва мураккаблик даражасида ўрганиши, шунингдек, ўқитиш жараёнининг барча таркибий қисмлари: ўқитиш максади, вазифалари, мазмуни, методлари, воситалари ва шаклларини тизим шаклида тасаввур килиш ва фойдаланишни кўзда тутади.

**Фундаменталлик принципи** – биологиянинг асосий, таянч тушунчалари, назариялари, илмий-тадқиқот методлари, умумий илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган ва умуминсоний кадриятларнинг ютуғи саналган тадқиқот натижаларини ўрганишга асосланади.

**Изчилиллик принципи** – ўқувчилар томонидан тушунчаларни ўзлаштириш босқичларини эътиборга олган ҳолда ўқув материалини ўрганишни ташкил этишни такозо этади.

**Кўргазмалик принципи** – тирик организмларнинг тузилиши ва хаётини жараёнларини ўрганишда табиий, тасвирий, тарқатма, дидактик ва динамик материаллар, экран воситаларидан фойдаланишни кўзда тутади.

**Таълим ва тарбиянинг узвийлиги принципи** – таълим жараёнининг методик таъминоти ва бошқарилишида самарадорликка эришиш, ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантириш муаммоларини ҳал этишни кўзда тутади.

**Онглилик принципи** – таълим жараёнида кўлланилган ўқитишнинг самарали методи ва воситалари ўқувчилар томонидан билимларни онгли ўзлаштиришига замин тайёрлайди.

**Тушунарллиллик принципи** – ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришдаги кийинчиликларнинг олдини олиш учун кўлланилади.

**Назария ва амалиёт бирлиги принципи** – ўрганилаётган мавзу мазмунидаги назарий билимларни амалиётга жорий этиш йўллари, инсон хаёти, ҳалқ хўжалиги ва табиатдаги аҳамиятини ёритишга хизмат киласи.

**Самарадорлик принципи** – янги мавзуни ўрганиш максадида ўқитувчи томонидан таълим-тарбия жараёнида кўлланилган ўқитиш методи ва воситалари ўқувчиларнинг билим, кўнікма ва малакаларни юкори даражада ўзлаштириши, яъни самарадорликка хизмат килишини назарда тутади.

**Мантикий кетма-кетлик принципи** – ўқувчилар томонидан тушунчаларни ўзлаштириш конуниятларига асосланади, ўқув дастури ва дарслик-ларда боблар, мавзулар мантикий изчилликда ёритилишини талаб этади.

**Ўзвийлик принципи** – ўқувчиларнинг аввал ўзлаштирган билимлари билан ўрганилаётган мавзудаги билимлар ўртасидаги боғланиш бўлишини, шунингдек, узлуксиз таълим тизими турларида ўрганиладиган таълим мазмуни ўртасида ўзвийлик бўлишини назарда тутади.

**Таълимни дифференциаллаштириш ва индивидуаллаштириш принципи** – ўқитиш жараёнини табакалаштириш, хар бир шахснинг ёш ва психологияк хусусиятлари, кизиқиши, кобилияти, ривожланиш ва имкониятлари даражасида билим олиши, уларга тавофтлаб ёндошиш максадила кийинчилик даражаси турлича бўлган ўқув топширикларини тузиш, уларни бажариш оркали кўзланган натижага эриши, иктидорли ёшларга таълимнинг энг юкори даражасида, изчил равишида фундаментал ва маҳсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратишни кўзда тутади

**Индивидуал ва гурухларда ўқитишни уйғуллаштириш принципи** – таълим жараёнода ялпи ўқитиш билан бир каторда, ўқувчиларнинг индивидуал ва гурухларда мустакил ишларини ташкил этишини тақозо этади.

**Ўқитиш максади, мазмуни, методлари, воситалари ва шаклларининг ижтимоий муҳитга боғликлigi принципи** – хар томонлама ривожланган шахсни камолга етказишида таълим мазмунини саралаш, унга боғлик холда ўқитишнинг самарали метод, восита ва шаклларидан фойдаланишини талаб этади.

**Таълим жараёнини инсонпарварлаштириш принципи** – ўқувчиларнинг билим олиш, тарбиялаш ва ривожлантириш учун қулай психологик муҳит яратиш, хар бир ўқувчини ўз имконияти даражасида ижодий кобилиятларини ўстиришга имкон яратади.

**Таълим жараёнини демократлаштириш принципи** – ўқитишда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фуқаролик хукукларини тенглаштириш, ўз фикрини эркин баён этиши, ўқув топширикларини бажаришда танлаш хукукини беришини тақоза этади.

Ўқитиш принциплари негизида ўқитиш конунлари ва конуниятлари ётади. Ўқитиш конунлари ва конуниятлари ўқитиш принципининг назарий асосларини ишлаб чиқишига ва педагогик фаолият амалиётига кўллашга замин тайёрлайди.

Шуни қайд этиш лозимки, ўқитиш конунлари ва конуниятлари узлуксиз таълим тизимининг олдига кўйилган давлат ва ижтимоий буюртмалар, жамиятнинг ижтимоий хаётидаги маънавий-маърифий ўзгаришлар, таълимтарбия жараёнининг максади ва вазифалари, фаннинг ривожланиш даражасига бевосита боғлик холда ўзгариб, янгиланиб туради.

Ўқитиш принциплари аввало муайян давлатнинг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари, узлуксиз таълим тизимининг фаолият кўрсатиш принциплари, сўнгра таълим тизими олдидағи буюртмаларига мос келиши, шунингдек, жамиятда содир бўлаётган ижтимоий, иктисадий,

сиёсий, хуқукий, маънавий-маърифий ўзгаришларни ўзида акс эттириб янгиланиб, ўзгариб, ривожланиб, ўзгача аҳамият касб этадиган жараёндир.

Ўқитиш принциплари биологияни ўқитишининг максади ва вазифаларига боғлик холда таълим-тарбия жараённининг йўналиши ва педагогик фаолиятнинг мазмунини белгилайди.

Ўқитиш принципи - дидактик категория бўлиб, у таълим-тарбия жараённининг максади ва вазифаларига боғлик холда ўқитиш конунлари ва конуниятларининг амалиётга кўлланиш усулини белгилайди.

Агар ўқитиш принциплари ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг хамкорликда ўқитиш максадларига эришиш йўналишини белгиласа, ўқитиш конунлари педагогик жараённинг характерини ўзида акс эттиради.

Барча жабхаларда конунларнинг максади ва истикболдаги қўзланган натижаси бўлгани каби ўқитиш конунлари хам методика фанининг мантикий таркибий кисми саналиб, педагогик жараённинг объектив, ташки, ички, муайян ва нисбий боғланишларини акс эттириб, таълим-тарбия жараённининг мазмуни, методлари, воситалари ва шаклларининг узвийлигини, мазкур жараённинг илмий асосда ташкил этилиши ва бошқарилиши, олинажак натижалар ва самародорликни орттириш йўлларини белгилайди.

Республикамида таълим жараёнини ислоҳ килиш ва узлуксиз таълим тизимини жорий этишнинг илмий назарий асоси саналган Кадрлар тайёрлаш міллый дастурининг таълим соҳасини тубдан ислоҳ килиш, уни ўтмишдан колган мафкуравий карашлар ва саркитлардан тўла ҳалос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юкори малакали кадрлар тайёрлаш Миллый тизимини яратиш каби максадини амалга ошириш йўлида, шунингдек, узлуксиз таълим тизими олдидаги давлат ва ижтимоий буюртмалари, ўқитиш принциплари ҳисобга олинган холда биологияни ўқитишида куйидаги ўқитиш конуниятларини педагогик амалиётга кўллаш максадга мувофик деб топилди.

1. **Ўқитиш максади, мазмуни, воситалари ва шаклларининг ижтимоий мухитга боғликлиги конуни.** Мазкур конуният таълим-тарбия жараённининг таркибий кисмларини танлаш ва шакллантиришда жамиятдаги ижтимоий-иктисодий, маънавий-маърифий ўзгаришлар, ижтимоий муносабатларнинг таъсирини ўзида акс эттиради. Мазкур конуният таълим олувчиларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантиришга имкон беради. Кейинги йилларда юкорида кайд этилган фикрлар, ўқитиш максади ва вазифалари ҳисобга олинган холда биологик таълим мазмуни янгиланди, таълим тизими жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик хуқукий давлат курилиши жараёнларига мосланди. Ўқув фанлари бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув-методик кўлланмаларнинг янги авлоди яратилди. Кадрлар тайёрлаш дастурида ўқув жараёнини илгор педагогик технологиялар билан таъминлаш мухим вазифалардан бири этиб белгиланган. Шунун назарда тутган холда, биологияни ўқитишида педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилиши зарур.

**2. Тарбияловчи ва ривожлантирувчи таълим қонунияти шахснинг тахсил олиш жараёни, билим, фаолият усуулларини ўзлашириши унинг ривожланишига ва шахсий сифатларининг шаклланишига асосланади. Ушбу қонуният ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга имкон беради. Кадрлар тайёрлашнинг миллый моделида шахс мухим ўрин тутади ва узлуксиз таълим тизими оркали ҳар томонлама баркамол шахс, таълим-тарбиянинг узвийлигини таъминлаши, ўрганилаётган мавзу мазмунига боғлик холда ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик, экологик, эстетик, иктисадий, ҳукукий, жисмоний, жинсий, меҳнат ва байналминал тарбиясини амалга ошириши лозим.**

**3. Таълим-тарбия жараёнининг тахсил олувчиларнинг фаолияти характеристига боғлиқлиги қонуни. Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш усули ва олинажак натижа, педагогик бошқариш ва тахсил олувчиларнинг фаолигини орттириш ўртасидаги узвий боғлиқликни акс эттиради.**

Мазкур қонун Кадрлар тайёрлаш миллый дастури талаблари асосида таълим-тарбия жараёнига илгор педагогик технологияларни кўллаш, шу асосда замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик жихатдан таъминлашни, ўқувчиларнинг кобиляйтлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табакалаштирилган ёндашувни жорий этиш, ўқувчиларни ўз ўқув-билиш фаолиятининг тўла қонли субъектига айлантиришни кўзда тутади. Биологияни ўқитишида ўқитувчи ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштирадиган технологиялар: дидактик ўйин, муаммоли, модулли таълим, ҳамкорликда ўқитиш, лойихалаш ва ахборот технологияларидан фойдаланган холда самаралорликни оширишга эришиши лозим.

**4. Ўқув фаолиятини индивидуаллаштириш ва гурӯхли ўқитишини ташкил этиш бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги қонуни. Ўқитиши жараёнининг максади ва вазифасига мувофиқ тахсил олувчиларнинг барчаси, шу жумладан ҳар бир шахснинг тахсил олишга бўлган эҳтиёжини қондириш, кизикишини орттиришга асосланади. Бу қонуният биологияни ўқитиш жараёнини табакалаштириш асосида иктидорли ёшлиарни аниклаш, уларнинг эҳтиёжи ва кизикишига яраша билим олишларига имкон яратади. Шунингдек, биологияни ўқитишида ўқитишини индивидуаллаштириш ва дифференциаллаштириш, шахсга ўйналтирилган технологияларни кўллаш заруратини келтириб чиқаради.**

**5. Ўқитишида назария ва амалиётнинг бирлиги ва узвий боғлиқлиги қонуни. Тахсил олувчиларнинг ўқитиши жараёнида билимлар, тушунчалар, гоялар, назарияларни онгли ва мустаҳкам ўзлаширишига эришиш, уларни амалиётда кўллаш кўнникмаларини шакллантиришга асосланади. Ушбу қонуният фан, техника, ишлаб чиқариш ва амалий тажрибаларнинг ўқув жараёни билан интеграциясини, уйгунилгини амалга оширишга нмкон беради. Мазкур қонун Кадрлар тайёрлаш миллый дастурининг юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий – сиёсий ҳаётда мустакил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суринш ва ҳал этишига кодир кадрларнинг янги авлодини шакллантириш каби вазифаларни амалга оширишни назарда**

тутади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун биологияни ўқитишида ўкув ластуридан ўрин олган лаборатория, амалий машгуотлар ва экскурсияларни ўз ўрнида самарали ўтказиш, ўкувчиларнинг билиш фаолиятини индивидуал ва кичик гурухларда ташкил этиш ва бошқариш оркали ўкувчиларнинг ўзлаштирган билимларини амалиётда кўллаш, амалий ва ўкув меҳнати кўнікмаларини таркиб топтиришга эътиборни каратиш лозим.

**6. Педагогик жараён бирлиги ва яхлитлиги конуни.** Педагогик жараённинг яхлит ва таркибий кисмлари ўртасидаги узвий болганишларни, шунингдек, таълим жараённинг мазмунни, воситалари, методлари, шакллари, ўқитувчи ва ўкувчи фаолиятининг ўқитиши максадлари билан уйғун равиша боғликлигини таъминлайди.

Мазкур конуниятлар узлуксиз таълим тизимида таълим стратегияси ва мазмунини белгилаб, мазкур тизим олдига давлат ва ижтимоий буюртмаларни шакллантиради.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда юкорида кайд этилган принциплар ва конуниятлар ўқитувчининг дикқат марказида бўлмоғи лозим.

Ўқитувчи ўқитиши жараёни давлат ва ижтимоий буюртмаларга мувофиқ максадларни, таълим мазмунни, педагогик мулокот воситалари (ўқитиши воситалари, методлари ва шакллари), ўқитувчи ва ўкувчилар фаолияти шакллари, ўкув-билиш жараёнини ташкил этиш ва назорат килиш йўлларини тасаввур килмоғи лозим.

Юкоридаги фикрлар хисобга олинган холда ўқитиши жараёни давлат ва ижтимоий буюртмаларга мувофиқ максадларни, таълим мазмунни, педагогик мулокот воситалари (ўқитиши воситалари, методлари ва шакллари), ўқитувчи ва ўкувчилар фаолияти шакллари, ўкув-билиш жараёнини ташкил этиш ва назорат килишни ўз ичига олади. (2-расмга каранг.)

Узлуксиз таълим тизими олдидағи давлат буюртмалари қўйида-гилардан иборат:

- таълим олувишларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ва усусларини ишлаб чиқиши ва жорий этиши;
- ўқишини, мустакил билим олишни индивидуаллаштириш хамда дистацион таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиши ва ўзлаштириши;
- янги педагогик ва ахборот технологиялари, тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган холда талабаларни ўқитишини жадаллаштириши;
- халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлар асосда таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш.

Узлуксиз таълим тизими олдидағи ижтимоий буюртмаларга қўйидаги-ларни келтириш мумкин:


- миллий мустакиллик принциплари ва халқнинг бой интеллектуал мероси хамда умумбашарий кадриятлар устуворлиги асосида

тәжілдің барча даражалари ва бүтіншілдегі тәжіл олувчиларинің мағынавий ва ахлоқый фазалаттарнің ривожланғанын;

- тәжіл берілінген барча даражаларда тәжіл олувчиларни ұкуккий, иктисодий, экологик ва санитария-гигиеник тәжілімінің қамда тарбиясінің тақомидлаланғанын;
- ұкувчи-шылар оның ва калыңға мінлий истиқтол мағкурасынни сингидіриш, тәжіл мұассасаларда мағкуравий тарбияни буғунғы күн даражасында күтәріш;
- педагог кадрларының мағкура борасындағы белгіліларини чукурлаштириш кабылдарының олиш мүмкін.

### Биологияның юкітиш жараённіннің модели

2-раем



Давлат ва ижтимоий буюртмалар асосида биологик таълим мазмунин белгиланади, таълим мазмунининг янгилашими ўқитиш воситалари, методлари, шакллариниң янгилашшини талаб этади.

Юкорида кайд этилган буюртмалар асосида ўқитувчи ўз фаолиятини ўзgartиради. Бу эса ўз навбатида ўкувчиларниң ўкув мотивлари, билиш фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади. Биологиядан ДТС, дастур, дарслеклар таҳтили, ўқитувчи ва ўкувчиларниң фаолиятини ташкил этиш, бошқариш масалалари, таълим мазмунининг таркибий киемлари ва уларни шакллантириш йўллари хакида кейинги мавзуларда батафсил фикр юритилади.

### **Талабаларининг ўз-ўзини назорат қилиш саволлари**

1. Замонавий таълим-тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятларини аникланг.
2. Таълим соҳасида давлат спёсатининг асосий принципларини аникланг.
3. Узлуксиз таълим тизимининг фаолият кўреатиш принципларини кўрсатинг.
4. Биологик таълимда қўлланиладиган ўқитиш принципини аникланг.
5. Биологияни ўқитишда фойдаланиладиган конуниятлар ва уларнинг моҳиятини аникланг.
6. Узлуксиз таълим тизими олдидаги давлат буюртмаларини аникланг.
7. Узлуксиз таълим тизими олдидаги ижтимоий буюртмаларини аникланг.
8. Биологик таълимининг яхлитлилигини исботланг.

## **4-бөб. БИОЛОГИЯ ЎҚУВ ФАНИ МАЗМУНИ**

### **4.1. БИОЛОГИЯ ТАЪЛИМИ МАЗМУНИ**

1. Умумий ўрта таълим ўқув юртларида биологик таълим мазмунини асослари.
2. Биологик таълимнинг максад ва вазифалари.
3. Биологик таълим компонентлари.
4. Ўкувчилар ўзлаштириши лозим бўлган биологик билимлар минимуми.

#### **Асосий тушунча ва таянч сўзлар**

Биологик таълим асослари. Биологик таълим мазмунни, Биологик таълим компоненти. Биологик билимлар минимуми.

#### **1.Умумий ўрта таълим ўқув юртларида биологик таълим мазмунини асослари**

Республикамизда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Конун ва Кадрлар тайёрлаш миллый дастурининг асосий коидалари асосида узлуксиз таълим тизими жорий этилди.

Узлуксиз таълим тизими турларида ўқитиладиган ўқув фанлари ва уларнинг мазмунни аникланди, ўқув дастурлари, ДТС, ўкувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўнишка ва малакалар мажмуаси, уларни аниклаш мезонлари ишлаб чикилди

Умумий ўрта таълим ўқув юртларида биологик таълим мазмунни хозирги даврдаги биологик фанлар ривожланиши даражасини ўзида акс эттириши замон такосидир.

Ўқувчилар учун биологик ўқув материалини танлаш биология ўқитиш методикасида нихоят мураккаб масалаларидан бири саналади. У мактаб ўқитувчилари, педагоглари, биолог олимлар ҳамкорлигига хал этилади. Ўкувчилар учун таълим мазмунининг танлашни кийинлиги илмий ахборотнинг бенихоят кўплиги ва тез ўсиши билан узвий алокадор.

Кейнинги даврда биология тобора тез ривожланаётган мустакил фанлар тизимидан иборатлиги маълум бўлиб қолди. У ботаника, зоология, физиология, анатомия, морфология, генетика, цитология, антропология, эмбриология, палеонтология, микробиология, гидробиология, биогеография, биотехнология, биоэтика, биоэстетика, эволюцион таълимот ва бошка хусусий фанлар мажмуасидан ташкил топган. Биология фанининг бундай тез ривожланиши бир томондан организмларнинг турли жихатдан ўрганиш. иккинчи томондан ҳаётнинг ҳар хил даражаларини тадқик килиш билан боғлик бўлса, учинчи томондан биологиянинг табиётшуносликнинг бошка - хусусан математика, кибернетика, химия, физика соҳалари билан интеграцияси билан тушунирилади.

Биология фанининг табақаланиши ва бошка табий фанлар билан хамкорлик килиши янги-янги ахборотларни тўпланишига сабабчи бўлукда. Хужайра органоидларининг ультраструктура тузилиши, функцияси, келиб чикиши тўғрисида симбиогенез назарияси, нуклеин кислоталарнинг тузилиши ва функцияси, ирсият ва ўзгарувчанликнинг моддий асослари, политипик тур, популяцияларнинг, экологик генетик тузилиши, кариосистематика, хаёт тузилишининг турли даражалари тўғрисидаги билимлар биологиянинг XX асрдаги ютуклари саналади. Биология фанида тўпланган билимлар, ахборотлар ҳажми ниҳоятда кўп ва хилма-хил.

Ўрта таълим ўкув юртларида биология фани тўплаган барча ахборот ва билимларни табий равишда ўкувчиларга бериб бўлмайди. Шунга кўра улар орасидан ўкувчиларнинг ёши ҳамда ўқитишнинг ҳозирги замон максад ва вазифаларига мос бўлган билимлар мажмуасини танлаб олиш зарур. Танлаб олинган билимлар мажмуаси умумий ўрта таълим ўкув юртларида давлат, жамият, шахс эҳтиёжига мос бўлиши, ҳамда жамиятнинг ижтимоий, иктисолий тараққиётини ва фан техника ривожланишини ўзида ифода килиши ва таълим беришда кўрсатилган максад вазифаларини амалга оширишга сафарбар килинган бўлиши лозим.

## **2. Биологик таълимнинг мақсад ва вазифалари**

Умумий ўрта таълим ўкув юртларидағи биологик таълим умумий педагогик жараёнининг ажралмас таркибий кисми сифатида таълимнинг умумий мақсадларига мувофик ўкувчи шахсини ҳар томонлама ривожланишига, тарбияланишига йўналган бўлади.

Умумий ўрта таълим ўкув юртларида биологик таълим вазифалари кўйидагилар бўлиб:

- ўкувчиларни етакчи гоялар, асосий биологик тушунчалар, илмий далиллар, конунлар, назариялар, илмий билиш усуллари, органик оламнинг манзарасига оид билимлар билан таништириш;
- тирик табиат унинг тараққиёт туфайли организмларда пайдо бўлган мосланиш механизмлари ҳакида маълумот бериш;
- ўкувчиларни организмларнинг ҳаёти, уларнинг шахсий ва тарихий ривожланишининг асосий конунлари билан куроллантириш
- ҳаёт тузилишининг турли: молекула, хужайра, организм, популяция – тур, биогеоценоз, биосфера даражалари билан таништириш;
- табиатга унинг барча бойликларига оқилона муносабатда бўлиш фазилатларини ўкувчилар онгига сингдириш;
- ўкувчиларни ўзларининг ва ўзгаларнинг саломатлигини саклашга, соғлом турмуш тарзини таркиб топтиришга йўналтириш;
- биология таълим мазмунини ҳозирги ижтимоий ҳаёт, фан – техника тараққиёти билан мустаҳкам боягланишини таъминлаш асосида ўкувчиларнинг касб танлашга онгли равиша йўналтириш;
- биология таълим мазмунини қадимда яшаб жаҳон фани - маданиятига улкан хисса қўшган ва ҳозирги даврда яшаётган биолог олимлар

фаолияти билан боғлаш орқали ўкувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборатдир.

### **3. Биологик таълим мазмуни ва унинг таркибий кисмлари**

Ҳар қандай ўкув фанини ўқитишида унинг мазмуни ниҳоятда катта ахамиятга эга бўлади. Унга асосий сабаб ўкув фани мазмуни ўша фаннинг ўзига хос йўналиши, ўқитиш тизими, методлари, воситаларини белгилаб беради. Ўкув фанининг мазмуни ўкув дастурлари, дарслклари, ўкув кўлланмалари орқали аниклаштирилади.

Умумий ўрта таълим ўкув юртларида биологик таълимнинг таркибий кисмлари бўлиб, ботаника, зоология, одам анатомияси ва физиологияси хамда цитология, биокимё, генетика, эволюцион таълимот мажмуасидан иборат бўлган умумий биология ўкув фанлари хисобланади. Мазкур ўкув фанларида турли хил ўсимликлар, хайвонлар, одамларнинг ташки, ички тузилиши хаёт фаолияти, ташки муҳит билан боғликлиги тўғрисида хамда хужайранинг унинг органоидларининг тузилиши, функцияси, ирсият ўзгарувчанлик эволюцион таълим ва шу каби билимлар берилади. Мактаб биология таълим мини айрим ўкув фанларига ажратиш конуний бўлиб, кўп йиллик педагогик тажрибалар асосида ўзини оқлаган. Бирор биологик таълимнинг турли ўкув фанларига ажралиши тирик табиатдаги нарса ходисаларни алоҳида-алоҳида ўрганишга эмас, балки уларнинг бир яхлитлигини, ўзаро боғликлигини ифода этган ҳолда ўқитилишини тақозо килади.

Дидактикада таълим мазмунининг таркибий кисмлари жуда кўп тадқиқотчилар томонидан аникланган.

Жумладан, академик И.Я. Лернер томонидан таълим мазмунининг таркибий кисмларига:

1. Билимлар (илмий тушунчалар, гоялар, конунлар, илмий назариялар);
2. Фаолият усуслари (кўнкима ва малакалар);
3. Ижодий фаолият тажрибалари;
4. Қадриятлар тизими киритилган.

Биология ўкув фанининг билимлар таркибий кисмига биринчи навбатда илмий тушунчалар киради. Улар биологиянинг айрим соҳаларига оид хусусий ва биологиянинг барча соҳаларига хос бўлган умумий биологик тушунчалардан ташкил топади.

Умумий биологик тушунчалар категорига:

- организмларнинг хужайравий тузилиши;
- модда ва энергиянинг алмашинуви;
- организм ва муҳитнинг ўзаро бирлиги;
- ирсият ва ўзгарувчанлик;
- органик олам эволюцияси тушунчалари киради.

Биология ўкув фани мазмунининг билимлар таркибий кисмига гоялар хам киради. Биология таълим мазмунида ўкувчилар онгига куйидаги:

- органик олам эволюцияси;
- тирик табиат тузилишининг ҳар даражада эканлиги;

- орган тузилиши билан функциясининг ўзаро боғликлиги;
- биологик системаларнинг табиий мухит билан алокадорлиги;
- ўз-ўзини бошқариш;
- назария билан амалиётнинг бирлиги каби гоялар сингдирилади.

Биологик конунлар ҳам биология ўкув фанининг мазмунининг таркибий кисми бўлиб хисобланади. Биологик конунлардан сирасига:

1. Менделев ва Морганнинг ирсият конунлари;
2. Бэр конуни;
3. Харди-Вайнберг конуни;
4. В.И.Вернадскийнинг атомларнинг биоген миграцияси конуни ва х.к ларни киритиш мумкин.

Биология фан мазмунининг яна бир компоненти илмий назариялардир. Умумий ўрта таълим биология ўкув таълим мазмунига Ч.Дарвиннинг органик оламнинг эволюцион назарияси, А.Н.Северцовнинг филэмбриогенез назарияси, Т.Морганнинг хромосома назарияси ва ниҳоят ҳозирги замон ген назарияси киритилган.

Юкорида кайд этилгандек, таълим мазмунининг асосий кисмини билимлар (ilmий тушунчалар, гоялар, конунлар, ilмий назариялар) ташкил этади.

Фаолият усуллари - кўникма ва малакалардан иборат бўлиб, ўкувчилар томонидан ўкув дастурида кўзда тутилган кўникма ва малакаларни эгаллашини белгилайди.

Таълим мазмунининг учинчи таркибий кисми бўлган ижодий фаолият тажрибалари ўкувчиларнинг аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда кўллаш оркали таркиб топтирилади. Шу сабабли, ўқитувчи таълим-тарбия жараённида билимларни тайёр ахборот шаклида эмас, балки муаммоли вазиятларни вужудга келтириш натижасида ўкувчиларнинг аввалги мавзуларда ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда кўллашига имкон яратиши, уларда мустакил ва ижодий фикр юритиш кўникмаларининг таркиб топишига замин тайёрлаши зарур.

Таълим мазмунининг тўртинчи таркибий кисми бўлган кадриятлар тизими: ўқитиш жараённида таълим-тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, ўкувчиларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялашни кўзда тутади. Мазкур таркибий кисмни ўкувчиларда шакллантириш биологияни ўқитишда таълим-тарбия масалаларига боғлик холда ёритилди.

#### **4. Ўкувчилар ўзлаштириши лозим бўлган биологик билимлар минимуми**

Маълумки, биологияни ўқитиш умумий ўрта таълим мактабининг 5-6-синфларида «Ботаника»ни ўқитиш билан бошланади. Ўқитувчи мазкур синф ўкувчиларининг «Ботаника»ни ўқитиш жараённида ўзлаштириши лозим бўлган биологик билимлар минимумини билиши лозим.

Жумладан, «Ботаника»ни ўқитиш жараённида ўкувчиларнинг ўзлаштириши лозим бўлган биологик билимлар минимуми куйидагича белгиланган:

Ўсимлик организмининг тузилиши, хужайра, тўқималар, органлар. Ўсимликларнинг хаёт фаолияти: илдиз ва барг оркали озикланиши, нафас олиши, ўсиши ва ривожланиши. Кўпайиш. Ўсимликларнинг турли туманлиги: сув ўтлар, йўсинлар, киркбўғимлар, кирккулоқлар, очик уруглилар, ёпик уруглилар. ёпик уруглиларнинг синфлари, оиласлари, ўсимликлар коплами. Ўсимликларнинг табиат ва инсон хаётидаги ахамияти. Ўсимликларни муҳофаза килиш.

Умумий ўрта таълим мактабининг 7-синфида «Зоология»ни ўқитиш белгиланган бўлиб, мазкур ўкув фани бўйича ўкувчиларнинг ўзлаштириши лозим бўлган биологик билимлар минимуми куйидагича белгиланган:

Хайвон организмининг тузилиши. Хужайра, тўқималари, органлар системаси. Хаёт фаолиятининг жараёнлари: озикланиш, нафас олиш, моддалар харакатланиши, айриш, ўсиш, ривожланиш ва уларни бошқариш. Кўпайиш. Хайвонларнинг хатти харакати - рефлекслар, инстинктлар. Хайвонларнинг турли туманлиги. Уларнинг систематикаси: бир хужайралилар, кўп хужайралилар (ковак ичлилар, ясси, юмалок, халқали чувалчанглар, моллюскалар, бўғимоёклилар, хордалилар). Бўғимоёклилар ва хордали хайвонларнинг синфлари, туркумлари, уларнинг табиат ва инсон хаётида тутган ўрни. Хайвонларни муҳофаза килиш. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш. Одамнинг хайвонот системасидаги тутган ўрни.

Умумий ўрта таълим мактабининг 8-синфида «Одам ва унинг саломатлиги» ўкув фани ўқитилади. мазкур ўкув фани бўйича ўкувчиларнинг ўзлаштириши лозим бўлган биологик билимлар минимуми куйидагича белгиланган:

Одам ва хайвонлар тана тузилишидаги ўхшашлик ва тафовутлар. Одам ва унинг пайдо бўлиши. Ижтимоий ва табиий мухитга одамнинг мосланиши. Одамдаги органлар системаси, уларнинг тузилиши ва функцияси. Одам хаёт фаолиятининг нерв ва гуморал бошқарилиши. Одамнинг олий нерв фаолияти. Одамдаги юкумли касалликлар, улардан сакланиш йўлларий. Спид ва ундан сакланиш. Нормал турмуш кечиришга ёрдам берувчи омиллар.

Умумий ўрта таълим мактабининг 9-синфида «Биология» (Цитология ва генетика асослари) ўкув фани ўқитилади, мазкур ўкув фани бўйича ўкувчиларнинг ўзлаштириши лозим бўлган биологик билимлар минимуми куйидагича белгилантан:

Хаётнинг тузилиш даражалари: молекула, хужайра, организм популяция – тур биогеоценоз, биосфера. Хаётнинг хужайрасиз шакллари.

Прокариот ва эукариот хужайралар. Хужайра - тирикликтнинг тузилиш, функционал, генетик бирлиги. Хужайранинг кимёвий таркиби. Анерганик ва органик моддалар, уларнинг хужайрадаги роли. Хужайра тузилиши. Ядро. Хромосомалар. ДНК ирсий ахборотни ташувчи эканлиги. Хужайра органоидларининг тузилиши ва функцияси. Оксиллар биосинтези. Хужайрада модда ва энергия алмашинуви. Фотосинтез унинг табиатдаги роли. Хужайранинг бўлиниши. Жинссиз ва жинсий кўпайиш. Ургуланиш. Организмларнинг индивидуал ривожланиши. Ирсият ва ўзгарувчанлик. Генлар ва

белгилар. Генетик атамалар ва символлар. Генетика методлари. Мендель, Морганларнинг ирсият конунлари. Ўзгарувчанлик. Ирсийланмайдиган ва ирсийланадиган ўзгарувчанлик. Мутагенлар ва уларнинг организмларга таъсири. Генетиканинг тиббийёт ва селекциядаги аҳамияти. Одамлардаги ирсий касалликлар уларнинг олдини олиш. Селекция методлари.

Умумий ўрта таълим мактабининг 10-11-синфларида «Биология» (Эволюция ва экология асослари) ўкув фани ўқитилади, мазкур ўкув фани бўйича ўкувчиларнинг ўзлаштириши лозим бўлган биологик билимлар минимуми куйидаги белгиланган:

Эволюцион гояларнинг пайдо бўлиш тарихи. Эволюцион таълимот. Эволюцияни исботловчи фан далиллари. Микро ва макро эволюция. Эволюциянинг бошланиш бирлиги ва омиллари. Табиий танланиш - эволюциянинг йўналтирувчи омили эканлиги. Биологик прогресс ва биологик регрес. Организмларнинг мухитга мосланиши ва унинг хиллари. Тирик табиатга хос белгилар. Ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги фаразлар. Ерда органик оламнинг ривожланишини асосий боскичлари. Экологик омиллар. Экосистемалар. Экосистемалардаги модда ва энергиянинг айланиши. Экосистема динамикаси. Агрозкосистемалар. Биосфера. Биомасса. Биосфера хакидаги В.И.Вернадский таълимоти. Одамнинг биосферага таъсири. Биосфера эволюцияси. Ноосфера.

Генетик инженерия ва унинг методлари. Генетик инженерияга асосланган биотехнология.

### **Талабаларнинг ўз-ўзини назорат килиш саволлари**

1. Умумий ўрта таълим ўкув юртларида биологик таълим асослари деганда нимани тушунасиз?
2. Умумий ўрта таълим ўкув юртларидаги биологик таълимнинг максади ва вазифалари нималардан иборат.
3. Умумий ўрта таълим ўкув юртларида биологик таълим мазмунини ёритинг.
4. Умумий ўрта таълим ўкув юртларида биология таълим таркиби кисмларига нималар киради?
5. Ўкувчилар ўзлаштириши лозим бўлган биологик билимлар минимуми деганда нимани тушунасиз?

## **4.2. БИОЛОГИЯДАН ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ ВА ЎҚУВ ДАСТУРИ**

1. Таълим стандарти хақида умумий тушунча.
2. Биология таълим стандартининг таркибий кисмлари.
3. Ўқув дастури хақида тушунча.
4. Биология ўкув дастурининг тузилиши.

## **Асосий тушунча ва таянч сўзлар**

Стандарт. Давлат таълим стандарти. Биология таълим стандарти. Ўкув дастури. Биология ўкув дастури.

### **1. Давлат таълим стандарти хақида умумий тушунча**

Стандарт сўз инглизча бўлиб, нусха, ўлчам, меъёр деган маъноларни англатади.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълимни жорий этишнинг илмий-назарий асоси бўлган «Таълим тўғрисида»ги Конуннинг 7-моддасида «Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим мазмунига хамда сифатига кўйиладиган талабларни белгилайди. Давлат таълим стандартларини бажариш ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир» деб белгилаб кўйилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг биринчи боскичида юкорида кайд этилган таълим муассасалари учун ДТС ишлаб чикилди ва ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16-августдаги Карорига биноан амалиётга жорий этилди.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини ишлаб чикишда қуидаги принциплар асос килиб олинган:

- давлат таълим стандартининг давлат ва жамият талабларига, шахс эҳтиёжига мослиги;
- ўкув дастурлари мазмунининг жамиятимизда рўй берадиган маънавий-маърифий, ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар, фан-техника тараккиёти билан боғликлиги;
- умумий ўрта таълимнинг узлуксиз таълимнинг бошка турлари ва боскичлари билан узлуксизлиги ва таълим мазмунининг узвийлиги;
- умумий ўрта таълим мазмунининг инсонпарварлиги;
- таълим мазмунининг республикадаги барча худудларда бирлиги ва яхлитлилиги;
- умумий ўрта таълим мазмуни, шакли, воситалари ва усуулларини танлашда инновация технологияларига таяниш;
- ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурида карор топган анъанавий карашлар билан «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурни» да ифодаланган замонавий талабларнинг узвийлиги.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўкувчилар умумтаълим тайёргарлигига, савиенснга кўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб беради.

Давлат таълим стандарти таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усуулларини, унинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди.

Давлат таълим стандарти ўз моҳиятига кўра ўкув дастурлари, дарсликлар, кўлланмалар, Низомлар ва бошка меъёрий ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат килади.

Биологик таълим умумий ўрта таълим мактабларнда ташкил этиладиган педагогик жараённинг ажралмас ва узвий бояланган таркибий кисми

сифатида мазкур таълим муассасаси олдига қўйилган умумий максадларга мувофиқ баркамол ўкувчи шахсини тарбиялашга хизмат килади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг биологиядан давлат таълим стандарти ўкув фани бўйича ўкувчиларга бериладиган билимлар микдори, улар эгаллайдиган кўникма ва малакаларнинг хажмини (БКМ-билим, кўникма ва малака) кўрсатувчи меъёр бўлиб. у умумий ўрта таълим мактабларида биология таълими мазмунининг негизини белгиловчи кўрсаткичлар хамда ўкувчиларнинг биологик тайёргарлик даражасига кўйиладиган талаблар мажмуасидан иборат бўлган расмий хужжат бўлиб хисобланади.

«Таълим мазмуни негизини белгиловчи кўрсаткичлар» умумий ўрта таълим мактабларида биологиядан бериладиган билимларнинг минимал даражасини, яъни таълим мазмунининг негизини ифодалайди. Мазкур кўрсаткичлар умумий ўрта таълим мактаблари учун биология ўкув фани дастури ва дарслекларини яратиша хамда таълим-тарбия ишларини ташкил этишда мўлжал вазифасини бажаради.

Биология таълими стандартидаги «Ўкувчиларнинг тайёргарлик даражасига кўйиладиган минимал талаблар» ўкувчилар томонидан ўзлаштирилиши шарт бўлган кўрсаткичларни ифодалайди. Бунда ўкувчиларнинг билиши, англаши, амалий ишларни бажара оладиган кўникма ва малакаларга эга бўлишларини таъминлаш ва уларнинг сифатини аниклашга имкон беради. Белгиланган кўрсаткич ва талаблар биология таълимининг асосий сифатларини баҳолашда ўлчов бўлиб хизмат килади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг биологиядан давлат таълим стандартида келтирилган кўрсаткич ва талаблар мактаб биология таълими мазмунини тўлиқ камраб олади ва ўзаро боғланувчи уч йўналишга бўлинади:

Организм – биологик система;

Экологик системалар;

Органик олам эволюцияси;

Ушбу таълим стандартининг «Таълим мазмуни негизини белгиловчи кўрсаткичлар» ва «Ўкувчиларнинг тайёргарлик даражасига кўйиладиган минимал талаблар» биология таълими мазмунининг юкорида келтирилган ҳар бир йўналиш бўйича умумий ўрта таълим учун кўрсаткич ва талаблар ифодаланади.

Биологик таълимнинг дастлабки ўкув фани бўлган «Ботаника»дан ўкувчиларнинг билим малакасига бўлган асосий талаблар этиб куйидагилар белгиланган.

Ўкувчилар:

1. Гулли ўсимликлар органларининг тузилишини, ўсимликларнинг хужайра тузилишини, ўсимлик хужайрасининг таркиби кисмларини, тўқималарини;

2. Ўсимликларнинг хаётий шакллари: дарахт, бута, чала бута, бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик ўтларга бўлининиши;

3. Кузда ва баҳорда ўсимликлар хаётида рўй берадиган ўзгаришларни;

4. Илдиз, унинг ички ва ташки тузилишини, сув ва минерал моддалар шимилиши;
5. Поя, куртак. Уларнинг хиллари;
6. Гул, унинг тузилиши, хиллари. Тўпгуллар.
7. Мева ва уруғлар, уларнинг хиллари хакидаги билимларни;
8. Ўсимлик органларининг асосий хаётний вазифаларини: органик моддаларнинг хосил бўлиши, нафас олиш, сув буглантириш, моддаларнинг харакатланиши;
9. Ўсимликларнинг табиатдаги роли ва инсон хаётидаги, халқ хўялигидаги ахамиятини, ўсимликларни муҳофаза килиш ва улардан оқилона фойдаланиш тадбирларини;
10. Ўсимликларнинг уруғдан ва вегетатив органларидан кўпайишини;
11. Ўсимликлар ҳаётининг жонли ва жонсиз табиат омиллари билан боғликлигини, ўзаро бирга яшашга мослашганлигини;
12. Тур, туркум, оила, синф хакидаги маълумотларни, гулли ўсимликлар синфлари ва оиласарининг маҳаллий шароит учун хос бўлган асосий турларини, маҳаллий ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини;
13. Ўсимликлар оламининг тарихий ривожланиши жараённида ўсимликлар тузилишининг мураккаблашиб бориш белгиларини билиши керак.

Ботаникадан тузилган ДТС ида ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар билан бир каторда улар эгаллаши керак бўлган кўнікма ва малакалар хам берилган. Жумладан, ботаникани ўрганиш давомида ўқувчилар кўйидаги кўнікма ва малакаларни эгаллаши кайд этилган:

1. Гулли ўсимликларнинг органларини таний билишлари;
2. Ўсимликларнинг озиқланиши, нафас олиши, ўсиш жараёнларини аниклаш максадида кузатишлар, оддий тажрибалар ўтказишлари;
3. Ерни юмшатиш, суғориш, чопик қилиш, кўчатларни кўчириб ўтказиш, ўғитлаш;
4. Табиатда ўсимликлар дунёсидаги мавсумий ўзгаришларни кузатишни кузатиш натижаларини расмийлаштиришни;
5. Катталаштириб кўрсатадиган асоб ва микроскоплардан фойдаланишни;
6. Микропрепаратлар тайёрлашни ва уларни микроскопда кўришни;
7. Ўсимликларни парвариш қилишни билишлари, мактаб ва яшаш жойини кўкаламзорлаштиришда қатнашиши, ҳона ўсимликларини таниши;
8. Қаламча тайёрлашни ва қаламчалардан кўпайтиришни, пайвандлашни;
9. Дарслидаги матн ва расмлар билан ишлашини уddyдлай олиши керак.
10. Мухим белгиларни аниклаш максадида энг асосий экинларни, ўрганилган оила турларини таний билиши;
11. Ўсимликларнинг турларини аниклагичдан фойдаланиб аниклай олиши;
12. Мактаб олди тажриба майдончасида ишлаши, ўсимликларнинг биологиясига оид билимларни экинларни парвариш қилишда қўллай олиши;

13. Дарслик мундарижасидан ёрдамида мүлжал олишни билиш, матн ва расимлар билан ишлай олиши, параграф мавзунинг асосий мазмунини фарқлай олиши, саволларга жавоб берса олиши;

14. Биологик атамалар лугати билан ишлай олиши керак.

Юкорида кайд этилганидек, ботаникадан тузилган ДТС бажариш мажбурий бўлиб биология ўқитувчиларининг зиммасига юкланди.

Умумий ўрта таълим мактабларида биологиядан тузилган ДТС бажарилиши «Ўқувчиларининг ўзлаштирган билимларини назорат килиш ва баҳолашнинг Рейтинг тизими» оркали аникланади.

Умумий ўрта таълим мактабларида биологиядан тузилган ДТСда кайд этилган максимал талаблар асосида ўқув дастури тайёрланади. Ўқув дастурида ўқув фани бўйича ўрганиладиган боб ва мавзулар ўқувчиларининг ёшлик ва психолого-хусусиятлари, мавзулар ўртасидаги узвийлик ва изчилик асосида мантикий бир тизимга келтирилган ҳолда берилади. Ўқув дастурида ўрганиладиган боблар уларни ўрганиш учун ажратилган соатлар кўрсатилади, мазкур боблар таркибига кирадиган мавзуларнинг кискача мазмуни ёритилади. Биологиядан тузилган ўқув дастури мазкур ўқув фанининг мазмунини белгилаб берадиган ва бажарилиши мажбурий бўлган меъёрий хужоат саналади

## **2. Биологиядан давлат таълим стандартининг таркибий қисмлари**

Биология таълим стандарти биология таълимининг массада ва вазифаларини ёритишдан бошланади. Биология таълимининг бош массади ўқувчи шахсини тарбиялашдан иборат. Биология таълим стандартида биология таълимининг асосий вазифалари атрофлама ёритиб берилган.

Хозирги даврда ҳаётнинг тузилиш даражалари молекула, хужайра, организм, популяция - тур, биогеоценоз, биосфера кўринишда бўлишилиги эътироф килинади. Ҳаёт тузилишини ана шу даражалари орасида организм даражаси марказий ўринда туради. Бир томондан у ҳаёт тузилишининг куйи даражалари бўлмиш молекула, хужайра даражасини ўзида мужассамлатирса, иккинчи томондан организмнинг ўзи ҳаёт тузилишининг юкори даражаси бўлмиш популяция – тур, биогеоценоз, биосфера даражалар таркибига киришини эътиборга олиб биология таълим стандартининг таълим йўналишларидан биринчи килиб «Организм биологик система» олинган.

Давлат таълим стандартин ишлаб чиқишдаги асосий принципларидан бири «давлат таълим стандартини давлат, жамият, талабларига, шахс эҳтиёжига мослиги» дир. Маълумки, кейинги йилларда жамият аъзоларида экологик билимларнинг етишмаслиги оқибатида сув, тупрок, ҳавони ифлосланиши, ўсимлик, ҳайвон турларини камайиши рўй бермокда. Экологик мувозанатни бузилиши ҳатто одамлар ҳаётига ҳам ҳавф туғдирмокда. Бундай шароитда ёштарни экологик билимлар билан қуроллантириш, табиий ресурсларга оқилона ёндошиш, ўсимлик, ҳайвон турларини асраш, тупрок шўрланиши, эрозиясияга қарши курашиш, сув, ҳаво, тупрок тозалалигини саклаш тадбирлари билан таништириш ниҳоятда долзарб саналади. Шуни

эътиборга олиб биология таълим стандартида таълим мазмунининг иккинчи йўналиши сифатида «экологик системалар» олинган.

Кейинги йилларда динга эркинлик берилиши муносабати билан айрим шахслар дунёвий билимларининг жамият ривожланишидаги ролини инкор этиб, ёшларга факат диний билим бериш тарафдори бўлмоқдалар. Улар органик оламдаги тарихий жараённи, ўсимликлар, хайвонлар, одамлар миллион йиллар мобайнида ўзгарганлигини тан олмаяпдилар. Шунинг учун жамиятнинг хозирги ривожланишида ёшларга диний одоб-аҳлок нормалари-ни сингдириш билан органик оламнинг тарихи ривожланиши тўғрисидаги билимларни бериш, уларда табиат ва жамият тараккиётини тўғри тушунишга имкон яратади. Шу сабабли ҳам, биология таълим стандартидаги ўкувчи-ларга бериладиган билимлар мажмусинининг учинчи йўналиши «Органик олам эволюсиси» деб номланган. Юқорида кайд килинган уч таълим йўналиши бўйича биология таълим стандартида ўкувчилар ўзлаштириши лозим бўлган мажбурий минимал билимлар мажмуаси келтирилган.

Биология таълим стандартида билимнинг минимал талабларини ўкувчилар кандай ўзлаштирганлигини аниклаш мақсадида ҳар бир ўкув фанида тест топшириклар берилган.

### 3. Ўкув дастури хақида тушунча

Мактабларда ўқитилган ҳар бир ўкув фанининг мазмуни ўкувчилар билиши лозим бўлган билимлар, ўзлаштириши керак бўлган ўкув кўнікмалар, малакалар йигиндинисини ифода килувчи хужжат – ўкув дастури хисобланади. Унда ўкув фанини ўқитишдан мақсад, вазифалар, ўкувчилар ўзлаштириш керак бўлган билимлар, кўнікмалар комплекси ўз ифодасини топади.

Биология курсининг ўкув дастурини бошида уқтириш хати берилган. Унда биология курсининг кандай фан эканлиги, у кандай ўкув фанлардан ташкил топғанлиги ана шу ўкув фанлар мазмунидаги ўзгаришлар кискача баён этилган. Хусусан, ботаника V-VI синфларда, зоология VII синфда одам ва унинг саломатлиги VIII синфда, умумий биология ўкув фани IX-XI синфда ўқитилиши кайд килинган.

Биология курсининг ўқитишга оид методик кўрсатмаларда «дарсда ва синфдан ташкири машгулотларда далиллар, ходисалар билан чекланмай, асосий гоялар, тушунчаларнинг ўкувчилар томонидан пухта ва онгли ўзлаштирилишига эътиборни каратиш лозимлиги кайд килинган. Биология ўқитишда асосий гоялар бўлиб «Органик олам эволюсиси», «Тирик табиат тузилишининг турли даражалари», «Орган тузилиши билан функциясининг ўзаро багликлigi», «Биологик системаларнинг табиий мухит билан багликлigi, ўз-ўзини бошқариши», «Назария билан амалиётнинг ўзаро багликлigi» хисобланади. Асосий тушунчалар катори ўкув дастурига «Эволюцион», «Цитологик», «Экологик» тушунчалар киритилган.

Ўкув дастуридан кўзланган яна бир мақсад таълим билан тарбиянинг уйгунлигини амалга оширишдан иборат. Биология ўқитишда ўқитиладиган

мавзулар мазмуни билан узвий боғлиқ ҳолда, ўқувчиларнинг ахлокий, ватанпарварлик, эстетик, экологик, гигиеник, иктисодий ва жинсий тарбиясига аҳамият бериш лозимлиги таъкидланган.

Ўқув дастурининг методик тавсияларида яна биологиянинг муаммоли мавзуларини ўқитишида хур фикрлик анъаналарига риоя килиш лозимлиги, ҳар бир дунёкарашининг ўзига хос ижобий томонлари, камчиликлари ўқувчилар онгига етказилиши кераклиги айтиб ўтилган.

Биологик ўқув мавзуларга ўқувчиларнинг кизикувчанлигини ошириш учун табиий-тасвирий, динамик, схематик кўргазмали ва аудио, видео воситалардан таълим бериш жараённида самарали фойдаланиш ва ўқувчилар фаолиятини фаоллаштириш ҳамда мустакил билим олишини ташкил этиш максадида фаоллаштирувчи методларидан замонавий педагогик ва ахборот технологиялардан кенг фойдаланиш тавсия этилган.

Ўқув дастурнинг методик тавсияларида назария билан амалиётни боғлаш учун масалалар ечишга ҳам эътибор қаратилган. Шунингдек ўқувчиларнинг билимларини, кўнкимларини баҳолашда рейтинг усулидан фойдаланиш тўғрисида ҳам маълумот берилган.

Ўқув дастурида «Ботаника» ўқув фани учун V-синфда 34 соат, VI-синфда 68 соат, жами 102 соат вакт ажратилган.

«Зоология» ўқув фанини VII-синфда ўқитиши мўлжалланган бўлиб, унга 68 соат вакт ажратилган. «Одам ва унинг саломатлиги» ўқув фанига 68 соат вакт ажратилган ва у VIII-синфда ўқитилади.

IX-синфда «Биология» (Цитология ва генетика асослари) 68 соат ўқитилиши таъкидланади.

«Биология» (Эволюция ва экология асослари) X-синфда 34 соат, XI-синфда 68 соат ўқитилиши уқтирилган.

Ўқув дастурида ҳар бир ўқув фани бўйича ўқитиладиган асосий мавзулар мазмуни, уларни ўтиш учун керакли жиҳозлар келтирилган.

Ўқув дастурида ана шу мавзуларнинг кандай дарс типларидан фойланиб ўқитиши кераклиги хакида ҳам маълумотлар келтирилган. Бунда оддий дарслардан ташкири қайси мавзулар бўйича лаборатория машғулотларида амалий ишлаб экскурсиялар ташкил этиш кўзда тутилган. Масалан, «Ботаника» ўқув фанида гулли ўсимликлар билан умумий танишиш, ҳужайра, илдиз, поя, барг, ўсимликларнинг вегетатив кўпайиши, гул, мевалар, уруғлар, ўсимлик яхлит организм, ўсимликларнинг асосий бўлимлари, гулли ўсимликларнинг асосий оиласлари, ўсимликлар коплами, манзарали ўсимликлар, Ерда ўсимликлар дунёсининг пайдо бўлиши каби асосий мавзулар ўтилади.

«Зоология» ўқув фанида эса ҳайвонот дунёси тўғрисида умумий маълумот, содда ҳайвонлар, ковакичиллар, яssi чувалчанглар, юмалок чувалчанглар, халкали чувалчанглар, моллюскалар, бўғимоёклилар, хордали ҳайвонлар, тубан хордалилар, баликлар, сувла ва қуруқла яшовчилар, сурдалиб юрувчилар, кушлар, сут эмизувчилар, Ерда ҳайвонот дунёсининг пайдо бўлиши ва ривожланиши каби мавзулар ўтилади.

«Одам ва унинг саломатлиги» ўкув фанида эса кириш, одам организмининг умумий обзори, таянчхаракатланиш системаси, кон, коннинг айланиш системаси, нафас олиш системаси, овқат хазм килиш системаси, моддалар ва энергия алмашинуви, айриш системаси – ички секреция безлари, нерв системаси, олий нерв фаолияти, сезги органлари, одам организмининг кўпайиши ва ривожланиши, одамнинг пайдо бўлиши каби мавзулар диккат марказида бўлади.

9-синф «Биология» ўкув фанида кириш, органик оламнинг-турли туманлиги, цитология асослари, хаётй жараёнларнинг кимёвий асослари, организмларнинг кўпайиши ва индивидуал ривожланиши, генетика ва селекция асосларини ўқитиш назарда тутилади.

Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларида ўқитиладиган «Биология» ўкув фанида кириш, эволюцион таълимот, эволюция далиллари, органик оламнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, экология асослари, биосфера ва унинг эволюцияси, генетик инженерия ва биотехнология каби мавзуларни ўтиш кўзда тутилган.

Ўкув дастури ҳар бир мавзуни ўтиш учун соатлар ажратилган, жихозлар, дарс шакллари кўрсатилган. Ўқитувчиларнинг билими ва педагогик маҳоратини оширишни мақсад килиб, ҳар бир ўкув фани сўнгига ўқитувчилар учун илмий ва методик адабиётлар рўйхати келтирилган.

### **Талабаларнинг ўз-ўзини назорат килиш саволлари**

1. Таълим стандарининг луғавий маъноси нимани билдиради;
2. Биология бўйича умумий ўрта таълим давлат стандарida ўкувчилар ўзлаштириши лозим бўлган таълим кандай йўналишларда берилган;
3. Биология ўкув дастурида методик тавсиялар неча банддан иборат;
4. Мактаб биология курси кандай ўкув фанлардан ташкил топган;

### **Тест топшириклар:**

1. Мактаб ботаника ўкув фани учун неча соат вакт ажратилган?  
А) – 68 В) – 102 С) – 34 Д) – 54
2. Мактаб зоология ўкув фани учун неча соат вакт берилган?  
(1-топширик)
3. Одам ва унинг саломатлиги ўкув фани учун канча соат вакт кўрсатилган? (1-топширик)  
4. Мактаб ботаника ўкув фанида мавзулар тубандаги изчилликда берилган  
A) гулли ўсимликлар билан умумий танишиш, хужайра, илдиз, поя барг ва бошқалар  
B) кириш, хужайра, илдиз, барг, поя ва бошқалар  
C) хужайра, илдиз, барг, поя, ўсимликларнинг вегетатив кўпайиши  
Д) гулли ўсимликлар билан умумий танишиш, илдиз, поя, барг, гул ва бошқалар

## **4.3. БИОЛОГИЯ ДАРСЛИКЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ**

1. Мактаб дарслиги ҳакида умумий тушунча.
2. Мактаб дарслигига қўйилган асосий талаблар.
3. Мактаб ботаника дарслигининг мазмуни ва тузилиши.
4. Мактаб зоология дарслигининг мазмуни ва тузилиши.
5. Одам ва унинг саломатлиги дарслигининг мазмуни, тузилиши.
6. Мактаб умумий биология дарслигининг мазмуни ва тузилиши.

### **Асосий тушунча ва таянч сўзлар**

Дарслик ва ўкув кўлланма. Дарсликнинг дидактик функциялари. Дарслик структураси.

#### **1.Мактаб дарслиги ҳакида умумий тушунча**

Мактаб биология курсини ўқитиша қўлланиладиган воситалар орасида дарслик алоҳида ўрин тутади. Дарслик ўқувчиларнинг мустақил билим олишини асосий манбай хисобланади. Ҳар бир дарслик ўкув кўлланмадан фарқли равишда ўкув дастури асосида ёзилади. Ўқитишининг максади ва вазифаларига, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига, тайёргарлик даражасига караб дарслик ҳажми ва билимлар системаси белгиланади.

Республикамиизда «Узлуксиз таълим тизими учун ўкув адабиётларининг янги авлодини яратиш Концепцияси»да умумий ўрта таълим мактаблари учун яратиладиган дарсликларнинг янги авлодига қўйиладиган умумий ва хусусий талаблар ишлаб чикилган.

Мазкур талаблар дарсликка қўйиладиган педагогик, психологик, дидактик, методик ва эстетик, гигеник талабларни ўзида мужассамлаштиради. Ушбу талабларнинг энг асосийси дарслик шу фан бўйича тузилган ДТС га мос келиши, ўқувчиларнинг ёшлик ва психологик хусусиятларини хисобга олиниши, дарслик дизайнни эстетик талабларга жавоб берини ва расмлар мазмунни ёритиши, фан ютуклари ўз аксини топиши, ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикр юритишига йўллаши, уларнинг онги ва калбига миллий истиқлол ғоясини сингдиришга имкон берини зарур.

#### **2.Мактаб дарслигига қўйилган асосий методик талаблар**

Биология дарслигига қўйидагиган методик талаблар жумласига куйидагиларни киритиш мумкин:

1. Мактаб дарслиги илмий бўлиши, яъни фаннинг ривожланишини, сўнги ютукларини ўзида ифода этиши;
2. Ўқувчилар учун тушунарли, яъни уларнинг ёшига, тайёргарлик даражасига мос бўлиши;
3. Дарслик ўқувчи учун кизикарли ва жонли тилда ёзилган бўлиши, унда ҳар бир мавзуга мос рангли расмлар, схемалар, жадваллар, қўшимча кизикарли маълумотлар, топшириклар, саволлар ўрин олмоги;

- Дарслик ўкувчиларнинг мустакил билим олишига, ижодий ривожланишига, мантикий тафаккурни ўстиришга қаратилган бўлиши;
- Дарслик миллий истикол мафкурасини ўкувчилар онгига сингдириш учун йўналирилган бўлиши;
- Дарслик маҳаллий шароитда кенг тарқалган ўсимликлар, хайвонлар, одамларнинг ташки ва ички тузилиши, хаёт фаолияти ёритиши;
- Дарслик мазмуни ўкувчи саломатлигини саклашга қаратилиши;
- Ўкувчиларни табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан тежаб терраб фойдаланишга ўргатиши керак.

### **3. Мактаб ботаника дарслигининг мазмуни ва тузилиши**

Ҳозирги вактда республикамиз мактабларида ботаника 5-б-синфларда ўқитилади. Унинг асосий мақсади ўкувчиларни ўсимликлар дунёсининг хилма-хил вакиллари, уларнинг ташки, ички тузилиши, хаёт фаолияти, табиат ва инсон ҳаётида тутган ўрни билан таништиришдан иборат.

5-синфда 34 соат, 6-синфда 68 соат ҳажмда ўкувчиларга ботаник билимларни бериш кўзда тутилган. Мактабларда кўлланилаётган 5- синф ботаника дарслиги Ў. Пратов, А.С. Тўхтаев, Ф.Ў. Азимовалар томонидан тайёрланган бўлиб, у 95 сахифадан иборат, 64 та рангли расмлар билан бешатилган, 6 боб, 34 параграфдан ташкил топган.

Дарслик мукаддимасида асосий эътибор ботаника сўзининг луғавий маъноси, мазкур фаннинг шоҳобчалари, Ер юзидағи ва Ўзбекистондаги ўсимлик турларини сони, уларнинг табиат ва инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳакида маълумотлар ёритилган. Шундан кейин ўкувчилар ўсимлик хужайраси, илдиз, поя, барг, ўсимликнинг вегетатив кўпайиши ҳакида маълумот оладилар. Дарслик сўнгига гербарий тайёрлаш ва дарсликка кирган ўсимликлар рўйхати илова тарзида келтирилган. Ҳар бир параграфида таянч тушунчалар, параграфлар сўнгига саволлар, айрим холларда тест топшириклиари, кўшимча маълумотлар келтирилган.

Умуман олганда 5-синф ботаника дарслигига ижобий баҳо бериш мумкин. Айникса унинг дизайнни жуда юкори. Шу билан биргаликда дарсликнинг яратишда айрим камчиликлар ҳам учрайди:

1. Юкорида кайд килингандек дарсликлар таълим стандартти, ўкув дастури талаблари асосида ёзилиши керак. Дарслик факат ўкувчиларга билим бериш билан чекланмай, уларнинг ўкув кўнирма, малакаларини ривожлантиришни ҳам кўзда тутиш керак. Бу масала 5-синф «Ботаника» дарслигига етарлича ўз ифодасини топмаган. Масалан бта лаборатория машғулотининг алоҳида ажратилмаган, уларни ўтказишига оид методик тавсияларини етарлича ёритилмаган, ўкувчиларнинг ўкув кўнирма ва малакаларининг ривожланишига эътибор қаратилмаган.

Айрим холларда тушунчаларни изчилик билан ривожлантиришга эътибор берилмаган. Чунончи, ўсимликларда моддаларнинг ҳаракатланиши «поя» мавзусида берилган. Унда бир вактнинг ўзида сув ва сувда эриган минерал моддаларни ҳамда органик моддаларнинг ҳаракатланиши тўғрисида

маълумот келтирган. Вахоланки, органик моддаларни синтезланиши барг мавзуси билан узвий алоқадор. «Барг» эса «поя» мавзусидан сўнг ўтилади. Худди шунингдек дарсликнинг бошида берилган «Куз фаслида ўсимликлар хаётида рўй берадиган ўзгаришлар» мавзусини 30 параграфидан «Ҳазонрез-гилик» мавзуси билан бирлаштириш масадга мувофик бўлади.

6-синф «Ботаника» дарслиги ҳам юкорида кайд этилган муаллифлар томонидан тайёрланган бўлиб, у 142 та сахифадан иборат. Унда муқаддима ва 52 параграф, 85 та рангли расмлар мавжуд. Дарслик юкори сифатли оқ коғозга чоп этилган ва чиройли расмлар билан безатилган. Ҳар бир параграфда ботаник атамалар, ўсимликларнинг номлари рангли ҳарфлар билан ажратилган ва матн ўкувчиларга мос тушунарли қилиб баён этилган.

Агар 5-синф «Ботаника» дарслиги ўзида цитологик, анатомик, морфологик, физиологик, экологик билимларни мужассамлаштирган бўлса, 6-синф «Ботаника» дарслигига кўпроқ систематик тушунчаларни ривожлантиришга зътибор қилинган. Дарсликнинг 4-бобида бу ҳақдаги билимлар изчил баён этилади. Ўсимлик гурухлари, бактериялар, замбуруғлар, лишайниклар, сув ўтлар, ўйсинглар, киркбўғимлар, кирккулоклар, очик уруглилар, ёпик уруғлилар шу бобларда берилган. Дарсликда гулли ўсимликларнинг оиласари, туркумлари, тур вакиллари ҳакидаги билимлар ва ҳар бир оиласининг ўзига хос гул тузилиши ёритилган. Дарсликнинг бешинчи боби «Ўзбекистоннинг ўсимликлар бойлиги», олтинчи боби «Ўсимлик ва атроф мухит», еттинчи боби «Ерда ўсимликлар дунёсининг ривожланиши» деб аталган. Дарсликда «Ўзбекистонда ботаника фанининг ривожланиши», ҳамда «Манзарали ўсимликлар» деб номланган параграфлар ҳам мавжуд. Параграфларда таянч атамалар, саволлар келтирилган. 30-параграф сўнггида ўкувчилар бажариши лозим бўлган топшириклар, 19-параграф сўнгига амалий ишлар, 2 параграфда қўшимча маълумотлар, тест саволлари, чайнворд, кроссвордлар келтирилган. Буларнинг ҳаммаси ўкувчиларнинг ботаник билимларни ўзлаштиришига кўмак беради, билим олишга кизикиш уйғотади, ҳамда назарияни амалиёт билан боғлади.

Дарсликнинг ижобий томонларини таъкидлаш билан, унда йўл кўйилган айrim камчиликлар хусусида тўхтаб ўтиш жоиз. Аввало дарслик структураси хусусида ҳакида гапириб III бобдаги «Ўсимлик яхлит организм» мавзуси билан олтинчи бобдаги «Ўсимлик ва атроф-мухит» деган мавзуларни бир-бирига қўшиш мантикан тўғри бўлади, шунингдек «Ўзбекистонда ботаника фанининг ривожланиш тарихи» деб аталган бобни 5-синфдаги муқаддима мавзусига қўшиш ўринли бўлади деб хисоблаймиз. «Манзарали ўсимликлар» бобини «Ерда ўсимликлар дунёсининг ривожланиши» бобидан олдин берилиши мантикан тўғри бўларди.

Дарсликнинг илмийлиги ҳакида тўхтаб, ўсимликларнинг хозирги замон систематикасида «Бактериялар, замбуруғлар, лишайниклар» алоҳида дунё сифатида тан олинганлиги, мазкур бўлимни «Ботаника» дарслигига киритилиши органик оламнинг хозирги замон системаси тўғрисидаги билимларга тўғри келмаслигини кайд этиш зарур.

Чунки, бактериялар, замбуруғлар, лишайниклар тузилиши ва ҳаётий жараёнлари билан яшил ўсимликлардан тубдан фарқ қиласы.

«Ботаника» дарслигига систематик тушунчалар ҳам чалкаш берилган, масалан, «тип» систематик бирликни ўрнига «бўлим» тушунчасини «авлод» систематик бирлиги ўрнига «туркум» систематик бирликни кўлланилиши кейинчалик 7-синфда «Зоология»ни ўчиш мобайнида систематик бирликлар тўгрисидаги ўкувчиларнинг тушунчаларини чалкаштириб юборади, бу эса ўз навбатида ўкувчилар томонидан систематик тушунчаларни саёз ўзлаштирилишига олиб келади. Мактаб дарслигига барча олимлар томонидан эътироф килинган билимлар мажмуаси киритилиши керак. Мунозарали масалалар ундан ўрин олмаслиги жоиз.

#### **4.Мактаб «Зоология» дарслигининг мазмуни ва тузилиши**

Мактаб зоология дарслигининг муаллифи профессор О.Мавлонов бўлиб, у 172 сахифадан, 60 параграфдан иборат. Унда 134 та рангли расмлар бор. Ҳар бир параграф сўнгидаги билимларни назорат килиш учун саволлар ва тест топшириклар берилган. Дарсликда билимлар бериш билан ўкувчиларнинг кўнишка, малакаларини шакллантиришга ҳам эътибор килинган. Мазкур масала 5та лаборатория машғулотларида ўз ифодасини топган.

«Зоология» дарслиги тузилиш жиҳатидан ботаника дарслигидан тубдан фарқ қиласы. Агар «Ботаника» дарслигининг 5-синф учун мўлжалланган ўкув материаллари морфологик, анатомик, физиологик, экологик билимлар мажмуасида ташкил топган бўлиб, 6-синф «Ботаника» дарслигига асосий эътибор систематик тушунчаларнинг ўзлаштиришга каратилган бўлса, «Зоология» дарслигига бир вактнинг ўзида систематик, анатомик, морфологик, физиологик, экологик, гигиеник билимлар баён этилади.

«Зоология» дарслигининг иккинчи ўзига хос жиҳати хайвонлар билан танишиш эволюцион принципи асосида амалга оширилганлигидир. Одатда зоология ўкувчиларни умурткасиз хайвонларнинг бир хужайралилар ёки содда хайвонлар вакиллари билан таништиришдан бошланиб, то сут эмизувчиларнинг энг юксак вакиллари бўлмиш приматлар туркуми вакиллари билан якунланади.

#### **5.Одам ва унинг саломатлиги**

Мазкур дарсликнинг муаллифлари профессорлар Б.Аминов, Т.Тиловов, О. Мавлоновлар бўлиб, у 68 соатга мўлжалланган ўкув дастури асосида ёзилган. Дарслик XVI бобдан, 55 параграфдан ташкил топган.

Дарсликнинг «Кириш» дан сўнг, одам организми ҳакида умумий маълумот, таянч харакатланиш системаси, кон, кон айланиш системаси, нафас олиш, овқат ҳазм килиш, моддалар ва энергия алмашуви, айриш, ички секреция безлари, нерв системаси, олий нерв фаолияти, сезги органлари, кўпайиш ва ривожланиш, одамнинг пайдо бўлиши тўгрисида маълумотлар баён этилган.

Дарсликда хужайранинг тузилиши, тўқималар, суюкларнинг тузилиши, мускулларнинг динамик харакати ва функциясини кузатиш, одам конининг

шаклли элементларини ўрганиш, кон кетганда биринчи ёрдам, күкрак қафасини, нафас олганда ва чиқарилганда карбонат ангиридиди аниклаш, сийдик айриш органларининг тузилиши, марказий нерв системаси тузилишини ўрганиш, кўриш ўткирлигини аниклашга оид лаборатория машгулотларини ўтказиш методикаси ёритилган.

Дарсликда 92 та рангли расмлар, дарслик сўнгига ўкув фани бўйича тест саволлари ва хотима берилган.

Дарсликнинг ижобий томони сифатида унинг ўкув дастурига тўлиқ мос холда ёзилганлиги, ўтмишда ва хозирги даврда ижод килаётган олимларнинг фан ривожига кўшган ҳиссалари, республикадаги об-хаво шароитини эътиборга олган холда кенг тарқаладиган касалликлар хакида маълумот берилганлигини кайд килиш лозим.

Дарсликнинг салбий томони сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Одам анатомия, физиологияси ва гигиенасига нисбатан тиббиёт, хусусан ҳар хил касалликлар, уларнинг келиб чикиш сабаблари ва даволаш хакидаги маълумотлар ортикча берилган.
2. Баззи параграфлар масалан, 1, 33, 42§ даги маълумотларни нихоятда камлиги, 2,5,24,27,24,38 - параграфдаги маълумотларни кўплиги, баззи параграфлар мундарижада бўлиб матнда учрамаслиги (24§) хам кўрсатиб ўтиш зарур.
3. Баззи бир мавзулар, масалан ички секреция безлари жуда мураккаб килиб берилган. Унда келтирилган гормонлар сони 25 тадан ортади.
4. Дарсликда илмий чалкашликлар анчагина. «Мехнат туфайли ибтидоий одамлар аввал тик юришга, сўнгра кўл бармоклари билан меҳнат қуролларни ушлашга ўргангандан (1§)

Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф «Биология» (Цитология ва генетика асослари) дарслиги А.Зикиряев ва бошқалар томонидан тайёрланган бўлиб, унинг асосий бўлимлари органик оламнинг хилмалилиги, цитология асослари, организмларнинг кўпайиши ва индивидуал ривожланиши, генетика, селекция асослари ҳисобланади.

Дарслик 14 бобдан 49 параграфдан ташкил топган, унда хужайранинг ташкил, ички тузилиши айниқса органоидларнинг тузилиши, функцияси, хужайранинг кимёвий таркиби – анорганик моддалар, органик моддалар, оксиллар, углеводлар, ёғлар, нуклеин кислоталар, моддалар ва энергия алмашиниши хакида маълумотлар берилган.

Организмларнинг кўпайиши ва индивидуал ривожланиши бўлимида эса жинссиз, жинсий кўпайиш, хужайраларнинг митоз, мейоз бўлиниши, организмларнинг эмбрионал, постэмбрионал ривожланиши хакида билимлар келтирилган.

Генетика ва селекция асослари бўлимида эса генетик тушунчалар, ирсият конунлари. ўзгарувчанлик конунлари, одам генетикаси, унинг ўрганиш методлари, ўсимликлар, хайвонлар, микроорганизмлар селекцияси тўғрисидаги маълумотлар ёритилган.

Дарсликда 75 та расм берилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги рангли. Хар бир параграф сўнгидаги тест топшириклар берилган.

Дарслик биринчи маротаба нашр килинганини сабабли, унда бир канча камчиликлар мавжуд. Аввало, унинг тузилиши монографик шаклда нифодаланганини айтиб ўтиш жоиз.

Дарсликда бир-бирига зид фикрлар учрайди. Бир томондан дарслик муаллифлари тирикликтин молекула даражасини эътироф этиб, хаётнинг хужайрасиз шаклларига мисол килиб вирусларни оладилар ва уларнинг тузилиши, хаёт циклини тушунтирадилар. Иккинчи томондан эса «вируслар тирик организм хисобланмайди, чунки улар хаётнинг хусусиятларини ўзида намойён кильмайди» деб ўзларига ўзлари карши фикрда бўладилар.

Дарсликнинг бошқа сахифаларида хам илмий камчиликлар учрайди. Ирсий белгилар нуклеотидларда жойлашган (15 б), одатда хивчинсиз оддий тузилган (15 б), ўсимликлар хайвонат дунёсининг яшашини белгилаб беради (22 б). Ядроли организмларнинг барча хужайралари юксак тузилишга эга бўлиб, кислород билан озикланишга мослашган (36 б) ва бошқа шу каби иборалар бунга якъол мисолдир.

Бундай камчиликлар дарсликнинг бошқа сахифаларида хам учрайди. Чамаси дарслик муаллифлари рус тилидаги дарслик матнларни ўзбек тилига таржима килаётганларida бундай чалкашликларга йўл кўйганлар.

Дарсликнинг ўкув материали 14 бобга бўлиниши хам нотўғри. Баъзи боблар битта ёки иккита параграфдан тузилганини бунга якъол мисол. Одатда дарслик боблари мантикий жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган ўкув материалини қамраб олиши керак.

Дарслик «Организмларнинг хилма-хиллиги» «Хужайра», «Организмларнинг кўпайиши ва шахсий ривожланиши», «Генетика ва селекция асослари» каби 4 бобдан тузилса максадга мувофик бўлур эди. Боблар сонини эмас, параграф сонини аксинча кўпайтириш, уларни 59-60 га етказиш зарур эди.

Хулоса килиб айтганда, умумий ўрта таълим мактабларининг биология дарслеклари Республикасида кабул килинган «Узлуксиз таълим тизими учун ўкув адабиётларининг янги авлодини яратиш Концепцияси»да умумий ўрта таълим мактаблари учун яратиладиган дарслекларнинг янги авлодига кўйиладиган умумий ва хусусий талаблар, янги таҳrirдаги ўкув дастури ва модернизация килинган ДТС асосида кайта кўриб чикилиши зарур.

### Талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш саволлари

1. Дарслик билан ўкув кўлланманинг фаркини айтиб беринг.
2. Дарсликнинг асосий компонентлари нималардан иборат?
3. «Ботаника» дарслигининг тузилишини ва мазмунини тушунтиринг.
4. «Зоология» дарслиги «Ботаника» дарслигидан кайси жиҳатлари билан тафовут килишини аникланг.
5. «Зоология» дарслигига билимларни ёритиш кандай принципга асосланган?

6. «Одам ва унинг саломатлиги» дарслигининг ютуқ ва камчиликлари нималардан иборат?
7. «Биология» дарслигининг ютуқ ва камчиликларини аникланг.
8. 9-синф «Биология» дарслигига қандай асосий мавзулар ёритилган?
9. Биология дарслигдаги камчиликлар тўғрисида сизнинг фикрингиз?

### **Мустакил бажариш учун топшириклар**

1. «Ботаника» дарслигининг тузилиши ва мазмуни билан танишиб чикинг.
2. «Зоология» дарслигининг тузилиши ва мазмуни билан танишиб чикинг.
3. «Одам ва унинг саломатлиги» дарслиги тузилиши ва мазмуни билан танишиб чикинг.
4. «Биология» дарслигининг тузилиши ва мазмуни билан танишиб чикинг ва куйидаги жадвални тўлдиринг.

### **БИОЛОГИЯ ДАРСЛИКЛАРИ**

Дарслер	Сахифалар сони	Параграфлар сони	Расмлар сони	Лабаратория машгулотлар
Ботаника	·	·	·	·
Зоология	·	·	·	·
Одам ва унинг саломатлиги	·	·	·	·
Биология	·	·	·	·

## **5-Боб. БИОЛОГИК ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ**

### **5.1. УМУМИЙ БИОЛОГИК ВА ХУСУСИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ**

1. Билим ва тушунчалар.
2. Ўкувчиларда биологик тушунчаларни шакллантириш боскичлари.
3. Биологик тушунчаларнинг турлари.
4. Ўкувчиларда биологик тушунчаларни ривожлантириш йўллари.
5. Хусусий ва умумий биологик тушунчалар.

#### **Асосий тушунча ва таянч сўзлар**

Билим, тушунчалар, ўкувчиларда биологик тушунчаларни шакллантириш боскичлари, ривожлантириш йўллари, тушунчаларнинг турлари, хусусий ва умумий биологик тушунчалар.

Умумий ўрта таълим мактабларида биологияни ўқитишнинг асосий масади ўкувчиларда ДТС билан меъёрланган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириши саналади.

Шу сабабли, биология ўқитиш методикасининг асосий муаммоларидан бири ўкувчиларда таълим мазмунининг асосий таркибий кисми бўлган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш масаласи хисобланади ва мазкур масала жуда кўп биолог-методистлар томонидан тадқик этилган.

Ўкувчиларда билимларни шакллантириш учун, аввало унинг таърифини билиб олиш зарур.

Билим – нарса ва ҳодисаларнинг мухим бёлги ва хусусиятлари, жараёнлар ва улар ўртасидаги боғланишлар тўғрисида фан томонидан аниқланган тушунчалардан таркиб тонади.

Демак, билим – тушунчалар тизимидан иборат бўлиб, тушунчаларни шакллантириш муаммоси етакчи ўринга чикади.

Биологик тушунчаларни шакллантириш ва ривожлантириш биологик таълим ва тарбиянинг харакатлантирувчин кучи, ўкув материали мазмунининг асосий бирлиги саналади.

Ўкувчиларда тушунчаларни шакллантириш куйидаги боскичларда амалга оширилади:

- Ўкув материалини сезгি органлари оркали қабул қилиш;
- Идрок этиш;
- Тасаввур килиш;
- Ёдда саклаш;
- Амалда кўллаш;
- Натижаларни текширинг;

- Ахборотларни умумлаштириш ва хулоса ясаш.

Ўқитувчи томонидан тушунчаларни шакллантириш боскичларига амал килиниши ўқувчиларнинг тушунчаларни кабул килишига, тушунишига имкон яратади.

Шу сабабли, ўқитувчи хар бир ўкув фани мазмунидаги тушунчаларни белгилаб олиши, диккат марказини ўқувчиларда шу тушунчаларни шакллантиришга картиши лозим.

Тушунчалар мавзудан мавзуга ўтган сари аста-секин ривожлантирилиб, мукаммаллашиб боради, шунга кўра тушунчаларни шакллантириш билан бир катorda ривожлантирилиши мухим таълим-тарбиявий аҳамиятга эга.

Шуни эсдан чиқармаслик лозимки, тушунчаларни ўқувчилар бирданига эгаллай олмайдилар, тушунчаларни хосил бўлишида юкорида кайд этилган боскичларни амалга ошириш, бунинг учун эса муайян вакт керак бўлади. Фактлардан тушунчаларни келтириб чиқариш узок давом этадиган жараён бўлиб, энг мухими тушунчаларни «тайёр» холда беришдан сакланиш, қийин-чиликсиз кабул килинган тушунчалар тез эсдан чиқишини унутмаслик керак.

Ўқитувчи тушунчаларни шакллантириш боскичларнга амал килиши, ўқувчиларнинг аклий фаолияти жалб этиши, улар томонидан обьектларни таққослаш, ўхшашлиқ ва фарқини топиш, умумлаштириш ва хулоса чиқариш каби мантикий фикр юритиш операцияларидан фойдаланиш кўникмаларини эгаллашларига замин яратиши лозим.

### **Биологик тушунчалар**

Биология ўкув фани мазмуни мантикий изчилликда шакллантириладиган, ривожлантириладиган ва ўзаро алокада бўлган тушунчалар тизимндан иборат.

Биология ўкув фани мазмунинг биология фанининг морфология, анатомия, физиология, цитология, генетика, селекция, экология, гигиена, систематика, эмбриология, эволюцион таълимот, биотехнология, ген инженерияси каби тармоқларига оид маълумотлар киритилган бўлиб, тушунчалар тизими шу фан асослари билан белгиланади.

Шу сабабли, биология ўкув фанининг асосий биологик тушунчалари сирасига морфологик, анатомик, физиологик, цитологик, генетик, экологик, гигиеник, систематик, эмбриологик, эволюцион, шунингдек, агрономик тушунчаларни киритиш мумкин.

Биологик тушунчалар мазмуни ва моҳиятига кўра: оддий ва мураккаб, хусусий ва умумий биологик тушунчаларга ажратиш мумкин.

Маълумки, хар бир тушунча аввал оддий, сўнгра бошка оддий тушунчалар билан бирлашиб мураккаб тушунчаларни хоси килади.

Масалан, 5-синфда «Ботаника» ўкув фанидаги «Гулли ўсимликлар билан умумий танишиш» мавзусида ўкувчилар томонидан барг, илдиз, поя, гул, мева, уруғни ўсимлик органлари каби оддий бирламчи тушунча сифатида кабул килинади. Мазкур ўкув фанининг кейинги бобларнда ушбу оддий тушунчалар бошка тушунчалар билан биргаликда ривожлантирилиб, мураккаб тушунчани хосил килади.

Масалан, дастлаб бирламчи тушунча - ўсимлик органи бўлган барг, «Барг» бобида барг кисмлари, бир ва икки паллали ўсимликлар баргининг томирланиши, пояди жойлашиши, оддий ва мураккаб барглар, баргнинг хужайравий тузилиши, баргнинг сув буғлатиши, нафас олиши, фотосинтез, ўсимликларнинг нам танқислигига мосланиши натижасида барглар метаморфози билан танишиш орқали мураккаб тушунчага айланади. Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики; боб якунида бирламчи тушунча бўлган барг ўзида морфологик, анатомик, физиологик, цитологик, тушунчаларни мужассамлаштириб мураккаб тушунчага айланади.

6-синф «Ботаника» ўкув фани мазмунидаги «Ўсимликлар систематикаси», «Ўзбекистоннинг ўсимлик коплами» мавзуларида барг тушунчаси систематик, экологик тушунчалар билан ўзаро алокадорликда янада бойитилади.

Бундай холатни юкорида кайд этилган оддий бирламчи тушунча бўлган ўсимлик органлари илдиз, поя, гул, мева, уруғ мисолида келтириш мумкин ва уларнинг хар бири ўзида муайян тушунчаларни мужассамлаштириб мураккаб тушунчага айланади.

«Ўсимлик-яхлит организм» мавзусида мазкур мураккаб тушунчалар ўзаро алокадорликда янада мураккаб умумий биологик тушунчаларга айланади.

7-синф «Зоология» ўкув фанида хар бир тип ёки синф вакиллари мисолида хайвон тўғрисидаги тушунча унинг морфологияси, анатомияси, физиологияси, экологияси ва аҳамияти ёки зарари ҳақидаги тушунчалар билан уйғун ҳолда берилади.

Айни пайтда ушбу тушунчалар организмларнинг оддийдан мураккабга томон эволюцион мураккаблашиб бориши нуктаи назардан ривожлантирилади.

8-синф «Одам ва унинг саломатлиги» ўкув курсида оддий тушунча бўлган органлар тушунчаси, органлар системаси, органларнинг тузилиши ва функцияси тушунчалари бирлашиб мураккаб тушунчаларга айланади.

Одам ва унинг саломатлиги курсида тушунчалар: хужайра, тўқима, орган, органлар системаси, организм яхлит система тизимини хосил киласи.

Ўкув курси якунида ўкувчиларда хар бир органнинг тузилиши ва вазифаси бўйича морфологик, анатомик, физиологик, гигиеник, экологик, эмбриологик ва эволюцион тушунчалар тизимини шакллантириш назарда тутилган.

Бир ўкув фани давомида ривожлантириладиган тушунчалар хусусий тушунчалар дейилади.

«Ботаника»да ўсимликларнинг илдиз ёрдамида минерал озикланиши, барг орқали озикланиши – фотосинтез, «Зоология»да хайвонларнинг морфологияси, анатомияси, физиологияси, экологияси, «Одам ва унинг саломатлиги» ўкув курсида одам организмида борадиган ҳаётй жараёнлар, баъзи касалликларнинг белгилари ва уларнинг олдини олиш ҳақидаги тушунчалар хусусий тушунчаларга мисол бўлади.

Хусусий тушунчалар ичida факат битта мавзууда ривожлантириладиган тушунчалар локал тушунчалар дейилади. Локал тушунчалар сирасига «Поя-

ларнинг хилма-хиллиги» мавзусидаги поянинг турлари тик ўсуви, ўрмаловчи, чирмашувчи, палак отувчи, илашувчи, кискарган поялар, «Ўғитлар» мавзусидаги ўғитларнинг турлари киради.

Хусусий тушунчаларни куйидаги гурухларга ажратиш мумкин:  
Ўсимлик хамда хайвонларнинг органлари тўғрисидаги тушунчалар;  
Ўсимлик хамда хайвон организмида борадиган хаётий жараёнлар тўғрисидаги тушунчалар;

Экологик, систематик ва филогенетик бoggанишлар тўғрисидаги тушунчалар;

Биология ўкув фани мазмунида умумий биологик тушунчалар асосий ўринни эгаллади.

Барча тирик организмларга хос бўлган биологик конуниятлар ва айrim биологик ўкув курсларининг хусусий тушунчаларини умумлаштирувчи тушунчалар умумий биологик тушунчалар дейилади.

Умумий биологик тушунчаларга:

- Ҳужайра тирик организмларнинг тузилиш, курилиш ва хаётий бирлиги;
- Органлар тузилиши ва функциясининг бирлиги;
- Организм билан мухитнинг ўзаро бoggикилиги;
- Организм – ўз-ўзини бошқарувчи яхлит система;
- Моддалар ва энергия алмашиниши;
- Ирсият, ўзгарувчанлик ва организмларнинг кўпайиши;
- Органик оламнинг эволюцион ривожланиши кабилар киради.

Умумий биологик тушунчалар хусусий биологик тушунчалардан ҳосил бўлади ва уларнинг ҳар бири мактаб биология ўкув фанлари мазмунида ривожлантирилиб борилади.

IX-синфда ўқитиладиган «Биология» (Цитология ва генетика асослари) ўкув фани мазмунида анатомик, морфологик, цитологик, физиологик, генетик тушунчалар асосий ўринни эгаллади ва у ўкувчиларнинг аввалги курсларда ўзлаштирган билимлари асосида ривожлантирилади ва мустаҳкамланади.

V-VIII-синфларда ўқитилган биологик ўкув фанларида умумий биологик характеристга эга бўлган тушунчалар «Биология» (Цитология ва генетика асослари) ўкув фанини ўқитишда хусусий тушунчаларга айланади.

Тушунчаларнинг бир тартибдан бошка тартибга ўтиши, яъни умумий биологик тушунчаларнинг «Биология» ўкув фанини ўқитишда хусусий тушунчаларга айланishi биологик курсларда тушунчаларни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусияти саналади. Бу тушунчалар кўп томонлама ва айни пайтда харакатчан алоказалар билан боғланаб, ўзаро узвийликда ривожлантирилади.

Масалан, V-VIII-синфларда ўқитилган биологик ўкув фанларида умумий биологик тушунча саналган ҳужайра тушунчаси ва унга боғлик маълумотлар «Цитология асослари» бобида янги тушунчалар билан ўзаро боғланади ва узвий ривожлантирилади. Жумладан, ядро тушунчаси ботаника, зоология, одам ва унинг саломатлиги курсларида ҳужайранинг асосий кисми шаклида

ътироф этилган бўлса, мазкур курсда ядродаги хромосомаларнинг тузилиши, кариотип, диплоид, гаплоид набор, хромосоманинг экзон, инtron кисмлари хакидаги тушунчалар билан бойитилиб, ядро хужайранинг ажралмас кисми бўлиб, у ирсий ахборотни саклаш, ирсий ахборотни наслдан-наслга ўтишини таъминлаш, хужайрада борадиган модда ва энергия алмаши-нуви жараёнини бошкариш каби функцияларни бажариши кайд этилади.

Х-ХI-синфларда ўқитиладиган «Биология» (Эволюция ва экология асослари) ўкув фани мазмунида эволюцион ва экологик тушунчалар етакчи ўринин эгаллайди ва мазкур тушунчалар ўқувчиларнинг аввалги ўкув курсидан эгаллаган билимлари асосида ривожлантирилади.

Мазкур ўкув курси умумий ўрта таълим мактабларида биологик ўкув фанларни якунловчи курс бўлганлиги сабабли, умумий биологик тушунчаларни шакллантириш, кенгайтириш ва ривожлантириш асосий максад этиб белгиланади.

V-VII-синфларда ўқитиладиган «Ботаника» ва «Зоология» ўкув фанларидан ўзлаштирган систематик бирликлар тур, авлод, туркум, оила, синф, тип, бўлим каби тушунчалари турларнинг пайдо бўлиши, микроэволюция, макроэволюция тушунчалари билан ўзаро боғликда кенгайтирилади ва ривожлантирилади.

Тирик организмларнинг яшаш мухитига мослашганлиги хакидаги билимлар «Экология асослари» бобида ривожлантирилади.

Шундай килиб, дастлаб бирламчи оддий тушунчалар, мураккаб тушунчаларга сўнгра хусусий ва умумий биологик тушунчаларга айланиб боради.

Ўқувчиларда тушунчаларнинг шаклланганлик ва ривожланганлик даражасининг кўрсаткичи биологик таълим самарадорлигининг даражасини белгилайди. Шу сабабли, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган тушунчаларнинг энг юкори даражаси тушунчаларни эркин баён этиш ва амалиётда мустакил фойдалана олиш саналади.

Тушунчаларни амалиётда мустакил фойдалана олиш жараёни ўқувчилар томонидан тушунчаларга боғлик холла муайян кўникмаларни эгаллашни талаб этади.

Тушунчаларни ўзлаштиришда масала ва машқлар ечиш, кузатиш ва тажрибалар билан боғлик бўлган амалий масалаларни ҳал этиш мухим ахамиятга эга.

Шу сабабли, тушунчаларни ривожлантириш жараёни тегишли кўникма ва малакаларни таркиб топтириш жараёни билан узвий боғлик.

Умумий ўрта таълим мактаблари биология ўкув дастурида билимлар билан бир каторда, ўқувчиларда тегишли кўникма ва малакаларни таркиб топтириш кўзда тутилган.

Ўқитувчи хар бир дарсга пухта тайёргарлик кўриши, мавзу мазмунидаги хусусий ва умумий биологик тушунчалар, уларга мос ҳолда кўникма ва малакаларни аниклаши, уларни ўқувчилар томонидан ўзлаштириш боскичла-рига амал килган ҳолда ўқувчиларда шакллантириш ва ривожлантириш

йўлларини белгилаши, дарс жараёнида уни амалга ошириши, эришилган натижаларни тахлил килиши, ўқувчиларнинг тушунчаларни ўзлаштириш жараёнидаги типик хатоликларни аниклаши, унга бархам бериш чораларини кўллаши лозим.

### **Талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш саволлари**

1. Билим ва тушунчага таъриф беринг.
2. Ўқувчиларда тушунчаларни шакллантириш боскичларини аникланг.
3. Оддий ва мураккаб тушунчаларга мисол келтириng.
4. Хужайра тушунчасини шакллантириш ва ривожлантириш йўлларини аникланг.
5. Гул тушунчасини шакллантириш ва ривожлантириш йўлларини аникланг.
6. Ўқувчиларда тушунчаларни шакллантириш ва ривожлантириш учун ўқитувчи нималарга эътибор каратиши лозимлигини аникланг.

### **5.2. БИОЛОГИК КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

1. Биологик кўникма ва малакалар.
2. Ўқувчиларда кўникма ва малакаларни таркиб топтириш боскичлари.
3. Кўникма ва малакаларнинг гурухлари.
4. Биологияни ўқитиша ўқувчиларда таркиб топтириладиган кўникма ва малакалар.

#### **Асосий тушунча ва таянч сўзлар**

Биологик, ўқув, амалий, меҳнат кўникма ва малакалари, ўқувчиларда кўникма ва малакаларни таркиб топтириш боскичлари, кўникма ва малакаларнинг гурухлари, биологияни ўқитиша ўқувчиларда таркиб топтириладиган кўникма ва малакалар

Биологик таълим мазмунининг иккинчи таркибий кисмини фаолият усуслари, яъни кўникма ва малакалар ташкил этади.

Кўникма – бирор фаолиятни ўзлаштирилган усули, малака эса, мазкур кўникманинг автоматлашган кўриниши саналади.

Биология ўқитувчиси ўқув дастуридан ўрин олган биологик кўникма ва малакаларни аник билиши, ўқувчиларда таркиб топтириш боскичларини чукур англаган бўлиши керак.

Ўқувчилар томонидан кўникмалар куйидаги боскичлар ёрдамида ўзлаштирилади:

- Кўникма таркибига кирадиган иш усусларини аниклаш;
- Кўникма таркибига кирадиган иш усусларини бажариш;
- Бу иш усусларини такроран бажариш;

Органлар системаси	Ок планария	Ёмғир чувалчанги	Сув шиллик курти	Дарё кінекічбакаси
Тана бүшілгі				
Хазын килиши				
Көп айттаниши.				
Нафас олиши				
Айриши.				
Нерв системаси				
Сезін органлары				
Күнайышы				

Үқувчилар дарсlikда берилған үқув ахборотини таҳлил қилади, органлар системаси хақидаги фактларни танлайды, уларни аввалғы обьектлар билан таққослаб, хулоса чиқаради. Демек, дарё кінекічбакасининг ички тузили-шини таҳлил килиб, аввал ўрганилған ок планария, ёмғир чувалчанги, сув шиллик курти билан таққослаб ўрганади. Үқув материалларининг бу тарзда ўрганилиши үқувчиларда таҳлилий фикр юритиш күнікмаларининг таркиб топтиришга замин тайёрлады.

Богланишли (ассоциатив) фикр юритиш (аввал ўрганилған билимлар, фактлар орасидаги boglaniшларни аниклаш, таниш обьект ва ходисаларнинг янги хусусиятлари ва сифатларини топиш).

Богланишли фикр юритиш үқувчиларнинг аввал ўзлаштирган билим, күнікма ва малакаларини күтілмеган, ноодатий вазиятларда күллаб янги билим ва күнімаларни ўзлаштиришларыга замин тайёрлады.

Үкитувчи «Органик олам эволюциясыннинг йұнапашлары» мавзусини ўрганишда үқувчиларнинг ботаника ва зоология үқув фанларидан ўзлаштирган билимларини фаоллаштириш максадида уларға үқув топшириклари билан бирға қойылады жадвални түлдириш тавсия этади.

## I – топширик

1. Кирккүлөклар, очик уруглайлар ва ёпік уруглайларнинг тузилишини таққосланг. Уларнинг тузилишилдегі үхашашлық ва фаркларни аникланг.

Такқосланған жиһаттар	Кирккүлөклар	Очік уруглайлар	Ёпік уруглайлар
Хастий шакты			
Илдизи			
Пояспи			
Барғы			
Күнайиш органлары			
Күнайиш жараённининг			
ташки мухит омылларына;			
богликшыны			

2. Нима сабабдан ёпік уруглайлар ўсимликлар оламида хукмронлигини аникланг.

## II – топширик

1. Сувда хамда курууликда яшовчилар, судралиб юрувчилар ва күшларнинг тузилишини таққосланг. Улар ўртасында үхашашлық ва фаркларни аникланг.

Таккосланадиган жихатлар	Сувда ҳамда курукликла япновчилар	Судрашиб торувчилар	Күшлар
Тана қонлами.			
Ҳазм килиши			
Көп айланыш			
Юраги.			
Нафас олиши.			
Айриши.			
Нерв системаси.			
Сезги органлари.			
Күнайши.			

2. Нима сабабдап қүшларнинг ҳайвонот оламида ҳукмронлигини аникланг.

Ўкувчилар ушбу топширикларни бажариб бўлганларидан сўнг, ўқитувчи биологик прогресс, араморфоз, идиоадаптация, умумий дегенерация ҳакида маълумот беради ва ўкувчиларга мисол келтиришин тавсия этади. Ўкувчилар ўзлари тўлдирган жадвалдан фойдаланиб ёпик уруғилар ва қүшлардаги араморфозларни аниклади.

Шу тарзда ўкувчиларда болганишли фикр юритиш кўниммалари шакллантирилади ва ривожлантирилади.

Мустакил фикр юритиш (муаммоли вазиятларни тахлил килиш, фаразларни илгари сурин, аввал ўзлаштирган билим, кўнимма ва малакаларни янги вазиятларда кўллаб, янги билим, кўнимма ва малакаларни эгаллаш, ўз фикрини далиллаш).

Мустакил фикр юритиш шахс хаётида мухим ахамият касб этади. Шу сабабли биологияни ўқитишнинг барча шаклларинда, ўкувчиларда мустакил фикр юритиш кўниммаларини ривожлантиришига ахамият бериш зарур.

Мустакил фикр юритиш қўйидаги боскичларда амалга оширилади:

1. Муаммоли вазиятларни тахлил килиш.
2. Фаразларни илгари сурин.
3. Аввал ўзлаштирган билим, кўнимма ва малакаларни янги вазиятларда кўллаб, янги билим, кўнимма ва малакаларни эгаллаш.
4. Ўз фикрини далиллаш.
5. Жавобнинг тўғрнлигини текшириб кўриш.

Ўкувчиларда мустакил фикр юритишни ривожлантириш учун ўқитувчи хар бир мавзуни ўрганишда муаммоли вазиятларни вужудга келтириши ва ўкувчиларнинг билиш фаолиятини муаммоли вазиятларни ҳал килишга йўллаши лозим.

Масалан, «Бир уруг паллалилар. Лоладошлар онласи» мавзусини ўрганишда муаммоли вазиятни вужудга келтирилиб, ўкувчиларнинг икки паллалилар синфи оилаларини ўрганишда ўзлаштирган билимларини янги кутилмаган вазиятларда кўллашига имкон яратиши лозим. Жумладан, ўкувчиларга қўйидаги ўкув топшприктарпин бажариш тавсия этилади.

## Топшириқнинг дидактик мақсади:

Бир ургу паллали ўсимликлар, лоладошлар оиласининг ўзига хос хусусиятлари, оиласининг ёввойи ва маданий вакилларининг аҳамиятини ўрганиш.

№	Ўкувчилар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўкув топшириклари	Топширикни бажариш бўйича кўрсатмалар
	Дарсликдаги матнни диккат билан ўқиб куйидаги саволларга жавоб топинг ва топширикларни бажаринг:	Ўкувчилар гурухи билан ҳамкорликда ишланг.
1.	Бир ургу паллали ўсимликларнинг ўзига хос хусусиятлари ва унга кайси оиласалар мансублигини аникланг.	
2.	Лоладошлар оиласининг ўзига хос хусусиятларини аникланг.	
3.	Лоладошлар оиласи вакилларининг гул тузилиши ва формуласини ўрганинг.	
4.	Лоланинг гулини олма гули билан тақкосланг. Ўхашлил ва фарқларини аникланг.	
5.	Лоланинг тузилишини наъматакнинг тузилиши билан тақкосланг ва куйидаги жадвални тўлдиринг.	Ўкувчилар билан ўтказиладиган савол-жавобда фаол иштирок этинг.

Тақкосланадиган жихатлар	Лола	Наъматак
Ҳаётий шакли		
Илдизи, пояси, барги		
Гул формуласи		
Гулкўргони		
Чангланиш тури		
Меваси		

Мантиқий фикр юритиш (муаммони ҳал этишнинг ички ва ташки мантиқини хисобга олган ҳолда мантиқан далиллаш, усулларнинг мантиқан кетма-кетлигини аниклаш).

Мантиқий фикр юритиш кўнікмаларини ривожлантириш куйидаги босқичлардан иборат бўлади:

1. Муаммоли вазиятни англаш, уни ҳал этиш йўлларини аниклаш.
2. Муаммони ҳал этишнинг ички ва ташки мантиқини хисобга олган ҳолда мантиқан далиллаш.
3. Муаммони ҳал этиш усулларининг мантиқан кетма-кетлигини аниклаш.
4. Ўз жавобларининг тўғрилигини далиллаш ва жавобнинг тўғрилигини текшириб кўриш.

Тизимли фикр юритиш (ўрганилган обьектни кисмларга ажратиш, унинг яхлитлигини, ўзаро боғликларини аниклаш ва тавсифлаш кўникмаси).

Тизимли фикр юритиш ўкувчиларнинг ўрганилаётган обьектни кисмларга ажратиш, унинг яхлитлигини, ўзаро боғликларини аниклаш ва тавсифлаш кўникмаларини ривожлантиришга асосланади.

Ўқитувчи ўқувчиларда тизимли фикр юритишни ривожлантириш учун муайян мавзуларда ўқувчиларнинг мустакил ишларини ташкил этиши ва тегишли ўқув топширикларини тузиши лозим. Жумладан, «Хужайранинг тузилиши ва функцияси» мавзусида ўқувчиларга кўйидаги ўқув топширикларини тавсия этиш мақсадга мувофик.

**Топширикнинг дидактик максади:** Хужайранинг тузилиши ва функцияларини ўрганиш оркали, хужайранинг яхлит тизим эканлиги, органоидларнинг тузилиши ва функцияси, улар ўртасидаги боғланишларни аниклаш.

Хужайра органоидлари	Тузилиши	Функцияси
----------------------	----------	-----------

Шундай килиб, танқидий фикр юритиш таҳлилий, боғланишли, мустакил, мантиқий, тизимли фикр юритишни мужассамлаштириб улар ўртасида ички ва ташки, муайян ва нисбий боғланишлар мавжуд.

Ўқувчиларда, ижодий фикр юритиш кўнимкамаларни ривожлантиришда ўқитувчи юқорида қайд этилган таҳлилий фикр юритишнинг таркибий кисмларидан, хусусан, мустакил фикр юритиш кўнимкамаларидан фойдаланиши мумкин. Шуни қайд этиш керакки, ўқувчиларда номлари зикр этилган фикр юритиш кўнимкамаларини ривожлантирмай туриб ижодий фикр юритиш кўнимкамаларини шакллантириш ва ривожлантириш мумкин эмас.

Ижодий фикр юритиш кўнимкамалари ижодий фаолият тажрибаларининг асосини ташкил этади. Ижодий фаолият тажрибаларини эгаллашда ўқувчилар ақлий фаолият усуллари бўлган ўрганилаётган объекtnи тахлил килиш, тақкослаш, таркибий кисмларга ажратиш, синтезлаш, сабаб-оқибат боғланишларини тасаввур килиш, умумлаштириш ва хулоса ясашни эгаллаган бўлишлари лозим. Шундагина ўқувчилар ижодий фаолиятнинг асосини ташкил этадиган хусусиятлар:

1. Таниш объекtlарнинг янги хусусиятлари ва вазифаларини топиши;
2. Таниш вазиятлардаги муаммоларни мустакил равища ҳал этиш;
3. Билим ва кўнимкамаларни янги кутилмаган вазиятларда кўллаш оркали муаммони ҳал этиш; .
4. Ўзлаштирган билим ва кўнимкамаларни амалиётда ижодий кўллашга ўрганиши мумкин.

Ўқувчиларда мустакил ва ижодий фикр юритиш кўнимкамаларини ривожлантиришнинг мухим шарти, ўқувчиларнинг ўз фикрларини далиллаш ва асослаш саналади. Шу сабабли, ўқувчиларнинг мустакил ва ижодий фикр юритиш кўнимкамалари асосан, ўқув мунозаралари ва баҳслар оркали ривожлантирилади.

Ўқув мунозаралари ва баҳсларни ташкил этиш кўйидаги боскичлардан иборат бўлади:

1. Ўқув мунозаралари ва баҳсларни келтириб чикаралиган ўқув топшириклари билан танишиш.

2. Ўкув топширикларидағи муаммоларни хал этиш йўлларини белгилаш;
3. Ахборот манбаи ёки дарсликлардаги ўкув материалини ўрганиш, тахлил килиш ва ундағи асосий гояни ажратиш;
4. Муаммоларни хал этиш бўйича жавобларни тайёрлаш;
5. Жавобларни кўргазмали воситалар ёрдамида далиллаш;
6. Жавобларнинг тўғрилигини текшириб кўриш, ўз-ўзини назорат килиш, ўзаро назоратни амалга ошириш

Ўкув мунозараларининг икки тури мавжуд, агар икки ўқувчи ўзаро хамкорликда ёки ўқувчининг компьютер билан мулокоти ташкил этилса, бу диалог тарздаги мунозара, агар мунозара ўкувчиларнинг кичик гурухлардаги мустакил иши асосида ташкил этилса полилог тарздаги мулокот саналади.

Ўқитувчи дарсда ўрганиладиган мавзунинг дидактик максадидан келиб чиккан холда кай тарздаги мунозарани ташкил этишни назарда тутиб тегишли ўкув топширикларни тайёрлайди.

Хар қандай ўкув мунозаралари ижодий изланиш асосида ташкил этилади. Ижодий изланишлар қуйидаги босқичларда ташкил этилиши максадга мувофик:

1. Ижодий изланиш максадини аниклаш, мазкур максадига мувофик мустакил ишларни ташкил этиш, гурух аъзолари ўртасида фикр ва ахборот алмашинувини амалга ошириш;
2. Олинган натижаларни тасаввур килиш ва уни лойихалаш;
3. Максадни амалга ошганлиги ва олинган натижани тахлил килиш;
4. Зарур холларда тегишли ўзгартиришлар киритиш.

### Талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш саволлари

1. Ўкувчиларда мустакил ва ижодий фикрларни ривожлантириш йўлларини ўрганинг.
2. Биологияни ўқитишида ўкув мунозаралари, баҳслар ўтказиш усулларини ўрганинг.
3. Ўкувчиларда ўкув мунозаралари ва баҳсларда иштирок этиш учун зарур бўлган кўникмаларини шакллантириш йўлларини ўрганинг.
4. Ўкувчиларда фикрларини асослаш, ўз - ўзини баҳолаш, ўзаро назорат қилиш кўникмаларини шакллантириш йўлларини ўрганинг.
5. Биологияни ўқитишида диалог, полилог ўкув мулокотларини ўтказиш йўлларини ўрганинг.
6. Ўкувчилар жамоасида ижодий изланиш ишларини ташкил этиш босқичларини аникланг.

## **6-Боб. БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ**

### **6.1. БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МЕТОДЛАР**

- 1.Ўқитиш методларининг умумий тавсифи.
- 2.Оғзаки методлар ва уларнинг турлари.
- 3.Кўргазмали методлар ва улар таркибига кирадиган услублар.
- 4.Амалий методлар ва уларнинг турлари.

#### **Асосий тушунча ва таянч сўзлар**

Ўқитиш методлари, ўқитиш методларининг функциялари, ўқитиш методларининг таснифи ва тавсифи, ўқитишнинг репродуктив методлари.

Маълумки, таълим жараёни ўкувчиларнинг билим олиш, кўникма ва малакаларни эгаллаш, уларнинг илмий дунёкараши, ижодий изланишларини ривожлантириш максадига йўғрилган ўқитувчи ва ўкувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги саналади.

Бошқача айтганда, таълим мазмунининг ўқитиш методлари ёрдамида ўзлаштирилишига эришишdir.

Метод сўзи умумий маънода муайян максадга эришиш усулидир.

Ўқитиш методлари том маънода ўқитувчининг билимларни ўкувчилар онгига етказиш ва айни пайтда уларни ўкувчилар томонидан ўзлаштириб олиш усулидир.

Дидактикада ўқитиш методлари қуидаги методологик ва назарий коидаларга асосан таърифланади:

Ўқитиш методи ўқитиш жараёнининг ўзига хос педагогик шароитида объектив реалликни билиш методларининг ифодаси саналади, яъни ўқитиш методлари ёрдамида ўкувчиларнинг билиш фаолияти ташкил этӣлади ва бошқарилади.

Ўқитиш методлари ўкувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш максадида кўлланилади. Бу уларнинг асосий функциялари саналади, шунингдек, мазкур методларнинг ундовчи, рағбатлантирувчи, уюштирувчи ва назорат килювчи функциялари ҳам мавжуд.

Ўқитиш методлари ягона таълим жараёнининг иккита субъекти бўлган ўқитувчининг педагогик ва ўкувчиларнинг ўкув-билиш фаолиятини уйғунлаштирувчи, ҳамкорлигини таъминловчи фаолият усулидир.

Ўқитиш методлари ўқитишнинг моддий воситалари бўлган дарслик, кўргазмали, дидактик ва тарқатма материаллар билан узвий bogлангандир.

Ўқитиш методлари аниқ ўқитиш усууларидан таркиб топади ва педагогик жараёнга кўлланилади.

Ўқитиш методлари ўзаро bogланган фаолият усуулари сифатида ларснинг барча босқичлари, ташкилий қисм, ўкувчиларнинг билиш мотивларини фаоллаштириш, янги мавзуни ўрганиш, ўкувчиларнинг билиш фаолиятини

ташкил этиш ва бошқариш, ўкувчиларнинг ўзлаштирган билимларини назорат килиш ва баҳолаш, олинган натижаларни таҳлил килиш, уй вазифасини беришда фойдаланилади.

Дарсда ўқитиш методлари доимо мӯайян бирикма холида кўлланилади. Дарснинг хар бир боскичида методларнинг у ёки бу бирикмаларидан фойдаланилади. Мазкур боскичдаги вазифаларни муваффакиятли ҳал этишини таъминловчи метод устунлик килувчи етакчи тизим хосил килувчи метод хисобланади, қолган методлар унга бўйсунади. Биологияни ўқитиша аксарият ҳолларда кўргазмали метод етакчи ўринни эгаллайди, бошқа методлар унга бўйсунади ёки сингиб кетади.

Инсон фаолияти методларининг ўзгариши, ўқитиш методларининг бойишига ва янгилинишига олиб келади. Ахборотларнинг глобаллашуви шароитида дастурли ўқитиш, ЭҲМ дастурлари воситасида ўқитиш ва х.к. методлар вужудга келди.

Дидактикада ўқитиш методларини таснифлаш мунозарали масала бўлиб, таснифлаш турли асослар бўйича амалга оширилган. Академик И.Д.Зверев методларни ўқитиш манбалари ва ўкувчилар фаоллик даражасига кўра куйидагича таснифлашни тавсия этган.

Мазкур жадвалга мувофик, ўқитиш методларининг 9 гурухини танлаб олиш имконини беради.

Ўқитиш манбалари бўйича	Ўкувчилар фаоллик даражасига кўра Репродуктив (кайта айтиб бериш)	Кисман кидирув	Тадқикотчилик
Оғзаки	+	+	+
Кўргазмали	+	+	+
Амалий	+	+	+

Таникли дидактик олим Ю.К. Бабанский ўқитиш методларини куйидаги гурухларга ажратган:

1. Ўқитишнинг оғзаки методлари (хикоя, сухбат, ўкув маъruzаси).
2. Ўқитишнинг кўргазмали методлари.
3. Ўқитишнинг амалий методлари.
4. Ўқитишнинг муаммоли-изланиш методлари.
5. Ўқитишнинг мантикий методлари.
6. Мустакил ишлаш методлари.
7. Ўқитиша ўкувчилар фаолиятини раббатлантириш ва асослаш методлари.
8. Ўқитишнинг назорат ва ўз-ўзини назорат килиш методлари.

Куйида ўқитишнинг репродуктив методлари бўлган оғзаки методлари (хикоя, сухбат, ўкув маъruzаси), кўргазмали, амалий методларининг тавсифи берилади:

**Ўқитишнинг оғзаки баён методлари гурухи.** Ўқитиш жараёнида оғзаки методлардан доимо ва мунтазам фойдаланиб келинган. Бу методлар

методлар ичиде устунлик килган даврлар хам бўлган. Хозирги кунда анъанавий таълим тизимида оғзаки методлар устунлик килиди. Кейинги йилларда оғзаки методларни танкид килиш, уларни ўқувчилик фаолиятига фаол таъсир кўрсатмайдиган методларга киритиш одат тусига айланган. Методларга баҳо беришда холисонало ёндашиш зарур, унинг аҳамиятини мутлаклаштириш, бўрттириб кўрсатиш мумкин эмас, шунингдек, пасайтиришга хам йўл кўйиб бўлмайди.

Ўқитувчининг оғзаки баён методлари кўлланилганда ўқитувчининг сўзи ўқувчиларнинг билим олишлари учун асосий манба хисобланади, яъни ўқитувчи ўқувчиларга сўзлар воситасида билим беради, ўқувчилар фаолиятини эшитиш, фикр юритиш, берилган саволларга жавоб топишга йўналтиради. Шунинг учун ўқитувчининг сўзи оддий ахборот бўлмасдан, балки ишончли, асословчи, ўқувчиларнинг фаолиятини фаоллаштирувчи таъсир кучига эга бўлиши керак.

Ўқитувчининг ёркин, хиссийёти, далилларга асосланган, мантикий кетма-кетликда тузилган, кўргазмали хикоя, сухбат, маърузалари хозир хам ўз кимматини йўқотмаган. Оғзаки методлар киска муддатла катта ҳажмдаги ўкув материалини ўқувчилар онгига етказиш, муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, уларни хал этиш йўлларини кўрсатиш, ўқувчиларнинг нуткини ривожлантириш имконини яратади. Шунингдек, кўпчилик методлар ўқитиши жараёнида оғзаки методлар билан уйғунлаштирилган ҳолда кўлланилади. Оғзаки методларнинг муваффақиятли кўлланилиши, ўқитувчининг:

- нутк маданиятини эталлаганлик, жумладан, нуткнинг равонлиги, овоз кучи, интонация, ахборотларнинг образлилиги, ишончлилиги, асословчи, исботловчи, эмоцияли, шахсий муносабат билан йўғрилганлик даражасига;
- ахборот технологиялари асосида яратилган электрон дарсликларда овоз, анимация, харакатларнинг уйғунлик даражасига боғлик бўлади.

Оғзаки баён методлари гурухи ўз ичига сухбат, хикоя, маъзура методларини олади.

**Хикоя методи** ўқувчиларга ўкув материалини яхлит ҳолда саволлар бериб, узмасдая баён этишни назарда тутади. Янги мавзу мазмунидаги тушунчалар, илмий ахборот кўп бўлган тақдирда, шунингдек, ўқитувчи ўкув материали юзасидан фаол сухбат ўтказиш имкони бўлмаган, изохлаш ва тушунтириши лозим бўлган. ўкув материалининг ҳажми катта бўлиб, уни дастурда белгиланган вактда ўрганиш зарур бўлган холларда хикоя методидан фойдаланади. Хикоя методидан дарснинг қайси босқичида фойдаланишига кўра хикоя методининг дидактик максади турлича бўлади.

Дарснинг кириш кисмida фойдаланиладиган хикоя методи ўқувчиларнинг янги мавзу мазмунини идрок килишга тайёрлаш саналади. Мазкур жараёнда хикоя методи мазмун жиҳатдан ўқувчиларда янги мавзуни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжни вужудга келтириш, баркарор қизикишини ўйғотиш, дарс давомида бажарилиши лозим бўлган ўкув топширикларининг максадини англашни таъминлашга каратилади.

Янги мавзуни ўрганиш жараёнида фойдаланиладиган ҳикоя методи мазмун жихатдан янги мавзу мазмуни мантикий кетма-кетликда, изчиликда ривожлантирилиб борилади, асосий тушунча ва атамалар алохидаги таъкидланиб, кўргазмали воситалари ва ишонарли мисоллар фойдаланилган холда баён этилади. Дарснинг яқунлаш кисмida фойдаланилган ҳикоя методида ўқитувчи ўрганилган мавзу мазмуни юзасидан асосий фикрларни умулаштиради, яқунлайди, хулоса чиқаради, ўкувчиларга мустакил иш топширикларини тавсия этади.

Ўкувчиларнинг билимларини назорат килиш ва баҳолашда фойдаланиладиган ҳикоя методи ўкувчиларнинг муайян мавзуларни ҳикоя килишини такозо этади. Ўкувчиларнинг ҳикоялари уларнинг илмий дунёкараши, нутк, мулокот маданиятини ривожлантиришга замин тайёрлайди. Бунда ўкувчилар янги мавзу мазмунидаги асосий гояни ажратиш, ўз фикрини асослаш ва далиллаш, кисقا ва лўнда, мантикий кетма-кетликда баён этиш, кўникмаларини эгаллайди.

Ҳикоя методини кўллашнинг самарадорлиги ўқитувчининг дарс режасини пухта тузиши, мавзу мазмунини ёритишининг энг изчил йўлини танлаши, кўргазмали воситалар, таркатма ва дидактик материалларни тўплаши, баённинг тегишли даражадаги кўтаринки руҳини таъминлашни такоза этади. Ҳикоя методининг таркибига куйидаги методик услублар киради:

Ўкув материалини жонли, объекtlарга хос хусусиятларни баён килиш, ахборотнинг илмийлиги, изчилиги, тушунарлилиги, нуткнинг равонлиги ва ифодалилиги услуби.

Сұхбат методи ўқитувчининг ўкувчилар томонидан янги мавзу мазмунидаги конуният, тушунча ва атамаларнинг изчиликда фаол ўзлаштиришини таъминловчи пухта ўйланган саволлар воситасида ишлашини назарда тутади. Сұхбат методи ёрдамида ўкувчиларнинг аввал ўзлаштирган билим ва кўникмалари фаоллаштирилади, тизимга солинади, умумлаштирилади, хулоса чиқарилади ва янги ўрганилаётган тушунча билан ўзаро алокадорлиги ёритилади. Шуни кайд этиши керакки, ўкувчиларнинг аввал ўзлаштирган билимлари асосида янги мавзуни саволлар ёрдамида ўзлаштириш имконини берадиган мавзулар сұхбат методи воситасида ўрганиш тавсия этилади. Сұхбат методи ўкувчиларнинг назарий билимларни ўзлаштириш жарабёнини енгиллатиши, ўкувчиларнинг аввал ўзлаштирган билим ва кўникмалари, хаётый тажрибаларидан фойдаланиб, катор саволлар ёрдамида янги билимларни ўзлаштириш, мазкур билимлардан амалиётга кўллашни англаш олишига замин тайёрлашни кўзда тутади.

Ўкув материалининг мураккаблик даражаси ўртача бўлиб, мавзу мазмунини мантикий тугалланган фикрли кисмларга ажратиш, мазкур кисмлар бўйича саволлар тузиш имкони бўлган, ўкувчиларнинг дастлабки билимлари етарли даражада, улар сұхбат давомида ўз фикрларини айтишлари, асослашлари ва шу билан бир каторда янги билимларни шунчаки эслаб колмасдан, балки мустакил идрок этишлари, фаол эгаллашлари мумкин бўлган холларда сұхбат методидан фойдаланилади.

Сұхбат методи үқувчиларнинг назарий билимларни ўзлаштириш учунгина эмас, балки уларнинг илмий дүнекарашини кенгайтириш, нуткини ривожлантириш, таккослаш, таҳлил килиш, мантикий фикр юритиш күнікмаларини таркиб топтиришга ёрдам беради. Сұхбат методининг самарадорлығы үқитувчининг мавзу мазмунни мантикий тугалланган кисмларга ажратыш, хар бир кисм бўйича саволлар занжирини тузиш, дарс давомида мазкур саволлардан ўз ўрнида фойдаланиш, синф үқувчиларининг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва саволларга жавоб топишга йўллаши, хар бир үқувчининг рағбатлантириши, үқувчиларнинг эса ўз фикрини лўнда ва киска баён этиш, далиллаш күнікмаларини эгаллаганлик даражасига боғлик бўлади. Мазкур метод таркибиға сұхбат саволларини кетма-кетликда кўйиш, ёрдамчи ва қўшимча саволларни ўз вактида бериш, үқувчиларни фаоллаштириш, үқувчилар жавобидаги хатоларни тўғрилаш, хуоса ва умумлаштиришни таркиб топтириш услублари киради.

**Ўкув маъруzasи методидан** ўкув материалининг ҳажми катта, мантикий тузилиши мураккаб, тушунча ва атамаларга бой бўлган холларда фойдаланилади.

Ўкув маъруzasи методидан фойдаланилганда қуйидаги талабларга эътибор каратиш лозим:

1. Маъруза мазмуни чуқур илмий, ғоявий ва мантикий кетма-кетликда кўргазма воситаларга асосланган ҳолда баён этилиши.
2. Үқувчилар учун тушунарли, хиссиётга бой ва содда тилда ёритилиши.
3. Үқувчиларнинг ёшлиқ ва руҳий ҳолатларини хисобга олган ҳолда 15-20 минутдан сўнг киска мустакил иш ёки савол-жавоб ўтказиш, үқувчиларнинг билиш фаолияти фаоллашгандан сўнг давом эттирилиши лозим.

Таълим жарабёнида ўкув маърузасини кўллаш үқитувчидан жиддий тайёргарлик кўришни талаб этади ва у:

1. Дарс мавзуси, максади ва долзарб муаммоларни аниклаши;
2. Танланган мавзу бўйича дарслик, илмий ва ѹлмий-оммабоп адабиётлар билан танишиши;
3. Үқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятлари ҳамда кизикишларини хисобга олган ҳолда маъруза режаси, мазмунини тузиши;
4. Юкори самара берадиган үқитиш воситалари ва методларини танлаши керак.

Маърузанинг муваффакиятли ўтиши, аввало үқувчиларнинг ўкув-билиш фаолияти кандай ташкил этилганлигига боғлик.

Унда үқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштирадиган кўргазма воситалари – ЎТВ, мультимедиалар, табиий, тасвирий жиҳозлар ва бошка ўқитиш воситаларидан фойдаланиш ҳамда маъруза давомида үқувчилар унинг режаси, мазмунини киска ёзиб олиши, саволларга жавоб топишга эришиши үқитувчининг диккат марказида бўлмоги лозим.

Дарснинг кириш кисмida фойдаланилган ўкув маъруzasи методи ёрдамида үқувчиларнинг диккати жамланади, билиш фаолияти фаоллаштирилади, билимларни кабул килишга замин тайёрланади. Бунинг учун

маърузани бошлашда унинг мазмунига оид кизик мисоллар, ёркин ва хиссиятга бой воеалар келтирилиб, ўкувчилар олдига муаммолар кўйилади.

Дарснинг асосий кисмида фойдаланилган ўкув маърузаси методи ўкув материали дидактик тамойилларга амал қилингандек холда таълим мазмунни мантикий изчиликда, кўргазма воситалари – ЎТВ, мультимедиалар, табиий, тасвирий жиҳозлар ва бошقا ўқитиш воситаларидан фойдаланган холда баён килишни такоза этади.

Дарснинг хулоса кисмида фойдаланилган ўкув маърузаси методи ёрдамида ўкувчиларнинг билимлари тартибга солиниб умумлаштирилади, хулосалар чиқарилади.

Маъруза якуннада ўқитувчи ўкувчиларнинг билимларини чукурлаштиришга, умумлаштиришга қаратилган хулосаларни яна бор тақоррлайди. Сўнг ўкув топшириклари юзасидан ўкувчиларнинг жавоблари текширилади ва жадвалнинг тўлдирилиши кўздан кечирилади. Савол-жавоб, ўкув баҳси ўтказилади.

Ўқитувчининг маърузаси мазмуни ва ўкувчилар фаолиятининг ташкил этилишига кўра индуктив ёки дедуктив равишда тузилган бўлиши мумкин.

Маъруза индуктив тузилганда, аввал ўкувчилар ходиса ва обьектлар билан таништирилиб, кейин умумий хулоса келтириб чиқарилади.

Дедуктив маърузада эса бунинг акси бўлади, яъни, аввал умумий тушунчалар берилади, кейин обьектлар ва ходисалар ёрдамида унинг мазмуни очиб берилади.

Мазкур метод таркибиға ўкув материалини мантикий кетма-кетликда баён килиш, муаммоларни кўйиш, обьектларни аниклаш, тақослаш, хулоса чиқариш, умумлаштириш, ўкувчиларнинг диккатини жалб килиш услублари киради.

**Кўргазмали методлар** гурухи. Ўқитиш жараёнида кўргазмали методларнинг кўлланилиши, ўкув материали мазмунидан келиб чиқкан холда обьектлар ва ходисаларни хиссий идрок этиш, уларни тақослаш, ўзига хос хусусиятларни аниклаш, умумлаштириш, синтезлаш, хулоса ясашга имкон беради. Кўргазмали методлар ўқитиш жараёнида оғзаки, амалий, мантикий, муаммоли методлар билан уйғун холда кўлланилади.

Масалан, ўкувчиларга кўргазма асосида ўкув материалини ўрганиш бўйича топшириклар ўқитувчи томонидан оғзаки берилади. Топширикларни бажариш жараёнида кўргазмалилик амалий методлар билан бирикиб кетади, дарсда вужудга келган муаммоли вазиятларни хал этишда муаммоли методлар билан мужассамлашиб кетади.

Ўқитиш жараёнида кўргазмали методлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланишнинг куйидаги афзалликлари мавжуд:

- ўкувчиларда кўргазмали-образли тафаккурни ривожлантириш, ўкувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, аклий фаолият усулларни эгаллаш;
- ўрганилаётган назарий масалаларни аниклаштириш, дарсда бевосита кузатиш имкони бўлмаган ходиса ва жараёнларни моделлаштириш;

▪ биологик объектларни кузатиш, улар устида тажрибалар ўтказиш, олинган назарий билимларни амалиётга қўллаш, ўрганилган ходисаларни схема, жадваллар асосида аниклашириш ва таснифлаш имконини беради.

Биологияни ўқитишда фойдаланиладиган кўргазмали воситалар сирасига куйидагилар киради:

- табиий ва тирик объектлар – гербариylар, коллекциялар, микро ва хўл препаратлар, хона ўсимликлари, тирик табиат бурчагида бокиладиган ҳайвонлар ва х.к;
- реал объектларни акс эттирувчи маҳсус тайёрланадиган тасвирий воситалар – жадваллар, схемалар, расмлар, моделлар, муляжлар ва бошқалар;
- кўргазмаликнинг шартли-рамзий воситалари – биогеографик областларнинг карталари, глобулар;
- ўқитишининг техник воситалари – ўкув кинофильми, диафильм, диапозитвлар, видеолавҳалар ва х.к.
- ўқитишининг мультимедиали воситалари – ЭҲМ нинг таълим дастурлари, электрон версия ва дарсликлар, овоз, анимация, динамик харакат ва уч кўламли тасвирий ўзида мужассамлаштирган мультимедиалар ва х.к.

Кўргазмали методлар таркибига табиий ва тирик объектлар, тасвирий кўргазма, экран воситалари, ЭҲМнинг кўргазмали дастурлари, мультимедиаларни намойиш килиш методлари кириб, муайян ҳолда куйидаги кўргазмали воситаларни намойиш килиш, иллюстрация, демонстрация, ўкув кинофильмлари, видеофильмлар, ЭҲМнинг таълимий, моделлаштирилган дастурлари, электрон дарсликлар, мультимедиаларни намойиш килиш, кўргазманинг дид ва эстетик талабларга жавоб бериши, дарс мазмунини ёритиш, кетма-кетликда ўкувчилар фаoliятини ташкил этиш услубларидан ташкил топади.

**Амалий методлар гурухи.** Ўкувчиларнинг ўзлаштирган назарий билимларини амалиётда қўллаш, ўкув ва меҳнат, кўникма ҳамда малакаларини шакллантириш, ижодий қобилияtlарини ўстириш, хаётга тайёрлаш, касбга йўллаш имконини беради. Ушбу метод ўқитиши жараёнда кўргазмали, муаммоли, оғзаки методлар билан уйғунлашган ҳолда қўлланилади. Ўкувчилар томонидан бажариладиган амалий ишлар билим манбаи бўлиб хизмат киласди. Бунинг учун ўқитувчи амалий ишларнинг максадини аниклаши, максадга эришиш учун зарур бўладиган кўргазмали воситаларни танлаши, ўкув топширикларини аник тузиши лозим. Амалий ишларни бажариш учун бериладиган ўкув топшириклари мазмунан аник, ихчам, тушунарли ва максадга йўналтирилган бўлиши зарур.

Бу методлар гурухига табиий объектларни таниб олиш ва аниклаш, кузатиш, биологик тажрибани ташкил этиш ва ўтказиш, ўсимликларни парвариши килиш ва ҳайвонларни боқиши каби методлар кириб, улар мос ҳолда, объектларни таниб олиш ва аниклаш, кузатиш ва тажрибалар ўтказиш, ўкувчиларга амалий ишнинг боришини баён килиш, амалий ишларни

бажариш режасини тузиш, амалий иш топширикларини бажарилишини назорат килиш, топширикларни бажариш натижаларини таҳлил килиш, ўз-ўзини назорат килиш, амалий иш, кузатиш ва тажрибаларни яқунлаш ва расмийлаштириш услубларидан иборат бўлади.

Табиий объектларни таниб олиш ва аниклаш методи биологияни ўқитишида етакчи мавқеига эга, чунки ботаника дарсларида ўсимлик органлари, ўсимлик тури, туркуми, оиласи, синфга мансублиги аникланади. Бунинг учун ўқитувчи етарли даражадаги тарқатма ва дидактик материаллар, гербарийлар, мажмуналари тайёрланган бўлиши ва улардан ўз ўрнида самарали фойдаланиши лозим.

Зоология дарсларида хайвонларнинг органлари, уларнинг вазифаларини билиш билан бир каторда хайвонларнинг қайси тип, синф, туркум, оиласи мансублигини аниклади. Мазкур методнинг самарадорлиги хайвонот олами-нинг турли-туманлигини акс эттирувчи хайвонлар ва уларнинг органларидан тайёрланган хўл препаратлар, муляжлар, тулуумлар, мажмуулар каби дидактик ва тарқатма материалларнинг мавжудлигини такозо этади. Мазкур методдан факат биология дарсларидагина эмас, балки дарсдан ташкари ишлар, синфдан ташкари машғулотлар ва экспериментларда хам кенг кўлланилади.

Кузатиш методи – бу тирик организмларда борадиган жараёнлар ва табиат жисмларида содир бўладиган ҳодисаларни ўкувчиларнинг максадга мувофиқ ҳолда идрок этиши ҳисобланади. Бу методда ўкувчиларнинг кузатиши бўйича тўпланган маълумотлари билим манбаи саналади. Кузатиш методидан биологияни ўқитишининг барча шаклларида фойдаланилади. Кузатиш методидан дарс жараённида фойдаланилганда ўкувчилар даре мазмунига оид кўргазма воситаларини мустакил кузатадилар, натижада кузатиши обьектларидаги ўзига хос ҳусусиятларни исботловчи далилларга эга бўладилар. Бундай кузатиш киска муддатли бўлиб, маълум бир максадни амалга оширишга хизмат қиласди.

Ўсимликлар ҳаётидаги баҳорги, кузги мавсумий ўзгаришлар, келиб кетувчи күшларнинг ҳаётини кузатиш, ҳашоратларнинг ривожланишини ўрганиш каби кузатишлар узок муддатли давомли кузатишлар саналади.

Биологик тажрибаларни ўтказиш методи – ўз ичига биологик обьектларни таниш ва аниклаш, кузатишларни қамраб олади, лекин мазмунни жихатдан улардан фарқ қиласди. Биологик тажрибаларни ўтказиш ўкувчиларни ўрганилаётган жараён ёки ҳодисанинг моҳиятини англашга, улар ўртасидаги сабаб-оқибат bogланишларини тушунишга, биологик конуниятларни «кайта кашф» этилишига имкон беради. Тажриба натижаларини умумлаштириш, хулоса ясаш, уни расмийлаштириш ўкувчиларда тадқиқотчиликни ривожлантиради. Биологик тажрибалар дарсда, дарсдан ташкари ишларда, тирик табиат бурчагида ва ўкув тажриба майдончасида ўтказилиши мумкин. Биологик тажрибалар хам давомийлигига қараб, киска ва узок муддатли бўлиши мумкин.

«Урганинг таркибини аниклаш», «Ўсимлик хужайрасида плазмолиз ва деплазмолиз», «Амилазанинг крахмалга таъсири» юзасидан ўтказиладиган

тажрибалар киска муддатли, «Ургунинг униб чикиши учун зарур шартшароитлар», «Ургуларнинг нафас олиши», «Баргларнинг сув буглатиши», «Баргларда крахмал ҳосил бўлиши», «Ёмғир чувалчанганинг тупрок ҳосил бўлишидаги роли», «Ўсимликларда белгиларнинг ўрсийланиш конунларини ўрганиш» каби тажрибалар узоқ муддатли тажрибалар хисобланади.

Мазкур методнинг самарадорлиги ўқитувчи томонидан ўтказиладиган тажрибаларнинг муайян тизимда ташкил этиши, тажриба мавзулари, мақсадини аниклashi, ҳар бир тажриба учун аник кўрсатмалар, ўкув топшириклари тайёрлаши, ўкувчиларни тажриба ўтказиладиган обьектлар, керакли асбоб ва жиҳозлар билан таъминлаши, тажриба ўтказадиган ўкувчиларнинг фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва назорат килиш, олинган натижалардан дарсда ўз ўрнида фойдаланишига болглик.

Биологияни ўқитишида амалий методлардан ўсимликларни парвариш килиш, ҳайвонларни бокиш ва кўпайтиришда кенг фойдаланилади. Бу метод ўкувчиларнинг биологиядан ўзлаштирган билимлари, кузатиш ва жисмоний меҳнат кўнкималарини камраб олиб, ўкувчиларни қишлоқ хўжалиги меҳнати асосларини эгаллаш ва касбга йўллаш, экологик ва иқтисодий тарбия беришда муҳим аҳамият касб этади.

Биологияни ўқитишида маҳаллий иқтисодий шароит ва қишлоқ хўжалиги муассасаларининг ихтисослигига болгик ҳолда ўсимликларни парвариш килиш ва ҳайвонларни бокиш бўйича амалий иш мавзулари хилма-хилдир. Амалий ишлар қайси мақсадни кўзлаши ва мазмунига боғлик ҳолда биология ўқитувчиси унинг режасини пухта тузиши, олиб бориладиган ишларнинг мазмунини тўлиқ ёритиши, олинадиган натижаларни қандай расмийлаштириш бўйича ўкувчиларга аник кўрсатма бериши лозим.

### Талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш саволлари

1. Ўқитиши методларига таъриф беринг.
2. Ўқитиши методларини методологик ва назарий қоидаларига асосан таърифланг.
3. И.Д. Зверев ўқитиши методларини қайси асосларга кўра таснифлаган?
4. Ю.К. Бабанский таснифига мувофиқ ўқитишининг репродуктив методлари гурухига қайси методлар киритилган?
5. Ўқитишининг оғзаки баён методлари гурухига қайси методлари киритилган?
6. Ҳикоя методининг моҳиятини тушунтиринг.
7. Сұхбат методи ҳикоя методидан қайси жиҳатлари билан фарқланади?
8. Ўқув маърузаси методи кўллаш учун ўқитувчи эътиборини нималарга каратиши зарур?
9. Кўргазмали методларнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтиринг.
10. Амалий методлар гурухига мансуб методларнинг тавсифланг.

## 6.2. БИОЛОГИЯ ЎҚИТИШНИНГ ФАОЛ МЕТОДЛАРИ

1. Ўқитишининг интерфаол методлари.
2. Муаммоли изланиш методлари.
3. Ўқитишининг мантикий методлари.
4. Мустақил ишлаш методлари.
5. Ўқитишида ўкувчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш ва асослаш методлари.
6. Ўқитишдаги назорат ва ўз-ўзини назорат методлари.

### Асосий тушунча ва таянч сўзлар

Интерфаоллик, ўқитишининг фаол методлари, муаммоли изланиш, мантикий методлари, мустақил ишлаш, ўқитиши рағбатлантириш ва асослаш методлари, ўқитишдаги назорат ва ўз-ўзини назорат методлари.

Интерфаол инглизча interact сўзидан олинган бўлиб, inter- ҳамкорликда akt- ҳаракат килмок маъносини билдиради.

Интерфаоллик деганда, ўкувчининг ўкувчи билан ҳамкорликда ёки компютер билан мулокоти ўзаро таъсир кўрсатиш режимида ишлаши тушунилади.

Интерфаол ўқитиши – бу аввало диалог тарзда ўқитиши, мулокот жараёнида барча иштирокчилар томонидан ҳамкорликда муаммоларни хал этилишидир.

Интерфаол ўқитишининг асосий моҳияти – ўқитиши жараёнида барча ўкувчилар билиш жараёнининг фаол иштирокчисига айланади, улар муҳокама этилаётган муаммоларни, воея ва ходисаларнинг ривожини тушунади, муаммоли вазиятларни англайди, уни хал этиш йўлларини излаб, энг мақбул вариантни тавсия этади.

Ўкув материалини ўрганиш, муаммони хал этиш бўйича турли вариант-даги ечимни тавсия этишга асосланган билиш жараёнида ўкувчиларнинг ҳамкорлиги хар бир ўкувчига, гурух муваффакияти учун ўз улушини кўшишга, улар ўртасида фикр, ахборот ва тажриба алмашинувига замин тайёрлайди. Ушбу ҳамкорлик самимий, кулагай ижтимоий психологик, ўзаро ёрдам мухитида содир бўлгандиги учун, ўкувчилар нафакат янги билимларни ўзлаштирадилар, балки ўзининг билиш фаолиятларини ривожлантиради, уни юқори даражага кўтариб, ҳамкорликка киришишга имкон беради.

Ўқитиши жараёнида интерфаол усуулларни кўллаш жараёнида ўкувчиларнинг ўзаро мулокотга киришишини ташкил этиш ва бошқаришни тақоза этади, бунда ўкувчилар ҳамкорликда изланиб умумий, шу билан бир каторда хар бир ўкувчи учун аҳамиятга молик бўлган муаммони хал этишга киришиб улар ўртасида бир-бирини тушуниш, ҳамкорликда ишлаш ва ҳамжихатлик вужудга келади.

Интерфаол усууллардан фойдаланилган дарсларда битта ўкувчининг устунлик килиши, унинг ўз фикрини ўтказишига йўл кўйилмайди.

Интерфаол усуллар күлланилганида ўқувчилар танкидий фикр юритиш, ахборот манбалари ва вазиятни таҳлил килиш, мураккаб муаммоли вазиятларни ҳал этиш, ўртоқларининг фикрини таҳлил килиб, асосланган хуносалар чиқариш, мунозарада иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулоқотга киришиш кўнимкамларини эгаллади.

Ўқитишининг интерфаол методларининг куйидаги хусусиятлари мавжуд:

1. Инсоннинг муҳим ҳаётий эҳтиёжи бўлган мулоқот – ўқитиш жараёнининг барча босқичларида кўлланилади.
2. Ўқитишин жараёнинда ўқувчиларга ўз кучи, билими, иқтидорини намоён этишга тенг имкониятлар берилади.
3. Ўқувчиларнинг кичик гурухларда ҳамкорликда ишлашида ижтимоий-психологик жиҳатдан қулаги мухит яратилиб, мулоқотда босқичмабосқич ва самарали иштирок этишга замин тайёрланади.

Ўқувчилар мулоқотда фаол иштирок этишлари учун фақат эштишлари етарли эмас, балки эшитганларини таҳлил қилиш, фикр юритиш, фикрларнинг асосли ва тушунарли бўлишига эришиш лозимлигини англайдилар.

Ўқувчилар билан ҳамкорликда, кичик гурухларда ишлаши орқали кўйилган вазифаларни талаб дараҷасида бажариш, олинган натижаларни таҳлил қилиш, уларнинг тўғрилигини текшириб кўриш, тақдим этиш ва бошқа гурухлар томонидан эътироф этишларига эришишлари лозим.

Биологияни ўқитишида фойдаланиладиган фаол методлар гурухига ўқитишининг муаммоли-изланиш методлари, мантикий методлар, мустакил ишлаш методлари, ўқувчилар фаолиятини рафбатлантириш ва асослаш методлари, назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари киради.

Фаол методлар муаммоли вазиятларни вужудга келтириб, ўқувчиларнинг кичик гурухларида ҳамкорликда ишлаб, муаммони ҳал этиш, мураккаб саволларга жавоб топиш жараёнинда алоҳида объект, ходиса ва қонунларни таҳлил қилиш кўнимкамлари ва билимларни фаоллаштиришга асосланган фаол билиш фаолиятини тақозо этади.

Шу сабабли, биологияни ўқитишида ўқитишининг репродуктив методлари бўлган оғзаки баён, кўргазмали ва амалий методлар билан биргаликда муаммоли изланиш ва мантикий методлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ўқитувчи мазкур методларнинг ўзига хос хусусиятлари, улар таркибига кирадиган методик услубларни тўғри англаши ва ўз ўрнида самарали фойдаланиш кўнимкамларини эгаллаган бўлиши лозим.

Муаммоли изланиш методлари дарс давомида изчил ва мақсадга йўналтирилган холда вужудга келтирилган муаммоли вазиятларни ўқувчилар аввал ўзлаштирган билим ва кўнимкамларини янги вазиятларда кўллаши орқали ўқув материалини фаол ўзлаштиришига хизмат килади. Бу методлар гурухи ўқувчиларнинг аклий ривожланиши, ижодий ва мустакил фикр юритиш кўнимкамларини ривожланиши, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш ва ундан чиқишининг энг мақбул йўлини топиши, мўлжални тўғри олишига замин тайёрлайди.

Мазкур метод гурухига мансуб муаммоли-изланиш характеридаги сұхбат методидан фойдаланғанда, аввал муаммоли вазиятлар яратылады, аввалдан тайёрланған муаммоли саволлар занжири баён этилады, үқувчиларнинг ўқитувчи билан биргаликда мантиқий мұлохаза юритишига, үкув фаразларини хосил килиш ва исботлаш, сұхбат жараёнида муаммоли саволларга жавоб топишига имкон яратылады.

Муаммоли хикоя методида, ўқитувчи янги мавзузни ўрганиш жараёнида муаммоли вазиятларни яратады, үқувчилар билан ҳамкорликда хикоя жараёнида муаммоли саволларга жавоб топишига, үкув фаразларини хосил килиш ва далиллаштыруға имкон яратылады, үқувчиларнинг жавоблари асосида муаммолар хал этилады.

Муаммоли-амалий методдан фойдаланғанда муаммоли топшириклар түзилады, шу асосда тажрибалар үтказилады, муаммоли вазиятларни хал этиш юзасидан үкув фаразларини хосил қылнады ва үкув-тадқиқот тажрибалари үтказилиб, үкув хulosалари ва умумлашмаларини таърифлаб муаммолар хал этилады.

Муаммоли методлардан фойдаланиладиган дарсларни кейинги йилларда янги ном билан («Тафаккур бўрони» Б.Р.Қодиров), («Мияга хужум», «Фикрлар тўкнашуви», «Фикрлар жангига» В.М.Каримова, Ф.А.Ақрамова), («Ақлий хужум» Ж.Ғ.Йўлдошев) номлаш расм бўлди.

Муаммоли методдан фойдаланилган дарс («Ақлий хужум») куйидаги боскич асосида ташкил этилади:

I – боскич. Психологик жихатдан бир-бирига якин бўлган үқувчилар дан тенг сонли кичик гурухларни шакллантириш.

II – боскич. Кичик гурухларга муаммоли саволлардан иборат бўлган үкув топширикларини таркатиш ва уларни толширикнинг дидактик мақсади билан таништириш.

III – боскич. Үқувчиларнинг билиш фаолиятини үкув муаммоларини хал этишга йўналтириш.

IV – боскич. Үқувчиларнинг муаммоли вазиятларни хал этиш бўйича ахборотларини тинглаш.

V – боскич. Кичик гурухлар ўртасида үкув баҳси ва мунозара үтказиш.

VI – боскич. Умумий хулоса ясаш.

«Ақлий хужум» да үқувчилар аввал ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда кўллаб, билимларини кенгайтиради, чукурлаштиради, ақлий фаолият усулларини эгаллайди.

Бу методлар муаммоли вазиятларни яратиш, муаммоли саволлар занжирини тузиш, муаммоли топшириклар тузиш ва тажрибалар үтказиш, муаммоли вазиятларни хал этиш юзасидан үкув фаразларини хосил килиш, үкув фаразларини исботлаш, объектларни таккослаш, мантиқий мұлохаза юритиш, үкув-тадқиқот тажрибаларини үтказиш, үкув хulosалари ва умумлашмаларини таърифлаш услубларини ўз ичига олади.

**Ўқитишининг мантиқий методлари гурухи.** Мазкур метод үкув материали мазмунининг йўналишини белгилаб, үқувчиларнинг бош ғояни

ажратиш, ўрганилаётган объектни тахлил килиш, киёслаш, умумлаштириш кўникмалари, ақлий фаолият усулларини эгаллаш, абстракт тафаккурни ривожлантириш, сабаб-ошибат боланишларни англаш имконини яратади.

Ўқитишнинг мантикий методлари гурухига индуктив, дедуктив, тахлил, бош гояни ажратиш, киёслаш, умумлаштириш методлари киради.

**Индуктив методда** – ўқувчиларнинг эътибори аввал хусусий фактларни ўрганишга жалб килинади, сўнгра хусусийдан умумий хulosалар чиқаришга йўналтирилади.

**Дедуктив методда** ўқувчилар аввал умумий конунларни ўрганади, сўнгра умумийдан хусусий хulosы чиқаришга ўргатилади.

Ўқувчилар тахлил методи ёрдамида ахборотни англаб идрок этади, ўрганилган объектларнинг ўхашлик ва фаркли томонларни аниклайди, ўрганилган объектларни таркибий қисмларга ажратиб, улар ўртасидаги бошланишлар, сабаб ошибатларни аниклайди.

**Бош гояни ажратиш методи** муҳим аҳамият касб этиб, ўкув материалидаги асосий гояни ажратиш ва саралаш, ахборотни мантикий тугалланган фикрли қисмларга ажратили, асосий гоя ва иккинчи даражали фикрларни ажратиш, таянч сўзлар ва тушунчаларни ажратиш, асосий фикр ҳакида хulosы чиқаришга замин тайёрлайди.

Ўқувчилар **киёслаш методи** воситасида, ўкув топширикларида берилган киёсий объектларни аниклаш, объектларнинг асосий белгиларини аниклаш, таққослаш, ўхашлик ва фаркларни аниқлаш, киёслаш натижаларини шартли белгилар билан расмийлаштириша ўрганади.

**Умумлаштириш методи** муаммоларни хал этиш жараёнида ўкув материалидаги типик фактларни аниклаш, киёслаш, дастлабки хulosалар, ходисанинг ривожланиш динамикасини тасаввур килиш, умумлаштириш натижаларини шартли белгилар ёрдамида расмийлаштириш, умумий хulosы чиқаришга замин тайёрлайди. Мазкур методлар мос холда:

а) индуктив метод - хусусий фактларни муаммоли баён килиш; ўқувчилар фаолиятини хусусийдан умумий хulosалар чиқаришга йўналтириш, муаммоли топширикларни бериш услубларини;

б) дедуктив метод умумий конунларни баён килиш, ўкувчиларнинг фаолиятини умумийдан хусусий хulosы чиқаришга йўналтириш услубларини;

в) тахлил методи ахборотни англаб идрок этиш, ўрганилган объектларнинг ўхашлик ва фаркли томонларни аниклаш, ўрганилган объектларни таркибий қисмларга ажратиб, улар ўртасидаги бошланишларни аниклаш услубларини;

г) бош гояни ажратиш методи ўкув материалидаги асосий гояни ажратиш ва саралаш, ахборотни мантикий тугалланган фикрли қисмларга ажратиб, асосий гоя ва иккинчи даражали фикрларни ажратиш, таянч сўзлар ва тушунчаларни ажратиш, асосий фикр ҳакида хulosы чиқариш услубларини;

д) киёслаш методи киёсий объектларни аниклаш, объектларнинг асосий белгиларини аниклаш, таққослаш, ўхашлик ва фаркларни аниқлаш, киёслаш натижаларини шартли белгилар билан расмийлаштириш услубларини;

г) умумлаштириш методи ўкув материалидаги типик фактларни аниклаш, киёслаш, дастлабки хулосалар, ходисанинг ривожланиши динакмикасини тасаввур килиш, умумлаштириш натижаларини шартли белгилар ёрдамида расмийлаштириш, умумий хулоса чиқариш услубларини ўзида мужассамлаштиради.

**Мустакил иш методларин гурухига дарслик, кўшимча ўкув адабиётлари ва кўргазма воситалари устида мустакил ишлаш методлари киради.** мустакил ишлаш методининг ўзига хос хусусиятларидан бири ўкувчиларнинг ўкув топширикларини ўқитувчининг бевосита бошқарувисиз бажаришидир. Мусстакил ишлаш методида ўкувчиларнинг мустакил ўкув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш назарда тутилади. Мазкур методда дарслик, кўшимча ўкув адабиётлари, кўргазма воситалари устида мустакил ўтказилган кузатиш ва тажриба натижалари, масала ва машклар ишлаш билим манбай саналади.

Барча методлар каби мустакил ишлаш методининг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаси мавжуд.

Таълимий вазифаси сифатида – ўкувчиларнинг билим ва кўнимкамларни мустакил эгаллашлари, билимларни чукурлаштириш, мустахкамлаш ва тақорлашни таъминлашини кайд этиш мумкин. Улар ўкувчиларнинг амалий ўкув кўнимкамлари ва малакаларни яхши ўзлаштиришларида айниска кимматга эга, чунки мустакил харакатсиз кўнимкамларни автоматлашган ва ижодий характердаги малака даражасига кўтариб бўлмайди.

Тарбиявий йўналишдаги вазифаси ўкувчиларда мустакиллик, билиш фаоллиги, маънавият, фаол ҳаётий позицияни эгаллаш, меҳнатсеварлик ва инсоний фазилатларни таркиб топтиришга ёрдам беради.

Ривожлантирувчи йўналишдаги вазифаси – ўкувчиларнинг илмий дунёкараши, тафаккури, кўнимма ва малакаларни ривожлантиришга ёрдам беради, иродани чиннигиради.

Мустакил ишлаш методлари таркибига мустакил иш топширикларини бериш, ўкув фаолиятида мустакилликни ривожлантириш, ўкув меҳнати малакаларини таркиб топтириш, намунага мувофик мустакил ишларни ташкил этиш, ижодий топшириклар бериш услублари киради.

**Ўқитиша ўкувчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш ва асослаш методлари** гурухи таълим жараённада педагогик рағбатлантириш орқали ўкувчиларнинг янги ўкув материалини эгаллашларида иштиёқ ва фаолликни таъминловчи ижобий асосланишларни вужудга келтиради. Мазкур методлар ўкувчиларнинг билишга бўлган кизикишлари, аклий фаолликлари, янги билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжлари, мулокот маданияти, ўз-ўзини назорат килиш ва бошқариш, баҳолаш кўнимкамларини ривожлантиришга замин тайёрлайди. Шунингдек, таълимнинг ижтимоий аҳамиятини тушунтириш, ўкувчиларда онгли интизом, бурч ва маъсулиятни таркиб топтиради.

Ўқишига бўлган кизикишни орттириш, дидактик-ўйин, ўкув мунозаралари, ўкувчиларнинг таҳсил олишдаги бурч ва маъсулиятини шакллантириш методлари мансуб бўлиб, улар қуйидаги:

а) ўқишига бўлган қизиқиши орттириш методлари ўкувчиларда ижобий хиссиятни вужудга келтириш, қизикарли аналогиялардан фойдаланиш, таажжубланиш эффицити, билиш қувончини вужудга келтириш, ўкувчиларни рағбатлантириш ва танбех бериш услуби.

б) дидактик-ўйин методи ўйин сюжетини танлаш, ўйин вазиятларини вужудга келтириш, ўкув-билишга оид ўйинларни танлаш, ўкувчиларни рағбатлантириш услуби.

в) ўкув мунозаралари методи ўкув бахсларини келтириб чиқарадиган вазиятни яратиш, илмий бахсларни вужудга келтириш. Ўкувчиларни муваффакиятларга йўллаш, ўкувчилар фикрини баён килиши, улар жавобидаги хатоларни тўғрилаш, ўкувчиларни рағбатлантириш услуби.

д) ўкувчиларнинг таҳсил олишдаги бурч ва маъсулиятини шакллантириш методи таълим-тарбиянинг ижтимоий аҳамиятини тушунтириш, ўқишининг шахсий аҳамиятини тушунтириш, ўкув талабларини кўйиш, ўқитиша рағбатлантириш ва танбех бериш каби услубларни мужассамлаштиради.

Ўқитишдаги назорат ва ўз-ўзини назорат методлари. Назорат таълим жараёнининг ажралмас қисмларидан бири саналади. Назоратнинг мунтазамлиги ва изчилиги ўкувчиларнинг фаол аклий меҳнат килишга ундейди, уларда маъсулият, бурч, диккат, хотира, ўз-ўзини назорат килиш ва баҳолаш кўникмаларини ривожлантиришга замин тайёрлади.

Назоратнинг тўликлилиги, ҳақконийлиги, кенг кўламлилиги, мунтазамлиги барча методлар каби бу методларнинг таълими, тарбиявий, ривожлантирувчи ва ўкувчиларга тафовутлаб ёндашиш каби функцияларини амалга ошириш имконини беради.

Бу методлар гурухига оғзаки ва ёзма назорат, лаборатория ва амалий иш ёрдамида назорат, ўз-ўзини назорат, ўзаро назорат вараги ва тестлар ёрдамида назорат методлари мисол бўлади ва куйидаги:

а) оғзаки ва ёзма назорат методлари ўкувчиларнинг билимларни мантикий изчил баён килишга ўргатиш, нуткни ўстириш, ўкувчилар жавобидаги типик хатоликларни аниклаш ва унга баҳрам бериш услуби.

б) лаборатория ва амалий иш ёрдамида назорат методлари ўкув ва амалий кўникмаларни аниклаш, ўкувчиларнинг ўкув жиҳозлари ва асбоблар билан ишлаш кўникмаларини аниклаш, бажарилган топширикларнинг сифатини аниклаш ва баҳолаш, иш мазмунига боғлик холда объектлар ва асбобларни тўғри танлаш, ишни якунлаш ва натижасини расмийлаштириш, олинган натижаларнинг тўғрилигини аниклаш услуби.

в) ўз-ўзини назорат килиш методлари ўкув материали юзасидан киска режа, саволлар тузиш, асосий ғояни ажратиш, саволларга жавоблар топиш, масалалар ечиш ва уларни намунага мувофик текшириб кўриш, такқослаш, олинган натижаларнинг тўғрилигини текшириш услуби.

г) ўзаро назорат вараги ёрдамида назорат методлари ўрганилган боб, мавзу бўйича назорат саволларини тузиш, саволларнинг методик жиҳатдан тўғрилиги, мантикий кетма-кетлиги, ўкувчилар билимини назорат килишнинг ҳақконийлиги, кенг кўламлилиги услуби.

д) тестлар ёрдамида назорат методлари ўрганилган боб, мавзу бўйича назорат тестларини тузиш, тест саволлари ва жавобларнинг методик жиҳатдан тўғрилиги, мантикий кетма-кетлиги, ўқувчилар билимни назорат килишининг хакконийлиги, кенг кўламлилиги каби услублардан иборат.

Барча методлар каби ўқитишдаги назорат ва ўз-ўзини назорат методларининг ҳам таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаси мавжуд.

Назоратнинг таълимий вазифасини ўқитувчи барча ўқувчиларни ўз ўртогининг жавобини тинглашга, жавобдаги хато ва камчиликларни тўғрилашга, тузатишлар ва қушимчалар киритишини таклиф этиш орқали таъминлайди. Шу туфайли ушбу жараёнда ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимлари тизимга солинади, тақрорланади ва мустаҳкамланади.

Назоратнинг тарбиявий вазифаси унинг ўқувчиларни раббатлантиришни таъминлаш, тахсил олишдаги маъсулият ва бурч таркиб топтириш, хиссиятни шаклланишида намоён бўлади.

Назоратнинг ривожлантирувчи функцияси ўқувчиларда барқарор диккат, хотирани мустаҳкамлаш, ўз-ўзини назорат килиш ва баҳолаш кўнижмаларини эгаллашларида кўзга ташланади.

### **Талабаларнинг ўз-ўзини назорат килиш саволлари**

1. Интефаолликнинг моҳиятини тушунтиринг.
2. Ўқитишнинг фаол методларининг ўзига хос хусусиятларини аникланг.
3. Муаммоли изланиш методларининг дидактик вазифаларини аникланг.
4. Ўқитишнинг мантикий методларининг ўзига хос хусусиятларини аникланг.
5. Мустакил ишлаш методлари амалий методлардан қайси хусусиятлари билан фарқ килади?
6. Ўқитишда ўқувчиларнинг фаолиятини раббатлантириш ва асослаш методлари гурухига қайси методлар киришини аникланг.
7. Ўқитишдаги назорат ва ўз-ўзини назорат методларининг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини аникланг.

## **7-Боб. БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИ**

### **7.1. ЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИ СИСТЕМАСИ**

- 1.Ўқитишиш воситаларининг таълим-тарбиявий аҳамияти
- 2.Ўқитишиш воситаларининг системаси.

#### **Асосий тушунча ва таянч сўзлар**

Таълим бериш воситалари. Ўқитишиш воситасининг хиллари.

#### **1.Ўқитишиш воситаларининг таълим-тарбиявий аҳамияти**

Ўқитишиш воситалари - таълим-тарбия жараёнининг мақсади ва вазифалари, ўрганиладиган мавзу мазмунига мувофиқ, ўқитувчи томонидан мазкур жараённинг самарадорлигини орттириш мақсадида кўлланиладиган воситалар саналади.

Ўқитувчи дарсда ўрганиладиган мавзу мазмунини тўла ёритадиган ўқитишиш воситаларини унга мувофиқ эса, ўқитишиш методларини танлайди, шу асосида дарсда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этади ва бошқаради.

Ўрганиладиган мавзу мазмунини бевосита идрок килиш мумкин бўлган нарсалар асосида олиб бориладиган таълим кўргазмали таълим деб аталади.

Кўргазмали таълим узок тарихга эга, чунки табиатшуносликни ўқитишиш нинг дастлабки даврида кўргазма воситаларидан факат табиий материалардан фойдаланилганлиги сизга маълум.

Ўқитишиш воситалари мамлакатда таълимни тубдан ислоҳ қилиш принциплари, фан-техника, ишлаб чиқариш ривожланган сари уларнинг турлари хам кўпайиб борди.

Демак, таълим муассасаларида ўқитишиш воситаларининг турлари хам муайян даражада ўзгариб, янгиланиб боради, янги авлод ўқитишиш воситалари вужудга келади.

Ўқитишиш воситаларининг янги авлод гурухига: компьютер технологиясининг таълим берувчи, моделлаштирилган ва назорат дастурлари, слайдлар, мультимедиаларни киритиш мумкин.

Ўқитувчининг асосий вазифаси ўрганиладиган мавзу мазмунидан келиб чиккан холда энг юкори самара берадиган ўқитишиш воситаларини танлаши, бунинг учун ўқитишиш воситаларининг янги авлодининг турлари, улар билан ишлаш методикасини эгаллаган бўлиши даркор.

Атокли рус педагоги К.Д.Ушинский болани эсида бирор нарсанинг маҳкам ўрнашиб колишини хоҳловчи педагог боланинг сезги аъзоларини мумкин қадар кўпроғини: кўзи, кулоги, товуш органи, мускул сезги ва ҳатто иложи бўлса хидлаш ва таъм билиши органларини эсда тутиб колиш жараённида катнаштиришига харакат килиши керак деган эли.

Ўқитишиш воситаларининг таълим-тарбия жараённида куйидаги аҳамияти мавжуд:

Ўкувчиларда илмий дунёкарашни шакллантириш ва ривожлантариши, моддий оламни билиш, оламни ўрганиш методларини эгаллаш, кузатиш ва тажриба кўйиш орқали илмий-тадқиқот олиб боришига замин тайёрлади.

Ўкувчиларда тушунчаларни шакллантириш жараённинг самарадорлигини орттириша мазкур жараённинг барча босқичлари: ўкув материалини сезги органлари орқали кабул килиш, идрок этиш, тасавур килиш, эсда саклаш, амалда кўллаш ва натижаларни текширишда фойдаланиш кўзланган натижани беради;

Ўкувчиларда кўникмаларни таркиб топтириш босқичларида ўқитиш воситалари ҳам мазмун, ҳам иш куроли сифатида майдонга чиқади.

Ўқитиш воситаларидан ўқитишнинг барча шакллари: дарс, дарсдан ташкири ишлар, экскурсиялар, синфдан ташкири машғулотларда ўз ўрнида самарали фойдаланиш самарадорликни орттириши кафолатлади.

Биологияни ўқитишда ўқитиш воситалари ўкувчиларнинг янги билимларни эгаллашларида, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, тизимга солиш ва умумлаштириша – билим манбаи ва билимларни ўзлаштириш омилидир.

Шу сабабли, ўқитувчи биологияни ўқитишда фойдаланилайдиган ўқитиш воситалари ва уларнинг системасини яхши ўзлаштирган бўлиши керак.

Биологияни ўқитиш жараёнида табиий кўргазмали воситалар етакчи ўринни эгаллайди ва дарс давомида табиий холда ўсимликлар, хайвонлар, замбурууглар, прокариот организмлардан кенг фойдаланиш табиий бир ҳол. Биологияни ўқитишда факат табиий кўргазма воситаларидан фойдаланиш кўзланган натижани бермайди, шу сабабли ўқитишда тасвирий кўзгазмали воситалардан ҳам фойдаланилади.

Ўрганилаётган мавзу мазмунини ёритишга хизмат киладиган кўргазмали воситалар етарли бўлган тақдирдагина ўқувчи табиатдаги нарса ва ходисаларни ўзаро таъқослаши, улардаги ўҳашалик ва тафовутларни аниклай олиши мумкин. Бунинг учун ўқитувчи тарқатма дидактик материаллар тайёрлаши зарур.

Кўргазма воситалари ёрдамида ўқувчи ўрганилган ўқув материалини анализ, синтез килиши, абстракциялаш, конкретлаштириш, тизимга солиш, умумлаштириш ва хулоса чиқариш каби аклий операцияларни амалга ошириши мумкин.

## 2. Ўқитиш воситаларининг системаси

Фанда ишлаб чиқилган билиш назарияси ва ўкувчиларнинг тафаккурини ривожлантариш босқичларига мос холда ўқитиш воситалари уч хил турга: табиий, тасвирий ва оғзаки ёки вербалъ воситаларга бўлинади.

Мазкур ўқитиш воситаларининг уч хил тури муайян системани хосил килади.

Ўқитувчи ҳар бир ўқитиш воситасининг таълим-тарбия жараёнидпа тутган ўрни, ўкувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган хўлда ўқитиш воситаларини танлайди.

Ботаникани ўкув фанини ўқитиш, ўкувчиларнинг ўсмирилик даврига тўғри келади. Ўсмирилик даврида болаларни билиш фаолиятида кўргазмали

восита устунлик килади. Шу сабабли, ўқитувчи дарсда табиий, тасвирий, вербал күргазма воситаларини уйғунлаштириши зарур.

Зоологияни ўқитишка тасвирий күргазмали асосида фикр юритиш яни табиий нарсаларгагина эмас, балки уларнинг тасвиirlарига асосланиб идрок, тасаввур хосил килиш ривожланади. Шу сабабли, ўқитувчи тасвирий воситаларга эътиборини каратиши лозим.

Табиий күргазма воситалари-микропрепаратлар, тирик ёки фиксирулган ўсимлик, хайвонлар уларнинг айрим бўлаклари, коллекциялар тулуплар, гербарийлар, биосистемалар (тўқай, тоф олди, яйлов чўл) бўлиб, улар билан ўкувчилар бевосита дарсда ёки экспурсия мобайнода танишадилар. Табиий күргазмали воситалар факат кўриш оркали эмас, балки эшитиш, хид, таъм билиш органлари ёрдамида идрок килинади. Табиий күргазмали воситалар ўрнига тасвирий күргазмали воситалар баъзан чунончи хужайра, организм экосистемалар тузилиши, моддаларнинг даврий айланishiша оид таблицалар, схемалар, моддалар, фото суратлардан фойдаланилади. Компьютер, мультимедиалар, тасвирий күргазмали воситаларнинг алоҳида турухи саналади.

Оғзаки ёки вербал воситалар – булар дарсликлар, илмий-оммабоп китоблар, ўқитувчининг сўзи, телевидения ёки кинокадрлардаги диктор матни, компьютер дастурлари (видеокадрлар, моделлар,) тестлар, дидактик карточкалардир.

Табиий ёки тасвирий воситаларни ўкувчи томонидан идрок килиниши, улар устида кузатиш, ўтказиш ёки фаолият харакати ёрдамида амалга ошади.

Ўкув материалини идрок этишда ўкувчининг канчалик кўп сезги органлари иштирок этса, уни ўзлаштириш шунчалик пухта бўлади. Бу жараён дидактиканинг кўрсатмалилик принципида ўзифодасини топган. Я.А.Коменский ўқитишка ўкувчининг барча сезги органларини жалб этиш дидактиканинг «Олтиң қоидаси» деб айтгани бежиз эмас.

Уумий ўрта таълим ўкув юртларида биология ўқитишининг барча боскичларида күргазмалилик таълим бериш воситаси эканлигини унитмаслик керак.

Лекин «кўргазмалилик» атамасига табакалашган холда ёндошиш керак, чунки у хил педагогик тушунчаларни ўзида ифода килади. Масалан, «кўргазмалилик принципи», «кўргазмалилик ўқитиш воситаси», «кўргазмали курол» тушунчаларни фарклаш керак.

Кўргазмалилик пириципи дейилганда биологияни ўқитиш жараёнда ўқитувчи амал киладиган дидактик принцип тушунилади. Кўргазмалилик бир вақтнинг ўзида сезиш, мантиқ, конкрет, абстрак йўли билан билишни ўзида бирлаштириб абстрак тафаккурни ривожланишига ёрдам беради ва кўп колларда унинг таянчи хисобланади.

Кўргазмалик ўқитиш воситаси сифатида ўкувчилардан статистик ва динамик образлар хосил килишга каратилган бўлади. Кўргазмалик ўқитиш воситаси ўз мазмунига кўра кўргазмали курол тушунчасига якин, лекин хажмига кўра унга нисбатан кенг. Масалан баргларнинг сув буглатишига оид

тажриба ёки телекүрсатув, жадвал күргазма воситаси бўлиб хисобланади, лекин кўргазмали курол саналмайди.

Кўргазмали курол бу дарсда ўқитувчи томонидан кўлланилган конкрет нарсадир. У тулуп, коллекция, гербария, тирик ўсимлик, хайвон, таблица, расм, схемалар шунингдек, муляжлар диафильмлар, таркатма материал, дидактич карточкалар шаклида бўлади.

Ўрганилаётган нарса ва ходисаларнинг биологик мазмунини ифода ки-  
лувчи кўргазма куроллар, ўқитишнинг асосий воситалари, хар хил асбоблар  
чунончи пребирка, колба, тарози ва шу кабилар ёрдамчи воситалар хисобланади.

Ўқитиш самарадорлигини оширишда амалий машгулот ва намойиш  
килинадиган тажрибаларни ўтказишга ёрдам берувчи хусусан микроскоп,  
лупа, штатив, реактивлар асбоблар иситувчи асбоблар, пинцет, препаровл  
ниналар, ўқитишнинг техник воситалари – кодоскоплар, телевизорлар,  
компьютерлар, овоз ёзувчи ва эшиттирувчи - аппаратлар, магнитофонлар ҳам  
ўқитиш воситаларига киради.

Техник воситалари орасида аудиовизуал ва бошқа табиий тасвирий  
воситалар шу билан устунлик қиласди, улар ўрганилаётган ходиса ва  
жараёнларнинг барча боскичларини изчиллик билан кўрсата олади.  
Телекўрсатувлардан биология ўқитишда фойдаланиш тирик табиатдаги  
вокеа, ходисаларни синфда ўрганиш сифатини бир неча марта ошириш  
имконини беради. Ўқитиш, жараённада компьютерларни кўллаш ўкув  
материалини мустакил ўзлаштириш ва назорат килиш имконини тугдиради.

Кўргазмали воситалардан биология ўқитишнинг барча жараёнларида,  
масалан янги ўкув материалини тушунтириш, мустаҳкамлаш, тушунчаларни  
шакллантириш, ўкув, амалий, меҳнат кўнишка ва малакаларни таркиб топти-  
риш, ўй вазифасини бажариш, ўкув материилини назорат килишда кўлланилади.

### Талабаларнинг ўз-ўзини назорат килиш саволлари

1. Ўқитиш воситаларнинг қандай таълим-тарбиявий аҳамияти бор?
2. Ўқитиш воситалари системасига нималар киради?
3. Ўқитиш воситаларининг асосий гурухига нималар киришини  
аникланг.
4. Ўқитиш воситаларининг ёрдамчи гурухига нималар киришини  
аникланг.

## 7.2. КЎРГАЗМА ВОСИТАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА ТАСНИФИ

Ўз таснифи ва аҳамиятига кўра биология ўқитишда кўлланиладиган  
кўргазмали воситалар асосий ва ёрдамчи хилларга ажратилади.

Асосий гурухига - табиий, тасвирий, оғзаки воситалар, ёрдамчиларига –  
ўқитиши техник воситалари ва лаборатория асбоб ускуналар киради.

Табиий кўргазма воситалар ўз навбатида тирик, ўлик ва фиксиранган,  
тасвирий кўргазма восита текис ва ҳажмли хилларга ажратилади.

Табиий күргазма воситаси мактаб тажриба ер майдонидан маҳсус танланган ўсимликлар, хона ўсимликлари, тирик табиат бурчагидаги аквариумдаги баликлар, терраиумдаги хайвонлар, инсектарийдаги хашаротлар, кафасдағи күшлар, куритилган, фиксиранган күргазма воситаларига гербариyllар, тулуллар, умурткасиз хайвон коллекциялари, остеологик препаратлар, таксiderмик материаллар, микро ва макропрепаратлар, тарқатма материаллар киради.

Тирик ўсимлик ва хайвонларни дарс жараённан намойиш килиш учун аввалдан тайёргарлик күриш лозим. Уларни танлашда ўкув дастури, маҳаллий шароит ва табиатни муҳофаза килиш талаблари эътиборга олиниши керак.

Гербариyllар – бу куритилган ва тұғриланган, қаттык көзогза маҳкамланған яхлит ўсимлик ёки унинг муайян органдыр. Биологияни ўқитишка гербариyllардан тарқатма материал сифатыда фойдаланилади. Гербариyllар мазмунни ва моҳиятига күра: морфологик, систематик ёки экологик бўлиши мумкин. Ўқитувчи дарсда ўрганиладиган мавзу мазмунидаги тушунчаларнинг турига күра муайян гербариydан фойдаланиши мумкин.

Гербариy, коллекцияларни кўрсатаётганда шуни ёдда тутиш керакки, улар тирик организмлар тұғрисида тұлғык тасаввур қосил кильмайди. Шуни эътиборга олиб улар бошқа күргазма воситалар билан биргаликда намойиш этилиши лозим.

Худди шундай холатни фиксиранган хўл препаратларга нисбатан хам айтиш мумкин. Чунки улар узок вакт давомида ўзларини рангларини йўқотган бўладилар.

Хўл препаратлар – бу ўсимлик ва ҳайвоннинг ёки улар ораганларининг маҳсус эритма ёрдамида консерваланишидир. Улар шиша цилиндрик ва пластмасса идишларда (формалин ва спирт эритмаларида) бўлади.

Хўл препаратлар мазмунига кўра уч гурухга бўлинади:

1. Морфологик препаратлар – ўсимлик ёки ҳайвоннинг ташки тузилиши ва органлари акс эттирилган бўлади.
2. Анатомик препаратларда – организм ёки баъзи органларнинг ички тузилиши акс эттирилган бўлади.
3. Эмбриологик препаратларда организмларнинг индивидуал ривожланиши ўз аксини топган бўлади.

Хўл препаратлардан тарқатма материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Табиий күргазмали воситаларнинг бири микропрепаратлар хисобланади. Улар кичик организмлар - бактерия, замбуруглар, бир хужайрали ҳайвонлар ва ўсимликларнинг хужайравий тузилишини ўзида ифода киласди.

Микропрепаратлар тайёрланиши ва давомийлигига кўра 2 гурухга: вактинчалик ва доимий микропрепаратларга бўлинади.

Вактинчалик микропрепаратлар ўқитувчи ёки ўкувчилар томонидан бир дарс мобайнинда тайёрланади. Шуни қайд этиш керакки, вактинчалик микропрепаратларни тайёрлаш кўнкимасини хамма ўкувчилар эгаллашлари керак.

Доимий микропрепаратлар махсус муассасаларда тайёрланиб, ундан кўп марта фойдаланиш имконияти мавжуд. Вактнинчалик ва доимий микропрепаратлар ўқувчилар томонидан тирик организмларнинг хужайравий тузилишини ўрганишда мухим ахамиятга эга.

Коллекциялар – ўсимлиқ, хайвон ёки улар органларининг тўпламидан иборат. Коллекциялардан «Ўсимликларнинг гомологик ва аналогик органлари», «Ҳашоратлар» коллекциясидан яшаш мухитига мослашиш, химоя, огохлантирувчи ранг, шунингдек, идиоадаптацияларни ўрганиш мумкин.

Остеологик препаратлар деганда ҳайвонларнинг яхлит скелети ёки айрим сүяклар тўплами тушунилади. Бу материаллардан «Органик олам эволюцияси далиллари» мавзусида гомологик органлар тушунтирилганда фойдаланилади.

Таксидермик материаллардан ҳайвонларнинг табиий шакли, ҳажми ва позаси ўрганилганда фойдаланилади. Уларга тулуп ва чучелалар мисол бўлади.

Кўпгина табиий кўргазма воситалари лаборатория ва амалий машгулотларни ўтказиш учун зарур.

### **Тасвирий кўргазмали воситалари**

Табиий равиша барча дарсларда ўсимликлар, ҳайвонлар ва бошка табиий объектларни кўрсатиб бўлмайди. Кўпгина ҳайвон, ўсимликларни, тирик табиатнинг ривожланиш жараёнлари, конуниятлар махсус тайёрланган тасвирили кўргазма куроллар ёрдамида тушунтирилади.

Тасвирий кўргазмали восита ниҳоятда хилма-хил. Улардан муляжлар, статик, динамик моделлар, рангли жадваллар, расмлар, дидактик карточкаларни кўрсатиб ўтиш ўринлидир.

Муляжлар – табиий объектларнинг аник кўчирилган нусхаси бўлиб, ундан ўқитувчи дарс мавзусини тушунтириш, мустаҳкамлаш, такрорлаш, билимларни назорат килиш ва баҳолашда фойдаланиши мумкин.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида Жанубий Кореядан келтирилган жихозлар ичida одам танасининг анатомик тузилиши, одам скелети, одам асаб тизими, кўзнинг тузилиши, юракнинг тузилиши, кулоннинг тузилиши, нафас олиш тизими, кон айланиш, айриш органлари, овқат ҳазм килиш, бош миянинг тузилиши, кўпайиш органларининг муляжлари мавжуд.

Ўқитувчи ушбу муляжлардан нафакат дарс мавзусини тушунтириш, мустаҳкамлаш, такрорлаш, билимларни назорат килиш ва баҳолаш, балки ўқувчиларнинг мустакил ишларини ташкил этишда ҳам фойдаланиши мумкин. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчиларнинг мустакил ишлари учун ўкув топширикларини дидактик карточка сифатида тайёрлаши лозим.

Масалан, «Овқат ҳазм килиш органлар системаси» мавзусини ўрганишда ўқувчиларга куйидаги топширикларни тавсия этиш мумкин:

1. Овқат ҳазм килиш органлар системасининг ахамиятини аникланг.
2. Овқат ҳазм килиш органлар системасига кирадиган органларни аникланг. Уларнинг кетма-кетлигини схематик тасвиirlанг

3. Муляжни кўриб чикинг, хар бир органнинг тузилиши ва функциясини аникланг.

4. Ўрганилган материаллар асосида қўйидаги жадвални тўлдиринг.

#### «Овқат ҳазм қилиш органлар системаси»

№	Органлар	Тузилиши	Функцияси

Моделлар табиий обьектларнинг тасвири бўлиб, унинг нусхаси эмас, балки асосий хусусиятларини схема тарзида ифодалайди. Моделлар ясси, хажмли, статик ва динамик бўлиши мумкин.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида Жанубий Кореядан келтирилган жиҳозлар ичida ДНКнинг биологик модели, кон айланиш, органик бирикмаларнинг молекулалар тузилиши бўйича моделлар бор.

Ўқитувчи ушбу моделлардан нафакат дарс мавзусини тушунтириш, мустаҳкамлаш, тақорглаш, билимларни назорат қилиш ва баҳолаш, балки ўкувчиларнинг мустакил ишларини ташкил этишда хам фойдаланиши мумкин.

Бунинг учун ўқитувчи ўкувчиларнинг мустакил ишлари учун ўкув топширикларини дидактик карточка сифатида тайёрлаши лозим.

Масалан, «Нуклеин кислоталар» мавзусини ўрганишда ўкувчиларга қўйидаги топширикларни тавсия этиш мумкин:

1. Нуклеин кислоталарнинг турлари, уларнинг тузилиши ва функциясини аникланг.

2. ДНК тузилисидаги ўзига хосликни аникланг.

3. Сизга берилган нуклеотидларнинг моделидан фойдаланиб, ДНКнинг кўш занжирини тикланг.

4. Ўрганилган материаллар асосида қўйидаги жадвални тўлдиринг.

#### Нуклеин кислоталарнинг турлари

№	Нуклеин кислоталар	Тузилиши	Функцияси

Динамик моделга «Одамнинг кон айланиш органлари»ни олиш мумкин. Мазкур модел пластмасса ойна билан ёпилган ва электр токи ёрдамида ишлайди. Электр токига уланган модел юрак ва кон айланиш органларининг ишини тасвирлайди. Динамик ҳаракат коннинг катта ва кичик кон айланиш доиралари бўйлаб ҳаракатланиши, бу жараёнда кон айланиш органларининг вазифаларини намойиш этади.

Динамик ҳаракатли моделлар ўкувчиларда тасаввурни ривожлантириб, билимларни мустаҳкам эгаллаш, ёдда узок вақт сакланишига замин тайёрлайди.

Биологияни ўқитишида жадваллардан кенг фойдаланилади. Жадваллар тузилишига кўра босма ёки рельефли бўлиши мумкин.

Рельефли жадваллар пластикадан тайёрланган бўлиб, хайвонлар ранги тасвирланган бўлади. Организм ва органларнинг контури унча чукур бўлмаган чизиклар билан чегараланган ва муайян рангга эга бўлади.

Мазкур жадвалларга «Эл-Холдинг» томонидан тайёрланган ҳайвонларнинг ички тузилиши тасвирланган рельефли жадваллари мисол бўлади. Уларни биология ўкув хонаси деворларига осиб қўйиш ёки енгил ва кулай бўлгани учун йигиб қўйиш мумкин.

Ҳозирги кунда биологияни ўқитишида босма жадваллардан ҳам фойдаланилади. Биология ўкув фанлари бўйича босма жадваллар нашр килинган.

Биология ўкув хонасининг жихозланиши, компьютернинг мавжудлиги босма жадваллар ўрнига слайдлардан фойдаланиш имконини бермоқда.

Слайдларда тасвир юпқа, тиник пластик коғозга туширилган бўлиб, уни компьютер ёрдамида экранга тушириш мумкин.

Кўшимча кўргазма воситага ҳар хил лаборатория асбоблари, ўқитишининг техник воситалари, компьютер киради.

Биологияни ўқитишида ёргулик микроскопининг янги авлоди биологик микроскоплардан фойдаланиш мухим аҳамиятга эга.

Мазкур микроскоп электр токи манбаида ишлайди ва объектларни 500 мартаға катталаштириб беради.

Микроскопдаги тасвирни оптик камера орқали компьютер ёрдамида экранга тушириш мумкин. Ўқитиши воситаларининг бундай афзаллиги, албатта ўқитиши самарадорлигига хизмат киласди.

Шундай килиб, ўқитиши воситалари муайян системани ташкил этиб, ўрганиладиган мавзунинг мазмунини ёритиш, кузатиш, тажрибалар ўтказиш, ўкувчиларнинг мустакил ишларини ташкил этишида мухим омил бўлиб хизмат киласди.

### **Талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш саволлари**

1. Кўрсатмалик атамаси ўзида қандай тушунчаларни ифода киласди.
2. Кўргазмали куроллар қандай турларга бўлинади?
3. Кўргазмали ўқитиши воситаси ва курол орасида қандай фарқ бор?
4. Асосий ва ёрдамчи кўргазмали куролларга нималар киради?
5. Табиий кўргазмали куролларни тушуниринг.
6. Тасвирий кўргазмали куролларга мисоллар келтиринг.

## **8-Боб. БИОЛОГИЯ ЎҚИТИШДА ШАКЛЛАРИ СИСТЕМАСИ**

### **8.1. БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ-НИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА УЛАР ЎРТАСИДАГИ УЗВИЙЛИК**

- 1.Биологияни ўқитиш шакллари.
- 2.Дарснинг дарсдан ташқари ишлар билан ўзаро узвий боғликлиги.
- 3.Дарснинг экспурсия билан ўзаро узвий боғликлиги.
- 4.Дарснинг синфдан ташқари машғулотлар билан ўзаро узвий боғликлиги

#### **Асосий тушунча ва таянч сўзлар**

Ўқитиш жараёни, ўқитиш шакллари, дарс, дарсдан ташқари ишлар, экспурсия ва синфдан ташқари машғулотлар, ўзаро узвий боғликлар.

Ўқитиш жараёни деганда, ўкувчиларнинг муайян ўкув материалини ўзлаштириш, билиш усулларини эгаллашга каратилган ўкув-билиш фаолияти ва ўқитувчининг мазкур жараённи ташкил этиш ва бошқаришга асосланган педагогик фаолияти орқали ўзаро ҳамкорликда ўкув максадларига эришиладиган жараён тушунилади.

Ўқитиш жараёни ташкил этиладиган ва бошқариладиган жараён экан, у қандай шаклларда ташкил этилади деган савол туғилади?

Дидактика ва биология ўқитиш методикасига оид манбаларда ўқитиш жараёни ва унинг шаклларига турли таъриф берилган. Жумладан, дидакт олим Ю.К. Бабанский фикрича, ўқитишни ташкил этиш шакллари таълимтарбия жараёнида ўкувчилар билан индивидуал ёки ялпи ўқитишнинг нисбати, ўкув-билиш фаолиятининг фаоллик даражаси, ҳамкорликда ташкил этилган ўкувчиларнинг ўкув-билиш фаолияти ва ўқитувчининг раҳбарлик роли, педагогик фаолиятининг меъёрини белгилайди.

Б.П. Есипов томонидан чоп этилган “Основы дидактики” китобида ўкув ишларини ташкил этиш шакллари – ўкувчиларнинг билиш фаолияти турларининг кетма-кетлиги, ўқитувчининг мазкур фаолиятни бошқариш усуллари, машғулотларнинг мазмуни, таркиби ва вактини белгилайди деб уқтирилган.

Н.М. Верзилин, В.М. Корсунская таърифи бўйича ўқитиш жараёнини ташкил этиш шакллари – ўқитувчи томонидан тарбияловчи таълим жараёнида фойдаланиладиган турли шароит (биология ўкув хонаси, экспурсия, тирик табиат бурчаги, табиат)да ўкувчиларнинг ўкув-билиш фаолиятини ташкил этиш тушунилади.

Ўкувчилар томонидан биология ўкув фани ластурлари ва ДТС билан меъёрланган муайян билим, кўнекма ва малакатариги ўзлаштириш, уларни тарбиялаш ва ривожлантириш жараёни ўқитишнинг турли шаклларидан фойдаланишни такоза этади.

Биология ўқитиш методикасида ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг турли шакллари белгиланган. Уларга дастур талабларини амалга оширадиган ўқитишнинг асосий шакли бўлган дарс, унга боғлик холда экспурсиялар, уй ишлари, дарсдан ташкари ишлар ва ихтиёрий равишда ташкил этиладиган синфдан ташкари машғулотлар киради.

Мазкур ўқитиш шакллари биргаликда биология ўқитиш шакллари тизимини ташкил этади.

Ўқитишнинг асосий шакли бўлган – дарс, уларни боғловчи вазифасини бажаради ва ўқитиша етакчи ўринни эгаллади.

Дарс, экспурсиялар, уй ишлари, дарсдан ташкари ишлар ва синфдан ташкари машғулотлар биргаликда биологияни ўқитишдан кўзда тутилган умумий ўкув максадларига эришишни таъминлайди, ўкувчилар томонидан ўкув материалини ўзлаштириш, олинган натижаларни тахлил килишга хизмат киласди.

Ўқитишни ташкил этиш тизимининг таркибий қисмлари бўлган дарс, экспурсия, уй ишлари, дарсдан ташкари ишлар ва синфдан ташкари машғулотларнинг хар бири биологик таълим олдига кўйилган умумий максадларни амалга оширишга хизмат киласди алоҳида ўз улуси мавжуд. Мазкур улушни хусусий максадлар хам дейиш мумкин.

Ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг турли шаклларида таълим мазмуни, максади, вазифасига боғлик холда муайян метод ва воситалардан фойдаланилади.

Шу сабабли, ўқитувчи томонидан ўқитиш шаклларини танлаш мухим ахамият касб этади, яъни таълим мазмуни, мазкур шаклларнинг максади, вазифаси, таълим-тарбия жараённида тутган ўрни, уларнинг хусусий максадларига мослиги эътиборга олиниши лозим.

Масалан, ўрганиладиган мавзу катталаштирувчи асбоблар ёки лаборатория жихозлари билан боғлик, шунингдек, анатомик мазмун, физиологик жараёнлар, назария, гоя, тушунчалар, конунлар, масала ечиш ўрганиладиган бўлса, унда албатта ўқитишнинг асосий шакли бўлган дарсни танлаш зарур.

Агар таълим мазмуни ўсимлик ёки хайвонат дунёсининг хилма-хиллиги, турли экологик мухит шароитига мослашишини ўрганишини талаб этса, бу холда экспурсия ташкил этилиши, ёки видеофильмлар намойиш килиш максадга мувофик.

Экологик тушунчаларни шакллантириш ва ривожлантиришда дарс билан бир каторда, дарсдан ва синфдан ташкари ишлар хам мухим ўрин тутади.

Кузатиш ўтказиш ва тажриба кўйишда уй ишлари, дарсдан ва синфдан ташкари ишлар мухим ахамиятга эга.

Ўқитувчи томонидан ўқитиш шаклларини тўғри танлашда биология ўкув хонасининг жихозланиши ва ўкув-моддий техника базаси хам мухим ахамият касб этади. Ўқитувчи ўқитиш шаклларининг максади ва вазифаларини тўғри англаган холда, мазкур жараёндан тасвирий, табиий ва тарқатма

материаллар тайёрлаш оркали кўргазмалиликни амалга оширишни кўзда тутиши лозим.

Шундай килиб, биологияни ўқитиш шакллари: дарс, экспедиция, уй ишлари, дарсдан ташқари ишлар ва синфдан ташқари машгулотлар муайян тизимни хосил килиб, улар ўкувчилар томонидан белгиланган билим, кўнікма ва малакаларни ўзлаштириш, илмий дунёкарашини кенгайтириш, табиатга нисбатан онгли муносабатни таркиб топтириш, билиш фаолияти усулларини эгаллаш ва ўқитиш самарадорлигини орттиришга хизмат киласи.

Дарс ўқитишнинг асосий шакли бўлиб, унда биология ўкув дастуридан ўрин олган ўкув материалининг асосий кисми ўрганилади. Дарсда ўқитувчи таълим мазмунни, ўқитиш методи ва воситаларининг уйғунлиги оркали ўқитиш мақсадларига эришишни назарда тутади. Лекин, ҳамма масалаларни ҳам дарсда ўрганиш имкони бўлмайди, масалан узок муддатли кузатиш ишларини талаб этадиган тажрибаларни ўтказиша дарсдан ташқари ишлардан фойдаланилади.

Уй ишлари дарс билан узвий боғланган бўлиб, у дарсда ўрганилган мазмуннинг мантикий давоми ва ўкувчиларнинг мустакил билим олиш омили саналади. Ўқитувчининг топшириги ва кўрсатмасига биноан, ўкувчилар унча мураккаб бўлмаган тажрибаларни ўтказиш, табиатда кузатишлар олиб бориш, кўшимча адабиётларни ўрганиш, муайян мавзуларда маъруза ёки реферат тайёрлаш, коллекциялар тайёрлаш ишларини амалга оширадилар. Ўкувчилар ўкув топширикларини бажариш оркали билиш фаолияти усулларини эгаллашга замин тайёрланади.

Дарсдан ташқари ишлар ўқитувчининг кўрсатмаси асосида ўкувчилар томонидан бажариладиган мажбурий ўқитиш шакли саналади. Дастур талаблари асосида ўкувчилар дарсдан ташқари ишларни якка тартибда ёки кичик гурухларда бажарилиши лозим.

Дарсдан ташқари ишлар жумласига муайян мавзуларда кузатиш олиб бориш, тажрибалар ўтказиш, ўкув жихозлари, кўргазма материалини тайёрлаш киради.

Дарсдан ташқари ишлар моҳияти ва мазмунига кўра биология ўкув хонасида, тирик табиат бурчагида, табиатда бажарилиши мумкин. Масалан, ботаникани ўқитиша ургуннинг униши учун зарур шарт-шароитлар, ургуннинг нафас олиши, ўсимтанинг ўсиши ва ривожланишига озик моддалар микдорининг таъсирини каби тажрибалар мавзуни ўрганишдан аввал ўкувчилар томонидан ўтказилади ва натижаси дарсда мухокама этилади.

Дарсдан ташқари ишларнинг давомийлигига кўра: киска муддатли, мавсумий ёки йиллик бўлиши мумкин. Юкорида кайд этилган тажрибалар киска муддатли, ботаника ва зоология ўкув фанларидан бериладиган ёзги топшириклар мавсумий, ўсимликлардаги мавсумий ўзгаришларни кузатиш йиллик дарсдан ташқари ишлар сирасига киради.

Ботаника ва зоология ўкув фанларидан бериладиган ёзги топшириклар муайян тизимга эга бўлиши лозим, чунки унинг натижаларидан келгусида кўргазма материаллари шаклида фойдаланиш кўзда тутилади.

Экскурсия – ўқитиш жараёнининг мухим шакли бўлиб, улар ўкувчиларни тирик табиатнинг объектлари, ҳодисалари, конунлари, асосий назарий гоялари билан танишиши, назарий билимларни амалиётга кўллаш, оламни билиш методларини эгаллаш имконини беради.

Экскурсия давомида ўкувчилар томонидан эгалланган билимлар, янги мавзуларни ўрганиш жараёнида билимларни мустахкамлаш, якунлаш, тизимга солиш ва умумлаштириш каби максадларда фойдаланилади.

Шу билан бир каторда экскурсиялар ўкувчиларнинг мустакил билим олиш фаoliятини фаоллаштириш ва ривожлантириш имконини беради. Экскурсияда ўкувчилар ўкув топширикларини якка тартибда ёки кичик гурухларда бажариш жараёнида аввал ўзлаштирган билим ва кўникмаларидан фойдаланиш оркали янги билим ва кўникмани эгаллайдилар.

Экологик жиҳатдан табиатга тўғри ташкил этилган экскурсиялар ўкувчиларда маҳаллий биогеоценозлар, ўсимликлар ва ҳайвонат оламининг хилма-хиллиги хакида билимларини кенгайтиши, маҳаллий объектлардан кўргазма материалларини тайёрлаш, уларни жихозлаш, табиатга муҳаббат уйготиш, эстетик дид ва маданият, табиатга нисбатан онгли муносабатни таркиб топтириш имконини беради.

Биологияни ўқитишда синфдан ташкари машгулотлар мухим ўрин тутади. Мазкур ўқитиш шакли ихтиёрий бўлиб, ўкувчиларнинг биология ўкув фанига бўлган кизикиши, оламни ўрганишга бўлган эҳтиёжлари хисобга олинган ҳолда ташкил этилади.

Синфдан ташкари машгулотларнинг уч тури мавжуд:

1. Якка тартибда индивидуал тарзда ташкил этиладиган синфдан ташкари машгулотлар.

2. Гурухларда ташкил этиладиган синфдан ташкари машгулотлар.

3. Оммавий тарзда ташкил этиладиган синфдан ташкари машгулотлар.

Якка тартибда индивидуал тарзда ташкил этиладиган синфдан ташкари машгулотларда ўқитувчи ўкувчилар томонидан муайян мавзуларда кузатишлар ўтказиш, тажриба кўзиш, кўшимча адабиётлар билан ишлаш, маърузалар тайёрлаш ва уларни жихозлаш ишларини режалаштиради.

Гурухларда ташкил этиладиган синфдан ташкари машгулотларда турли синфларда “Ёш биологлар” тўгараги, факультатив машгулотлар, танловларга тайёртарлик кўриш, тирик табиат бурчагида ишлар ташкил этилади.

Оммавий тарзда ташкил этиладиган синфдан ташкари машгулотларда асосан, турли мавзуларда кечалар ва байрамлар, биолог-олимлар билан учрашувлар ташкил этиш билан бир каторда кўкаламзорлаштириш ишлари, ижтимоий фойдали меҳнатни амалга ошириш назарда тутилади.

Синфдан ташкари машгулотлар дастурдаги ўкув материали асосида ташкил этилади, лекин уни тақрорламаслиги керак. Ўқитувчи ўрганилаётган ўкув фани мазмуни, маҳаллий шароит, ўкувчиларнинг кизикиши ва эҳтиёжларини хисобга олган ҳолда, синфдан ташкари машгулотларнинг мавзуларини танлайди.

Синфдан ташкари машгулотларнинг мавзулари ўкувчиларнинг дунёкараши, улар ўзлаштираётган таълим мазмунини кенгайтиши, тўлдириш,

касбга йўллаш, табиий фанлар ўртасидаги ўзаро алокадорлик ва уларнинг янги кирраларини ёритишига хизмат киласди.

Синфдан ташкари машгулотлар дарсдан ташкари вактда ташкил этилиб, мактабнинг умумий жадвалидан ўрин олмайди, лекин ўқитувчи ўзининг йиллик истиқбол режасида уларни ўтказиш вактини белгилайди.

Биологияни ўқитишининг юкорида кайд этилган шакллари: дарс, дарсдан ташкари ишлар, синфдан ташкари машгулотлар ўртасида доимий равишда изчиллик, ўзаро узвийлик ва алокадорлик мавжуд бўлиб, улар ўқув-тарбия жараёнининг яхлитлигини таъминлайди.

Биология ўқитиши мақсади ва вазифаларини амалга ошириш, самарадорликка эришиш учун ўқитувчи ўқитиши шаклларининг умумий ва хусусий мақсадларини англаган холда, уларни уйғунлаштирган тарзда йиллик истиқбол режасини тузиши лозим.

### **Талабаларнинг ўз-ўзини назорат килиш саволлари**

- 1.Методист-олимлар томонидан ўқитиши жараёнига берилган таърифларни таққосланг.
- 2.Биологияни ўқитишида фойдаланиладиган ўқитиши шаклларини аникланг.
- 3.Дарснинг дарсдан ташкари ишлар билан ўзаро узвий боғликлигини исботланг.
- 4.Дарснинг экспурсия билан ўзаро узвий боғликлигини исботланг.
- 5.Дарснинг синфдан ташкари машгулотлар билан ўзаро узвий боғликлигини мисоллар ёрдамида исботланг.

## **8.2. ДАРС – БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШНИНГ АСОСИЙ ШАКЛИ**

- 1.Дарснинг мақсад ва вазифалари, ўзига хос хусусиятлари.
- 2.Биология дарсларига кўйиладиган талаблар.
- 3.Дарс типлари ва турлари.
- 4.Дарс структураси.
- 5.Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги.

Дарс – биологияни ўқитишининг асосий шакли бўлиб, унинг тузилиши, ташкил этилиши, унда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш, бошкариш ва фаоллаштириш масалалари биология ўқитиши методикасининг асосий муаммоси саналади.

Дарсда ўкув дастури талаблари асосида таълим-тарбия узвийлигини таъминлаш, бу жараёнда ўқитиши методи, воситаларидан самарали фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг илмий дунёкарашини кенгайтириш, ДТС билан меъёrlанган таълим мазмуни ва унинг таркибий кисмларини шакллантириш, маънавий-ахлоқий тарбиялаш, улар онги ва қалбига миллий истиклол гоясини сингдириш амалга оширилади.

Ўкувчиларга таълим-тарбия бериш сифати ва ўқитиш самарадорлиги дарсни ташкил этилиши, уларда ўкувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва фаоллаштириш масалаларига боғлик бўлади.

Дарс - биология ўкув дастури билан меъёрланган мазмунни ўрганиш мақсадида ёши, тайёргарлик даражаси бир хил, доимий таркибга эга бўлган ўкувчилардан иборат гурӯҳ (синф)ларда белгиланган вакт доирасида, қатъий жадвал асосида биология ўкув хонасида ташкил этилади.

Ўрганиладиган мавзу мазмунидан келиб чиккан холда дарслар тирик табиат бурчагида, ўкув тажриба майдонида, биологик музейларда ташкил этилиши ҳам мумкин.

Биология ўкув дастурида таълим мазмуни ўкувчиларнинг ёш ва психологияк хусусиятлари, билим захиралари хисобга олинган холда берилган. Биология ўкув фанларининг мазмуни мантикий кетма-кетликдаги алоҳида кисмлар – боблар, мавзуларга бўлинган. Ҳар бир мавзу мазмунини ўрганиш дарсларда амалга оширганлиги сабабли, дарслар ҳам муайян системани ташкил этади, бир-бири билан мантикий боғланган бўлади.

Дарсда ўқитиш ҳамма ўкувчилар учун умумий бўлган ўкув дастури асосида ташкил этилади, ўқитувчи ўрганилаётган мавзу мазмуни, таълимиy, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларига мувофик, ўкувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва фаоллаштиришга каратилган педагогик фаолиятни амалга оширади.

Демак, ўкувчиларнинг дарсдаги фаолияти уларнинг ўкув-билиш фаолиятини, ўқитувчининг фаолияти эса шу фаолиятни ташкил этиш, бошқариш ва фаоллаштиришга каратилган педагогик фаолият саналади.

Дарсда ўкувчиларнинг ўкув-билиш фаолияти, ўқитувчининг педагогик фаолияти билан уйгун ташкил этилгандагина ўқитиш мақсадларига эришиш мумкин.

Ҳар бир дарс ўкувчиларнинг мавзуга оид билим, кўнімка ва малакаларни эгаллаш, илмий дунёкашини кенгайтириш, аклий ривожланиши, шахс сифатида тарбиялаш, атроф-мухитга онгли муносабатни таркиб тоғтиришга хизмат киласи ва биологияни ўқитишдан назарда тутилган умумий мақсад ва вазифаларнинг бажарилишига ўз хиссасини кўшади.

Дарснинг муваффакиятли ташкил этилиши кўп жихатдан ўқитувчининг дарсга кўйиладиган талабларни билиши, унга амал қилишига боғлик.

Мазкур талаблар жамиятимизнинг ижтимоий-иктисодий тараккиёти, маънавий-марифий қарашлари, таълим муассасаларининг мақсади ва вазифалари, ўқитиш конуниятлари ва принципларидан келиб чиккан холда белгиланади.

Биология ўқитиш методикасида дарсга кўйиладиган талаблар уч гурӯҳ: методик, тарбиявий ва ташкилий талабларга ажратилади.

#### **Методик талаблар жумласига:**

1. Ҳар бир дарснинг таълимиy мақсадлари ва унинг дарслар системасида тутиган ўрнини аниқ белгилаш;

2. Ўкувчиларнинг тайёргарлик даражаси, ўқитиш максадлари, ўкув дастурининг талабларига мос холда ўкув материалини оптимал даражада танлаш;
3. Дарсда ривожлантириладиган умумий ва шакллантириладиган хусусий биологик тушунчалар, таркиб топтириладиган кўникма ва малакаларни аниглаш;
4. Дарснинг ҳар бир боскичининг максадини амалга ошириш максадида ўқитишининг самарали методлари, воситалари, билимларни назорат килиш ва рағбатлантириш методларини аниглаш ва уларни уйғуналаштириш оркали ўкувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш;
5. Дарсда ўкувчиларни ялпи ўқитиш билан бир қаторда якка ва кичик гурухларда мустакил ишларини ташкил этиш оркали уларда тахсил олишга бўлган эҳтиёжини қондириш, кизикишини орттириш, мустакилликни ривожлантириш кабиларни киритиш мумкин.

#### Дарсга кўйилладиган тарбиявий талаблар:

1. Дарснинг ўкувчиларнинг ўзлаштираётган билимлари, мавзунинг илмий дунёкарошни кенгайтириш, маънавий-ахлоқий, аклий, гигиеник, жисмоний, жинсий, иктиносидий тарбия бериш, эстетик туйғу, меҳнатсеварлик, экологик маданиятни таркиб топтириш имкониятларини хисобга олган холда тарбиявий максадларининг аник кўйилиши;
2. Ўкувчилар томонидан билимларни мустакил ўзлаштириш кўникма ва малакалари, биологияни ўрганишга бўлган эҳтиёжини қондириш, кизикишини ривожлантириш, уларнинг фаолиятидаги ижодий фаоллик ва ташаббускорликни рағбатлантириш;
3. Ўқитувчи томонидан юқори даражадаги педагогик такт ва мулокот маданиятига амал килиш кабиларни ўзида мужассамлаштиради.

#### Дарсга кўйилладиган ташкилий талаблар ўз ичига кўйидаги:

- Мавзули режа асосида дарснинг илмий-методик савияда лойихаланган ишланмаси мавжудлиги;
- Дарснинг ҳар бир боскичини ташкил этишининг аник режалаштирилганлиги;
- Мавзуга оид тарқатма ва дидактик материаллар, ўкувчилар билимини назорат килиш ва баҳолаш учун ўкув топшириклари, дифференциал топширикларнинг тузилганлиги;
- Вактдан унумли фойдаланишни йўлга кўйиш учун дарснинг технологик харитасининг мавжудлиги;
- Ўқитиш воситаларининг мавжудлиги ва улардан самарали фойдаланишни йўлга кўйилиши кабиларни олади.

Биология ўқитувчи ушбу талабларни яхши билиши, дарсларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишида албатта уларга амал килиши лозим.

Биологияни ўқитишида дарслар тизим холда кўлланилади, шу сабабли ўқитувчи дарс типлари ва турларини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини билиши лозим.

## **Дарс типлари ва турлари**

Ўқув дастуридан ўрин олган мавзуларнинг мазмуни, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари хисобга олинган ҳолда дарсларнинг тузилиши, унда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Дарсларнинг юкорида кайд этилган хусусиятларига кўра дарслар типологияси ишлаб чиқилган.

Б.П. Есипов, Г.И. Щукина дарсларни асосий дидактик максадларига кўра таснифлашни тавсия этган. Мазкур типологияда дарслар қуидаги:

- ❖ Билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- ❖ Билимларни тизимга солиш ва умумлаштириш;
- ❖ Билим, кўникма ва малакаларни мустахкамлаш, тақрорлаш;
- ❖ Назорат ва баҳолаш;
- ❖ Комбинирлашган (мажмуали) типларга ажратилган.

Мазкур типологиянинг таҳлили, дарсни ташкил этиш боскичлари эътиборга олинмаганлигини кўрсатди. Ҳар бир дарсда муайян билим, кўникма ва малакалар шакллантириларида ва ривожлантириларида, тизимга солинади ва умумлаштириларида, шунингдек, ўқувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари назорат килинади ва баҳоланади. Шу сабабли, ушбу типология камчиликлардан холи эмас.

Н.Е. Кузнецова дарсларнинг асосий дидактик вазифаларига биноан таснифлаган:

- ❖ Янги ўқув материалини ўрганиш;
- ❖ Назарий билим, кўникма ва малакаларни амалиётга кўллаш ва такомиллаштириш;
- ❖ Билимларни тизимга солиш ва умумлаштириш;
- ❖ Назорат ва баҳолаш;
- ❖ Арапаш ёки комбинирлашган (мажмуали) типларга ажратиш.

Бу типология ҳакида ҳам юкоридаги фикрларни айтиш мумкин.

Г.И. Белов, Е.П. Бруновт, И.Д. Зверев, А.Н. Мягкова каби методист-олимлар дарсларни ўтказиш усулига кўра типларга ажратган:

1. Маъруза дарслари
2. Экскурсия дарслари
3. Сухбат дарслари
4. Кинодарс
5. Лаборатория дарслари
6. Мустакил ишлаш дарслари.

Бу типологиядан ўрин олган типлар тўғри белгиланган эмас, олимлар томонидан дарс типлари ва турлари аралаштириб юборилган.

С.В. Иванов томонидан дарслар ўқув жараёнининг асосий боскичлари асосида типларга ажратилган:

1. Кириш дарслари
2. Ўқув материали билан дастлабки танишиш дарслари
3. Тушунчаларни шакллантириш дарслари

#### 4. Машқ килиш дарслари

Ушбу типологияда дарсларнинг ҳамма ҳусусиятлари ҳисобга олинмаган, жумладан, таълим мазмунининг таркибий қисмлари бўлган кўникма ва малакалар эътибордан четда қолган.

Н.М. Верзилин дарсларни типларга ажратишда тушунчаларни асосий мезон этиб белгилаган:

1. Анатомик мазмундаги дарслар
2. Морфологик мазмундаги дарслар
3. Филогенетик мазмундаги дарслар
4. Экологик мазмундаги дарслар ва ҳ.к.

Кайд этилган типологияни амалиётга жорий килиш кийин кечади, чунки таълим-тарбия жараёнида тушунчалар бир-бири билан узвий Ра-вишда шакллантирилади. Тушунчаларнинг бу тарзда типларга ажратилиши максадга мувофиқ эмас.

В.М. Корсунская, Н.А. Рыков, И.Н. Пономарева, Д.И. Трайтак каби методист-олимлар бобни ўрганишда дарснинг ўрни ва таълим жараёнининг боскичлари асосида типларга ажратган. Ҳар бир боб мантикий боғланган мазмунни ўз ичига олган бўлиб, мавзулар алоҳида дарс шаклида ўрганилади. Шу сабабли, ҳар бир бобни ўрганишда ўқитиш максадлари ва ўкув материалини ёритиш нуктаи назаридан ўзаро мантикий боғланган дарслар тизимидан фойдаланилади. Олимларнинг фикрича дарслар куйидаги типлардан иборат бўлиши лозим:

1. Кириш дарслари.
2. Ўкув материали мазмунини ёритувчи дарслар.
3. Умумлаштирувчи дарслар.

Юкорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, дарслар типологияси бўйича ягона фикрга келинмаган ва бу масала баҳсли саналади.

Бизнинг назаримизда ушбу типология биологияни ўқитишда кўлланиладиган дарсларнинг максади ва вазифасига мос келади.

Биологияни ўқитиш амалиётида у ёки бу типга айнан мос келадиган дарсларни топиш кийин, шу сабабли ҳар бир тип муайян дарс турларини ўз ичига олади.

**Кириш дарслари.** Мазкур дарсларнинг асосий вазифаси ўкувчиларни янги ўкув материалини кабул килишга тайёрлаш. фанлараро, мавзулараро боғланишини амалга ошириш, муаммоли вазиятларни яратиш, ўкувчиларнинг аввал ўзлаштирган билимларини янги ва кутилмаган вазиятларда кўллашга ўргатиш оркали янги билимларни эгаллашга эришиш, кизикишини орттириш саналади.

Ушбу дарсларда ўкувчиларга индивидуал ёки кичик гурухларда бажариши учун ўкув топшириклари (қўшимча адабиётлар устида мустақил ишлаш, маъруза, гербарий, коллекция, жадвал тайёрлаш, кузатиш ўтказиш, тажрибалар кўйиш) берилади.

Ушбу дарсда ўкувчилар бобнинг максади ва вазифалари, бобдан ўзган олган мавзулар, асосий гоя ва назариялари, ўкув ва амалий фаолиятнинг

ўзига хос хусусиятлари, ДТС билан меъёрланган ўзлаштириладиган билим, кўнкима ва малакалар, дарслик, қўшимча адабиётлар, дафтар билан ишлаш таништирилади.

Кириш дарсларида ўқитувчи томонидан мазкур бобни ўрганишнинг ахамияти, ушбу жараёнда хал этиладиган муаммолар, мавзу мазмуни ва максадга мувофик холда кизикарли аналогиялардан фойдаланишга эътибор каратилиши ўкувчиларда фан асослари, хусусан шу бобдан ўрин олган масалаларни ўрганишга бўлган қизикишининг ортиши, билимларни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжларини кондиришга замин тайёрлайди.

Кириш дарслари ўкувчиларнинг аввал ўзлаштирган билимларидан янги вазиятларда кўллаши учун имкон берадиган муаммоли савол-топшириклар, муаммоли сухбат билан бошланиши максадга мувофик.

Дарснинг шу тарзда бошланиши ўкувчиларнинг янги бобни ўрганиш учун зарур бўлган билим, кўнкима ва малакаларини аниклаш, аввал ўрганилган боблар билан мантикий болганишни амалга ошириш имконини беради.

Мазкур даре типига мансуб дарслар турига мисол килиб муаммоли таълим технологиясининг “Ақлий хужум”, дидактик ўйин техноло-гиясининг “Тақдимот” дарсларини олиш мумкин.

Қўйида “Тақдимот” дарснинг ишланмаси берилмоқда. Ушбу дарс “Экология асослари” бобини ўрганишдаги дастлабки дарс бўлиб, унда бобга тегишли барча муаммолар ўрганилади.

**Дарснинг мавзуси:** Экология фани, унинг вазифалари ва ўрганиш усуслари.

**Дарснинг таълимий мақсади:** Ўкувчиларни экология фани, вазифалари, предмети, асосий бўлимлари, методлари, асосий экологик тушунчалар билан таништириш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Ўкувчиларни тирик организмларнинг тузилиш даражалари ва уларни ўрганадиган фанлар билан таништириш оркали илмий дунёкарашини кенгайтириш, экологик тарбия бериш.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Ўкувчиларнинг биологик фанлар системаси, хусусан, экологик мухит ҳақидаги тушунчалари, дарслик устида мустакил ишлаш, кузатиш куникмаларини ривожлантириш.

**Дарсни жихозлаш:** Экологиянинг бошка фанлар билан алокаеи, бўлимлари, методлари акс этган жадвал.

**Дарсда фойдаланиладиган технология:** Дидактик ўйин технологияси. (Тақдимот дарси)

**Асосий тушунчалар ва таянч билимлар:** Экология фанининг бошка фанлар билан ўзаро боғланиши, вазифалари, предмети ва бўлимлари, методлари, асосий экологик тушунчалар;

**Дарснинг бориши:**

I. Ташкилий кисм.

II. Ўкувчиларнинг ўзлаштирган билимларини фаоллаштириш.

III. Ўкувчиларни дарс мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.

IV. Янги мавзуни ўрганиш:

Режа:

1. Экология фанининг бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши;
2. Экология фанининг вазифалари;
3. Экология фанининг предмети ва бўлимлари;
4. Экология фанининг методлари;
5. Асосий экологик тушунчалар;

Ўқитувчи ушбу дарсни ташкил этишдан аввал, ўқувчилар гурухи билан муайян тайёргарлик ишларини олиб боради. Ўқувчиларга экология фани соҳасида ишлаётган “олимлар” мақомини бериб, улар зиммасига экология фанининг ўрганиш обьектлари ва предмети, экология фанлари системаси, экологиянинг илмий-тадқиқот методлари, экологиянинг назарий ва амалий аҳамияти бўйича ахборот тўплаш ва ўқувчиларни таништириш вазифаси юклатилади.

Ўқитувчи дарснинг ташкилий қисмидан сўнг, ўқувчиларнинг аввал ўқув фанларидан ўзлаштирган билимларини фаоллаштиради, сўнгра ўқувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништиради. Шундан сўнг экология фанининг тақдимоти бошланади.

“Олимлар” мақомини олган ўқувчилар навбат билан ўқувчиларни экология фанининг ўрганиш обьектлари ва предмети, системаси, экологиянинг илмий-тадқиқот методлари, назарий ва амалий аҳамияти билан таништиради. Ўқитувчи тақдимот тугагандан сўнг, дарсликда берилган топшириклар асосида ўқувчиларнинг мустакил ишларини ташкил этлади.

Ўқувчилар ўзлаштирган билимларини назорат килиш ва баҳолаш мақсадида куйидаги жадвалларни тўлдириш тавсия этилади.

1-жадвал

Экология фанининг бўлимлари	Ўрганиш обьекти ва хал этиладиган муаммолар
Антоэкология	
Синэкология	
Эволюцион экология	
Тарихий экология	

2-жадвал

Экологиянинг методлари	Мазкур методлар ёрдамида хал этиладиган муаммолар
Дала методи	
Экологик тажрибалар методи	
Математик моделлаштириш методи.	

**“Экология фани, унинг вазифаси ва ўрганиш усуллари” мавзусидаги дидактик ўйин технологиясидан фойдаланилган тақдимот дарснинг технологик харитаси**

<b>ТЕХНОЛОГИК БОСҚИЧЛАР</b>	<b>ЎҚИТУВЧИННИГ ФАОЛИЯТИ</b>	<b>ЎҚУВЧИННИГ ФАОЛИЯТИ</b>
I босқич Ташкилий кисм 5-минут	Ўкувчиларни дарс мавзуси, максади, бориши билан таништиради.	Дарс мавзуси, максади, бориши ва унда бажариладиган топширикнинг дидактик максади, бажариладиган ўкув топшириклари билан таништиради.
II босқич Ўкувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш. 5-минут	Тақдимот топширик-ларининг дидактик максади, бажариладиган ўкув топшириклари билан таништиради.	Топширикнинг дидактик максади, бажариладиган ўкув топшириғи юзасидан кўрсатмани англайди. Ўз ўкув фаолиятини ташкил этади. “Олимлар” гурухи топшириғини бажаради.
III босқич Янги мавзуни ўрганиш. 60-минут	Ўкувчилардан “олимлар” гурухини ва уларнинг мустакил ишини ташкил этади. Ўкув материалини топшириклар ёрдамида мустакил ўзлаштирилишини тъминлайди. Ҳар бир гурух ўкув материали юзасидан тайёрланган маъruzаларини тинглайди. Ҳар бир маъруза якунида ўкувчилар билан савол-жавоб, ўкув баҳси ўтказади.	1. Экология фанининг бошка фанлар билан ўзаро бοгланиши; 2. Экология фанининг вазифалари; 3. Экология фани предмети ва бўлимлари; 4. Экология фани методлари; 5. Асосий экологик тушунчалар; Ҳар бир гурух ўкув материали юзасидан маъруза тайёрлайди. Савол-жавоб, ўкув баҳсида фаол иштирок этади
IV босқич Эришилган натижани таҳлил килиш ва якун ясаш. 10-минут	Ўкувчилар фаолиятини таҳлил киласи, ўкувчиларга мустакил ва ижодий иш топширикларини беради.	Ўз ўкув фаолияти ва эришган натижасини таҳлил киласи ва баҳолайди. Мустакил ва ижодий иш топширикларини олади.

**Боб мазмунини ёритишга хизмат киладиган дарс типи куйидаги вазифаларни амалга оширади:**

1. Янги ўкув материалини ўрганиш;
2. Ўкув материалини мустахкамлаш;
3. Билимларни такрорлаш, назорат қилиш ва баҳолаш.

Мазкур вазифалар ичida янги ўкув материалини ўрганиш етакчи ўрин тутади.

Ушбу дарс типига мансуб дарсларнинг тузилиши турлича бўлади, умумий холда кўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Ташкилий кисм
2. Ўкувчилик билим, кўнишка ва малакаларини назорат килиш ва баҳолаш.
3. Янги ўкув материалини ўрганиш.
4. Ўрганилган билимларни мустахкамлаш
5. Уйга вазифа бериш.

Юкорида кайд этилган босқичларнинг кетма-кетлиги доимий эмас, уларнинг ўрни ўзгариши, яъни аввал янги ўкув материалини ўрганилиб, сўнгра бошқа босқичлар амалга оширилиши мумкин.

Ўкув материалининг мазмуни, ўкувчиликнинг ёш ва психологик хусусиятлари, тайёргарлик даражаси хисобга олинган холда дарс босқичларига ажратилган вакт таксимоти хам турлича бўлади.

V–VII синфларда ташкил этиладиган дарсларда ўкувчиликнинг ёш ва психологик хусусиятлари юкори синф ўкувчилигига нисбатан фарқ килгандиги сабабли ўкув фаолияти турларини хилма-хиллаштириш. Янги ўкув материалини ўрганишга нисбатан, мустахкамлашга кўпроқ вакт ажратилади, VIII–IX-синфларда эса, ўкув материалини ўрганишни мустакил иш билан уйғунлаштириш хисобига вактнинг асосий кисми янги ўкув материалини ўрганишга сарфланади.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида биологияни ўқитишида ўкувчиликнинг билиш фаолияти хусусиятлари, мустакиллик даражаси хисобга олинган холда, янги ўкув материалини мустакил ўрганиш йўлга кўйилади. Бу жараёнда маъруза, семинар, модулли дарс, конференция дарсларидан фойдаланилади.

Кўйида дидактик ўйин технологиясига мансуб конференция дарсининг ишланмаси намуна сифатида берилмоқда.

#### **Дарснинг мавзуси: Мухитнинг биотик омиллари**

**Дарснинг таълимий мақсади:** Ўкувчилик мухитнинг биотик омиллари, организмлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг турлари билан таништириш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Мухитнинг абиотик омиллари, организмлар ўртасидаги муносабатларнинг нейтрализм, антибиоз, симбиоз турлари билан таништириш орқали ўкувчиликнинг илмий дунёкашини кенгайтириш, экологик тафаккурини ривожлантириш.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Ўкувчиликнинг тирик организмлар ва ташкил мухит ўртасидаги муносабатлар ҳакидаги билимлари, дарслер устида мустакил ишлаш, мантикий фикр юритиш кўнишкаларини ривожлантириш.

**Дарсни жихозлаш:** Организмлар ўртасида муносабатларни акс эттирган жадваллар.

**Дарсда фойдаланиладиган технология:** Дидактик ўйин технологияси (конференция)

**Асосий тушунчалар ва таянч билимлар:** Организмларнинг ўзаро муносабатлари: нейтрализм, антибиоз, симбиоз, организмларнинг ўзаро ракобати (конкуренция), симбиоз ва унинг шакллари, мутуализм, ҳамсоялик, комменсализм.

**Дарснинг бориши:**

I. Ташкилий қисм

II. Ўкувчиларни дар мавзуси, максади ва бориши билан таништириш

**Ўқитувчи ушбу дарсни ўтишдан бир хафта олдин ўкувчиларни бта гурухга ажратади ва уларни биология, экология фанлари соҳасида фаолият кўрсатаётган “олимлар” макомини беради.**

III. Янги мавзуни ўрганиш: Ўкувчиларнинг гурухи ўқитувчининг тавсиясига биноан ўз мутахассисликларига тегишли бўлган кўйидаги мавзулардан бири бўйича маъруза тайёрлайди.

- 1.Организмларнинг ўзаро муносабатлари.
- 2.Организмларнинг ўзаро ракобати (конкуренция).
- 3.Симбиоз ва унинг шакллари.
- 4.Мутуализм.
- 5.Ҳамсоялик.
- 6.Комменсализм.

Ҳар бир йўналиш бўйича “олимлар” макомини олган ўкувчилар ўзларига тегишли мавзу бўйича кўргазмали қуроллар асосида кўшимча материаллардан фойдаланган холда маъруза киладилар. Маърузалар тугагач, ўкувчилар ўртасида ўкув баҳси ва мунозара ўтказилади.

Янги мавзу бўйича ўкувчиларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш дарсликда берилган саволлар ва тест топшириклари орқали амалга оширилади.

IV. Дарсни умумий якунлаш.

V. Уйга вазифа бериш.

**“Мухитнинг биотик омиллари” мавзусидаги дидактик ўйин  
технологиясидан фойдаланилган конференция дарснинг технологик  
харитаси**

<b>ТЕХНОЛОГИК БОСКИЧЛАР</b>	<b>ЎҚИТУВЧИННИНГ ФАОЛИЯТИ</b>	<b>ЎҚУВЧИННИНГ ФАОЛИЯТИ</b>
I боскич Ташкилий кисм 5-минут	Ўқувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништиради.	Дарс мавзуси, мақсади, бориши ва унда бажариладиган топширикларни англайди.
II боскич Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш. 5-минут	Бажариладиган ўкув топшириклари ва уларнинг дидактик мақсади билан таништиради.	Бажариладиган ўкув топшириклари юзасидан кўрсатмалар ва дидактик мақсадни англайди. Ўз ўкув фаолиятини ташкил этади. “Олимлар” гурухига берилган топширикларни бажаради.
III боскич Янги мавзуни ўрганиш. 60-минут	Ўқувчилардан “олимлар” гурухларини ва уларнинг мустакил ишини ташкил этади. Ўкув материалини топшириклар ёрдамида мустакил ўзлаштирилишини таъминлайди. Ҳар бир гурух ўкув материали юзасидан тайёрланган маъruzаларини тинглайди.	1-гурух. Организмларнинг ўзаро муносабатлари. 2-гурух. Организмларнинг ўзаро ракобати (конкуренция) 3-гурух. Симбиоз ва унинг шакллари. 4-гурух. Мутуализм. 5-гурух. Ҳамсоялик. 6-гурух. Комменсализм.  Ҳар бир гурух ўкув материали юзасидан маъruzалар тайёрлади.
IV боскич Эришилган натижани тахлил килиш ва якун ясаш. 10-минут	Ҳар бир маъруза якунидаги ўкувчилар билан савол-жавоб, ўкув баҳси ўтказади. Ўқувчилар фаолиятини тахлил қиласи, ўкувчиларга мустакил ва ижодий иш топширикларини беради.	Ўқувчилар билан ўтказиладиган савол-жавоб, баҳсада фаол иштирок этади. Ўз ўкув фаолияти ва эришилган натижасини тахлил қиласи ва баҳолайди. Мустакил ва ижодий иш топширикларини олади.

Мазкур дарсда ўкувчилар ўкув материалини мустакил ҳолда ларслик ва кушимча адабиётлар ёрдамида ўрганадилар. Янги мавзуни ўрганишда улар томонидан тайёрланган маъruzалар асосий ахборот манбаси бўлиб хизмат

килади. Ўқитувчи ушбу маъruzаларнинг мазмуни дастур талабларига жавоб беришини назорат килади.

Агар янги мавзу мазмуни ўқувчиларнинг мустакил ўзлаштириши учун кийин кечадиган бўлса, унда ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг кичик гурухларда ўқитиш методидан фойдаланиш тавсия этилади. Мазкур дарсни ташкил этиш бўйича тайёрланган даре ишланмаси эътиборингизга ҳавола килинмоқда.

**Дарснинг мавзуси: Тур ва популяциянинг экологик таърифи**

**Дарснинг таълими максади:** Ўқувчиларни тур ва популяцияга таъсир кўрсатадиган экологик омиллар йигинди билан таништириш.

**Дарснинг тарбиявий максади:** Тур ва популяция тушунчалари, уларга таъсир кўрсатадиган экологик омиллар билан таништириш орқали ўқувчиларнинг илмий дунёкарашини кенгайтириш, экологик тафаккурни таркиб топтириш.

**Дарснинг ривожлантирувчи максади:** Ўқувчиларни тур, популяция хакидаги тушунчалари, дарслик устида мустакил ишлаш, мантикий фикр юритиш кўнимкамларини ривожлантириш.

**Дарсни жихозлаш:** Ҳар хил экологик шароитда яшайдиган ҳайвонлар ва ўсимликлар, биогеоценоз схемаси жадвали.

**Дарсда фойдаланиладиган технология:** Ҳамкорликда ўқитиш технологияси (кичик гурухларда ўқитиш)

**Асосий тушунчалар ва таянч билимлар:** Тур ва популяцияга таъсир кўрсатадиган экологик мезонлар, тирик организмларнинг яшаш мухитига мослашиш белгилари, турнинг яхлитлиги, популяциянинг статистик белгилари, Биогеоценознинг таркибий қисмлари: продуцентлар, консументлар, редуцентлар.

**Дарснинг бориши:**

I. Ташкилий қисм  
II. Ўтган мавзу юзасидан ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини назорат килиш ва баҳолаш.

III. Ўқувчиларни даре мавзуси, максади, бориши билан таништириш.

IV. Янги мавзуни ўрганиш:

**Режа:**

1. Тур ва популяцияга таъсир кўрсатадиган экологик мезон.
2. Тирик организмларнинг яшаш мухитига мослашиш белгилари.
3. Турнинг яхлитлиги.
4. Популяциянинг статистик белгилари.
5. Биогеоценознинг таркибий қисмлари.

Ўқитувчи янги мавзуни режа асосида кўргазмали воситалар ёрдамида баён этганидан сўнг ўқувчиларнинг мустакил ишларини ташкил этади.

V. Ўқувчиларни кичик гурухларга ажратиш ҳамда ўкув топширикларини мустакил равишда сифатли бажарилишига эришиш.

## Ўкувчиларнинг кичик гурухлари учун ўкув топшириклари

№	Ўкувчилар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўкув топшириклари	Топширик юза- сидан кўрсатма
	<p>Дарсликдаги матнни диккат билан ўкинг, куйидаги саволларга жавоб топинг ва топширикларни бажаринг:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Экологик мезонга таъриф беринг.</li> <li>2. Тирик организмларнинг мослашиш белгиларини аникланг.</li> <li>3. Турнинг яхлитлигини сакловчи механизмларни аникланг.</li> <li>4. Популяцияга таъриф беринг.</li> <li>5. Популяция индивидларининг статистик белгиларини ўрганинг.</li> <li>6. Сичконлар популяциясида овкатнинг чекловчи омил эканлигини исботловчи тажрибани ўрганинг.</li> <li>7. Табиий популяцияларга таъсир кўрсатадиган омилларни аникланг.</li> <li>8. Дарсликда берилган топширикларни бажаринг.</li> </ol>	<p>Фикрингизни асосланг</p> <p>Ўкувчилар билан ўtkaziladigan савол жавобда фаол иштироқ этинг.</p>

V. Ўкувчилар билимини тест саволлари ёрдамида назорат килиш ва баҳолаш.

VI. Янги мавзуни кайта ишлаш ва якунлаш.

VII. Уйга вазифа бериш.

**“Тур ва популяциянинг экологик таърифи” мавзусидаги ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг кичик гурухларда ўқитиш методидан фойдаланилган дарснинг технологик харитаси**

ТЕХНОЛОГИК БОСКИЧЛАР	ЎҚИТУВЧИННИГ ФАОЛИЯТИ	ЎҚУВЧИННИГ ФАОЛИЯТИ
I боскич Ташкилий кисм 5-минут	Ўкувчиларни дарё мавзуси, максади, бориши билан таништиради.	Дарс мавзуси, максади, бориши ва унда бажариладиган топширикларни англайди.
II боскич Ўтган мавзу юзасидан ўкувчиларнинг биланларини назорат килиш ва баҳолаш	Ўтган мавзу юзасидан тузилган тест топшириклари ёрдамида ўкувчиларнинг билимларини назорат киласди ва баҳолайди. Янги мавзуни режа асосида баён этади.	Ўтган мавзу юзасидан тузилган тест топширикларни бажаради. Янги мавзу режасидан ўрин олган масалаларнинг можнатишни тушуниб етади.
10-минут III боскич Янги мавзуни ўрганиш- 50 м	1. Тур ва популяцияга таъсир кўрсаталиган экологик мезон 2. Тирик организмнинг яашаш мухитига мослашиши.	

25-минут	3.Түрнинг яхлитлиги. 4.Ноопуляциянинг статистик белгилари. 5.Биогеоценозининг таркибий кисмлари. Үқув топширикларининг дидактик максади, бажариладиган ўкув топшириклари билан таништиради. Ўкувчиларниң кичик гурӯҳларда мустакил ишини ташкил этади.	Ўкув топширикларининг дидактик максади ва уни бажариш юзасидан кўрсатмаларни англайди. Ўкувчилар билан хамкорликда ўкув фаолиятини ташкил этади.
25-минут	Ўкув топширикларини мустакил бажарилишини таъминлаиди. Кичик гурӯҳлар ўртасида саволжавоб, ўкув баҳси, мунозара ўтказади. Тегишлил ҳолларда ёрдам уюштиради.	Ўкув топширикларни мустакил ўзлаштирили. Кичик гурӯҳлар ўртасида ўтказиладиган саволжавоб, ўкув баҳси, мунозарада фаол иштирок этади.
IV боскич Ўкувчилар билимни назорат килиш ва баҳолаш.	Ўрганилган мавзу юзасидан тест топшириғи, саволлар ва дидактик жадваллар беради.	Тест топшириклари, саволлар ва дидактик жадвалларни бажаради.
10-минут	Ўкувчилар фаолиятини ва натижани таҳлил килиш, ўкувчиларга мустакил ва ижодий иш топширикларини бериш.	Ўз ўкув фаолияти ва эришган натижасини таҳлил килади ва баҳолайди. Мустакил ва ижодий иш топширикларини олади.
V боскич Эришилган натижани таҳлил килиш ва якун ясаш.		
5-минут		

Намуна сифатида берилган дарс ишланмаларидан кўриниб турибдики, дарс структураси ўрганиладиган мавзу мазмуни, муайян шароит ва ўкувчиларнинг тайёргарлиги эътиборга олинган ҳолда ўзгариб туради.

Умумлаштирувчи дарсларнинг вазифалари кенг кўламли бўлиб ўкув материалини тақрорлаш, мустахкамлаш ва билимларни тизимга солишдан иборат.

Ушбу дарсларда яхлит тушунчалар системасининг алоҳида таркибий кисмларини ўзлаштирганлик даражасини аниклаш, билимларни назорат килиш ва баҳолаш жараённида аникланган типик камчиликларга барҳам бериш, ўкувчиларни рабbatлantiriш ва янги ўкув максадларини ҳал этишга сафарбар этиш имконияти мавжуд.

Умумлаштирувчи дарслар ўкувчиларнинг диккатини дунёкарашин шакллантиришга асос бўладиган асосий ғояларга каратиш, аввал ўзлаштирган ўкув материалини чукурроқ ўзлаштириш, ўзлаштирилган билимларни тизимга солиш ва умумлаштириш, истиқболда янги ўкув материалини ўрганишга замин тайёрлаш каби дидактик вазифаларни ҳал этади.

Умумлаштирувчи дарслар бир ёки бир неча бобни ўрганиб бўлгандан сўнг, ўзлаштирилган билимларни тизимлаштириш ва умумлаштириш, тушунчалар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, яхлитликни амалга ошириш максадида муаммоли ёки репродуктив тарзда ва турли шаклларда ташкил этилади.

Умумлаштирувчи дарслар типига мансуб дарслар тури жумласига дидактик ўйин технологиясига мансуб матбуот конференцияси, ўйин машклар мисол бўлади.

Ушбу дарслар кўйидаги босқичларда ташкил этилади:

1. Ўқув мақсадларининг кўйилиши.
2. Бобнинг асосий гоя ва тушунчаларини тақрорлаш.
3. Боб мазмунидаги етакчи гоя ва тушунчаларни аниклаш, таянч тушунча ва билимларни тизимга солиш, ривожлантириш ва чукурлаштириш.
4. Ўзлаштирилиши анча кийин ва муҳим бўлган ўқув материалини муҳокама килиш.
5. Якун ясаш.

Ушбу дарсларнинг асосий хусусияти дарснинг ҳамма босқичида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимларни назорат килиш ва баҳолаш, тизимлаштириш ва умумлаштириш амалга оширилади.

Даре структураси – бу унинг яхлитлиги, турли тип ва турларда ташкил этилганда ҳам асосий ўқув-тарбиявий хусусиятларини саклаш таъминланадиган дарснинг таркибий қисмлари йигиндиси тушунилади.

Дарснинг таркибий қисмлари жумласига ташкилий қисм, уй вазифасини текшириш, янги ўқув материалини ўрганиш, уни мустажкамлаш ва уйга вазифа бериш киради.

Ташкилий қисм дарсни ташкил этишда унча кўп вақт сарфланмайдиган, лекин дарсда муҳим ўрин тутадиган таркибий қисм бўлиб, унда биология ўқув хонаси ва ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлиги (дарслик, дафтар, ўтган ва янги мавзу бўйича кўргазма воситалари, жиҳозлар, ўқув куролларининг мавжудлиги)ни текшириш, ўтган мавзу юзасидан топширикларни аниклаш, ўқув мақсадларини кўйиш, дарснинг бориши, ўрганиладиган мавзу, дарс давомида бажариладиган ўқув топшириклари билан танишириш, ўқувчиларнинг ўқув мотивларини фаоллаштириш, интизомини саклаш каби вазифаларни бажаришга хизмат киласди.

Уй вазифасини текшириш босқичида ўқувчиларнинг аввалги мавзу бўйича ўзлаштирган билим ва кўнимкалари, унга боғлик ҳолда янги ўқув материалини ўзлаштириш имконияти аникланади.

Ўқувчиларнинг аввалги мавзу бўйича ўзлаштирган билим ва кўнимкаларини аниклаш, баҳолашда ўқитувчи турли шакл: ялпи, индивидуал, кичик гурухларда назорат турларидан фойдаланиши мумкин.

Ўқувчиларнинг ўзлаштирган билим ва кўнимкаларини назорат килиш ва баҳолаш учун ўқитувчи мавзу мазмунидан келиб чиккан ҳолда тест топшириклари, дидактик ва тарқатма материаллар, ёзма иш, оғзаки савол-жавоб, турли дидактик ўйинлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Дарсда ўрганиладиган ўқув материалининг аввалги дарсда ўрганилган ўқув материали билан мантиқан болгланганлиги хисобга олинган ҳолда дарснинг уй вазифасини сўраш қисми турлича ўтказилади:

Дарсда ўрганиладиган ўкув материалининг аввалги дарсда ўрганилган ўкув материали билан мантиқан боғланган бўлса, уй вазифасини сўраш етакчи ўринда туради ва у ташкилий кисмдан сўнг ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Дарсда ўрганиладиган ўкув материалининг аввалги дарсда ўрганилган ўкув материали билан узвий боғланган бўлса, уй вазифасини сўраш янги мавзуни ўрганиш жараёни билан кўшиб олиб борилаи.

Дарсда ўрганиладиган ўкув материалининг аввалги дарсда ўрганилган ўкув материали билан боғлик бўлмаган, автоном мазмунга эга бўлса, аввал янги мавзу ўрганилиб, сўнгра уй вазифасини сўраш мустахкамлаш билан бирга ташкил этилади.

Дарснинг янги мавзуни ўрганиш кисми мухим ахамият касб этиб, дарснинг таълим, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини амалга ошириш, ўкувчиларни муайян тушунча, кўнкима ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш, уларнинг аклий фаолияти, мустакиллиги, таҳсил олишга бўлган қизиқишини орттириш, табиатга нисбатан онгли муносабатни таркиб топтириш назарда тутилади. Дарс учун ажратилган вактнинг асосий кисми шу боскич учун сарфланади.

Ўқитувчи дарснинг ушбу боскичини ташкил этиш учун ўкув материали мазмунидаги асосий ғоя, ўкувчиларда шакллантириладиган тушунча ва кўнкима, улар ўртасидаги боғликлик, ўкув материалини ўрганишнинг мантикий йўналиши (индуктив ёки дедуктив)ни аниклаши, мавзу мазмунига боғлик холда ўқитиш воситалари, методларини танлаши, ўкувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш йўлларини белгилashi лозим.

Бу жараёнда ўқитувчи биологияни ўқитишининг репродуктив методлари, ўқитиш воситаларидан табиий, тасвирий кўргазма воситалари билан бир каторда ўқитишининг фаол (продуктив) методлари, ахборот технологияларини кўллашни назарда тутиши зарур.

Ўкув материалини мустахкамлаш боскичи – биологиядан ташкил этиладиган дарс самарадорлиги, мавзудан келиб чиқадиган таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларига эришилганлик, ўкувчилар томонидан мавзу мазмунига таалукли билим, кўнкималарни эгаллаганлик даражасини аниклаш имконини беради.

Ўқитувчи ушбу боскичдаги назоратни амалга ошириш учун оғзаки савол-жавоб, дидактик ва тарқатма материаллар, тест топшириклари, биологик диктантлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Ушбу назорат натижаси педагогик жараёндаги тескари алоқани, яъни самарадорлик кўрсаткичини белгилайди.

Ҳар бир дарс – яхлит ўқитиш шакли бўлиб, унинг барча боскичлари бир-бири билан мантикий бирлиқда изчил боғланган бўлиши лозим.

Ўқитувчининг дарс структураси ва тайёргарлигининг якуни уни ўтказиш учун тузилган дарс режаси саналади.

Мазкур дарс режасида мавзу мазмунига боғлик холда дарснинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари, ўкув-тарбия жараёни, унда

ўкувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, кўзланган натижга ўз аксини топади.

Юкорида қайд этилган дарсни ташкил этиш босқичлари – дарснинг типи, тури ва структурасини белгилайди.

Ўкув материалининг ҳажми, кийинлик даражаси, мазмуни, мантикий йўналиши, мазмунидаги билим, кўникма ва малакалар мажмумини таркиб топтириш ва ривожлантириш хусусиятлари, ўкувчиларнинг дарсга тайёргарлиги, ёш ва психологик хусусиятлари, таълим-тарбия жараёнида тутган ўрнига кўра дарс босқичларининг ўрни ўзгариши мумкин.

Хулоса килиб айтганда, дарс структураси дарснинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари, мазмуни, ўқитиш методлари ва воситалари, ўкувчиларнинг дарсга тайёргарлиги, ёш ва психологик хусусиятлари, таълим-тарбия жараёнида тутган ўрнига боғлик бўлади.

Дарс структураси дарс режасида ўз аксини топади.

Дарс режаси ўқув материали мазмуни унда фойдаланиладиган ўқитиш воситалари ва методларига боғлик ҳолда тузилади. У факат дарс босқичларинига эмас, балки унинг бориши, ўкувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат килиш ва баҳолаш, ўкув материалини мустаҳкамлаш бўйича аник саволлар, тест топшириклари, ўкув материалини ўрганишнинг мантикий йўналишини ўзида мужассамлаштириб, муайян ўқитиш метод, усул ва воситалари кўрсатилган бўлади.

Дарс режасини тузишдан аввал, ўқитувчи дарснинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари, дарс типи, тури, структураси, ўкув материалини ўрганиш тартибини аниклashi лозим.

Ўқитувчи ўкувчиларнинг уй вазифасини бажариш жараёнини осонлаштириш, дарслек устида мустақил ишини самарали ташкил этиш мақсадида ўкув материалини ўрганиш тартибини дарсликда берилган тартибида амалга оширади.

Дарс режаси киска, лекин дарсни ташкил этиш ва ўтказиш учун керакли бўлган барча маълумотларни камраб олади.

Дарс режаси умумий кўринишида куйидагича бўлади:

**Дарс мавзуси:**

**Дарснинг таълимий мақсади:**

**Дарснинг тарбиявий мақсади:**

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:**

**Дарсни жиҳозлаш:**

**Дарсда фойдаланиладиган технология:** Ҳамкорликда ўқитиш технологияси (кичик гурӯхларда ўқитиш методи)

**Дарснинг бориши:**

I. Ташкилий кисм

II. Ўтган мавзу юзасидан ўкувчиларнинг билимларини тест саволлари ёрдамида назорат килиш ва баҳолаш.

III. Ўкувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш.

**IV. Янги мавзу бўйича ўқитувчининг ахбороти:**

**Режа:**

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.

Ўқитувчи янги мавзуни кўргазмали воситалар ёрдамида баён этганидан сўнг, ўкувчиларнинг мустакил ишларини ташкил этади.

**V. Ўқувчиларни кичик гурухларга ажратиш ҳамда ўкув топшириклари-ни мустакил равишда сифатли бажарилишига эришиш.**

№	Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўкув топшириклари	Топширикни бажариш юзасидан кўрсатмалар
1. 2. 3. 4.	Дарсликдаги матнни диккат билан ўқиб, куйидаги саволларга жавоб топинг ва топширикларни бажаринг:	<b>Фикрингизни асосланг Ўқувчилар билан ўтказиладиган савол жавобда фаол иштирок этинг.</b>

**VI. Янги мавзу юзасидан ўқувчилар ўртасида савол-жавоб, ўкув баҳси уюштириш.**

**VII. Ўқувчилар билимини тест саволлари ёрдамида назорат килиш ва баҳолаш.**

**VIII. Янги мавзуни кайта ишлаш ва якунлаш.**

**IX. Уйга вазифа бериш.**

Ҳар бир дарс структураси унда фойдаланиладиган технология талабларидан келиб чиккан холда турлича кўринишга эга бўлади. Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг командада ўқитиш методига асосланган дарснинг структураси куйидагича бўлади:

**Дарснинг мавзуси:**

**Дарснинг таълимий максади**

**Дарснинг тарбиявий максади:**

**Дарснинг ривожлантирувчи максади:**

**Дарсни жихозлаш:**

**Дарсда фойдаланиладиган технология: Ҳамкорликда ўқитиш технологияси (командада ўқитиш методи)**

## Дарснинг бориши:

I. Ташкилий кисм

II. Ўтган мавзу юзасидан ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини назорат килиш ва баҳолаш.

III. Ўқувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш.

IV. Янги мавзуни ўрганиш:

а) ўқувчиларни командага ажратиб бир неча кичик гурухларни ташкил этиш ҳамда, ҳар бир команда аъзолари томонидан белгиланган ўқув топширикларини мустақил равишда сифатли бажарилишига эришиш;

Топширикнинг дидактик мақсади:

№	Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириклари	Топширикни бажариш бўйича кўрсатмалар	Изоҳ
1.	Дарслидаги матинни диккат билан ўқинг ва кўйидаги саволларга жавоб тайёрланг.	Ўқувчилар гурухи билан ҳамкорликда ишланг.	
2.		Ўқувчилар билан ўтказиладиган савол-жавобда фаол иштирок этинг	
3.			
4.			

Ўзлаштирган билимларингиз асосида, дарслик ва расмлардан фойдаланиб кўйидаги жадвални тўлдиринг.

(Бу ерда дарс мазмунига оид жадвал берилади)

б) ўқув материалини яхлит холда қайта ишлаб чиқилишини амалга ошириш.

V. Янги мавзу юзасидан командалар ўртасида савол-жавоб, ўқув баҳси уюштириш.

VI. Ўқувчилар билимини тест саволлари ёрдамида назорат килиш ва баҳолаш.

VII. Янги мавзуни қайта ишлаш ва якунлаш.

VIII. Уйга вазифа бериш.

Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг “арра” методига асосланган дарснинг структурасини кўйидагича тузиш тавсия этилади:

**Дарс мавзуси:**

**Дарснинг таълимий мақсади:**

**Дарснинг тарбиявий мақсади:**

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:**

**Дарсни жихозлаш:**

## Дарсда фойдаланиладиган технология: Хамкорликда ўқитиш технологияси (“арра” методи)

### Дарснинг бориши:

I. Ташкилий кисм

II. Ўкувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш ва уларнинг фаолиятини ўкув топширикларини бажаришга йўллаш.

III. Янги мавзуни ўрганиш

а) “мутахассислар” томонидан белгиланган ўкув топширикларини сифатли бажарилишига эришиш.

Ушбу дарсда ўкувчилар икки марта гурухланади. Биринчи гурухда “мутахассислар” тайёрланади, яъни мавзу матни 4 кисмга ажратилиб, ҳар бир гурух белгиланган ўкув топширикларини бажаради ва шу кисм бўйича мутахассисга айланади.

Иккинчи гурухда “мутахассислар учрашуви” деб номланади. Бу гурухда юкорида кайд этилган 4 та гурухнинг албатта битта вакили бўлиши лозим.

Мутахассислар учрашуви гурухида ўкувчилар навбати билан дастлабки гурухда ўрганилган ўкув материалини ўз ўртоказлига тушунтиради ва ўкув материали яхлит холга келтирилади.

Юкорида кайд этилганидек, мавзу матни мантикий тугалланган фикрли 4та кисмга ажратилади ва ҳар бир гурух учун куйидаги кўринишдаги ўкув топшириклари тузилади.

#### 1-гурух учун ўкув топшириклари

№	Ўкувчилар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўкув топшириклари	Топширикни бажариш юзасидан кўрсатмалар
1.	Дарсликдаги матнни диккат билан ўкиб, куйидаги саволларга жавоб топинг ва топширикларни бажаринг:	Ўкувчилар гурухи билан хамкорликда ишланг
2.		Ўкувчилар билан ўтказила-диган савол жавобда фаол иштирок этинг.
3.		
4.		

б) “мутахассислар учрашуви” гурухини ташкил этиш ва мазкур гурухларда “мутахассис”лар ёрдамида ўкув материалининг яхлит холда қайта ишлаб чикилишини амалга ошириш.

V. Янги мавзу юзасидан ўкувчилар ўртасида савол-жавоб, ўкув баҳси ўюштириш.

VI. Ўкувчилар билимини тест саволлари ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш.

VII. Янги мавзуни қайта ишлаш ва яқунлаш.

### VIII. Ўйга вазифа бериш.

Модулли таълим технологиясининг ўқувчиларнинг кичик гурухларда ишлашига мўлжалланган модул дастурига асосланган дарс структурасини тахлил қиласиз. Мазкур дарсда ўқувчилар янги мавзуни уларга тавсия этилган модул дастури воситасида мустақил ўзлаштиради.

Шу сабабли, ўқитувчи дарс режасини тузишдан аввал, мавзу бўйича модул дастурини тайёрлаши лозим.

Модул дастурини тузиш учун мавзу матни мантикий тугалланган модулларга ажратилиши ва уларни ўқувчилар мустақил ўзлаштиришлари учун савол-топшириклар тайёрлаши, уни тавсия этилаётган жадвалга мос равишда жойлаштириши керак.

**Дарснинг мавзуси:**

**Дарснинг таълимий мақсади:**

**Дарснинг тарбиявий мақсади:**

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:**

**Дарсни жиҳозлаш:**

**Дарсда фойдаланиладиган технология:** Модулли таълим технологияси (ўқувчиларнинг кичик гурухларда ишлашига мўлжалланган модул дастури)

**Дарснинг бориши:**

I. Ташкилий кисм

II. Ўтган мавзу юзасидан ўқувчилар билимини тест савол-топшириклари ёрдамида аниклаш ва баҳолаш.

III. Ўқувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш ва уларнинг фаолиятини ўкув топширикларини бажаришга йўллаш.

IV. Янги мавзуни ўрганиши:

а) янги мавзу бўйича тузилган модул дастурини тарқатиш ва ўқувчиларни модул дастурининг дидактик мақсади билан таништириш;

б) ўқувчиларнинг фаолиятини модул дастуридаги ўкув топширикларини мустақил бажаришга йўллаш;

в) ҳар бир модул топширикларининг тўлик бажарилишини назорат килиш, тегишли кўрсатмалар бериш;

г) ҳар модул якунидаги савол-жавоб ёки мунозара ўтказиш:

Ўқитувчи ушбу дарсда ўрганиладиган ўкув материалини куйидаги мантикий тугалланган фикрли кисмга яъни модулга ажратади:

1.

2.

3.

Шу асосда қуйидаги модул дастури тузилади.

“ ” мавзуси бўйича ўқувчиларнинг кичик гурухларда ишлашига мўлжалланган модул дастури.

**Модул дастурининг дидактик мақсади:**

Сиз модул дастури ёрдамида ўқувчилар билан кичик гурухларда, ҳамкорликда ишлаб, (бу ерга мавзу мазмунидан келиб чиккан холда билим, кўнишка, малакаларни) ўзлаштиришингиз, (бу ерга ўкувчи шахсини

ривожлантириш бўйича максадлар ёзилади) дарслик устида мустакил ишлаш кўнилмаларингизни ривожлантиришингиз зарур.

Ўкув фаолияти элементи (ЎФЭ)	Ўкувчилик ўзлаштириши лозим бўлган ўкув материалига оид топшириклар	Топширикларни бажариш бўйича кўрсатмалар	ахо
1-ЎФЭ	<p>Максад: (хар бир модулни ўрганишдан кўзда тутилган максад ёзилади)</p> <p>Дарсликдаги матнни диккат билан ўкинг, куйидаги саволларга жавоб топинг ва топширикларни бажаринг:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1.</li> <li>2.</li> <li>3.</li> <li>4.</li> </ol>	<p>Ўкувчилик гурухи билан хамкорликда ишланг</p> <p>Ўкувчилик гурухи билан ўтказиладиган савол-жавобда фаол иштирок этинг.</p>	
2-ЎФЭ	<p>Максад: (хар бир модулни ўрганишдан кўзда тутилган максад ёзилади)</p> <p>Дарсликдаги матнни диккат билан ўкинг, куйидаги саволларга жавоб топинг ва топширикларни бажаринг:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1.</li> <li>2.</li> <li>3.</li> <li>4.</li> </ol>	<p>Ўкувчилик гурухи билан хамкорликда ишланг</p> <p>Ўкувчилик гурухи билан ўтказиладиган савол-жавобда фаол иштирок этинг.</p>	
3-ЎФЭ	<p>Максад: (хар бир модулни ўрганишдан кўзда тутилган максад ёзилади)</p> <p>Дарсликдаги матнни диккат билан ўкинг, куйидаги саволларга жавоб толинг ва топширикларни бажаринг:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1.</li> <li>2.</li> <li>3.</li> <li>4.</li> </ol>	<p>Ўкувчилик гурухи билан хамкорликда ишланг</p> <p>Ўкувчилик гурухи билан ўтказиладиган савол-жавобда фаол иштирок этинг.</p>	
4-ЎФЭ	<p>Модул дастурини якунлаш.</p> <p>Модул дастурининг дидактик максадини ўкиб чикинг.</p> <p>Сиз унга кай даражада эришдингиз?</p> <p>Ўзингизнинг ўкув фаолиятингизни беш балли тизимда баҳоланг.</p>		

<p>Үқув фаолиятингиздан коникиш ҳосил килган бўлсангиз кўп боскичли тест топширикларини бажаринг.</p> <p>Агар ўз үқув фаолиятингиздан эришилган натижа сизни каноатлантирумаса, модул дастури ёрдамида мавзуни кайта ўрганинг.</p>	<p>Бахони эълон этинг</p>	
--	---------------------------	--

V. Ўкувчиларнинг модул дастури ёрдамида мустакил ишларини ташкил этиш. Ҳар бир модул якунида ўкувчилар жамоаси билан савол-жавоб, ўкув мунозарасини ўтказиш.

#### **VI. Модул дастурини якунлаш.**

VII. Янги мавзу бўйича ўкувчиларнинг ўзлаштирган билимларини тест топшириклари ёрдамида назорат килиш ва баҳолаш.

#### **VIII. Янги мавзуни кайта ишлаш ва якунлаш.**

Ўйга вазифа бериш.

Юкорида берилган дарс структуралари бир-биридан дарснинг бориши, ўкувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошкариш йўллари билан фарқланади.

Ўқитувчи дарснинг мазмунидан келиб чиккан ҳолда кайси дарс туридан фойдаланишни аниклаб, ўз ўрнида самарали фойдаланиш йўлларини белгилаши лозим.

#### **Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги**

Ҳар бир дарсни режалаштириш ва моҳирона ўтказиш ўқитувчидан пухта тайёргарлик кўриш ва ижодий меҳнатни талаб этади, ҳамда дарс самарадорлигини орттиришга хизмат киласди.

Ўқитувчи дастлаб дарсда қандай мақсадларни амалга ошириш, дарс типи, тури, структураси ва боскичлари, ўқув материалини саралаш, ўқитишиб метoddлари ва кўргазма воситаларини аниклади, сўнгра дарс режаси ва матнини тайёрлайди.

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги қуидаги боскичларни ўз ичига олади:

Ўқув дастури, истиқбол ва мавзули режага биноан, мазкур дарснинг дарслар системасида тутган ўрнини, мавзулараро, боблараро ва фанлараро боғланишлар;

Дарслидаги ўқув материали мазмуни ва унинг ҳажми билан танишиши, унга боғлик ҳолда ДТС меъёрлари, биологияни ўқитишига қўйиладиган талабларни аниклаши;

Дарс типини танлаши, унинг структурасини тузиши, дидактик мақсадларни аниклаш, ўқув материали асосида дарснинг мантикий, тарбиявий йўналиши ва шахсни ривожлантириш имкониятлари;

Кўшимча адабиётлар ва методик қўлланмалар билан танишиши ва уларни амалиётга қўллаш йўлларини белгилаши;

Дарсда фойдаланиладиган кўргазма воситаларини танланши, дидактик ва тарқатма материаллар тайёрлаш, тест топширикларини тузиш, ўкувчилар учун мустакил таълим учун адабиётлар, уларнинг сахифаларини аниклаши;

Ўкувчиларнинг мустакил иши учун керакли объектларни танлаш;  
Дарснинг бориши ва хар бир боскич учун ажратиладиган вакт  
таксимоти;

Дарс режасини тузиши ва матнини ишлаб чикиши лозим.

Ўқитувчи дарсга тайёргарлик жараёнида вужудга келиши мумкин  
бўлган барча вазиятларни, белгиланган дарс структураси ва режасидан четта  
чиккан холларнинг олдини олиш, муайян холларда дарснинг бориига  
тегишли ўзгартиришлар киритиш йўлларини хисобга олиши лозим.

Ўкувчилар уй вазифаси тайёрламаган, ўқув материалини яхши  
ўзлаштиргмаган, ўкувчиларнинг билимларида типик камчиликлар учраган  
холларда аввалги дарсда ўрганилган мавзуни кайта ташунтириш, ёки аксинча  
бўлганда вактнинг ортиб колиши холларида кўшимча ва кизикарли  
материаллардан фойдаланишини назарда тутиш зарур.

Шу сабабли ўқитувчи дарсга тайёргарликни пухта амалга ошириши,  
мукаммал даражада дарс режаси ва матнини тузиши лозим.

Шундай килиб, дарс режасида дарснинг бориши ва мазмуннинг киска  
тарзда акс эттирилса, дарс матнида – ўқув материали тўлиқ ва кенг камровли  
ёритилган, хар бир боскичда ўқитувчи ва ўкувчиларнинг фаолияти назарда  
тутилган холда дарснинг бориши белгиланган бўлади.

Ўқитувчининг дарсга пухта тайёргарлиги – ўқитишнинг асосий шакли  
бўлган дарс самарадорлигига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатадиган  
кучли омил саналади.

### Талабаларнинг ўз-ўзини назорат килиш саволлари

1. Дарснинг мақсад ва вазифаларини аникланг.
2. Дарснинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.
3. Биология дарсларига кўйиладиган умумий талабларни аникланг.
4. Биология дарсларига кўйиладиган методик талабларни аникланг
5. Дарс типлари ва турларини аникланг.
6. Кириш дарсларининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.
7. Мавзу мазмунини ёритишга мўлжалланган дарсларнинг ўзига хос  
хусусиятларини кўрсатинг.
8. Умумлаштирувчи дарсларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.
9. Дарс структураси кандай таркибий кисмларни ўз ичига олишини  
аникланг.
10. Ўқитувчининг дарсга тайёргарлигининг босқичлари ва уларнинг  
ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.

### 8.3. ЭКСКУРСИЯ –БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШНИНГ МУҲИМ ШАКЛИ

1. Экскурсияларнинг таълим-тарбия жараёнида тутган ўрни.
2. Биологик экскурсияларнинг мақсад ва вазифалари.

3.Биологик экскурсияларни ўтказиш методикаси.

4.Ўқитувчининг экскурсияга тайёргарлиги.

Биологик экскурсиялар – синф ёки муайян ўкувчилар гурухи билан ўкув дастурига мувофик, ўқитувчи томонидан мактабдан ташкарида табиий мухит ёки сунъий яратилган шароитда объектларнинг яшаш мухити ва унга боғлик холда ўзига хос хусусиятларини ўрганиши максадида ўтказиладиган ўкувтарбия жараёнининг мухим шакли саналади.

Маълумки, биология ўкув фани сифатида ўкувчиларга табиат, табиатнинг анорганик таркибий кисмлари, улардаги ўзгаришлар ва тирик организмларнинг ўзига хос хаётий жараёнлари, яшаш мухитига мослашиши, экологик жамоалар, уларда модда ва энергия алмашинувининг хусусиятлари билан таништиради.

Ўқитувчи раҳбарлигига табиатдаги мавсумий ўзгаришларларни кузатиш, тирик организмларнинг хилма-хиллиги, яшаш мухитига мослашиши, улар ўртасидаги биотик алоқа формаларини ўрганиш ўкувчиларда оламни яхлит тасаввур килиш, табиий жамоаларнинг таркибий кисмлари ўртасидаги алокадорлик ҳакидаги билимларни шакллантириш, табиий мухитда тирик организмларнинг яшаш шароити билан танишиш максадида экскурсиялар ташкил этилади.

### Экскурсиянинг турлари.

Умумий ўрта таълим мактабларida экскурсиялар давомийлигига кўра, бир соатлик, бир кунлик ва кўп кунлик бўлиши мумкин.

Бир соатга мўлжалланган экскурсия – мактаб ҳовлисида ёки ўкув тажриба ер майдончасида ўтказилади.

Бир кунга мўлжалланган экскурсия – табиатга, ишлаб чиқариш корхоналарига, фермер хўжаликларига, ҳайвонот ёки ботаника боғига, балиқчилик хўжалигига ёки паррандачилик хўжалигига уюштириладиган экскурсия планини мактаб илмий бўлим мудири томонидан тасдиқланади.

Кўп кунлик экскурсия – ўкув йилининг охирида комплекс экскурсия деб, бунга тарих, география, тил адабиёт, жисмоний тарбия ёки ҳарбий таълим фани ўқитувчилари билан биргаликда ўтказилади. Кўп кунлик экскурсия – режасини педагогик кенгашда тасдиқланади.

Экскурсия биологияни ўқитишининг мухим шакли бўлиб, у куйидаги дидактик максадларни амалга оширишга хизмат килади:

Тирик организмларнинг тузилиши ва органларнинг функцияларидаги ўзига хос хусусиятларни яшаш мухитига боғлик холда ўрганилиши ўкувчилар томонидан биологик конуниятларни “табиат-инсон-жамият” муносабатлари нуткан назаридан ўрганишга имкон яратади.

Ўрганилаётган мавзу мазмунига боғлик холда самарали ташкил этилган экскурсияларда ўкувчиларда биологик объектларнинг тузилиши, ривожланиши ва хаётий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини чукуррок англаш, илмий дунёкарашни кенгайтириш имконини беради.

Тирик организмларнинг жамоалари, уларнинг таркиби, озик занжири, энергия сарфи, биосферадаги модда ва энергия алмашинувини тасаввур килишга замин тайёрлайди.

Ўқитишнинг асосий шакли бўлган дарсда ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган назарий билимларни орттириш, уларни амалиётга қўллаш, табиатга нисбатан онгли муносабат, кузатиш, ўкув ва амалий меҳнат кўникмаларини таркиб топтиришга хизмат килади.

Ўқитиш давомида алоҳида организмлар ва ҳодисалар ҳакида илк бор шаклланган тушунчалар кенгайтирилади, бошқа тушунчалар билан бирекиб, мураккаб тушунчаларнинг хосил бўлишига олиб келади.

Табиат ҳодисаларини кузатиш оламнинг моддийлиги, табиатдаги ўзаро боғланиш ва ривожланиш, табиий бойликларнинг инсон ҳёти ва ҳалқ ҳўжалигида тутган ўрни, уларни муҳофаза қилиш тадбирлари билан таништириш орқали Она Ватаннинг табиатга меҳр-муҳаббат уйготиш, экологик, эстетик, иктисадий ва гигиеник тарбия бериш имконияти вужудга келади.

Экскурсия - ўқувчиларнинг мўлжал олиш, обьектларни таниш, ҳодисаларни кузатиш, уларни такъослаш, ўхшашлиқ ва фарқли томонларини аниқлаш, умумлаштириш ва хуласа чиқаришга ўргатади. Қайд этилган ақлий операциялар уларда мантикий фикр юритиш кўникмаларини таркиб топтириш билан бир каторда табиатнинг илмий-тадқиқот методларини англаш, зарур ҳолларда улардан фойдаланишга имкон яратади.

Биологияни ўқитиш шакллари – дарс, дарсдан ташқари ишлар ва синфдан ташқари машгулотлар учун керакли бўлган тарқатма ва дидактик материаллар, тирик обьектлар тўплаш, коллекция ва гербариylар тайёрлаш орқали ўқувчиларда муайян кўникмалар ривожлантирилади.

Кишлек ҳўжалиги фермер ҳўжаликлари, селекция институтлари ва станцияларида ўтказилган экскурсиялар маданий ўсимликларнинг навлари ва хонаки хайвон зотлари билан таништириш ўқувчиларнинг дунёкарашини кенгайтириб, касбга йўллаш имконини беради.

Биологияни ўқитишнинг мухим шакли бўлган экскурсиялар ўкув дастури билан белгиланган бўлади. Экскурсияларнинг мавзуси ўқувчилар ўрганаётган ўкув фани мазмуни ва табиатдаги мавсумий ўзгаришларга мантикий боғлиқ ҳолда белгиланади.

5-синфда “Ботаника” ўкув дастурига мувофик, куйидаги экскурсиялар ташкил этилади:

- ❖ Кузда ўсимликлар ҳётида рўй берадиган ўзгаришлар билан танишиш – 4 дарс;
  - ❖ Иссикхоналарда ўстириладиган ўсимликлар билан танишиш – 32 дарс;
- 6-синфда “Ботаника” ўкув дастурига мувофик, куйидаги экскурсиялар ташкил этилади:
- ❖ Ўсимликлар ҳётида рўй берадиган ўзгаришлар – 17-дарс;
  - ❖ Ўсимликларнинг асосий бўлимлари – 35-дарс;

❖ Гулли ўсимликларнинг хилма-хиллиги ва уларнинг ўсиш шароити билан танишиш – 56-дарс;

7-синфда “Зоология” ўкув дастурига мувофик, куйидаги экскурсиялар ташкил этилади:

❖ Моллюскалар, уларнинг чиганоги, хашаротларнинг асосий турлари ва уларнинг хаёти билан танишиш;

❖ Күшлар ва сут эмизувчи хайвонларнинг хилма-хиллиги;

❖ Чорвачиликнинг асосий тармоклари ва уларнинг инсон хаётидаги аҳамияти.

9-синфда “Биология” ўкув дастурига мувофик, куйидаги экскурсиялар ташкил этилади:

❖ Ўсимликларнинг янги навларини яратиш йўллари билан танишиш мақсадида селекция институтлари ва станцияларига экскурсия.

Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасалари “Биология” ўкув фани дастуридан куйидаги экскурсиялар ўрин олган:

❖ Сунъий танлаш. (Чорвачилик ёки паррандачилик фермер хўжаликларига экскурсия);

❖ Табиатда яшаш учун кураш;

❖ Табиий ва сунъий экосистемалар билан танишиш.

Экскурсия мавзуларининг таҳлили, ўкувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятлари, эгаллаган билим заҳиралари, ўрганилаётган ўкув фани мазмунига боғлиқ холда мураккаблашиб бораётганлигини кўрсатади.

Куйида экскурсияларнинг мазмуни ва уларда ўкувчиларнинг ўкув-билиш фаолиятини ташкил этиш билан танишиб чикамиз.

Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасалари “Биология” ўкув фани дастуридан ўрин олган “Табиий ва сунъий экосистемалар билан танишиш” мавзусидаги экскурсия куйидагича ташкил этилади.

### Экскурсия мавзуси: Табиий ва сунъий экосистемалар билан танишиш

**Экскурсиянинг мақсади:** Табиий ва сунъий экосистемалар, уларда борадиган жараёнлар билан танишиш оркали ўкувчиларнинг илмий дунёкарашини кенгайтириш, табиий жамоаларда борадиган жараёнлар, табиий ва сунъий экосистемалар хақидаги билимлари, мантикий фикр юритиши, табиатда ўзини тутиш ва кузатиш кўнникмаларини ривожлантириш, турларнинг хилма-хиллиги ва организмларнинг муҳитга мослашганлигига оид билимларини мустахкамлаш, табиатга нисбатан онгли муносабатни таркиб топтириш, экологик тарбия бериш.

**Жихозлар:** Бинокл, сачоқлар, ток қайчи, копқоқли шиша банкалар, гербарий папкаси, эски газеталар, дафтар, ручка, чизгич.

**Экскурсиянинг бориши:**

I. Ўкувчиларни экскурсиянинг мақсади, бориши, кузатиладиган ва бажариладиган топшириклар билан танишитириш.

II. Ўкувчиликни кичик гурухларга ажратиш ва уларга ўкув топширик-ларини тавсия этиш.

III. Ўкувчиликнинг кичик гурухларда мустакил ишини ташкил этиш.

**I – топширик. Табиий экосистемалардаги турларнинг хилма-хиллигини ўрганиш**

1-жадвал

Турлар	Озиқ занжирининг таркибий қисмлари		
	Продуцентлар	Консументлар	Редуцентлар

**2-топширик. Экосистемаларнинг доминант турларини аниқлаш.**

2-жадвал

Турнинг номи	100м <sup>2</sup> да учраш сони	Ёш ва кари индивидларнинг нисбати	Кўп сонли	Кам сонли

**3-топширик. Экосистемаларнинг ўсимликларнинг ярусларини аниқлаш**

3-жадвал

Яруслар	Ўсимлик номи	Ўсимликнинг мослашиш белгилари

**4 – топширик. Сунъий экосистемалардаги турларнинг хилма-хиллигини ўрганиш**

4-жадвал

Турлар	Озиқ занжирининг таркибий қисмлари		
	Продуцентлар	Консументлар	Редуцентлар

**5-топширик. Табиий ва сунъий экосистемаларнинг ўхшашлиқ ва фарқларини аниқлаш**

5-жадвал

Экосистемалар	Ўзига хос хусусиятлари	Ўхшашлиги	Фарқи
Табиий экосистема			
Сунъий экосистема			

IV. Кичик гурухларнинг топшириклар юзасидан ахборотини тинглаш.

V. Экскурсия мобайнида кузатилган ўсимлик ва ҳайвонлардаги яшаш учун кураш хиллари, уларнинг ўзига хос белгилари бўйича хисобот тайёрлаш.

VI. Экскурсияни якунлаш.

VII. Ўкувчиларга яшаш учун кураш хилларига оид гербариylар ёки коллекциялар тайёрлаш хакида топширик бериш.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари “Биология” ўкув фани дастуридан ўрин олган “Сунъий танлаш. (Чорвачилик ёки паррандачилик фермер хўжаликларида экскурсия)” мавзусидаги экскурсия куйидагича ташкил этилади

Экскурсиянинг мақсади: Ўкувчиларнинг сунъий танлаш ва унинг хиллари хакидаги билимлари, кузатиш кўнимкамаларини ривожлантириш, сунъий танлаш туфайли келтириб чиқарилган зотлар, улардаги хўжалик белгилари билан таништириш, касбга йўллаш, экологик ва иктиносий тарбия бериш.

**Жихозлар:** дафтар, ручка, чизғич, фотоаппарат.

**Экскурсиянинг бориши:**

I. Ўкувчиларни экскурсиянинг мақсади, бориши, кузатиладиган ва бажариладиган топшириклар билан таништириш.

II. Ўкувчиларни кичик грухларга ажратиш ва уларга ўкув топшириклини тавсия этиш.

III. Ўкувчиларнинг кичик грухларда мустакил ишини ташкил этиш.

**I – грух топшириклари.**

1. Жамоа фермер хўжалигида бокилаётган қорамол зотларини ўрганинг.

2. Қорамолларга бир кеча-кундузда бериладиган озука хиллари ва уларнинг микдорини ўрганинг.

3. Қорамол наслини яхшилаш учун қандай ишлар олиб борилаётганлигини билиб олинг.

4. Қорамол зотларининг келиб чиқиши шажара дафтарини ўрганинг.

5. Кузаттанинг асосида куйидаги жадвални тўлдиринг.

Қорамол зотлари	Маҳаллий шароитда чиқарилган ёки четдан олиб келинган	Тирик вазни	Гўшт	Сут	Иктиносий фойда

**II – грух топшириклари.**

1. Жамоа фермер хўжалигида бокилаётган қўй зотларини ўрганинг.

2. Қўйларга бир кеча-кундузда бериладиган озука хиллари ва уларнинг микдорини ўрганинг.

3. Қўй наслини яхшилаш учун қандай ишлар олиб борилаётганлигини билиб олинг.

4. Қўй зотларининг келиб чиқиши шажара дафтарини ўрганинг.

5. Кузаттанинг асосида куйидаги жадвални тўлдиринг.

Кўй зотлари	Махаллий шароитда чиқарилган ёки четдан олиб келинган	Тирик вазни	Гўшт	Жун	Иктиносидий фойда
-------------	---	-------------	------	-----	-------------------

### III – гурух топшириклари.

1. Жамоа фермер хўжалигида бокилаётган парранда зотларини ўрганинг.
2. Паррандаларга бир кеча-кундузда бериладиган озука хиллари ва уларнинг микдорини ўрганинг.
3. Парранда наслини яхшилаш учун кандай ишлар олиб борилаётганлигини билиб олинг.
4. Парранда зотларининг келиб чиқиш шажара дафтарини ўрганинг.
5. Кузатгандарингиз асосида куйидаги жадвални тўлдиринг.

Парранда зотлари	Махаллий шароитда чиқарилган ёки четдан олиб келинган	Тирик вазни	Гўшт	Тухум	Иктиносидий фойда
------------------	---	-------------	------	-------	-------------------

IV. Кичик гурухларнинг топшириклар юзасидан ахборотини тинглаш.

V. Экскурсия мобайнида танишилган зотлар ва уларнинг ўзига хос белгилари, бокиш, наслини яхшилашга оид маълумотлар бўйича хисобот тайёрлаш.

VI. Экскурсияни якунлаш.

VII. Ўқувчиларга экскурсияга багишланган фотоальбом ёки деворий газета тайёрлаш хакида топширик бериш.

Дастур бўйича шу дарсда “Табиатда яшаш учун кураш” бўйича хам экскурсия ташкил этилиши кўзда тутилган.

Экскурсиянинг мақсади: Ўқувчиларнинг яшаш учун кураш ва унинг хиллари, табиий танланиш хакидаги билимлари, табиатда ўзини тутиш ва куатиши кўнкимларини ривожлантириш, турларнинг хилма-хиллиги ва организмларнинг мухитга мослашганлигига оид билимларини мустаҳкамлаш, табиатга нисбатан онгли муносабатни таркиб топтириш, экологик тарбия бериш.

**Жихозлар:** Бинокл, сачоклар, ток қайчи, копқокли шиша банкалар, гербарий папкаси, эски газеталар, дафтар, ручка, чизгич.

Экскурсиянинг бориши:

I. Ўқувчиларни экскурсиянинг мақсади, бориши, кузатиладиган ва бажариладиган топшириклар билан танишитириш.

II. Ўқувчиларни кичик гурухларга ажратиш ва уларга ўкув топширикларини тавсия этиш.

III. Ўқувчиларнинг кичик гурухларда мустакил ишини ташкил этиш.

I – топширик. Ўсимликлар оламидаги яшаш учун курашни ўрганиш.

№	Ўқувчилар бажариши лозим бўлган топшириклар	Топширикларни бажариш бўйича кўрсатмалар
1.	Ўсимлик оламидаги турлароро курашни ўрганинг. Якка ва бошқа ўсимликлар ораси-да	Турли шароитда ўсган ўт ўсимликлар ва зарпечак-

	ўсган турларни кузатинг. Улар ўртасидаги ўхашлик ва фаркни аникланг.	дан гербарий тайёрланг. 1-жадвални түлдиринг.
2.	Ўсимликлар орасида тур ичидаги курашнинг боришини кузатинг. Бир турга мансуб зич ва сийрак ўсган ўсимликларни ўзаро таккосланг ва улар орасидаги фаркни аникланг.	Кузатишларингиз натижаларига асосланиб 2-жадвални түлдиринг.
3.	Ўсимликларнинг нокулай шаронита карши курашини ўрганинг. Қоки ёки баргизуб ўсимлигининг нам етарли ва нам кам бўлган жойда ўсан вакилларини топинг. Уларни ўзаро таккосланг.	Кузатишларингиз натижаларига асосланиб 3-жадвални түлдиринг.

1-жадвал.

### Ўсимликлардаги турлараро курашни ўрганиш

Ўсимлик органларининг ривожланиши	Якка холда ўсаётган ўсимлик	Бошка ўсимликлар орасида ўсаётган ўсимлик
Поясининг узунлиги. Барг шакли ва кўлами. Гулининг кўлами (см) Мевасининг ҳажми (см)		

2-жадвал.

### Ўсимликлар орасидаги тур ичидаги курашни ўрганиш

Ўсимлик органларининг ривожланиши	Сийрак холда ўсаётган ўсимлик	Ўсимликлар орасида зич ўсаётган ўсимлик
Поясининг узунлиги. Барг шакли ва кўлами. Гулининг кўлами (см) Мевасининг ҳажми (см)		

3-жадвал.

### Қокиёт ёки баргизуб ўсимлигини таккослаш

Ўсимлик органларининг ривожланиши	Нам етарли бўлган жойда ўсаётган ўсимлик	Нам кам бўлган жойда ўсаётган ўсимлик
Поясининг узунлиги. Барг шакли ва кўлами. Гулининг кўлами (см) Мевасининг ҳажми (см)		

2-топширик. Ҳайвонот оламидаги яшаш учун курашни ўрганиш.

№	Ўкувчилик бажариши лозим бўлган топшириклар	Топширикларни бажариш бўйича кўрсатмалар
	Турлараро кураш.	
1.	Бутли ўргимчакнинг тўрини топинг. Унинг нималар билан озикланишини кузатинг.	
2.	Хашоратхўр кушлар: калдиргоч, майна, чумчукларни бинокль ёрдамида кузатинг. Улар нималар билан озикланишини аникланг.	
3.	Тугмача кўнгизни топинг. У нималар билан озикланишини аникланг.	
4.	Барг кемирувчи хашоратлар кемирган дарахт баргларини топинг.	Барглардан гербарий тайёrlанг.
5.	Кушларнинг озука ва уя эгаллаш учун олиб борадиган курашни кузатинг.	
6.	Қайси кушлар куз келиши билан иссик мамлакатларга учиб кетишини ва бу ходисанинг сабабини аникланг.	Кузатишларингиз асосида 4-жадвални тўлдиринг.
7.	Қайси хашоратлар диапауза ҳолатига ўтганлигини ва унинг сабабини аникланг.	

4-жадвал.

#### Ҳайвонларнинг кишки мавсумга тайёргарлигини ўрганиш

Ҳайвоннинг номи	Озукаси	Киши мавсумига тайёргарлиги
Бутли ўргимчак		
Тугмача кўнгиз		
Калдиргоч		
Майна		
Чумчук		

IV. Кичик гурухларнинг топшириклар юзасидан ахборотини тинглаш.

V. Экскурсия мобайнида кузатилган ўсимлик ва ҳайвонлардаги яшаш учун кураш хиллари, уларнинг ўзига хос белгилари бўйича хисобот тайёрлаш.

VI. Экскурсияни якунлаш.

Ўкувчиларга яшаш учун кураш хилларига оид гербарийлар ёки коллекциялар тайёрлаш хакида топширик бериш.

#### Ўқитувчининг экскурсия ўткизишга тайёргарлиги

Экскурсиянинг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг ташкил этилишига боғлик. Шу сабаби ўқитувчи экскурсияларга пухта тайёргарлик кўриши ва қуидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- Биологияни ўқитишнинг истикбол режасига мувофик, уни ўтказиш муддатини белгилаш;
- Экскурсия ўтказиладиган жойни аниклаш, мавзуга оид объектларни топиш, маршрутни белгилаш;
- Ўқувчиларнинг мустакил кузатишлар олиб бориши учун кўрсатмалар, кириш ва умумлаштирувчи сухбатлар учун матн тузиш;
- Экскурсияда фойдаланиладиган ўкув-лаборатория жихозлари, методларни аниклаш;
- Экскурсия ўтказишдан бир неча кун аввал, мавзу бўйича кириш сухбати ўтказиш, ўкувчиларни кичик гурухларга ажратиш, кўшимча адабиётларни ўрганиш бўйича ўкув топширикларини бериши лозим.

Экскурсия давомида ўкувчилар амал килиши лозим бўлган тартиб-коидалар билан танишириш, онгли интизомни саклаш, берилган ўкув топширикларни бажаришда фаолликни кўрсатиш, нотаниш ўсимлик ва хайвонлардан эҳтиёт бўлишни уктириш зарур.

Экскурсия давомида ўкувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошкаришда уларни кичик гурухларга ажратиш, кичик гурух учун ўкувчилардан етакчи тайинлаш, етакчи зиммасига гурух аъзоларининг тартиб интизомини таъминлаш, ўкув топширикларининг бекаму-кўст бажарилиши, экскурсия хисоботини расмийлаштириш учун жавобгарлик юкланди.

Биологиядан экскурсия ўтказишда ўқитувчилар методист-олим Б.Е. Райков томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар амал килиш лозим.

Ушбу тавсияларга бугунги кун талаби асосида ўзгартиришлар киритилган холда берилмоқда:

Экскурсия – сайд эмас, балки ўкув-тарбия жараёнининг энг муҳим кисми, экскурсиянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи - ўкувчиларнинг табиат билан бевосита мулокоти, уларнинг мустакил кузатishi, кузатиш натижаларини умумлаштириши ва хulosса ясаш эканлигини эсда тулинг.

Экскурсия ўтказиладиган жойни мукаммал ўрганиб чиқинг, хавфиззик коидаларига жавоб беришига ишонч хосил килинг, мавзуга оид режасини тузинг.

Хар доим ўкувчиларнинг эътиборини мавзуга қаратинг, иккинчи даражали масалаларга чалгиманг.

Экскурсия давомида ўкувчилар томонидан ўтказиладиган кузатиш ва ўрганиш мумкин бўлган объектлар ҳакида батафсил хикоя килинг ва ўкув топширикларини уларга мослаштиринг.

Экскурсия давомида узок тушунтиришлардан сакланинг, муаммоли саволлар ёрдамида ўкувчиларни кузатиш ва ўрганиш натижасида хulosса чиқариш, умумлаштириш, билимларни синтезлашга ўргатинг.

Ўкувчиларни тингловчи сифатида эмас, балки фаол фикр юритувчи сифатида кабул килинг Уларнинг аввал ўзлаштирган билим, кўнишка ва малакаларини янги вазиятларда кўллаб янги билим, кўнишка ва малакаларни эгаллашларига имкон яратинг.

Ўұкувчиларнинг эътиборини факат мавзуга оид 5-10та обьектларга каратинг, жуда күп обьектларни ўрганиш, уларни санаш максадға мувофик эмас. Бир вактнинг ўзида берилған маълумотларнинг хаммаси хам ўқувчилар ёдида колмайды.

Экскурсия давомида ортиқча материаллар билан ўқувчиларни чарчатыб күйманг, максадға мувофик бўлган ўкув топширикларини тўлик ва сифатли бажартиришга эришинг.

Экскурсия давомида ўқувчиларнинг хиссиётини кучайтириш максадида табиатни муҳофаза килиш, фанлараро боғланиш, таълим-тарбиянинг узвийлигига эътиборни каратинг, лирик чекиниш, маънавият дақиқаларини ўтказишни режалаштиринг.

Экскурсия давомида тўплланган материаллар асосида унинг мазмунини муаммоли саволлар ёрдамида кайта ишлаб чиқинг. Максад, мазмун ва хулоса уйғунылигига эришинг.

Экскурсияни ўтказишда ўқитувчи ўзининг нафакат касбий-педагогик тайёргарлигига боғлик билим, кўникма ва малакалари балки, табиатшунос сифатидаги билим, кўникма ва малакаларини намоён этиши, яъни табиий обьектларни таниш, аниклагичлар билан ишлаш, коллекция ва гербарийлар тайёрлаш ва уларни расмийлаштириш, табиатдаги тирик организмлар ўртасида алокадорлик, озик занжири таркибий кисмларини аниглаши зарур.

### **Талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш саволлари**

1. Экскурсияларнинг таълим-тарбия жараённда тутган ўрни аникланг.
2. Биологик экскурсияларнинг максад ва вазифаларини аникланг.
3. Биологик экскурсияларни ўтказиш методикасини галириб беринг.
4. Экскурсияни ўтказиш вактида фойдаланиш лозим бўлган кўрсатмаларнинг моҳиятини галириб беринг.
5. Ўқитувчининг экскурсияга тайёргарлигини ўрганинг.
6. Экскурсияларнинг ўқитишининг бошқа шакллари билан узвий боғликлигини ўрганинг.

### **8.4. УЙ ВАЗИФАСИ ВА ДАРСДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР**

1. Дарсдан ташқари ишларнинг таълим-тарбия жараённда тутган ўрни.
2. Дарслик бўйича уй вазифалари.
3. Уйда бажариладиган амалий ишлар.
4. Дарсдан ташқари ишларнинг хусусиятлари.
5. Биология хонаси ва тирик табиат бурчагидаги дарсдан ташқари ишлар.
6. Табиатдаги дарсдан ташқари ишлар.

### **Асосий тушунча ва таянч сўзлар**

Уй вазифалари турлари, дарслик бўйича уй вазифалари, амалий ишлар бажариш, уй вазифасини тарбиявий ахамияти, дарсдан ташқари ишларнинг

аҳамияти, биология хонаси, тирик табиат бурчаги, ўкув тажриба участкасида, табиатда бажариладиган дарсдан ташкари ишлар.

Биологияйдан тузилган ДТС ўкувчиларнинг эгаллаши лозим бўлган билим, кўнишка ва малакалар меъёрланган бўлиб, уни ўкувчилар дарс давомида эгаллашлари анча мушкул.

Шу сабабли, ўқитувчи ўқитишнинг зарурий шакли бўлган уй вазифалари ва дарсдан ташкари ишларда ўкувчиларнинг муайян кўнишка ва малакаларни эгаллашларини назарда тутмоғи лозим.

Жумладан, “Ботаника” ўкув фани ДТСда ўкувчилар томонидан:

1. Ўсимликларда борадиган хаётий жараёнларни аниклаш максадида кузатишлар ўтказиш, оддий тажрибалар кўйиш;
2. Ўсимликларни парвариш килиш;
3. Каламча тайёрлаш ва каламчадан кўпайтириш, пайвандлаш;
4. Табиатда ўзини тутиш коидаларига риоя килиш;
5. Дарслеклаги матн ва расмлар билан ишлаш;
6. Дарслек мундарижаси ёрдамида мўлжал олишни билиш, матн ва расмлар билан ишлай олиш, мавзунинг асосий мазмунини фарклай олиш, саволларга жавоб бериш, биологик атамалар лугати билан ишлай олиш кўниksamisiga эга бўлиши кайд этилган.

Мазкур кўникамаларни таркиб топтиришда дарсдан ташкари ишлар муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли, юкоридаги кўникамаларни ўкувчиларда таркиб топтириш учун ўқитувчи уй вазифаси ва дарсдан ташкари ишларни максадга мувофиқ ташкил этиши лозим.

Уй вазифалари дарслек билан ишлаш, кўшимча адабиётларни ўкиш, мавзуга оид расмларни чизиш, табиий обьектлар устида кузатиш ўтказиш ва оддий тажрибалар кўйиш билан ифодаланади.

Дарслек бўйича уй вазифалари ўкувчиларнинг дарс мавзуси билан боғлиқ бўлган ўқитувчининг амалий ва дарслек бўйича топширигини уйда мустакил бажаришларини ташкил этиш шаклидир.

Ўкувчиларнинг аксарияти дарслеклардан тўғри фойдаланишни бил-майди, баъзи ўкувчилар топширик ва мавзуларни дарслекдан ёдлаб олади-лар, айримлар мавзуларни юзаки ўрганадилар. Уйга берилган топшириклар ўкувчининг фикр юритишини фаоллаштирадиган, унда мустакил ишлашга кизикиш уйғотган тақдирдагина кўзлаган мақсадга эришилади. Бунинг учун ҳар кандай топширик саволлар шаклида ифодаланган бўлиши керак, ўкувчилар синфда галириб бериш учун дарслек текстини каторасига ёдлаб олмасдан, ундан керакли материални танлаб олиб, уларга жавоб тайёрлайдилар. Бунга эришиш учун дарслекдаги ушбу мавзуни ёдланг ёки ўрганинг деган иборалардан воз кечиш керакдир.

Ўкувчиларнинг дарслек билан ишлашларидан асосий мақсад ўқиганларини тушунишдир, мантикий ўқиши билишдир, ургуни тўғри ишлатиш, конун ва қоидаларни аник ажратা олишдир.

Мавзулар охирида берилган саволлар ўкувчилар ишини анча фаоллаштиради. Ўқитувчи ўзи хам саволлар тузиб, ўкувчиларга жавоб топишни таклиф этади. Берилган саволлар орасида айникса тақкослашни талаб этадиган саволлар алоҳида аҳамиятга касб этиб ўкувчиларнинг шахсий кузатишларига хам асосланади. Таккослаш синфдан-синфга ўтган сари мураккаблашиб боради.

Ўкувчини объектларни таниш ва уларни тақкослаш, ўхаш ва фаркли белгиларини аниқлаш кўниммаларини таркиб топтириш максадига эга бўлган уй вазифалари матнни тушуниб ўқишларига замин яратади. Бундай топширикларга мос равиша ўкувчиларга кичик жадвал тўлдириш таклиф этилади. Мисол учун 6-синфда куйидаги жадваллар берилиши мумкин.

Гулли ўсимликларнинг оиласи	Гул тузилиши ва формуласи	Мева хили

Дарслик бўйича уй вазифалари ўтилган дарсда ҳосил килинган билимларнингиз эмас, балки ундан олдин ўзлаштирилган билимларни хам мустаҳкамлаш юзасидан бўлиши мумкин.

Дарсда ўқитувчи ўкувчиларни уйда дарсликдан тўғри фойдаланишни ўргатиши учун куйидаги тавсияларни беради:

1. Дарсликнинг мундарижасини кўриб чикинг. У қандай боб ва мавзуларни ўз ичига олишини аниқланг.
2. Ўрганилаётган мавзу матнини қисмларга ажратинг. Бир мунча қийин қисмларини, таърифларни, конун, коидаларни, лугатларни ўқинг.
3. Расм, схема, жадвалларн кўриб чикинг ва маъносини тушинишга харакат килинг, ракамли маълумотларга эътибор беринг.
4. Ўрганилаётган мавзу матнини расм, схема, жадваллар ёрдамида тушунтиришни машқ килинг.

Ўкувчилар уйда дарслик билан ишлаганда матнни ўрганишдан олдин, мавзунинг асосий коидаларини аниқлаб олишлари ва бошқа маълумотлардан ажратиб олишлари керак.

Юкори синф ўкувчилари дарсликни ўкиш вақтида кисқача ёзиб боришлари фойдалидир, улар ўрганган матнни хотирада кўпроқ колишга ёрдам беради. Дарслик мавзулари бўйича режалар тузиш, тезис ва маколалар ёзиш, буларнинг ҳаммаси ўкувчиларни дарсликдан тўлароқ ва чукурроқ фойдаланишга, уй вазифасини тушуниб тайёрлашга ёрдам беради.

Билимларни мустаҳкамлашда расмлар катта аҳамиятга эга бўлади. Ўкувчилар факат оғзаки жавоб бериб колмай, балки айрим гулларнинг, хайвонларнинг ва уларнинг органларининг тузилишини, схематик чизишни хам билишлари керак. Шунингдек, улар кон айланиш, нафас олиш, овқат хазм килиш, моддалар алмашинувини схемасини чизишни хам билишлари зарур.

Үйда бажариладиган амалий ишлар табиий объектлар билан мустакил амалий иш бажаришни талаб этувчи хар хил топшириклар катта ахамиятга эга. Үй вазифалари морфологик ва физиологик характерда бўлиши мумкин.

Морфологик характердаги вазифалар гербарий тайёрлаш, гул кисмларини ажратиш кабилар дарсда тегишли материални ўрганилгандан сўнг, билимларни мустаҳкамлаш учун берилади.

Физиологик мазмундаги топширикларни тажриба ёки кузатиш натижаларидан тегишли дарслардан фойдаланиш учун олдиндан бериш маъқул.

Дастлабки экспериментал ишларни мавлум муддатда кайси дарсда фойдаланиш учун уларни ўкувчиларга топшириш вактини хисоблаб чикиш зарур. Бундай үй вазифалари кўпроқ ботаникадан бўлиши мумкин. Уларни бажариш учун тахминан неча кун кераклиги кўйида келтирилган

Гербарий куритиш учун – 7 кун

Уруғнинг хар хил шароитда униб чикиши – 7 кун

Илдизнинг ўсишини кузатиш – 10 кун

Қаламча ва пархишдан ўсимлик ўстириш учун – 14 кун

Тажрибалар натижасини ўкувчилар ўқитувчининг кўрсатмасига биноан тегишли дарсларга олиб келадилар. Тажрибалар хақида маълумот берадилар. Ўз тажрибасини ўқитувчи бажараётган тажриба билан таккослайдилар. Зоология бўйича амалий ишлар асосан кузатишлар билан боғлиқдир. Масалан: кушларнинг ин куриши, тухум босиб ётиши, калдирғочларнинг болаларига ҳашаротлар олиб келиши кабиладир.

Одам ва унинг саломатлиги курсидан үй вазифалари:

1. Амалий мазмунда;
2. Тадқиқий мазмунда бўлиши мумкин.

Буларга үй шароитида суюкнинг таркибини аниклаш, ҳайвонларда шартли рефлекслар хосил килиш кабиларни олиш мумкин.

Шунингдек, ўкувчиларнинг ўз-ўзини кузатиш ишлари дарснинг ўзида ўтказилиши, бошқалари эса уйга вазифа килиб берилади. Масалан, “Кон айланиш” мавзусини ўрганишда жисмоний ва аклий меҳнат турига караб пульснинг ўзгаришини ўрганишни үйда бажариш, бажарган ишларини график ва схема тарзида тасвирлаш тавсия этилади.

Умумий биология курсидан ҳам табиий объектлар билан ишлаш бўйича хар хил мустакил топшириклар бўлиши мумкин. Бундай топшириклар организм шаклларининг хилма-хиллигини ўзгарувчанлигини ва мосланишларини хар хил экологик омилларини организмга таъсирини ўрганиш юзасидан бўлиши мумкин.

Үйда ўтказилган тажриба натижалари тўпланган гербарий ва коллекциялар дарсларда фойдаланилади. Ўкувчиларнинг ахборотлари ўқитувчи баён киладиган материалга киритишиади.

Шундай килиб ўкувчиларнинг үй вазифалари хилма-хил бўлиши мумкин.

1. Дарслик билан ишлаш:
2. Саволларга жавоблар топиш:
3. Жадваллар тузиш.
4. Мавзу якунидаги топишмокларнинг жавобларини топиш, кроссворд ва чайвордларни ишлаш.
5. Кўшимча адабиётлар, журнал ва бадиий адабиётлар ўкиш.
6. Мавзулар учун макола ва расмлар танлаш.
7. Табиий объектлар билан ишлаш;
8. Ўсимлик ва хайвонларни кузатиш;
9. Тажрибалар кўйиш ва хакозалар.

**Дарсдан ташкари ишларнинг хусусиятлари.** Дарсдан ташкари ишлар ўқитувчининг индивидуал ёки гурухли топшириклари асосида дарсдан кейин ўкув фанини ўрганиш билан боғлиқ бўлган мажбурий тарзда амалий ишларни бажариш учун ташкил этиладиган ўқитиш шакли.

Дарсдан ташкари ишлар - биология хонасида, тирик табиат бурчагида, табиатда, ўкув тажриба ер майдончасида бажарилади.

Ўкувчиликнинг дарсдан ташкари ишларнинг зарурлиги шундан иборатки, ўсимликлар ва хайвонлар устида олиб бориладиган кўпгина узок муддатли кузатишлар ўкув жадвалига сифмайди. Айрим холларда турли асбоблар ва микроскоп етишмаслиги, синфда турли топширикларни бажарилишига тўскинлик қиласи.

Биология курсини ўрганиш давомида ҳар бир ўкувчи микроскоп билан ишлаш кўникма малакасига эга бўлиши керак. Шунинг учун ўқитувчи навбат билан 3-5 ўкувчини дарс олдидан ёки дарсдан сўнг микроскоп билан ишлашини ташкил этиш керак. Ўкувчилар 3-5 тадан гурухларга бўлиниб майда хайвонлар устида ўқитувчи топшириги бўйича кейинчалик дарсларда фойдаланиладиган узок муддатлибиологик кузатиш ва тажрибалар олиб борадилар. Ҳар бир ўкувчи йил давомида бир ёки иккита дарсдан ташкари иш бажаради, уларнинг бажарилишига ўқитувчи баҳо кўяди.

Дарсдан ташкари ишлар мазмунига кўра уйга бериладиган тажрибаларга якин хисобланади. Лекин фарки шундаки уй ишлар анча оддийроқ бўлиб, синф ўкувчилари учун бир вактда берилади. Дарсдан ташкари ишларнинг уй ишларидан, фарки баъзан дастлабки характеристерда бўлади, яъни синфда ўрганишдан бир неча кун, хафта ва хатто бир неча ой илгари берилади.

**Масалан ботаникадан**

сув ўсимликлари билан тажрибалар –2 ой,  
баргда крахмал излари хосил бўлиши –2-3 кун,  
поя бўйлаб сувнинг кўтарилиши –2-3 кун.

Хайвонлар устида олиб бориладиган кузатиш ва тажрибалар узок муддатли бўлади. Уларга мисол килиб, ҳашоратларнинг кўпайиши ва ривожланишини ўрганиш, баликларнинг кўпайиши, тўтикуш ва канарейкаларнинг хулк-атворини ўрганиш, фойдали ҳашоратлардаги огохлантирувчи рангларни аниклаш, ўргимчаксимонларнинг туткич тўрини тўкиши ва ўлжа тутишини кузатиш ва х.к.

Одам ва унинг саломатлиги ўкув фанидан морфологик, гистологик ва тиббий характердаги ишлар маълум мавзулар ўрганилгандан сўнг, билимларни мустаҳкамлаш максадида ўтказилади. Кўпгина физиологик тажрибалар, шартли рефлекс хосил килиш, авитаминоз ва бошқалар олдиндан бажарилади. Уларнинг натижаларини дарсда кўрсатиш имкони бўлади. Дарсдан ташкари вактда ўкувчилар ўтказаётган барча тажрибаларнинг бориши ҳакида хабардор бўлган ўқитувчи дарсда тажрибанинг бориши, турли боскичлардаги ўзгаришларни намойиш килиши, ўтказилаётган тажрибалар ҳакида ўкувчилар ахборотини янги мавзулар баёнига киритиш имконига эга бўлади.

### **Биология ўкув хонаси ва тирик табиат бурчагидаги дарсдан ташкари ишлар**

Дарсдан ташкари ишлар кўпинча кеч кузда, кишда ва эрта баҳорда бажарилади. Асосан улар ботаникани ўқитишда кўлланилади.

Ботаникадан дарсдан ташкари ишларни дастурнинг барча мавзуси бўйича бериш мумкин. Масалан “Уруг” мавзуси бўйича дарсдан ташкари ўкувчилар уруғнинг бўртишини кузатадилар, унинг унувчанлик фоизини аниклайдилар. Гулли ўсимликларда борадиган биологик жараёнларни кузатади ва ўзига хос хусусиятларини аниклайди.

Зоологиядан дарсдан ташкари ишларда ўкувчилар тирик табиат бурчагида содда ҳайвонларни кўпайтириб, уларни микроскопда ўрганади. Ҳалқали чувалчангларни ўрганишда, хусусан ёмғир чувалчангининг тупрок хосил килишдаги роли, унинг характеристи, таъсирланишини кузатади. Айрим хашаротлар гумбагининг метаморфозини ўрганишлари мумкин.

Одам ва унинг саломатлиги бўйича тирик табиат бурчагида ўтказилаётган дарсдан ташкари ишлар унча хилма-хил эмас, улар асосан учхил бўлади:

- 1) ҳайвонларда шартли рефлекс хосил килиш учун экологик ва физиологик тажрибалар кўйиш;
- 2) эргограф, тонометр, спирометр билан ишлаш;
- 3) микроскоп билан ишлаш.

Суяк синганда, кон кетганда биринчи ёрдам кўрсатиш, сунъий нафас олдириш каби оддий тиббий кўнимкамларини таркиб топтиришга мўлжалланган ишлар ҳам дарсдан ташкари вактда ўқитувчи раҳбарлигига олиб борилади.

Умумий биологиядан тирик бурчакда ўкувчиларга табиий объектлар билан ишлаш учун топширик бериш мумкин. Бундан максад дарсларда ўрганилаётган органик дунё конуниятларини кузатишдан иборатдир. Агар баязи ўқитувчилар тирик бурчакда ҳар хил ўсимликларга турли экологик омилларнинг таъсирини ўрганиш бўйича тажриба килсалар, бошқалари шу мавзуда ҳайвонлар билан тажриба ўтказадилар. Масалан, ўсимликнинг ўсишига күёш нури ва сунъий ёруклигининг таъсири ёки нихолнинг ўсиши ва ривожланишига күёш нури ва ҳароратнинг таъсири, ирсият ҳакида аник тушунчага эга бўлиш учун ҳайвонлардан дрозофила, аквариум балиги гуппи

устида чатиштириш бўйича тажрибалар кўядилар. Айниқса вегетатив кўпайиш, организмларнинг мослашганлигини, сунъий биоценозлар яратиш, кун узунлигини, ўсимлик ва ҳашаротлар ғумбагининг ривожланишини ўрганишга оид тажрибалар кўйиш ниҳоятда қизикарлидир. Битта тажрибадан бир неча мавзуларни ўрганишда уларга монанд холда фойдаланиш мумкин.

Энг асосийси ўкувчиларнинг дарсдан ташкари ишларидан дарсларда педагогик максадда тўла фойдаланишдан, яъни пухта ўйланган тарзда тескари боғланишларни амалга оширишдан иборатdir.

Табиятдаги дарсдан ташкари ишлар асосан морфология, экология ва систематикага доир ҳодисаларни аниқлашга ва гербарий ҳамда коллекциялар тайёрлашга ёрдам берадиган кузатишлар учун топшириклар берилади. Улар асосан ёзда бажарилади ва шунинг учун кўпинча ёзги топшириклар деб аталади. Ёз давомида V синф ўкувчиларига поя, илдиз ва барглари ҳар хил шаклдаги ўсимликларни йигиши: VI синф ўкувчиларига маданий ва ёввойи ўсимликларни йигиши ва гербарий тайёрлаш; VII синф ўкувчиларига хайвонлар устида кузатиш олиб бориши, ҳашаротлардан коллекциялар тўплаш каби топшириклар берилади. Ўсимликларни ҳамда уларда яшайдиган ҳашаротларни, улар етказган заарларни, уларнинг ривожланиш фазаларини кўрсатадиган биологик коллекциялар катта аҳамиятга эга. Ўқитувчи ихтиёрида ёзда чет элларга ота-оналари билан саёҳатга борувчи ўкувчилар ёрдамида хонани қизикарли обьектлар билан бойитиш учун имконият бор. Ўқитувчи ўкувчиларнинг каерга боришини олдиндан билиб олиб, кабинет учун керакли обьект олиб келиш тўғрисида топширик беради. Албатта бундай топшириклар табиат муҳофазасини ҳисобга олган холда бўлади.

V, VI ва VII синфларда систематик равишда олиб бориладиган фенологик кузатишлар алоҳида ўрин тутади. Ўкувчилар ҳар куни кундаликларига табиятдаги мавсумий ўзгаришларни ёзib борадилар. Ўсимлик ва хайвонот дунёсида олиб бориладиган фенологик кузатишлар обхавонинг холати билан боғланади. Элементар метрологик кузатишлар олиб борилади. Бу кузатиш маълумотлари ўсимликлар ва хайвонларнинг ривожланиши ҳамда хулк-атвори билан таккосланади.

Тирик табиат бурчагида, участкада ва табиятда бажариладиган дарсдан ташкари ишлар дарсда ўрганиш учун қизикарли материал беради, ўкувчиларда мустакил ишлаш укув ва кўнинкамларини тарбиялайди, табатга қизикиши ривожлантиради. Бундай ишларни бажариш учун ўкувчилар, одатда, топширикларда кўрсатиладиган ўсимлик ва хайвонлар тўғрисидаги маҳсус адабиётларга, маълумотномаларга, энциклопедияларга мурожат киладилар. Айни шу дарсдан ташкари ишлар ёрдамида ўкувчиларда билимни чукурлаштириш учун китобларга доимий мурожат килиш эҳтиёжи тарбияланади.

Дарс билан узвий баглиқ холда дарсдан ташкари ишлар биология ўқитишнинг мажбурий шакли бўлиб колди, улар дарсни давом эттиради ва мустахкамлайди.

## **Талабаларнинг ўз-ўзини назорат килиш саволлари**

- 1.Дарсдан ташкари машғулотлар ва уй вазифасининг таълим-тарбия жараённида тутган ўрнини аникланг.
- 2.Уй вазифаларни қандай хилларга бўлинади?
- 3.Уй вазифалари беришда ўқитувчи нималарга эътибор бериши керак?
- 4.Дарслик бўйича уй вазифаларида нималарга эътибор бериш керак?
- 5.Уйда бажариладиган амалий ишлар қандай бўлади?
- 6.Дарсдан ташкари машғулотлар кандай мақсадларда ташкил этилади?
- 7.Дарсдан ташкари машғулотларнинг таълим-тарбиявий ахамияти нимадан иборат?

## **8.5. СИНФДАН ТАШКАРИ МАШГУЛОТЛАР**

- 1.Синфдан ташкари машғулотларнинг дидактик мақсади, вазифалари ва мазмуни.
- 2.Айрим ўқувчилар билан олиб бориладиган синфдан ташкари машғулотлар.
- 3.Ўқувчилар групхи билан олиб бориладиган синфдан ташкари машғулотлар.
- 4.Оммавий равишда олиб бориладиган синфдан ташкари машғулотлар.

### **Асосий тушунча ва таянч сўзлар**

Синфдан ташкари машғулотларнинг дидактик мақсади, вазифалари, мазмуни, айрим ўқувчилар, ўқувчилар групхи, оммавий равишда олиб бориладиган синфдан ташкари машғулотлар, мавзули кечалар, конференциялар, байрамлар.

Синфдан ташкари машғулотлар ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигида биология ўкув дастуридан ўрин олган мавзуларни кенгайтириш ва тўлдириш мақсадига йўғрилган дарсдан ташкари ўтказиладиган ихтиёрий ўқитиш шаклидир.

Ўқувчиларнинг фан асосларини чукур ва мустахкам ўзлаштиришларига эришиш, кўшимча ўкув адабиётлари, кўргазмали воситалар ёрдамида мустакил ишларини ташкил этиш, белгиланган мавзулар бўйича кузатиш ва тажрибалар ўтказиш, ўқувчиларнинг кизикишлари ва билимларни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжларини хисобга олган холда табакалаштирилган таълимни ташкил этиш, уларнинг ижодий кобилиятлари, мустакил ва мантикий фикрлашини ривожлантириш, илмий дунёкарашини кенгайтириш, касбга йўллаш, ўқувчиларнинг онги ва қалбига миллый истиқлол гоясини сингдириш, ўқишини унумли жисмоний ва аклий меҳнат билан узвий боғлаш мақсадида умумий биологиядан синфдан ташкари машғулотлар ўтказилади.

Синфдан ташкари машғулотларнинг уч хил тури мавжуд:

- Айрим ўкувчилар билан якка тартибда олиб бориладиган машгулотлар
  - Ўкувчилар гурухи билан олиб бориладиган машгулотлар.
  - Ўкувчилар билан оммавий равиша олиб бориладиган машгулотлар.
- Юкорида қайд этилган синфдан ташкари машгулотларнинг турлари бир-бири билан узвий bogланган, бир-бирини тўлдиради ва такозо этади.

## СИНФДАН ТАШКАРИ МАШГУЛОТЛАР ТУРЛАРИНИНГ УЗВИЙ БОҒЛИКЛИГИ

Синфдан ташкари машгулотларнинг тури	Синфдан ташкари машгулотларнинг мазмуни
Айрим ўкувчилар билан якка тартибда олиб бориладиган машгулотлар	Биологиядан кўшимча ўкув адабиётларини ўрганиш, ЭХМнинг таълим берувчи, моделлаштирилган, назорат дастурлари ёрдамида билимларини синаб кўриш, мультимедиалар воситасида ижодий изланишларини ташкил этиш, мактаб тажриба майдончаларида тирик организмлардаги мавсумий ўзгаришлар, белгиларнинг ирсийланишини ўрганиш максадида кузатиш ва тажрибалар ўtkазиш, турли мавзуларда маъruzalar ва кўргазмали материаллар тайёрлаш.
Ўкувчилар гурухи билан олиб бориладиган машгулотлар	5-6 синфларда “Ёш ботаниклар”, 7-синфда “Ёш зоологлар”, 8-синфда “Ёш физиологлар” ва 9-11 синфларда “Ёш биологлар” тўгарагини ташкил этиш
Ўкувчилар билан оммавий равиша олиб бориладиган машгулотлар.	Турли мавзулардаги кечалар, байрамлар, маъruzalar, “Ўтқир зехнлилар мушоираси”, викториналар, “Кўкаламзорлаштириш хаftалиги”, “Боғ хаftалиги” “Хосил байрами” ўtkазиш

Айрим ўкувчилар билан олиб бориладиган синфдан ташкари машгулотлар уларнинг хоҳиш, истаги, эҳтиёжи ва қизикишлари хисобга олинган холда биология ўкув хонасида, тирик табиат бурчагида, мактаб тажриба майдонида, информатика хонасида, жамоа ва фермер хўжалиги далаларида ўтказилиши мумкин. Ушбу машгулотлар ўкувчиларнинг кўшимча ўкув адабиётларини ўрганиш, ижодий изланишларини ташкил этиш, синов - тажриба майдонларида муайян мавзулар бўйича кузатиш ва тажрибалар ўtkазиш, маъruzalar ва кўргазмали материалларни тайёрлаш кабиларга багишланади.

Жумладан, ботаникадан айрим ўкувчилар билан ташкил этилайдиган машгулотларда куйидаги масалаларни ўрганиш мумкин.

**БОТАНИКАДАН АЙРИМ ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ТАШКИЛ  
ЭТИЛАДИГАН МАШГУЛОТЛАР**

№	Машгулот мавзуси	Машгулот ўтка-зиладиган жой	Бажарадиган шахс
1.	Биологиядан кўшимча ўқув адабиётлари устида мустакил ишлаш, муайян мавзуларда матн, маъруза тайёрлаш.	Кутубхона, биология ўқув хонаси	Ўқувчилар
2.	ЭҲМнинг таълим берувчи, моделлаштирилган, назорат дастурлари ёрдамида билимларини синаб кўриш, мультимедиалар воситасида ижодий изланишларни ташкил этиш.	Информатика ўқув хонаси	Ўқувчилар
3.	“Доривор ўсимликлар” мультимедиаси воситасида ўқувчиларнинг ижодий изланишларини ташкил этиш.	Информатика ўқув хонаси	Ўқувчилар
4.	Ўзбекистон “Кизил китоби”га киритилган ўсимликларнинг биологиясини ўрганиш.	Биология ўқув хонаси	Ўқувчилар
5.	Турли муддатларда экилган ўсимликларнинг биологиясини ўрганиш.	Мактаб тажриба майдончаси	Ўқувчилар
6.	Иссикхоналарда ўстириладиган манзарали, сабзавот, цитрус ва бошка экинларнинг ўсишини, ривожланишига экологик омилларнинг таъсирини ўрганиш	Мактаб тажриба майдончаси ва иссикхоналар	Ўқувчилар
7.	Ўсимликлар устида кузатиш ва тажрибалар ўтказиш.	Мактаб тажриба майдончаси, тирик табиат бурчаги.	Ўқувчилар
8.	Ўсимликлардан гербарий ва коллекциялар тайёрлаш	Мактаб тажриба майдончаси, биология ўқув хонаси	Ўқитувчи ва ўқувчилар

Ўқувчилар ўзларининг хоҳиш иродаси, кизикишларига мувофик холда, ушбу мавзуларнинг бирини танлаб олади ва ўқитувчи билан ҳамкорликда тузилган режа асосида иш олиб боради. Олиб борилаётган ишлар ва уларнинг натижаларини биология ўқитувчиси назорат килиб боради.

“Одам ва унинг саломатлиги” ўқув фани бўйича айrim ўқувчилар билан олиб бориладиган синфдан ташкири машгулотлар ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини мустаҳкамлаш, уни амалиётга кўллаш, касбга йўллаш, тажриба ва кузатишлар ўтказиш, мантикий, мустакил ва ижодий

фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириша мухим ахамият касб этади.

Ушбу машғулотларда ўкувчиларнинг мустакил ўқишилари учун соғлом турмуш тарзи, турили касалликларнинг келиб чикиш сабаблари, спорт ва жисмоний машқларнинг инсон саломатлигига таъсири хакидаги илмий-оффомбоп нашрлар. “Сиҳат-саломатлик”, “Фан ва турмуш” ва бошқа журнал саҳифаларида чоп этилган маколалар, одам организмининг тузилиши бўйича тайёрланган мультимедиа, инсон саломатлиги энциклопедияларини ўрганиш тавсия этилади.

Ўкувчиларнинг ўз саломатликларини асраш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш максадида муйян мавзуларда кузатишлар ўтказиш тавсия этилади. Жумладан, ўкувчиларга “Спорт ва жисмоний машқларнинг одам органлар системасига таъсирини ўрганиш” бўйича кузатиш ўтказиш тавсия этилади. Кузатиш натижаларини ушбу жадвалга ёзиш ва хулоса чиқариш зарурлиги уқтиради.

## СПОРТ ВА ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАРНИНГ ОДАМ ОРГАНЛАР СИСТЕМАСИГА ТАЪСИРИНИ ЙЎГАНИШ

Органлар системаси	Эрталаб	Нормал холатда	Юурганда		10 кг гантел кўтарганда		Хулоса
			50 м	100м	5мин	10 мин	
Юрак иши (пульс сони)							
Кон босими							
Бир минутда олинган нафас сони							

Ўкувчилар гурухи билан олиб бориладиган синфдан ташкари машғулотларга биология ўкув хонасини жиҳозлаш, табиатга мавзули экскурсиялар ташкил этиш, ўкув жараёни учун зарур бўлган кўргазмали вositаталар тайёрлаш ва “Ёш биологлар” тўгарагининг иши мисол бўлади.

Мазкур тўгаракнинг дидактик максади ўкувчиларнинг ўкув фанларига бўлган кизикишларини ортириш, илмий дунёкарашини кенгайтириш, кўшимча ўкув адабиётлари устида мустакил ишлаш, табиат ва жамиятга нисбатан онгли муносабатни таркиб топтириш, онгли равишида касб танлашга йўллаш, мустакил ва ижодий фикр юритиш, тажриба кўйиш ва кузатишлар ўтказиш кўникмаларини ривожлантириш саналади.

Биологиядан ташкил этиладиган тўгарак умумий ном “Ёш биологлар” деб аталади ва ўкувчиларнинг ўрганаётган ўкув фани, ёшлик ва психологик хусусиятлари, кизикишлари, эҳтиёжлари хисобга олинган холда 5-6 синфларда “Ёш ботаниклар”, 7-синфда “Ёш зоологлар”, 8-синфда “Ёш физиологлар” ва 9-11 синфларда “Ёш биологлар” тўгараги ташкил этилади.

5-6 синф ўқувчилари билан ташкил этиладиган “Ёш ботаниклар” тұғарагида күйидеги масалаларга әзтиборни қартиш тавсия этилади. “Ўзбекистонда ботаника фанининг тараккиёті”, “Улуғ аллома ибн Синонинг доривор ўсимликлар хакидеги фикрларини ўрганиш”, ўсимликларнинг ахамияти ва уларни асраш тұғрисидеги хикматли хикоялар ва хадисларни ўрганиш, хона ўсимликларини таснифлаш, парвариш килиш ва күпайтириш, доривор ўсимликларнинг биологик ва экологик хусусиятларини ўрганиш, Ўзбекистон “Кизил китоби”га киритилгандык ўсимликлар ва х.к.

Күйида “Ёш зоологлар” тұғарагининг намунавий иш режаси берилмокта. Мазкур тұғаракнинг намунавий иш режасини ўқитувчи ўз билими, педагогик маҳоратига таяниб тұлдириши ва ўзгача сайқал бериши, маҳаллий шароит ва ўқувчиларнинг кизиқиши ва эхтиёжини хисобға олиб тегиши ўзгартиришлар киритиши ва амалиётда күллаши мүмкін.

## “ЁШ ЗООЛОГЛАР” ТҰҒАРАГИНИНГ НАМУНАВИЙ ИШ РЕЖАСИ

№	Мавзулар	Үтка-зиш вакти	Үтказиш жойи	Жавоб-гар шахс
1.	Ташкилий масалалар: А) “Ёш зоологлар” тұғарагининг иш режасини мұхокама килиш ва тасдиклаш. Б) тұғарак ташкилий құмитаси ва раисини сыйлаш. В) тұғарак иш режасидан ўрин олган мавзулар бўйича ишлар ва вазифаларни тақсимлаш.	сентябрь	Биология ўқув хонаси	Ўқитувчи
2.	Улуғ аллома ибн Синонинг касаллик тұздырувчи ҳайвонлар хакидеги меросини ўрганиш	октябрь	Биология ўқув хонаси	Ўқитувчи ва тұғарак аъзолари
3.	“Сув томчысидеги хаёт” мавзуси бўйича кечага тайёрларлик кўриш. а) кеча сценарийсини тайёрлаш ва уни мұхокама килиш; г) биология ўқув хонаси ва байрам үтказиладиган жойни безатиш	ноябрь	Биология ўқув хонаси	Ўқитувчи ва тұғарак аъзолари
4.	Хайвонларнинг ахамияти ва уларни асраш бўйича хикматли хикоялар ва хадисларни ўрганиш.	декабрь	Биология ўқув хонаси	Тұғарак аъзолари
5.	Тирик табиат бурчагида ҳайвонларни бокиши, парвариш килиш ва күпайтириш	январь	Тирик табиат бурчаги	Тұғарак аъзолари

6.	Республикамизда зоология фанининг ривожига хисса кўшган олимларнинг ишларини ўрганиш. а) Республикада фаолият кўрсатадиган зоология институти хақида маълумот. б) Ўзбекистоннинг ноёб хайвонларининг биологиясини ўрганиш.	февраль	Биология ўкув хонаси	Тўгарак аъзолари
7.	“Кушлар байрами”ни ўтказишга тайёргарлик кўриш. а) Энг яхши кўргазмали воситалар, деворий газеталар, кўргазмалар танловини ўтказиш; б) маърузалар тайёрлаш; в) байрам сценарийсини тайёрлаш ва уни мухокама килиш; г) биология ўкув хонаси ва байрам ўтказиладиган жойни безатиш.	март	Биология ўкув хонаси	Ўқитувчи ва тўгарак аъзолари
8.	“Ўзбекистонда зоология фани ютуклари ва келажаги” мавзуси бўйича кечага тайёргарлик кўриш. а) Кечага бағишлиланган энг яхши деворий газеталар ва кўргазмалар танловини ўтказиш; б) маърузалар тайёрлаш; в) кеча сценарийсини тайёрлаш ва уни мухокама килиш; г) биология ўкув хонаси ва байрам ўтказиладиган жойни безатиш	апрель	Биология ўкув хонаси	Ўқитувчи ва тўгарак аъзолари
9.	Тўгаракда амалга оширилган ишларни якунлаш ва келгуси режаларни белгилаб олиш.	май	Биология ўкув хонаси	Тўгарак аъзолари

8-синф ўкувчилари билан ўтказиладиган “Ёш физиологлар” тўгарагида хужайра ва тўқималардан микропрепаратлар тайёрлаш, коннинг тузилиши ва хоссалари, юракнинг тузилиши ва иши, Абу Али ибн Синонинг тибиёт фанининг пайдо бўлиши ва ривожланишига кўшган хиссаси, саломатликни асрар бўйича хикматли хикоялар ва ҳадисларни ўрганиш, “Чекмасдан – ёшлик гаштини сур”, “Ўзбекистонда физиология фанининг ривожланиши ва истикболлари” каби мавзуларда кечалар ўтказишга тайёргарлик масалаларини киритиш максадгага мувофик.

Оммавий равиша олиб бориладиган машгулотлар бошқа турдаги машгулотлардан кўп сондаги ўкувчиларнинг иштирок этиши билан фарқланади. Оммавий машгулотлар ўзининг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи функцияси билан ўкувчиларнинг жамоасига ижобий

таъсир кўрсатади. Шу сабабли биология ўқитувчиси оммавий машғулотларни талаб даражасида ташкил этилишига эътиборини қаратиши лозим.

Ботаникани ўқитишида “Гуллар байрами”, “Мехржон байрами”, “Ўсимликлар сўзлайди”, “Биз ибн Сино ворисларимиз”, зоологияни ўқитишида “Кушлар байрами”, “Қанотли дўстларимиз”, “Ўзбекистон баликлари”, “Ҳайвонот оламининг энг кичик ва энг катта вакиллари”, “Ўй пашшаси ва унинг зарари”, “Паразит чувалчанглар”, “Тиниб тинчимас асаларилар”, одам ва унинг саломатлигини ўқитишида турли мавзулардаги кечалар, байрамлар, маърузалар, “Ўткир зеҳниллар мушоиласи”, викториналар ўтказиш, Ўзбекистон Қаҳрамонлари ва олимлари билан учрашувлар ташкил этиш, умумий биологияни ўқитишида, “Ўзбекистон эколог олимларининг фан тараққиётига қўшган хиссалари”, “Ўзбекистонда биотехнология ва генетик инженерия фани ютуклари, келажаги”, “Алломалар назмида экология”, “Орол дарди - олам дарди” мавзулари бўйича кечалар ўтказиш тавсия этилади.

Жумладан, “Алломалар назмида экология” мавзуидаги оммавий кеча куйидаги режа асосида олиб борилади:

Ўқитувчининг кириш сўзи. У ўз сўзида улуғ алломалар Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Сохиб-қирон Амир Темур, Мирзо Улугбек, Захириддин Мухаммад Бобурларнинг бой маънавий мерослари, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган хиссаларини кайд этиб, ўкувчиларни уларнинг муносиб ворислари бўлишга ундаиди ва уларнинг асарларида экологик муаммоларга катта эътибор берилганлиги, бугунги кеча улуғ алломаларнинг экологик қарашларини ўрганишга бағишланишини маълум килади.

1. Абу Райхон Берунийнинг ижодида экология.
2. Абу Али ибн Синонинг экологик қарашлари.
3. Алишер Навоий асарларида экология муаммолари.
4. Сохибқирон Амир Темурнинг экологик дунёқараси.
5. Мирзо Улугбекнинг дунё цивилизациясига қўшган хиссаси.
6. Захириддин Мухаммад Бобурнинг экология фанининг ривожига қўшган хиссаси.

Кечада ўкувчиларнинг юкорида кайд этилган мавзулар бўйича маърузалари эшитилади, адабий-бадиий чиқишилари назарда тутилади.

Жумладан, “Орол дарди-олам дарди” мавзусидаги сюжетли-ролли кечада сюжет табиатдан олинади ва жамиятдаги муносабатлар билан уйғунлаштириллади. Мазкур кечада Орол – “она”, Амударё ва Сирдарё “она”нинг занжирбанд “ўғиллари”, ёмғир, кор, шудринг “она”нинг “кизлари” сиймосини гавдалантиради.

Орол - яъни, “она” ўзининг ўғиллари бўлган Амударё ва Сирдарёнинг дийдорига муштоқ, ўз дардига малхамни улардан кутади ва буни шеърий дард билан ифода этади. Изми ўзида бўлмаган занжирбанд ўғиллар хам она меҳрига зор, лекин ҳар канча харакат килишмасин онанинг хузурига ета олмайди. Табиат инъом этган ёмғир, кор ва шудринг она хузурида бўлсалар

хам унинг дардини ёнгиллата олмайдилар. Она ва фарзанд ўртасидаги меҳр-муҳаббат, мурувват шу тариқа ифода этилади. Ўқитувчи бу кечани ўтказиш учун кўйидагиларни амалга ошириши зарур:

1. Орол муаммоларига оид маълумотларни тўплаши;
2. Дарс сценарийсини ўқувчилар ва адабиёт ўқитувчилари билан хамкорликда тузиши;
3. Роллар ва вазифаларни ўқувчилар ўртасида таксимлаши;
4. Муаммони хал этиш йўлларини белгилаши лозим.

Биология ўқитувчиси мактаб педагогик жамоаси билан мазкур мавзули кечани мазмунли ўтказиши борасида хамкорликда иш олиб бориши, мавзуга тегишли саҳна кўринишлари, адабий-бадиий чиқишларни тайёрлаши, экологияга оид хикматли хикоялар, ривоятлар, хадислар ва маколлар тўплаши, улар асосида кеча сценарийсини тайёрлаши лозим.

“Ўзбекистон эколог олимларининг фан тараккиётига қўшган хиссалари”, “Ўзбекистонда биотехнология ва генетик инженерия фани ютуклари ва келажаги” мавзулардаги мавзули кечаларга илмий-тадқиқот институтлари, уларнинг филиаллари билан хамкорликда иш олиб бориши, фан ривожига хисса қўшган олимларнинг ишлари билан яқиндан танишиши, кечани ўтказиш режасини тузиши ва маъruzalar мавзусини танлаши лозим. Шу билан бирга, кеча мавзусига боғлик холда олимларнинг чоп этган илмий ишлари, ўкув, илмий-оммабоп адабиётларнинг кўргазмаси, мустакиллик даврида кўлга киритилган ютуклар ва истикболдаги режалар акс эттирилган деворий газеталар, кечада иштирок этадиган олимларнинг хаёт фаолияти ва фан ривожига қўшган хиссалари хақида маъruzalar тайёрланишига эътиборни каратиши зарур.

Оммавий равиша олиб бориладиган машгулотлар биологияни ўқитиш самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг илмий дунёкараши, фикр юритиш доирасини кенгайтириш, кизиқишлари, мустакиллиги, нутқ ва мулокот маданиятий, ўкув ва амалий меҳнат кўнималарини ривожлантириш, ўқувчи ёшлар онги ва қалбига миллий истиклол гояларини сингдириш, уларни Ватан ва мустакиллик принципларига садоқат, миллий ва умуминсоний кадриятларга хурмат руҳида тарбиялашга замин яратади.

Хулоса килиб айтганда, биология ўқитишнинг самарадорлиги дарс, дарсдан ва синфдан ташқари ишлар, экскурсияларни узвий равиша, улар ўртасидаги мантикий боғланишларни эътиборга олган холда ташкил этилишига боғлик бўлади.

### **Талабаларнинг ўз-ўзинни назорат килиш саволлари**

1. Синфдан ташкари машгулотларнинг дидактик максади, вазифаларини аникланг.
2. Синфдан ташкари машгулотларнинг қандай турлари мавжуд?
3. Айрим ўқувчилар билан олиб бориладиган синфдан ташкари машгулотларнинг мазмуни ва моҳиятини ўрганинг.

4. Биологик тұғараларнинг дидактик мәксади ва вазифаларини үрганинг. “Еш физиологлар” тұғарыгининг намунашының иш режасини түзинг.

5. Оммавий равишида олиб бориладиган синфдан ташкари машгулоттарнинг мазмуны, үтказиладиган көчаларни аникланг.

6. Үзингиз танлаган мавзу бүйічә үтказиладиган кечанинг сценарийсінні лойихаланг.

## **8.6. БИОЛОГИЯДАН ФАКУЛЬТАТИВ МАШГУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

1. Биологиядан үтказиладиган факультатив машгулоттарнинг дидактик мәксади ва вазифалари.

2. Факультатив машгулоттарнинг мазмуны ва мөхияти.

3. “Үсимликлар хаёти” факультатив машгулотининг мазмуны ва үтказиш юзасидан тавсиялар.

### **Асосий түшүнча ва таянч сүзләр**

Биологиядан үтказиладиган факультатив машгулоттар, үкувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш.

Узлуксиз таълим тизимида биологиядан үкувчиларнинг фан асосларини мустахкам ва чукур үзлаштиришга бўлган кизикишлари ва эҳтиёжларини ривожлантириш, үзлаштирилган билимларни амалиётда кўллаш, касбга йўналтиришни амалга ошириш, тажриба кўшиш ва кузатиш үтказиш, кўшимча адабиётлар устида мустакил ишлаш кўнкимларини шакллантириш, табиатга нисбатан онгли муносабатни тарқиб топтириш максадида ўқитиш жараённинг янги шакли факультатив машгулотлар ташкил этилади.

Факультатив машгулотлар камида 34 соатга мўлжалланган бўлиб, ўкув йили давомида хафтасига 1 соат ёки ярим йилда хафтасига 2 соатга мўлжалланган бўлиб, мазкур машгулотлар дарсгача ёки дарсдан кейин үтказилади.

Биология ўқитувчиси факультатив машгулоттарнинг гурухларини ўкувчиларнинг хоҳиш-истаги асосида бир синф ёки параллел синф ўкувчиларидан тузади, гурухларда ўкувчилар сони 10 тадан кам бўлмаслиги керак.

Факультатив машгулотлар учун ўкув соатлари харакатдаги ўкув режадаги мактаб ихтиёрига берилган соатлар хисобидан ажратиласди.

Факультатив машгулоттарнинг самарадорлигини ошириш учун ўқитувчи ўкувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштирадиган, мантикий, мустакил ва ижодий фикр юритиш кўнкимларини ривожлантиришга имкон берадиган ўқитиш методлари, воситалари ва шаклларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Факультатив машгулотларла ўкувчиларнинг мустакил ва ижодий ишларига кенг ўрин бериш баробарида маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машгулотлари, экскурсиялардан фойдаланилади.

Факультатив машгулотларнинг дидактик максади:

Биология фанининг турли соҳалари бўйича ўқувчиларнинг билимларини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, биологияни ўрганишга бўлган кизиқишиларини ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимининг кейинги турларида ўқиши давом эттириш учун танлашга ёрдам бериш;

Ўқувчиларнинг дунёкарашини кенгайтириш, табиатнинг моддий бирлигини унинг яхлитлигини илмий тасаввур килиш, табиатда содир бўлаётган воеа ва ходисаларнинг табиий-илмий сабабларини билиш, сабаб-оқибат боғланишларини тушунишга имкон яратиш;

Ўсимликларни парвариш килиш ва ҳайвонларни боқишининг илмий асосларига зътиборни каратиш, ўқувчиларни мавсумий дала ишларига, мактаб тажриба ер майдончаларида, боф ва полиз экинлари майдонларидаги ишларга жалб этиш оркали уларнинг касб танлашига, жумладан, кишлок хўжалик, медицина, ветеринария ва х.к. каби ихтисосликлар билан танишишига шароит яратиш;

Ўқувчиларнинг экологик маданиятини такомиллаштириш, табиатга нисбатан онгли ва омилкорона муносабатини таркиб топтириш;

Ўқувчиларнинг ўз организми, соглигини асраш, профилактика чоратабдирлари, врач келгунча биринчи ёрдам кўрсатиш, саноат корхоналари ва кишлок хўжалиги ишлаб чикиришидаги хавфсизлик чора-тадбирлари, ишни илмий асосда ташкил этиш хакидаги билимларини кенгайтириш;

Ўқувчиларнинг гигиеник таълим-тарбиясини амалга ошириш, гиподинамия (кам харакат килиш), чекиш, алкоголь, нотўғри овқатланиш, кун тартибига амал кильмасликнинг зарарини тушунишига ёрдам бериш;

Ўқувчиларда шаркона одоб-ахлоқ, инсоний фазилатларни шакллантириш, улар онги ва калбига миллий истикклол ғояларини сингдириш, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат, Она-Ватанга садокат руҳида тарбиялаш саналади.

Умумий ўрта таълим мактабларида биологиядан куйидаги факультатив машгулотлар ташкил этиш тавсия этилади

№	Факультатив машгулотлар	Соатлар	синифлар
1.	Ўсимликлар хаёти	34	VI синф
2.	Ҳайвонлар хаёти	34	VII синф
3.	Одам физиологияси	68	VIII синф
4.	Экология асослари ва табиатни муҳофаза килиш .	34	VIII синф
5.	Олий нерв фаолияти физиологияси	34	VIII синф
6.	Кишлок хўжалиги ҳайвонлари физиологияси ва зоотехника асослари	34	IX синф
7.	Умумий биология	68	IX синф
8.	Генетика ва селекция асослари	68	IX синф

Факультатив машгулотларнинг хилма-хиллиги ўкувчиларнинг кизикиши ва эҳтиёжларини тўларок кондириш, биология фанининг энг истиқболли йўналишлари, биологиянинг илмий-тадқикот методлари билан таништириш, биологияга доир билимларни амалиётга кўллаш ва маҳаллий шароитнинг кадрларга бўлган эҳтиёжларини коплаш имконини беради.

Кўйида VI-синфлар учун мўлжалланган “Ўсимликлар хаёти” факультатив машгулотининг мазмуни берилади.

“Ўсимликлар хаёти” факультатив машгулоти курсини ўрганиш ўкувчиларни ўсимликларнинг хаётий жараёнлари, ёввойи ва маданий вакилларнинг хилма-хиллиги, инсон хаёти ва табиатдаги аҳамияти билан таништириш, табиий биогеоценозлардаги ўзаро алокалар хакидаги билимларни чукурлаштиришга имкон беради.

Ўсимликларнинг тарихий ривожланиши, ўсимлик организмининг ҳужайравий тузилиши ва ҳаётий жараёнларнинг моддий асослари хакидаги билимлар ўкувчиларнинг илмий дунёкарашини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат килади.

Ўсимликларнинг табиатдаги ва инсон ҳаётидаги аҳамияти, инсон фаолиятининг ўсимликларнинг алоҳида турларига ва табиий гурухларнинг яшаш мухитига таъсирини ўрганиш ўкувчиларни табиатга маъсуллият билан муносабатда бўлиш, уларга экологик, иқтисодий, эстетик, ахлоқий тарбия бериш имконини яратади.

Ўсимликларни экиш, парвариш қилиш ва кўпайтиришнинг илмий асослари хакидаги билимларни кенгайтириш ўкувчиларнинг касб таълимига, меҳнат ва иқтисодий тарбиясини амалга оширишга ёрдам беради.

Курс давомида олиб борилган машгулотлар ўкувчиларнинг нафакат биологик билим, кўникма ва малакалари, балки кузатиш ва тажриба ўтказиш, амалий ва ўкув меҳнати кўникмаларининг ривожлантиришга замин яратади.

Курснинг мазмуни ўқитишнинг турли шакл ва методлари: маъруза, лаборатория машгулотлари, экспурсия, кузатиш ўтказиш, тажриба кўйиш, амалий ишлар, ўкув тажриба ер майдонида ижтимоий-фойдали меҳнатдан ўз ўрнида самарали фойдаланишни талаб этади.

Шунингдек, ушбу курсни ўтказишда ўкувчиларнинг табиатшунослик, география ва 5-синфда ботаникадан олинган билимлари асос бўлиб хизмат қилиши, фанлараро ва мавзулараро боғланышларни амалга ошириш ўқитувчининг диккат марказида бўлмоғи лозим.

Умумий ўрта таълим мактаблариининг 6-синф ўкувчилари учун мўлжалланган “Ўсимликлар хаёти” факультатив машгулотини ўтказиш 34 соатга мўлжалланган бўлиб, шундан “Кириш” мавзусига 2 соат, “Ўсимликларнинг тузилиши ва ҳаёт фаолияти” мавзуси ўсимлик ҳужайраси ва тўқималарининг тузилиши ва ҳаёт фаолияти, озикланиш, ўсимликларнинг нафас олиши, ўсимликларда моддаларнинг ҳаракатланиши, ўспиши, ривожланиши ва кўпайипши каби масалаларни камраб олган бўлиб, уларни ўрганишга 20 соат. “Ўсимликларнинг хилма-хиллиги. Уларнинг яшаш мухитига мослашганлиги” мавзуси ўсимликлар оламининг хилма-хиллиги, табиий гурухларда ўсимлик-

ларнинг хаёти каби масалаларни мужассамлаштириб уни ўрганишга 12 соат вакт ажратилган.

Ушбу мавзуларни машгулотларга куйидагича таксимлаш тавсия этилади.

### “Ўсимликлар хаёти” факультатив машғулотининг намунавий режаси

Маш- гулот №	Мавзу	Лаборатория машғулоти
1.	I. Кириш (2 соат, шундан 1соат экскурсия)	
2.	I-экскурсия. Ўсимликлар хаётида куз.  II. Ўсимликларнинг тузилиши ва хаёт фаолияти (20 соат). Ўсимликлар хужайраси ва тўқималарининг тузилиши ва хаёт фаолияти (4 соат)	
3.	Ўсимликларнинг хужайравий тузилиши, унинг хайвонлар хужайрасидан фарки.	1-лаборатория иши. Ўсимлик хужайра ва тўқималарини микроскопда кўриш.
4.	Ўсимлик хужайрасининг кимёвий таркиби. Фитоцидлар.	
5.	Цитоплазманинг харакати	2-лаборатория иши. Цитоплазманинг харакати.
6.	Хужайранинг ўсиши ва бўлиниши  Ўсимликларнинг озикланиши (5 соат)	3-лаборатория иши. Пиёз илдизасидан тайёрланган препаратдан хужайранинг бўлиниш фазаларини кўриш.
7.	Ўсимликлар озикланишининг хусусиятлари ва унинг ахамияти	4-лаборатория иши. Ўсимликлар қулининг кимёвий таркибини аниклаш.
8.	Ўсимликларни тупроксиз ўстириш. Гидропоника.	
9.	Фотосинтез. Фотосинтезнинг табиатдаги ва халк хўжалигидаги ахамияти. Исикхоналарда фотосинтез жараёни интенсивигини тартибга солиш.	5-лаборатория иши. Пигментларнинг спиртли сўримини олиш ва уни ажратиш. 6-лаборатория иши. Хлорофиллнинг спиртли сўримини тайёрлаш. 7-лаборатория иши. Ўсимлик баргига краҳчал хосил бўлишини ўрганиш.

10.	Минерал моддаларнинг ўсимликлар хаётидаги ролини аниклаш.	
11.	2-экскурсия. Иссиикхоналарда ўсимликларни ўстириш. Ўсимликларнинг нафас олиши (3 соат)	
12.	Ўсимликларнинг нафас олиши ва унинг аҳамияти	
13.	Ҳавонинг ифлосланишига карши кураш чоралари.	
14.	Уруғ ва сабзавотларни саклашнинг илмий асослари. Ўсимликларда моддаларнинг харакатланиши (4 соат)	
15.	Ўсимликларда сув ва минерал моддаларнинг харакатланиши	
16.	Юксак ўсимликларда ўтказувчи системанинг ривожланиши.	
17.	Органик моддалар, уларнинг ўсимлик хаётидаги аҳамияти.	8-лаборатория иши. Ўсимликларнинг турли органларида органик моддаларни топиш.
18.	Уруғ, мева ва илдизмеваларда органик моддаларнинг захира холда тўпланиши.  Ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва кўпайиши. (4 соат)	9-лаборатория иши. Ўсимликлардаги оксил, мой, углеводларни аниклаш.
19.	Ўсимликларнинг вегетатив органларининг ўсиши. Ўсимликларнинг ўсишини аниклаш методлари	10-лаборатория иши. Илдизлар геотропизмини кузатиш. 11-лаборатория иши. Фототропик эгиликлар.
20.	Ўсимликларнинг ривожланиши. Онтогенез босқичлари	
21.	1-амалий иш. Ўсимликларни кўчириб ўтказишни ўрганиш.	
22.	2-амалий иш. Хона ўсимликларини хар-хил усуlda кўпайтириш.	
	III. Ўсимликларнинг хилма-хиллиги ва яшаш муҳитига мослашганлиги. (12 соат) Ўсимликлар оламининг хилма-хиллиги. (6 соат)	
23.	Ўсимликлар классификацияси	

24.	Турларни хилма-хиллиги ва яшаш мухитига мослашганлиги.	
25.	Ўсимликлар турининг хилма-хиллиги ва яшаш мухитига инсон фаолиятининг таъсири.	
26.	Маданий ўсимликларнинг хилма-хиллиги.	
27.	Хар хил табиий зоналарда, турли экологик шароитда ўсадиган ўсимликлар турлари ва маданий ўсимлик навлари.	
28.	Гулли ўсимликларнинг хилма-хиллиги	12-лаборатория иши. Хар хил оиласарга мансуб ўсимликларни аниклаш.
	Табиий гурухларда ўсимликларнинг хаёти. (6 соат)	
29.	Табиий гурухларда ўсимликлар, хайвонлар, замбуруғлар ва бактериялар хайвонларнинг ўзаро боғлиқлиги	
30.	Табиий гурухларда ўсимликларнинг хилма-хиллиги.	
31.	Ўсимликлар, хайвонлар, замбуруғлар ва бактерияларнинг биргаликда яшашига мослашганлиги	
32.	Инсон фаолиятининг гурухлардаги ўсимликлар турининг хилма-хиллигига таъсири.	
33.	Ўсимликларнинг яшаш мухити ва табиий биоценозларни мухофаза килиш. “Қызыл китоб”	
34.	3-амалий иш. Табиий гурухлардаги озиқ занжирини тузиш.	

Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларида биологиядан куйидаги факультатив машгулотлар ташкил этиш тавсия этилади.

N	Факультатив машгулотлар	Соатлар	Босқичлар
1.	Органик олам эволюцияси	68	I-курс
2.	Генетика ва селекция асослари	68	I-курс
3.	Молекуляр биология	68	I-курс
4.	Биотехнология асослари	68	I-курс

Ўқитувчи мазкур факультатив машгулотлар учун ўқув материалини саралаши ва улардан ўз ўрнида фойдаланиш йўлларини белгилаши лозим.

Хулоса килиб айтганды, факультатив машгулотлар биологияни ўқитишнинг зарурый шакли бўлиб, юкорила кайд этилган дидактик максадларни амалга оширишга хизмат килади.

### **Талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш саволлари**

- \*1.Биологиядан ўтказиладиган факультатив машгулотларниң дидактик максади ва вазифаларини аникланг.
- 2.Факультатив машгулотларнинг мазмуни ва моҳиятини ўрганинг.
- 3.“Ўсимликлар хаёти” факультатив машгулотининг мазмунидаги лаборатория, амалий машгулотлар ва экскурсияларни аникланг.
- 4.Лаборатория, амалий машгулотлар ва экскурсияларни ўтказиш юзасидан тавсиялар тайёрланг.
- 5.“Генетика ва селекция асослари” факультатив машгулотининг намунавий иш режасини тузинг.

## **8.7. БИОЛОГИЯДАН ЙИЛЛИК ИСТИҚБОЛ ВА МАВЗУЛИ РЕЖА ТУЗИШ ЙЎЛЛАРИ**

- 1.Биологиядан йиллик истиқбол ва мавзули-таквим режа тузишнинг аҳамияти.
- 2.Ўкув дастуридаги дастуридаги боблар ва мавзулар ўкувчиларда биологик тушунчаларни шакллантириш тизими эканлиги.
- 3.Биологиядан лаборатория ва амалий машгулотларнинг максади, вазифалари, таълим-тарбия жараённада тутган ўрни.

Маълумки, умумий ўрта таълим мактабларинда биологияни ўқитишнинг асосий шакли дарс саналади. Дарсда ўкув фани юзасидан асосий ўкув материали ўрганилади, лекин дарс ўқитишнинг бошка шакллари бўлган дарсдан ташқари ишлар, синфдан ташқари машгулотлар ва экскурсиялар билан узвий боғлик. Дарсдан ташқари ишлар масалан, табиатда, уйда ва тирик табиат бурчагида олиб борилган кузатишлар ва ўтказилган тажрибалар натижалари, экскурсияда тайёрланган гербарийлар ва коллекциялардан дарсда фойдаланилади. Синфдан ташқари машгулотлар ўкувчиларнинг биология ўкув фанларидан ўзлаштирган билим ва кўнимкамларини мустахкамлашга, кенгайтиришга, ривожлантиришга, касбга онгли равиша йўллашга хизмат килади.

Демак, биологияни ўқитишда дарс, дарсдан ташқари ва синфдан ташқари машгулотлар, экскурсиялардан ўз ўрнида режали ва самарали ташкил этилиши, яъни ўқитишга тизимли ёндошувни амалга ошириш лозим.

Ўқитувчи ушбу машгулотларни бир-бири билан узвий равиша ташкил этиш асосида биологик таълим самарадорлигига эришиш, ўкувчиларда илмий дунёкарошни шакллантириш, умумбиологик ва хусусий тушунчалар

хамда ўкув-амалий кўникмаларни изчил равишда таркиб топтириш, мантикий фикр юритишига ўргатишни назарда тутади.

Биологияни ўқитишида тизимли ёндошувни амалга ошириш учун ўқитувчи ўкув йили бошида истикбол режа тузиши лозим. Мазкур режа биологияни ўқитишининг барча шаклларини узвий равишда камраб олиши, ўкув дастуридан ўрин олган боблар ва мавзулар бўйича дарслар тизими, ўкув ийлидаги чораклар ва таътиллар хисобга олинган ҳолда ўтказиш муддатлари, фанлараро боғланишлар, экскурсиялар, дарсдан ва синфдан ташқари ишлар акс этади.

Биология ўқитувчи истикбол режа тузиши учун:

Ўкув дастуридаги хар бир бобнинг дидактик максадини, шунингдек, бобдаги мавзуларнинг таълими, тарбиявий ва ривожлантирувчи максадларини аник тасаввур килиши;

Мавзуларни ўқитишида йил фасллари, мавзунинг таълими, тарбиявий ва ривожлантирувчи максадлари, ўкувчиларда шакллантириладиган биологик тушунчалар, таркиб топтириладиган кўникмаларни хисобга олган ҳолда ўқитиш методлари, кўргазма воситаларини танлаши.

Ўкувчилар томонидан ўтказиладиган кузатиш ва тажрибаларнинг мазмuni ва муддатларини аниглаши;

Дарсда намойиш этиладиган тажрибаларни аввалдан тайёрлаш муддатларини белгилаши;

Хар бир дарсда таълим-тарбиянинг узвийлиги, боблар, мавзулар ва фанлараро боғланишларни амалга ошириш йўлларини белгилаши;

Ўкувчиларнинг мустакил ишлари учун дидактик ва тарқатма материалларни тайёрлаш, мустакил ўкиш учун кўшимча адабиётларни танлаши;

Амалий ва лаборатория машгулотлари, экскурсияларни ташкил этиш учун зарур бўладиган лаборатория жихозлари ва асбобларини аниглаши лозим.

Хулоса килиб айтганда, ўқитувчи истикбол режада ўқитиш жараёнининг яхлитлигини назарда тутиши, ўз педагогик фаолиятини шу режа асосида ташкил этиши, унда ўқитишининг барча шаклларининг узвийлигини таъминлаган ҳолда уларни ўтказиш муддатлари кўрсатилган бўлади.

Ўкув йили учун тузилган истикбол режа катъий эмас, унга йил давомида муайян холатларни хисобга олган ҳолда тегишли ўзгартиришлар киритиш, экскурсия ва синфдан ташқари ишларни ташкил этиш ва ўтказиш муддатлари ўзгартирилиши мумкин.

Биологияни ўқитишида фойдаланиладиган истикбол режани тузиш учун куйидаги жадвал намуна сифатида берилмоқда.

Боблар ва мавзулар	Соат	Муддат	Фанлараро боғланиш	Экскурсия	Синфдан ташқари ишлар
—	—	—	—	—	—

Ўқитувчи истикбол режага асосланиб ўқитишни ташкил этиш учун мавзули-таквим режа тузади. Мазкур режани тузишда:

Хар бир ўкув фани дастури мазмун ва моҳиятига кўра изчилликда жойлашган боблардан иборат эканлиги;

Дастурдан ўрин олган хар бир боб мантикий жихатдан бир-бирига узвий боғлиқ бўлган ўкув материалларини бирлаштириши;

Хар бир боб мантикий жихатдан узвий боғланган дарслар тизимидан иборат эканлиги;

Хар бир мавзу мазмунига кўра, ўкувчиларда муайян биологик тушунчаларни шакллантириш ва кўникмаларни таркиб топтиришга замин тайёрлашини назарда тутиши лозим.

Маълумки, биологияни ўқитишда мавзу матнида устунлик килувчи тушунчаларга кўра, морфологик, анатомик, физиологик, систематик, гигиеник, экологик, эмбриологик, цитологик ва х.к. мазмундаги дарсларга ажратилади. Дарсларнинг бундай гурухларга ажратилиши ўкувчиларда тушунчаларни шакллантириш ва кўникмаларни таркиб топтириш жаёёнини ўйғуллаштириш ва уларни узвий равиша ривожлантириш имконини беради.

Дарс мазмуни таркибидаги тушунча ва кўникмаларни ўкувчилар томонидан мустаҳкам ўзлаштиришлари учун ўқитувчи кўргазма воситалари ва ўқитиш методларини танлайди.

Морфологик, анатомик, систематик тушунчалар (табиий обьектларни аниклаш, уларнинг органларини ажратиш, микропрепаратларни микроскоп ёрдамида кўриш, ўсимлик ва ҳайвонларни кайси систематик гурухга мансублигини аниклаш ва х.к.) асосан, лаборатория жиҳозлари, кўргазма ва тарқатма материалларни, методлардан амалий методларни, физиологик ва экологик мазмундаги дарслар тажриба ва кузатишлар ўтказиш, кўргазма воситалари, кинофильм, видеофильм, мультимедиаларни намойиш килишини методлардан кўргазмали методларни, мавзулар бўйича умумлашган, умумбиологик тушунчаларни ривожлантиришга мўлжалланган мавзулар мантикий метод (таккослаш, ўхашлик ва фарқларни аниклаш, умумлаштириш ва хулоса чиқариш ва х.к.) ларни такоза этади.

Хар бир боб якунида ўтказиладиган умумлаштирувчи дарсларда, дарснинг таълимиy, тарбиявий ва ривожлантирувчи максадларига мос ҳолда муайян кўргазма воситалари ва методлардан фойдаланилади. Биология дарсларида тасвирий кўргазма воситалари билан бир каторда табиий обьектлардан фойдаланиш максадга мувофиқ, шу сабабли ўқитувчи узок вақт давом этадиган кузатиш ва тажрибалар учун зарур бўлган муддатларни хисобга олган ҳолда ўз вактида масалан, “Баргда органик моддаларнинг хосил бўлиши”ни ўрганиш тажрибаси ўн кун аввал, “Уруғларнинг униб чикиш шарт-шароитлари” тажрибаси, инфузория-туфелькаси культураси бир хафта олдин тайёрлаш лозимлиги хисобга олиниши зарур.

Шундай килиб, мавзули режа ўкув фани бўйича дарсларнинг тизимини, мазмуннинг мантикий ривожланиши, методларнинг турлари, кўргазма воситалари, дарсдан ташқари ишлар, ўкувчиларнинг мустақил тахсилини ўз

ичига олади. Бундан ташкари ўқитувчи мавзу бўйича ўқувчилар томонидан бажариладиган уй вазифалари, дарсдан ташкари ишларнинг мазмуни ва характеристи, мустакил ўқиш учун кўшимча адабиётларни аниклаши зарур.

Ўқитувчи ҳар бир бобда тушунча ва ўқув-амалий кўниммаларни ривожлантириш изчиллигини, шунингдек, таълим-тарбиянинг узвийлигини амалга ошириш йўлларини белгилайди, зарур холларда мавзули тақвим режага тегишли ўзгартеришлар киритади.

Куйида ботаникадан “Поя” боби” бўйича тузилган мавзули режани намуна сифатида тавсия этилади.

Дарс №	Дарснинг мавзуси, асосий тушунчалар	Фойдаланиладиган технология	Кўргазма воситалари	Дарсдан ташкари ишлар	Мустакил таълим
18	Поя.Новда.(мор фологик тушунчалар)	Модулли таълим технологияси	Ёввойи, маданий ўсимликлар гер. вегетатив ва генератив новдалар жадвали	Дараҳт, ўт ўсимликлар поясини тақкослаш	
19	Куртак (анатомик, морфологик, экологик, генетик тушунчалар)	Хамкорлик да ўқитиш технологияси	Куртакли новдалар, гербарий ва жадваллар	Вегетатив, генератив, учки ва ён новдаларни тақкослаш	
20	Пояларнинг хилма-хиллиги (морфологик, анатомик тушунчалар)	Хамкорлик да ўқитиш технологияси	Пояларнинг хилма-хиллиги акс этган гер, жад.	Ўсимлик поясининг хили, шакли ўзгарган новдаларни аниклаш.	
21	Поянинг ички тузилиши (анатомик, цитологик, экологик тушунчалар)	Анъанавий таълим технологияси	Ёгоч поянинг ички тузилиши жад. “Поянинг тузилиши” ўкув к/ф	Дарсликда берилган топширикларни бажариш	
22	Поянинг бўйича ўсиши. (анатомик, морфологик, экологик, цитологик тушунчалар)	Анъанавий таълим технологияси	Хона ўсимликлари, гербарий ва жадваллар	Поянинг учки ва ён ўшиш нуктасини топиш, тез ва секин ўсадиган ўсимликларни кузатиш	

23	Поянинг энига ўсиши. (анатомик, морфологик, экологик, цитологик) тушунчалар)	Анъанавий таълим технологияси	Поянинг эни ва бўйига кесиги, поянинг тузилиши жад.	Ўсимлика рининг нисбий ва мутлок ёшини, йил халкала-рини аниклаш.
24	Пояда озик моддаларнинг харакатланиши. (анатомик, морфологик, экологик, цитологик)	Анъанавий таълим технологияси	Картошка тугунахи, пиёз, йод эритмаси, гербариев жадваллар	Пиёзбош, тугунак, илдизпояларни таккослаш ва вазифаларини аниклаш

Биология ўкув дастурида ўкувчиликнинг ўзлаштирган билимларини мустахкамлаш, уларни амалиётга кўллаш орқали биологик, амалий ва ўкув меҳнати кўнгималарини таркиб топтириш максадида лаборатория машгулотлари кирилтган. Қуйида, “Одам ва унинг саломатлиги” ўкув фани дастурдан ўрин олган лаборатория машгулотларидан намуналар берилмоқда.

### Одам ва унинг саломатлиги” ўкув фани дастурдан ўрин олган лаборатория машгулотлари

Боб	Мавзу	Лаборатория машгулоти
Одам организмининг умумий обзори	Тўқималар. Эпителиал, биректирувчи, мускул ва нерв тўқималари	1-лаборатория машгулоти. Тўқималарнинг тузилиши: эпителиал, биректирувчи, мускул ва нерв тўқималари
Таянч-харакатланиш системаси	Мускуллар ва уларнинг функцияси.	2-лаборатория машгулоти. 1.Мускулларнинг динамик ва статик ишини кузатиш. 2.Таянч - харакат системаси шикастланганда биринчи ёрдам кўрсатиш
Кон	Коннинг элементлари	3-лаборатория машгулоти. Коннинг шаклини элементларини ўрганиш

Ўқитувчи лаборатория машғулотларини талаб даражасида ўтказиш учун:

1. Лаборатория машғулотларининг дидактик мақсадини аниклаши;
2. Лаборатория машғулоти учун зарур бўладиган жиҳозларни тайёрлаши;
3. Лаборатория машғулотида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш йўлларини белгилаши ва шу асосда машғулотнинг боришини лойихалаши;
4. Ўқувчиларнинг тажриба ва кузатиш ўтказиш жараёнида зарур бўладиган топшириклар учун кўрсатмалар тайёрлаши;
5. Лаборатория машғулоти топшириклари бўйича ўқувчилар томонидан тайёрланадиган ахборотни расмийлаштириш йўлларини аниклаши;
6. Лаборатория машғулотининг бориши ва олинган натижаларни тахлил килиши, зарур холларда тегишли ўзгартиришлар киритиши лозим.

Биология ўкув дастуридан ўқувчиларнинг ўкув ва амалий меҳнат кўникмаларини ривожлантириш мақсадида амалий машғулотлар ҳам ўрин олган.

Ўқитувчи мазкур амалий машғулотларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида кўйидагиларга эътиборини қартиши лозим:

1. Ўкув дастуридан ўрин олган амалий машғулотларни истикбол ва тақвим-мавзули режадаги ва таълим-тарбия жараёнида тутган ўрнини аниклаши;
2. Амалий машғулотларининг дидактик мақсадини аниклаши;
3. Амалий машғулотини ўтказиш учун зарур бўладиган жиҳозларни тайёрлаши;
4. Амалий машғулотда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш йўлларини белгилаши ва шу асосда машғулотнинг боришини лойихалаши;
5. Ўқувчиларнинг тажриба ва кузатиш ўтказиш жараёнида зарур бўладиган топшириклар учун кўрсатмалар тайёрлаши;
6. Амалий машғулотнинг бориши ва олинган натижаларни тахлил килиши, зарур холларда тегишли ўзгартиришлар киритиши лозим.

Хулоса килиб айтганда, биология ўқитувчиси ўкув йили бошида ўкув фанини ўқитишини режали ва тизимли амалга ошириш мақсадида истикбол режа тузиши, унда фанлараро боғланишлар, экспурсия ва синфдан ташкари ишларни белгилаши, шу асосда мавзуули-тақвим режа тузиши зарур. Мазкур мавзуули-тақвим режада дарс, дарсдан ташкари ишлар, лаборатория ва амалий машғулотларни белгилаши, дарс ва машғулотларни талаб даражасида ташкил этилиши ва ўтказишига эришиши лозим.

### **Талабаларнинг ўз-ўзини назорат килиш саволлари**

1. Биологиядан йиллик истикбол режа тузишнинг аҳамиятини аникланг.

2. Мазкур режани тузишда ўқитувчи нималарни назарда тутиши лозим?
3. Биологиядан мавзули-таквим режа тузишнинг моҳиятини аникланг.
4. Мавзули-таквим режа тузишда ўқитувчи нималарга эътиборини каратиши зарур деб хисоблайсиз?
5. Ўкув дастуридаги дастуридаги боблар ва мавзулар ўқувчиларда биологик тушунчаларни шакллантириш тизими эканлигини аникланг.
6. Биологиядан лаборатория ва амалий машғулотларнинг максади, вазифалари, таълим-тарбия жараённида тутган ўрнини белгиланг.
7. Биология ўкув фанларининг дастурларини тахлил килинг ва истиқбол, мавзули-таквим режа тузинг.

## **8.8. ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИДА БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

1. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида биологик таълим мазмуни.
2. Биологиядан давлат таълим стандартларининг тахлили.
3. Биологияни ўқитиша касбий йўналтирилганлик.
4. Биологияни ўқитиша тизимли ёндошувни амалга ошириш.

### **Асосий тушунча ва таянч сўзлар**

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг йўналишлари, биологик таълим мазмунининг таркибий кисмлари, биологиядан давлат таълим стандартларининг таркибий кисмлари, умумбиологик, гносеологик, касбий йўналтирилганликни амалга оширувчи тушунчалар, амалий ва ўкув меҳнати кўнімлари, биологияни ўқитиша тизимли ёндошув, дарс турлари.

Узлуксиз таълим тизимининг мустакил тури бўлган ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида биологияни умумтаълим фани сифатида ўқитиш ягона ўкув дастури асосида ташкил этилса-да у икки йўналишда амалга оширилади.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал кобилиятларини жадал ўстириш, уларнинг чукур, табакалаштирилган билим олишларини таъминлайдиган муассаса эканлигини хисобга олган холда, биологияни ўқитиша илмий-назарий масалаларга кенг ўрин бериш, ўқувчиларнинг чукур ўзлаштираётган фани билан фанлараро боғланишларни амалга ошириш, уларнинг кизиқишлири ва эҳтиёжлари, мустакил, ижодий ва мантиқий фикр юритиш, тажриба кўйиш ва кузатиш кўнімларини ривожлантириш, илмий дунёкарашини кенгайтириш масалаларига эътиборни каратиш, илмий-тадқикот институтларida олиб борилаётган илмий изланишлар мазмуни ва натижалари, биолог олимларнинг хаёти, уларнинг фан ривожига кўшган хиссалари билан таништириш, учрашувлар ташкил этиш тавсия этилади.

Касб-хунар коллежларининг ўкувчилари танлаган касблари бўйича ихтинослик олишларини назарда тутган ҳолда биологияни ўқитиша кўпроқ амалий масалаларга, айниска кишлок хўжалик, тиббиёт, ўрмончилик, баликчилик, озик-овкат, енгил саноат, ҳамда ҳалқ хўжалигининг бошка соҳаларида биологиянинг тутган ўрнига ахамият каратилади. Ўкув юртининг ихтинослигига боғлик ҳолда жамоа, фермер, ўрмончилик хўжаликлари ва тиббиёт муассасаларига экскурсиялар ўюштириш, табиатни муҳофаза килишининг назарий ва амалий масалаларига эътиборни каратиш лозим.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида биологик таълим мазмуни давлат таълим стандартлари билан мөъёрланган, шу асосда ўкув дастури тайёрланган ва унга мувофик ҳолда дарсленинг янги авлоди яратилган.

Биология дарслигига ўкувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштирадиган, мустакил ишлаши ва ижодий фикр юритиш, ўзлаштирган билимларини назорат килиши ва ўз-ўзини баҳолаш, мантикий фикр юритиш операцияларини бажариш натижасида биологик билимларни онгли ўзлаштириш кўникмаларини эгаллашларига замин тайёрланган.

Ўқитувчи биологик таълим самарадорлигига эришиш ва ўкувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариши учун таълим мазмунининг таркибий кисмлари ва уларни ўкувчилар томонидан ўзлаштириш усулларини билиши лозим.

Таълим мазмунининг таркибий кисми бўлган билимлар ўкувчилар томонидан ўкув материалини сезги органлари орқали қабул килиш, тасаввур килиш, абстракт фикр юритиш, ўрганилган мътълумотларни ёдда саклаш, билимларни таниш одатий ва янги кутилмаган вазиятларда қўллаш босқичлари ёрдамида ўзлаштирилади.

Ўкувчиларда фаолият турлари - кўникма ва малакаларни шакллантириш кўникма таркибига кирадиган иш усулларни аниклаш ва уларни бажариш, кўрсатмага биноан шу иш усулларини такрор машқ килиш, кўникмаларни таниш, одатий ва кутилмаган янги вазиятларда ижодий қўллаш каби босқичларни ўз ичига олади.

Таълим мазмунининг учинчи таркибий кисми бўлган ижодий фаолият тажрибалари ўкувчиларнинг мустакил ва ижодий фикр юритишига замин тайёрлаб, уни ўқитувчининг тайёр аҳбороти орқали шакллантириш мумкин эмас. Ўкувчиларда ижодий фаолият тажрибаларини шакллантириш учун улар ўкув материалини мустакил равишда ўзлаштиришлари, ўкув топширикларини бажариш жараёнида муаммоларни идрок этиши, тасаввур килиши, абстракт фикр юритиши, ўрганилаётган объекtlарни таҳлил ва синтез килиши, таккослаши, ўхшашлик ва умумий томонларини аниклашлари, фикр ва гояларни умумлаштириб, ҳулоса ясаш орқали билим, кўникма ва малакаларини янги кутилмаган вазиятларда қўллашни ўрганишлари лозим.

Таълим мазмунининг тўртничи таркибий кисми хисобланган қадриятлар тизими ўқитиш жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигини таъминлаш, ўкувчиларда табиат ва

бутун борликқа нисбатан онгли муносабатни таркиб топтиришга хизмат килади. Ўқувчилар мазкур таркибий кисмни ўзлаштиришлари учун аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятлар ижодий кўллашлари, бир сўз билан айтганда фаол ўқув-билиш фаолияти талаб этилади.

Таълим мазмунининг таркибий кисмлари давлат таълим стандартларининг асосини ташкил этади.

Давлат таълим стандартлари таҳлили унинг қуидаги таркибий кисмлардан иборатлигини кўрсатди:

Асосий килем – таълим-тарбия жараёнидан кўзланган максад ва вазифаларни амалга оширишга имкон берадиган биологик билим, кўникма ва малакаларнинг мажмуаси саналади. Таълим мазмунининг асосий кисми билимлар, фаолият турлари – кўникма ва малакалардан иборат бўлади.

Кенгайтирувчи таркибий кисм – ўқувчиларнинг биологик билимлари ва мустакил хаётга тайёргарлигини орттиришга имкон берадиган, шахс ёки гурух кизиқишларини ривожлантиришга йўналти-рилган таълим мазмунинг бир кисми. Бу килем таълим мазмунининг ижодий фаолият тажрибалари ва қадриятлар тизимини ўз ичига олади.

Ёрдамчи килем – биология курсининг мантикий структурасининг яхлит-лигини таъминловчи таълим мазмунининг маълум бир бўлими. Ўқувчиларнинг кизиқишлари, истаги ва эҳтиёжлари асосида дарсдан ва синфдан ташкил этиладиган машгулотларнинг мазмунини ташкил этади.

Кўшимча таркибий кисм - ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари йўналиши ва маҳаллий хусусиятларини хисобга олган холда амалга ошириладиган таълим мазмунининг бир кисми.

ДТС нинг асосий ва кенгайтирувчи таркибий кисмлари ўзгармас бўлиб, ўқув фанининг асосий фундаментал ва амалий масалаларини ёритади, ёрдамчи ва кўшимча таркибий кисмлари ўқувчиларнинг келгусида эгаллайдиган мутахассисликларига boglik холда ўқув фанининг ўзгариб турадиган кисми саналади.

Куида ДТС нинг ҳар бир кисми алоҳида кўриб чиқилади.

Юкорида кайд этилганидек, ЎМКХТ муассасаларида биологияни ўқитишида давлат таълим стандартларининг асосий кисмини қуидаги тушунчалар, кўникма ва малакалар ташкил этади.

Биология ўқув фанида шакллантириладиган тушунчаларни уч гурухга ажратиш мумкин:

1. Умумбиологик тушунчалар.
2. Гносеологик тушунчалар
3. Касбга йўналтирувчи тушунчалар.

Умумбиологик тушунчалар ўз навбатида қуидаги учта йўналишга ажратилади:

1. Организм биологик система.
2. Экологик системалар.
3. Органик олам эволюцияси.(5- жадвалга каранг)

Организм биологик система	Экологик системалар	Органик олам эволюцияси
<p>Генетик инженерия, хуҗайра инженерияси, Ирсиятнинг моддий асослари, штамм, клон, трансформация, трансдукция, кўчуб юрувчи генетик элементлар, регулятор генлар, трансмиссибл ва автоном плазмидлар, рекомбинат ДНК, генларни клонлаш, вектор конструкция, рестриктазалар, трансген ўсимликлар, гибридомалар, поли ва моноклонал антитаналар, юқумли ва ирсий касалликларнинг ген инженерлиги ташхиси, биотехнологияси, “янги” органлар яратиш технологияси.</p>	<p>Ташки мухитнинг абиотик, биотик ва антропогенез омиллари. Биоценоз, биогеоценоз озик занжири, продуцентлар, консументлар, редуцентлар. Биоценозда модда ва энергия алмашинуви. Агроценоз. Антропоэкология, адаптив тип турлари. Биосфера, биомасса. Биосферада моддаларниң даврий айланиши ва энергия ўзгариши. Биоген миграция. Биосфера ва унинг ривожланиш боскичлари. Биогенез, ноогенетикалык ташхиси, ген нез, ноосфера. дактилоскопияси.</p>	<p>Организмларнинг мослашганлиги Сунъий танлаш, яшаш учун кураш хиллари, Табиий танланиш. Мутациялар, рекомбинатив ўзгарувчанлик, микроэволюция ва макроэволюция. Тур, кенжা тур, популяция, тур критерийлари, структураси, тур ҳосил бўлиши.</p> <p>Эволюция далиллари, органик оламнинг ривожланиши, Эволюция омиллари, йўналишлари, молекуляр асослари, бошқариш, натижаси. Ерда хаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Антропогенез.</p>

## II. Гносеологик тушунчалар ҳам икки гурӯхга ажратилади:

Биологик ғоя, қашфиёт ва назарияларнинг тарихи ҳакидаги тушунчалар. Бу тушунчалар туркумига эволюцион назария, эволюция далиллари, биогенетик конун, филэмбриогенез назарияси, ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳакидаги назариялар, биосфера ва унинг эволюцияси назариялари, нуклеин кислоталар, трансформация, трансдукция, кўчуб юрувчи генетик элементлар, рекомбинат ДНК, трансген ўсимликлар, ҳайвон гибридомаларининг қашф этилиши, ирсиятнинг моддий асосини ўрганиш тарихи, ген инженерияси ва биотехнологиянинг ривожланишига хисса кўшган қашфиётлар. Ўзбекистонда ген инженерияси соҳасида кўлга киритилган ютуқлар киради.

Методологик яъни борликни илмий билиш методлари ҳакидаги тушунчалар. Биология ва экологияни ўрганишда фойдаланиладиган методлар, ўсимлик ва ҳайвон ирсиятини ўзgartиришда, ДНК ни бўлакларга ажратиш, рекомбинат ДНК, трансген ўсимлик ва гибридомалар олишда кўлланилган методлар шулар жумласидандир.

## **Касбга йўналтирувчи тушунчаларни уч гурухга ажратиш мумкин:**

Технологик тушунчалар. Бу гурухга хужайрада ДНК, РНК синтези, оксиллар биосинтези, генетик инженерия ва биотехнологияда амалга ошириладиган жараёнлар, трансген ўсимлик ва гибридомалар олиш, ирсий касалликларнинг ген инженерлик ташхиси биотехнологиясини ишлаб чикилиши хакидаги тушунчалар мисол бўлади.

Иктисадий тушунчалар. Мазкур гурухга сунъий танлаш ёрдамида янги нав, зот, штаммларни яратиш, генларни клонлаш, трансген ўсимликлар ва гибридомаларнинг истиқболлари, улардан халқ хўжалигида фойдаланишдан кўриладиган фойда асосида шакллантириладиган тушунчалар киради.

Табиатни муҳофаза килишга оид тушунчалар. Республикаизда табиатни муҳофаза килиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ва меъорий хўжатлар, "Кизил китоб", экологик мухитнинг тирик организмларга кўрсатган таъсири, турли касалликлар ва мутацияларнинг келиб чикиш сабабларини тушунтириш орқали ўкувчиларда табиатга нисбатан онгли муносабат таркиб топтирилади ва табиатни муҳофаза килиш тушунчалари шакллантирилади.

Биологияни ўқитиша тушунчаларни шакллантириш баробарида кўникмалар хам таркиб топтирилади. Ушбу кўникмаларнинг энг асосийлари амалий ва ўкув меҳнати кўникмалари б-жадвалда берилмоқда.

**6-жадвал**

Амалий ва ўкув Меҳнати кўникмалари	Кўникмалар таркибига кирадиган усуслар
Лаборатория жихозлари ва асбоблари билан ишлаш кўникмалари	Катталаштирувчи асбоблар билан ишлаш, микропрепаратларни тайёрлаш, уларни микроскоп ёрдамида кўриш, бактериялар учун озик мухитини тайёрлаш, бактерияларни клонлаш, лаборатория машгулоти учун керакли жихозларни танлай олиш ва асраш.
Ўсимликлардан гербарий, хашиборлардан мажмуа тайёрлаш кўникмалари	Ўсимликлар ва хашиборларда яшаш учун кураш, мослашишлар, табиий танланиш ва идиоадаптацияни ўрганиш бўйича ўтказилган кузатишлар асосида гербарийлар, коллекциялар тайёрлаш, уларни талаб даражасида расмий-лаштириш. Хашиборларда мослашиш, яшаш учун курашга оид мажмуулар тайёрлаш ва уни жихозлаш.
Ўсимликлар устида кузатиш ва тажрибалар ўтказиш кўникмалари	Ўсимликлар ва ҳайвонларда яшаш учун кураш. табиий танланиш ва ирсият конунларини ўрганиш бўйича кузатиш ва тажрибалар ўтказиш. Ўсимлик ва ҳайвон систематик гурухларига мансуб организмлар, эволюция далиллари, озик занжирини ташкил этувчи организмлар. организмлардаги мослашиш турлари, трансген ўсимликлар ва гибридомаларни ажратса олиш.
Объектларни таниш кўникмалари	

<p>Ўкув кўникмалари</p>	<p>мехнати</p>	<p>Дарсликда ва бошқа кўшимча ўкув адабиёт-лардаги матнни мустакил ўзлаштириш, асосий ғоя ва тушунчаларни ажратса олиш, расм, жадвал, схемаларни изоҳлаш, саволларга жавоб топиш. ўз фикрини киска ва лўнда баён этиш, асослаш, мисоллар ёрдамида далилай олиш, ўкув материалини кайта ишлаш, киска матн тузиш, маъруза, реферат тайёрлаш ва уларни татаб даражасида расмийлаштириш.</p>
-----------------------------	----------------	--

ДТС нинг иккинчи кенгайтирувчи таркибий кисми ўкувчиларда ижодий фаолият тажрибаларини шакллантиришга мўлжалланган бўлиб, мустакил ва ижодий фикр юритишга асос бўлиб хизмат килади.

Ўқитувчи янги мавзу бўйича ўкув топширикларини тузганда ўкувчиларнинг ўрганилаётган обьектни аввал ўрганилган обьектлар билан таккослаши, ўхшашлик ва фарклари, ўзига хос хусусиятларини аниглаши, мазкур обьектлар ўртасидаги умумийлик, ўрганилаётган обьектнинг ўзига хос томонлари, энг муҳим жихатларини топиши бунинг учун аввал ўзлаштирган билимлари ва кўникмаларини янги кутилмаган вазиятларда кўллаб янги мавзу мазмунини ўзлаштириш имкониятини назарда тутмоғи лозим.

ДТС нинг учинчи таркибий ёрдамчи кисми ўкувчиларнинг биология ўкув фанига бўлган кизикишлари ва эҳтиёjlари асосида ўқитувчи томонидан олиб бориладиган дарсдан ва синфдан ташкари машғулотлар хамда ўкувчиларнинг мустакил таълимини ўз ичига олади.

Ўкувчиларнинг мустакил таълими кўшимча ўкув адабиётлари, интернет, мультимедиалар воситасида муайян мавзуларда изланишлар олиб бориши, маъруза ва рефератлар тайёрлаши, ўсимликлар, хайвонлар ва микроорганизмлар устида кузатиш ва тажрибалар ўтказиши, уларнинг натижаларини изоҳлаш ва расмийлаштиришлари, республикамиизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида ва экологик муаммоларни хал этишга оид ташкил этиладиган турли танловлар учун материаллар тайёрлаш, олимпиадаларга тайёргарлик кўриш кабиларни ўз ичига олади.

ДТСнинг бу таркибий кисмининг самарадорлиги ўкув муассасасининг йўналиши, ўкувчиларнинг келгусида эгалайтирилган мутахассислиги ва уларнинг эҳтиёжи, кизикиши, ўқитувчининг педагогик билим, маҳоратига боғлик бўлади.

Биологияни ўқитишида касбга йўналтириш.

ДТСнинг тўртинчи кўшимча таркибий кисми биология таълимининг касбга йўналтирилишини назарда тутувчи кисми хисобланади.

Республикамиизда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими қўйидаги 8-та билим соҳалари ва академик лицейлар бўйича ташкил этилган бўлиб, уларда биология ягона дастур асосида ўқитилади. Биология ўқитувчиси таълим муассасасининг йўналишини хисобга олган ҳолда таълим мазмунининг кўшимча таркибий кисмiga эътиборни қаратиши, яъни биологик таълимни касбий йўналтириши лозим.

Таълим соҳаси	Биологияни ўқитишида эътиборни қартиш зарур бўлган масалалар
Таълим	Ўқувчиларни аклий, ахлокий, эстетик, меҳнат, жинсий, экологик, иктисодий, гигиеник ва жисмоний жihatдан етук килип тарбиялашда, уларнинг илмий дунёкарашини кенгайтириш, шахс камолотининг табиат билан уйғулиги, табиатга нисбатан меҳр-муҳабbat туйгуси ва онгли муносабатни таркиб топтиришида табиатнинг тутган ўрнини
Гуманитар фанлар ва санъат	Табиатни муҳофаза килиш бўйича маънавий-маъри-фий ишларни олиб бориш, табиат барча санъат турларини ривожлантирувчи манба эканлиги
Ижтимоий фанлар, бизнес ва хуқук	Шахс камолотининг табиат билан уйғулиги, ишлаб чиқариш ва агросаноатни ривожлантириш, хом ашё-дан олинадиган товарлар, уларни ишлаб чиқариша микробиология усулларидан фойдаланиш, ген дактилоскопияси ва генлар спектри ёрдамида шахсни аниклаш технологиясининг яратилганлиги
Фан	Экологик муаммолар, сув, хаво, тупрок, қишлоқ хўжалиги, одам экологияси, уларни муҳофаза килиш бўйича олиб борилаётган тадбирлар, табиий бойлик-лар ва улардан унумли фойдаланиш йўллари ва чикиндисиз технологияларни жорий этиш муаммолари.
	Биосферада модда ва энергиянинг давра бўйлаб айланиши, экологик тоза манбалар энергиясидан фойдаланиш, бионика асослари, табиий ва сунъий хом ашёлардан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза килиш, Ер усти ва ости табиий бойликлари ва улардан унумли фойдаланиш йўллари, чикиндисиз технологияларни жорий этиш муаммолари.
Кишлоқ хўжалиги	Сунъий таънлаш асосида ўсимлик навлари хосилдорлиги, хайвон зотлари маҳсулдорлигини ошириш йўллари, микробиология ва биотехнология асосларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда фойдаланиш, иккиласми сув ва ичимлик сувини тозалашда сув ўтларидан фойдаланиш, биологик биљимларнинг ўсимликшунослик, чорвачилик, асаларичилик, ўрмончилик, мўйначилик ва баликчиликни ривожлантириш, боғ, паркларни барпо этиш, кўкаламзорлаштириш, ўсимликларни химоя килишдаги аҳамияти, курилиш, йўллар барпо этиш, курилиш материалларини тайёрлашда табиат мувозанатини асраш.

	Биологик конунгиятлар кишлок хўжалигининг илмий-назарий асоси эканлиги, кишлок хўжалиги маҳсулотларини етишириш, саклаш ва кайта ишлаш, ўсимликларни химоя килиш, зоотехника ва ветеринария, ўрмончиликни ривожлантиришда биологик билимларнинг ахамияти, тупрок ва ер ости сувларидағи пестицидларни парчаловчи ва зарарсизлантирувчи трансген ўсимлик яратиш, пахта толаси сифатини яхшилашга йўналтирилган биотехнология, хайвонларни клонлаш, гибридомалар олиш истиқболлари.
Согликни саклаш	Ген, хужайра инженерлиги усулларини қўллаб катор юкумли ва ирсий касалликларнинг ген инженерлиги ташхиси биотехнологияси, ирсийланиш конунгиятларини ўрганиш ва олдини олиш борасида олиб борилётган изланишлар, “асос” хужайралардан “янги” органлар яратиш технологияси, “Соғлом авлод учун” Давлат дастури, оналик ва болаликни асраш ва тиббий ёрдам <u>кўрсатишни яхшилаш бўйича давлат қарорлари</u> .
Хизматлар	Туризм, спорт, сервис, оммавий байрамлар ўтказиш, халк оғзаки ижодини ривожлантиришда табииёт фанларининг ролини кўрсатиш лозим.

Юкорида кайд этилган вазифаларни ҳал этиш ва анъанавий таълим тизимидағи камчиликларга барҳам бериш, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш учун ўкувчиларнинг билиш фаолиятини ялпи ўқитиш билан бир каторда, индивидуал ва кичик гурухларда ўқитишни ташкил этиш максадга мувофик.

Ўкувчиларнинг билиш фаолияти индивидуал тарзда ташкил этилганда ўкувчилар ўкув материалини мустакил ўзлаштирадилар, уларнинг ақлий ривожланиши, кизикиши, эхтиёжи, иқтидори, билимларни ўзлаштириш даражаси хисобга олинган холда тузилган ўкув топширикларини мустакил бажаради ва ўз билиш фаолиятининг субъектига айланади.

Ўкув топширикларини индивидуал бажариш жараённада ўкувчиларнинг ақлий фаолияти жалб этилади, ўз билими, кучи ва қобилиятига бўлган ишонч ортади ва ҳар бир шахс ўз имконияти даражасида ривожланади. Шу тарзда ташкил этилган билиш фаолияти оркали вақтдан унумли фойдаланилади, самарадорлик ортади.

Биологиянинг ўқитишда ўкувчиларнинг билиш фаолиятини инди-видуал тарзда ташкил этиш асосан дарс билан биргаликда дарсдан ва синфдан ташкири ишларда ҳам фойдаланилади. Масалан, ўкувчиларнинг уй вазифасини бажаришида уларга тавофтутлаб ёндашиш имкониятлари мавжуд. Ўкувчиларга муайян мавзулар бўйича кроссвордлар тузиш, кузатиш ва тажрибалар ўтказиш, маъруза ва рефератлар, турли мавзуларда ўтказиладиган танловлар учун материаллар тайёрлаш шулар жумласидандир.

Ўкувчиларнинг билиш фаолияти кичик гурухларда ташкил этилганда гурухдаги ҳар бир ўкувчи иктидори, кизикиши, билим савиёси, билимларни ўзлаштириш даражасини аниклаш, ўкувчилар ўртасида ҳамкорлик, ўкув мулокоти, баҳси, мунозара, ўзаро ёрдамни амалга ошириш кўзда тутилади.

Биология дарсларида ўкувчиларнинг билиш фаолияти ялпи ўқитиши индивидуал ва кичик гурухларда ишлаш шакллари билан уйғулаштирилганда жуда юқори самара беради.

Маълумки, биологияни ўқитиши дарс, дарсдан ташқари ишлар, синфдан ташқари ишлар ва экскурсиялар шаклида ташкил этилади.

Ўрта маҳсус, касб таълими муассасаларида биология ўкув фанини ўқитишининг самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти таълим-тарбия жараёнига тизимли ёндошув саналади, шу сабабли ўкув дастуридан ўрин олган ҳар бир мавзунинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсади хисобга олинган ҳолда биологияни ўқитишида куйидаги дарс турларидан фойдаланиш тавсия этилади:

1. Маъруза (кириш маърузаси, мавзули маъруза, умумлаштирувчи маъруза) дарслари.
2. Семинар (билимларни мустахкамловчи, янги билимларни мустакил эгаллашга мўлжалланган) дарслари.
3. Модулли дарс.
4. Муаммоли (ақлий ҳужум) дарслар.
5. Мунозарали дарслар.
6. Дидақтик-ўйинли (сюжетли-ролли, ижодий, ишбилармонлар, конференциялар, ўйин машклар) дарслар.
7. Синов (дидақтик карточкалар, тест топшириклари, ўзаро назорат вараги ёрдамида, ЭХМ назорат дастурлари воситасида ўтказиладиган) дарслар.
8. Амалий машгулотлар
9. Лаборатория машгулоти
10. Умумлаштирувчи дарслар.

#### **Асосий тушунча ва таянч атамалар:**

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг йўналишлари, биологик таълим мазмунининг таркибий кисмлари, биологиядан давлат таълим стандартларининг таркибий кисмлари, умумбиологик, гносеологик, касбий йўналтирилганликни амалга оширувчи тушунчалар, амалий ва ўкув меҳнати кўнкимлари, биологияни ўқитишида тизимли ёндошув, дарс турлари.

#### **Талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш саволлари**

1. Академик лицейларда биологияни ўқитишида нималарга эътиборни каратиш зарур?
2. Касб-хунар колледжларида биологияни ўқитишининг ўзига хос хусусиятларини аникланг.

3. Биологик таълим мазмунининг таркибий қисмларининг ўзига хос хусусиятларини аникланг.

4. Биологиядан давлат таълим стандартларининг таркибий қисмларини аникланг.

5. Биологик таълимнинг касбий йўналтирилганлик масалаларини ўрганинг.

6. Биологияни ўқитишда қандай дарс турларидан фойдаланиш тавсия этилмоқда? Ҳар бир дарснинг дидактик мақсади ва боришини лойихаланг.

## **8.9. БИОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

1.Педагогик технологиялар хакида тушунча.

2.Биологияни ўқитишда дидактик ўйинли дарслардан фойдаланиш.

3.Биологияни ўқитишда муаммоли таълим технологияларидан фойдаланиш.

4.Модулли таълим технологиялари ва модулли дарсларнинг ўзига хос хусусиятлари.

5.Биология дарсларида ҳамкорликда ўқитиш технологияларидан фойдаланиш.

6.Биология дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланиш.

### **Асосий тушунча ва таянч сўзлар**

Педагогик технологиялар, умумий дидактик, хусусий методик, локал даражада, дидактик ўйинли, муаммоли таълим, модулли таълим, ҳамкорликда ўқитиш технологиялари, педагогик технологияларга асосланган дарсларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Кадрлар тайёрлаш миллй дастурининг амалдаги иккинчи сифат боскичи таълим муассасаларида ўқитиладиган барча ўкув фанларини илгор педагогик технологиялар билан таъминлашни кўзда тутади. Шу сабабли барча ўкув фанлари каби биологияни ўқитишда ҳам педагогик технологиялардан фойдаланиш замон талаби саналади.

Педагогик технология атамасига ҳар бир дидакт олим ўз нуктаи назаридан келиб чиқкан холда таъриф берган. Ҳали бу тушунчага тўлиқ ва ягона таъриф кабул килинмаган. Ушбу таърифларнинг ичida энг мақсадга мувоғиги ЮНЕСКО томонидан берилган таъриф саналади.

Педагогик технология – ўқитиш шаклларини оптималлаштириш мақсадида ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида инсон салоҳияти ва техник ресурсларни кўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниклашга имкон берадиган тизимли методлар мажмуасидир.

Бу ерда, инсон салоҳияти дейилганда, ўқитувчининг педагогик ва ўкувчиларнинг ўкув-билиш фаолияти, техник ресурслар деганда ўқитиш методлари ва воситалари назарда тутилмоқда.

Бизнинг назаримизда, педагогик технология – таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқитувчининг педагогик ва ўқувчининг ўкув-билиш фаолиятини уйгун равишда ташкил этиш, мазкур фаолиятни фаоллаштириш мақсадида, самарали ўқитиш методлари, воситалари ва шаклларини кўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниглашга имкон берадиган тизимлар мажмуасидир.

Педагогик технологияларнинг учта даражаси мавжуд:

Умумий методик даражада. Умумий педагогик (умумдидактик, умумтарбиявий) даражада педагогик технологиянинг умумий конуниятлари, концептуал асослари, ўқитувчи ва ўқувчининг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошкаришнинг ўзига хос хусусиятлари ишлаб чиқилади.

Хусусий методик даражада муайян бир ўкув фани, курсни ўқитиш жараёнининг мақсади ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида таълим мазмунини ўкувчилар онгига сингдиришда фойдаланиладиган ўқитиш методлари, воситалари ва шаклларининг мажмуаси тушунилади.

Локаль (модул) даражада таълим-тарбия жараёнининг маълум бир кисмида мазкур кисмнинг хусусий дидактик ва тарбиявий мақсадини хал этишга қаратилган технология тушунилади.

Педагогик технологияларнинг юкорида кайд этилган учта даражаси бир-бирини тўлдиради ва такозо этади.

Ҳозирги замон таълим тизимида хукмронлик қилаётган анъанавий таълимни мазмунан янгилаш ва таълим-тарбия жараёнини ташкил этишини тубдан ўзгартиришга қаратилган технологияларни дидактик мақсадларига кўра қўйидаги гурухларга ажратиш мумкин:

1. Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш асосидаги педагогик технология;
2. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган педагогик технология.
3. Таълим жараёнини ташкил этиш ва бошкаришнинг самарадорлигини оширишга қаратилган педагогик технологиялар.
4. Ўкув материалини дидактик жиҳатдан такомиллаштириш ва кайта ишлаш асосидаги педагогик технология.
5. Халқ педагогикаси методларидан фойдаланишга асосланган педагогик технология.

Кўйида шу технологияларга кискача тўхталамиз.

1. Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш асосидаги педагогик технология; Мазкур технология ўқитувчи ва ўкувчи шахси ўртасидаги муносабатларни мукаммалаштириш, ўкувчи шахсига индивидуал ёндашиш, таълим-тарбия жараёнини демократлаштириш, таълим мазмунини инсонпарварлик гоялари билан бойитишини назарда тутади.

2. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратишган педагогик технология. Мазкур технология биологияни ўқитишида ўкувчиларнинг билиш фаолиятини

фаоллаштириш ва таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга имкон яратади. Бу технологиялар гурухи дидактик-ўйин, ривожлантирувчи, муаммоли, модули ва коммуникатив таълим технологияларини ўз ичига олади.

3: Таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқаришнинг самарадорлигини оширишга қаратилган педагогик технологиилар. Ушбу технологиилар биологияни ўқитишда таълим жараёнини максадга мувофиқ ташкил этиш ва бошқариш орқали самарадорликни оширишга имкон беради. Уларга дастурли ўқитиш, дифференциал таълим, таълимни индивидуаллаштириш, гурухли ва жамоавий хамкорлик, уйгунлаштирилган таълим технологиилари киради.

4. Ўкув материалини дидактик жиҳатдан такомиллаштириш ва қайта ишлаш асосидаги педагогик технология. Мазкур технология ўкув материалини дидактик жиҳатдан такомиллаштириш ва қайта ишлаш орқали ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш жараёнининг самарадорлигини ошириш, аклий фаолиятни боскичма-боскич шакллантириш орқали мустакил ва эркин фикрлашни ривожлантиришни назарда тутади.

5. Халқ педагогикаси методларидан фойдаланишга асосланган педагогик технология. Мазкур технология шахс камолоти ва табиий ривожланиши таълим-тарбия жараёнининг узвийлигига асосланадиган тарбия технологияларидан иборат. Биологияни ўқитишда ушбу технологиялардан фойдаланиш ўқувчиларни мустакиллик принциплари ва Она-Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний кадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш, улар қалби ва онгига миллий истиқбол гояларини сингдириш имконини беради.

Педагогик технологиилар таълим жараённида локаль (модул) ва хусусий методик даражада кўлланилади.

Биология ўқитувчиси ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш максадида аввал дарснинг маълум боскичида локаль (модул) даражада кўллаши максадга мувофиқ. Бунда аввал янги мавзу ўрганилиб, ўқувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўнишка малакаларини назорат килиш ва баҳолашда назорат тестлари, турли ўйин машқлар, мусобака, тренинг ўтказади. Ўқувчиларнинг бу фаолиятга киришиши ва муайян кўнишка ва малакаларни эгаллагандан сўнг, педагогик технологииларга асосланган дарсларни ўтказиши, яъни хусусий методик даражада кўллаши мумкин.

Хусусий методик даражада дарснинг барча боскичлари педагогик технология талаблари асосида ташкил этилади. Бунда ўқитувчи ўрганиладиган мавзунинг таълими, тарбиявий ва ривожлантирувчи максадларидан келиб чиккан холда кайси технологиядан фойдаланиш, мазкур технология асосида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари, дарсда ўқувчиларнинг билиши лозим бўлган ўкув топшириклари, ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимини назорат килиш ва баҳолаш йўлларини белгилаши лозим.

Биз педагогик технологииларнинг ўзига хос хусусиятлари, моҳияти ва мазмунига кўра иккى гурухга ажратдик:

1. Педагогик жараённинг характеристи, бориши ва мазмунини ўзгартаришда қўлланиладиган педагогик технологиялар.
2. Биология дарсларида фойдаланиладиган технологиялар.

**Педагогик жараённинг характеристи, бориши ва мазмунини ўзгартаришда қўлланиладиган педагогик технологиялар** гурухига:

1. Таълим жараёни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш технологияси;
  2. Шахсга йўналтирилган технологиялар;
  3. Ривожлантирувчи таълим технологиялари;
  4. Таълимни дифференциаллаштириш ва индивидуаллаштириш.
- Биология дарсларида фойдаланиладиган технологиялар** гурухига:
1. Дидактик ўйин технологиялари;
  2. Муаммоли таълим технологиялари;
  3. Модулли таълим технологиялари;
  4. Ҳамкорликда ўқитиш технологиялари;
  5. Лойиҳалаш технологияси;
  6. Анъянавий таълим технологиялари киради.

Куйида биология дарсларида фойдаланиладиган дидактик ўйинли, муаммоли, модулли таълим, ҳамкорликда ўқитиш ва лойиҳалаш технологияларнинг кискача тавсифи, уларга асосланган дарсларнинг ўзига хос хусусиятлари, дарс ишламалари берилмоқда.

#### Дидактик ўйин технологиялари.

Биология дарсларида дидактик ўйин технологияларидан фойдаланиш даре самарадорлигини оширишга имкон беради Маълумки, ўкувчиларнинг билиш фаолияти ўйин фаолияти билан уйғунлашган дарслар дидактик ўйинли дарслар дейилади.

Дидактик ўйинли дарсларнинг сюжетли-ролли, ижодий, ишбилиар-монлар, конференциялар ва ўйин машқлар каби турлари бор Мазкур методик кўрсатмада биология дарсларида матбуот-конференциясидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилди:

Матбуот конференцияси синфдаги барча ўкувчиларнинг ўкув - билиш фаолияти фаол бўлиши билан характерланади. Ўқитувчининг матбуот конференцияси дарсига тайёргарлиги бир мунча мураккаброқ. Ўқитувчи матбуот конференциясини ўтказишдан бир хафта аввал синф ўкувчиларини икки гурухга бўлади. Уларнинг таҳминан 30% паррандалар селекцияси соҳасида ишлаётган олимлар ва паррандачилик фабрикаларининг мутахассислари, колганлари республикамида нашр килинадиган газета ва журнallарнинг мухбирлари ролини бажарадилар.

Газеталардан республикамида нашр килинадиган “Ўзбекистон овози”, “Қишлоқ ҳакиқати”, “Халқ сўзи”, “Тошкент оқшоми”, “Туркистон”, “Тошкент ҳакиқати”, журналлардан “Фан ва турмуш”, “Қишлоқ ҳўжалиги”, “Саодат”, “Сиҳат-саломатлик”ни олиш мумкин.

Шундан сўнг, хар кайси газета ва журнал мухбирларининг матбуот конференциясида берадиган саволлари ўкувчилар ёрдамида тузилади. Бу саволлар мухокама килинаётган муаммони хар томонлама камраб олиши керак.

Саволлар мазмуни мухокамадан ўтгандан сўнг, газета ва журнал мухбирлари ва селекциячи олимлар роли ўкувчиларнинг хохишига кўра таксимланади.

Ўқитувчи паррандачилик селекцияси билан шуғулланадиган олимлар ва мутахассислар ролини бажарадиган ўкувчилар билан алоҳида тайёргарлик ишларини олиб боради. Уларга кўшимча адабиётлардан фойдаланиш ва саволларга жавоблар топиш хакида кўрсатма беради. Саволларга бериладиган жавоблар киска, аник, илмий жиҳатдан асосланган, маҳаллӣ материалларни камраб олган бўлиши лозим. Ўқитувчи ана шу жавобларни олдин кўздан кечириши, агар уларда жузъий камчиликлар бўлса, уларни тўгрилаши, тўлдириши керактигини ўкувчиларга топширади.

Мухбирлар ролини бажарадиган ўкувчилар хам саволларга жавоблар топиши олимлар ва мутахассислар билан мулокотга кириши учун етарли даражадаги билимларга эга бўлишини таъминланиши керак.

Мазкур дарсга хамма ўкувчилар улар кайси ролни бажаришидан катъий назар кизгин тайёргарлик кўриши лозим.

**Дарс мавзуси:** Паррандачилик

**Дарснинг таълимий мақсади:** Ўкувчиларни парранда зотларининг хилма-хиллиги, паррандачилик саноати ва унинг аҳамияти билан танишитириш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Ўкувчиларни парранда зотларининг хилма-хиллиги, паррандачилик саноатининг аҳамияти билан танишитириш орқали уларнинг дунёкарашини кенгайтириш, экологик ва иктисодий тарбия бериш.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Ўкувчиларни қушларнинг хилма-хиллиги ва аҳамияти хакидаги билимлари, дарслик ва кўшимчча адабиётлар устида мустакил ишлаш кўнникмалари, нутк ва мулокот маданиятини ривожлантириш.

**Дарсни жихозлаш:** Парранда зотларининг расмлари, тулумлари.

**Дарсда фойдаланиладиган технология:** Дидактик ўйин технологияси (матбуот конференцияси).

**Дарснинг бориши:**

1. Ташкилий кисм.
2. Ўкувчиларни дарснинг мавзуси, мақсади ва бориши билан танишитириш.

Матбуот конференцияси дарси ўқитувчининг кириш сўзи билан очилади. У кириш сўзида дарснинг мавзуси, мақсади ва бориши билан ўкувчиларни танишитириб, бугунги матбуот конференцияси кишлоқ хўжалигининг мухим тармоги паррандачиликка бағишиланишини, конференцияда иштирок этётган селекционер олимлар, паррандачилик соҳасида тадбиркорлик билан

шүгүлланаётган мутахассислар, газета ва журналларнинг муҳбирлари иштирок этаётганлигини кайд этади.

### Матбуот конференциясини ўтказиш

Матбуот конференциясида муҳбирлар ролини бажараётган ўқувчилар олимлар ва мутахассисларга кўйидаги саволлар билан мурожаат этишлари мумкин:

1. Республикаизда паррандачиликнинг қандай тармоклари мавжуд?
2. Республикаизда товукларнинг қандай зотлари бокилади?
3. Республикаизда тухум йўналишидаги қандай зотлар бокилади?
4. Паррандачиликнинг қандай ахамияти бор?
5. Паррандачилик фабрикаларида паррандалар қандай озиклантирилади?
6. Товукларнинг тухум қўйиши кун узунлигига боғликими?

Паррандачилик фабрикаларида бу муаммоларни ҳал этиш учун қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

7. Жўжа очириш жараёни қандай амалга ошади?
8. Паррандачиликни ривожлантиришда наслдор паррандалар келтириб чикириш мухим роль йўнайди. Уларнинг жўжалари қаерларда очилади?
9. Паррандачиликда товуклар билан бир каторда ўрдаклар ҳам бокилади.

Уларнинг қандай зотлари бор?

10. Хонаки ғозлар ва куркаларнинг қандай зотлари бокилади ва улардан қандай маҳсулотлар олинади?

Олимлар ва мутахассислар бу саволларга жавоб берадилар.

Масалан, олимлар Республикаизда тухум йўналишидаги қандай зотлар бокилади? деган саволга кўйидагича жавоб беришлари мумкин:

Республикаизда тухум йўналишидаги паррандалардан рус оқ товуғи зоти бокилади. Бу зот Санкт-Петербург паррандачилик илмий-тадқикот институтлари оқ легорн товукларига австралгорн зотининг конини куйиш орқали чикирилган. Кон куйиш жўжа очиш максаддида тўпланадиган тухумларни йигишдан 2,5 ой олдин бошланған. Олинган дурагайларга ҳам бир кг масса ҳисобига 2,5 мл дан австролгорн зоти кони куйилган. Бундан ташкири, ҳар йили зотдор хўроздлар ва товуклар танланиб, сараланиши натижасида сермаҳсул ва ҳайётчанлиги юкори бўлган мазкур зот келтириб чикирилади. Бу зотга мансуб товук ва хўроздларнинг ўртача вазни 3,7 кг,

Бундан ташкири товуклари 5-6 ойда тухумга киради, битта тухумнинг вазни 69 г. бўлиб, товуклар йилига 200-300 та тухум беради.

Тухум-гўшт йўналишидаги товук зотларига загорск, первомайск мисол бўлали. Улар орлов товуғини, оқ виандот ва род айланд зотлари билан қайтакайта чатиштириш орқали чикирилган. Узоқ вақт давомида, танлаш ва Саралаш натижасида сермаҳсул ва юкори сифатли гўшт берадиган зот келтириб чикирилади. Бу зотга мансуб товуклар ва хўроздларнинг ўртача вазни – 2,5 - 4 кг, битта тухумнинг вазни - 69 г бўлиб, йилига 250 тагача тухум беради. Бу зотнинг афзалилиги шундаки, бизнинг Республикаизда кўпайтириши ва бокиш мумкин.

Шу тарика олимлар муҳбирларнинг саволларига асосли жавоб берадилар.

Янги мавзуни қайта ишлаш. Ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда мавзунинг асосий мазмунини қайта ишлаб чишиб, уларнинг умумий хулосалар чиқаришига ёрдам беради.

Ўқувчиларни рагбатлантириш ва баҳолаш. Дарсда фаол иштірок этган “олимлар”, “мутахассислар” ва “мухбирлар” кайд этилади ва рағбатлантирилади.

1. Дарсни умумий яқунлаш.
2. Уйга вазифа бериш.
3. Муаммоли таълим технологияси.

Биология дарсларида муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиш мухим ўрин тутади.

Муаммоли дарс (“Ақлий ҳужум”) қуидаги босқич асосида ташкил этилади:

I – босқич. Психологик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган ўқувчилар дан тенг сонли кичик гурухларни шакллантириш.

II – босқич. Кичик гурухларга муаммоли саволлардан иборат бўлган ўкув топширикларини тарқатиш ва уларни топширикнинг дидактик мақсади билан таништириш.

III – босқич. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ўкув муаммоларини ҳал этишга йўналтириш.

IV – босқич. Ўқувчиларнинг муаммоли вазиятларни ҳал этиш бўйича ахборотларини тинглаш.

V – босқич. Кичик гурухлар ўртасида ўкув баҳси ва мунозара ўтказиш.

VI – босқич. Умумий хулоса ясаш.

“Ақлий ҳужум” да ўқувчилар аввал ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда кўллаб, билимларини кенгайтиради, чуқурлаштиради, аклий фаолият усулларини эгаллайди.

“Ақлий ҳужум” дарслари дастурдаги муайян бир мавзуни ўрганишга багишланади.

Мазкур дарснинг дидактик мақсади:

1. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш орқали таҳсил олишга ва фанга кизиқишиларини орттириш, билимларини кенгайтириш.
2. Ўқувчиларнинг аввал ўзлаштирган билим, кўнишка ва малакаларни одатий, таниш ва кутилмаган янги вазиятларда кўллаш орқали янги билимларни эгаллашга эришиш.
3. Ўқувчиларнинг билимидаги мавхум тушунчаларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш, билим олишга бўлган интилишни ривожлантириш.
4. Ўқувчиларнинг нутқини ўстириш, ўз фикрини лўнда ва мантikan тўғри баён этиш, уларни далиллаш кўнижмаларини хосил килиш.

“Ақлий ҳужум” дарсларининг тузилиши қуидагича бўлади:

1. Ўқитувчининг кириш сўзи. Бунда ўқитувчи дарс мавзусининг мақсади ва вазифалари, илмий мунозара ўтказиладиган муаммоларнинг умумий тафсилоти, дарсда ўқувчилар гурухи бажарадиган ўкув топшириклари билан таништиради.

2. Ўкувчиларни тенг сонли кичик гурухларга ажратиш.
3. Ўкувчилар фаолиятини мунозарали ва муаммоли масалаларни бажаришга ва хал этишга йўллаш;
4. Ўкувчилар гурухи ўртасида ўкув баҳси ва мунозарани ташкил этиш;
5. Ўкув баҳси ва мунозара якуни. Ўқитувчи дарс давомида ўкув баҳси ва мунозара келтириб чиқарган муаммолар ечимидаги асосий гоя ва тушунчаларни таъкидлаб, хулосалар ясади.
6. Ўкувчилар билимини назорат килиш ва баҳолаш. Ўкув баҳси ва мунозараларда фаол иштирок этган ўкувчилар рагбатлантирилади ва рейтинг тизимига мувоғик баҳоланади.
7. Уйга вазифа бериш.
8. Дарсни умумий якунлаш.

Одам ва унинг саломатлиги ўкув фанида “Одамнинг пайдо бўлиши” бобидан ўрин олган “Одамнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги тушунчалар ва уларнинг ривожланиши. Одамнинг хайвондан пайдо бўлганлиги хақидаги далиллар”, “Одам ва хайвон эмбриони ривожланишидаги ўхшашиклар” мавзуларини ўрганишда “аклий хужум” дарсларидан фойдаланиш учун куйидаги мунозарали саволлар занжири тузилади.

К.Линней, Ж.Б.Ламарк, Ч.Дарвиннинг одамнинг пайдо бўлиши хақидаги фикрларини ўрганинг. Сиз бу фикрларга қандай муносабат билдирасиз?

Нима сабабдан органик дунёнинг илмий класификациясида одам приматлар туркумига киритилган?

Одам ва маймуннинг тузилишида қандай ўхшашиклар мавжуд? Қуидаги жадвални тўлдиринг ва ундан фикрингизни асослашда фойдаланинг.

Таккосланадиган жиҳатлар	маймун	Одам
Скелет бўлимлари		
Бош миянинг тузилиши		
Кўннинг тузилиши		
Умумий жиҳатлари		

Одамнинг эмбрионал ривожланишидаги кайси хусусиятлари умурткали хайвонларга ўхшайди? Қуидаги жадвални тўлдиринг ва фикрингизни асосланг.

Одам эмбриони ривожланишидаги муддатлар	Баликлар	Бака	Маймун
18-20 кун			
бир ойлик			
5 ойлик			
7 ойлик			

Одамдагиrudimentларни аникланг. Улар кайси организмларда ривожланган ва нимадан далолат беради?

Одамдаги атавизмларни аникланг. Ҳозирги кунда улар қайси орга- низмларда ўз функциясини йўқотмаган?

Одам ва маймунларда борадиган физиологик ва биокимёвий жараёнларни таккосланг.

Нима сабабдан маймунларда ташки мухит таасуротларини умумлаштириш ва фикрлаш кобилияти паст бўлади? Фикрингизни асосланг.

Ўкувчиларнинг билиш фаолиятининг бу тарзда ташкил этилиши уларда ижодий фаолиятни таркиб топтиришга имкон яратади.

### Модулли таълим технологиялари

Модулли таълим технологияларидан биологияни ўқитишда фойдаланиш мухим ахамият кассб этади. Модулли таълим технологиясининг ўзига хос хусусияти дарсда ўрганиладиган мавзу мантикий тугалланган фикрли модулларга ажратилади ва модул дастури тузилади. Модул дастури бу ўқувчининг мазкур дарсда ўқув-билиш фаолиятини бошқариш дастури бўлиб, у модул дастурининг дидактик мақсади, ўқувчиларнинг бажариши лозим бўлган ўқув топшириклари, топширикларни бажариш юзасидан кўрсатмаларни ўз ичига олади.

Кўйида дарс лойихалари берилмокда.

Дарснинг мавзуси: Раъндошлар оиласи.

Дарснинг таълимий мақсади: Ўқувчиларни раъндошлар оиласига мансуб ёввойи ва маданий ўсимликларнинг тузилишидаги ўзига хос хусусиятлар билан таништириши.

Дарснинг тарбиявий мақсади: Ўсимликлар оламига нисбатан онгли муносабатни таркиб топтириш, экологик, иктисолий, эстетик ва ахлокий тарбия бериш.

Дарснинг ривожлантирувчи мақсади: Ўқувчиларнинг систематик бирликлар, ўсимликларнинг тузилиши ҳакидаги билимлари, кузатиш, ўсимликларни таниш ва ажратиш, дарслик устида мустакил ишлаш кўнилмаларини ривожлантириш.

Дарсни жихозлаш: наъматак, атиргул, олма, шафтоли, олча, ўрик гулларининг тузилиши муляжи, гербарийлари, “Раъндошлар оиласи” жадвали.

Дарсда фойдаланиладиган технология: Модулли таълим технологияси (ўқувчиларнинг кичик гурухларда ишлашига мўлжалланган модул дастури)

Дарснинг бориши:

I. Ташкилий кисм

II. Ўтган мавзу юзасидан ўқувчилар билимини тест савол-топшириклари ёрдамида аниклаш ва баҳолаш.

III. Ўкувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш ва уларнинг фаолиятини ўкув топширикларини бажаришга йўллаш.

IV. Янги мавзуни ўрганиш:

а) янги мавзу бўйича тузилган модул дастурини тарқатиш ва ўкувчиларни модул дастурининг дидактик мақсади билан таништириш;

б) ўкувчиларнинг фаолиятини модул дастуридаги ўкув топширикларини мустакил бажаришга йўллаш;

в) ҳар бир ўкув фаолияти элементи топширикларининг тўлик бажарилишини назорат килиш, тегишли кўрсатмалар бериш;

г) ҳар бир ўкув фаолияти элементи якунида савол-жавоб ёки мунозара ўтказиш.

Ўқитувчи ушбу дарсда ўрганиладиган ўкув материалини қўйидаги мантикий тугалланган фикрли икки кисмга яъни модулга ажратади:

1. Раъндошлар оиласининг умумий белгилари.

2. Оиланинг ёввойи ва маданий вакиллари.

Шу асосда қўйидаги модул дастури тузилади.

**“Раъндошлар оиласи” мавзуси бўйича ўкувчиларнинг кичик гурухларда ишлашига мўлжалланган модул дастури.**

**Модул дастурининг дидактик мақсади:** Сиз модул дастури ёрдамида ўкувчилар билан кичик гурухларда, хамкорликда ишлаб раъндошлар оиласининг ўзига хос белгилари, ёввойи ва маданий вакиллари билан танишишингиз, уларнинг инсон хаёти ва табиатда, иқтисодимизни ривожлантиришда тутган ўрнини аниқлашингиз, дарслек устида мустакил ишлаш кўнинмаларингизни ривожлантиришингиз зарур.

Ўкув фаолияти элементи (ЎФЭ)	Ўкувчилар ўзлаштириши лозим бўлган ўкув материалига оид топшириклар	Топширикларни бажариш бўйича кўрсатмалар	б а х о
1-ЎФЭ	<p>Мақсад: Раъндошлар оиласининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш.</p> <p>Дарслекдаги матнни диккат билан ўкинг, қўйидаги саволларга жавоб топинг ва топширикларни бажаринг:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>Раъндошлар оиласига нечта туркумга мансуб тур киришини аникланг.</li> <li>Раъндошларнинг вегетатив органларининг тузилишидаги ўзига хосликни аникланг.</li> <li>Раъндошлар оиласига мансуб вакилларнинг гули ва мевасининг тузилишини ўрганинг.</li> <li>Ўзлаштирган билимларингиз асосида 1-жадвални тўлдиринг.</li> </ol>	<p>Ўкувчилар гурухи билан хамкорликда ишланг</p>	
2-ЎФЭ	<p>Мақсад: Раъндошлар оиласига мансуб ёввойи</p>	<p>Ўкувчилар гурухи билан ўтказиладиган савол-жавобда фаол иштирок этинг.</p> <p>Ўкувчилар</p>	

	ва маданий ўсимликларни ўрганиш. Дарсликдаги матнни диккат билан ўкинг, куйидаги саволларга жавоб топинг ва топширикларни бажаринг:	гурухи билан хамкорликда ишланг
1.	Раъндошлар оиласига мансуб туркумларни аникланг.	Ўқувчилар гурухи билан ўтказиладиган савол-жавобда фаол иштирок этинг.
2.	Нъматакнинг тузилишини ўрганинг.	
3.	Раъндошлар оиласининг ёввойи вакиллари ва уларнинг аҳамиятини аникланг.	
4.	Раъндошлар оиласининг маданий вакиллари ва уларнинг аҳамиятини аникланг.	
5.	Ўзлаштирган билимларингиз асосида 2-жадвални тўлдиринг.	
3-ЎФЭ	Модул дастурини якунлаш.	
1.	Модул дастурининг дидактик максадини ўқиб чикинг.	
2.	Сиз унга кай даражада эришдингиз?	
3.	Ўзингизнинг ўкув фаолиятингизни беш балли тизимда баҳоланг.	
4.	Ўкув фаолиятингиздан кониқиш хосил қилган бўлсангиз раъндошлар оиласига мансуб ўсимлик номларидан фойдаланиб кроссворд тузинг.	
5.	Агар ўз ўкув фаолиятингиздан эришилган натижа сизни каноатлантирмаса, модул дастури ёрдамида мавзууни кайта ўрганинг.	

#### 8-жадвал

Оила номи	Илдиз тизими	Барги	Пояси	Гули	Меваси
Раъндошлар оиласи					

#### 9-жадвал

Раъндошлар оиласи вакили	Ҳаётий шакли	пояси	барги	Гулининг формуласи	Мева си	Аҳами яти
Наъматак						
Олма						
Атиргул						
Нок						
Олча						
Бехи						

V. Ўқувчиларнинг модул дастури ёрдамида мустакил ишларини ташкил этиш. Ҳар бир модул якуннида ўқувчилар жамоаси билан савол-жавоб. ўқув мунозарасини ўтказиш.

VI. Модул дастурини якунлаш.

VII. Янги мавзу бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини тест топшириклари ёрдамида назорат килиш ва баҳолаш:

VIII. Янги мавзуни қайта ишлаш ва якунлаш.

IX. Уйга вазифа бериш.

Ўқитувчи модул дастури якунидан сўнг, ўқувчиларга янги мавзу бўйича тест топширикларини тавсия этади. Ўқувчилар тест топширикларининг жавобларини аниклагандан сўнг, ўқитувчи тўғри жавобларни эълон килади. Ўқувчи ўз жавобларини ўзи текширади ва модул дастурининг тегишли графасига ўз баҳосини кўяди. Шу тарика ўқувчи ўз-ўзини назорат килади. Модул дастурининг бажарилишини назорат килишда, ўқувчилар ўртасида ўзаро назоратни кўллаш хам яхши натижা беради.

### Ҳамкорликда ўқитиш технологияси

Биологияни ўқитишида ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг командада ўқитиш, кичик гурухларда ўқитиш, “арра” ёки “зигзаг”, “Биргаликда ўқиймиз” методларидан фойдаланиш имконияти мавжуд:

Командада ўқитиш (Р.Славин) методидан фойдаланилганда ўқувчилар тенг сонли иккита командага ажратилади. Ҳар иккала команда бир хил топширикни бажаради. Команда аъзолари ўқув топширикларини ҳамкорликда бажариб, ҳар бир ўқувчи мавзудан кўзда тутилган билим, кўнкума ва малакаларни ўзлаштиришига эътиборни қаратади.

Ҳамкорликда ўқитиш технологияси муаллифларидан бири бўлган Р.Славиннинг таъкидлашича, ўқувчиларга топширикларни ҳамкорликда бажариш бўйича кўрсатма берилиши етарли эмас. Ўқувчилар ўртасида том маънодаги ҳамкорлик, ҳар бир ўқувчининг кўлга киритган мұваффакиятидан кувониш, бир-бирига сидкидилдан ёрдам бериш хисси, кулагай ижтимоий-психологик мухит вужудга келиши зарур. Мазкур технологияда ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини аниклашда уларни бир-бiri билан эмас, балки ҳар бир ўқувчининг кундалик натижаси аввал кўлга киритилган натижага билан таккосланади. Шундагина ўқувчилар ўзининг дарс давомида зришган натижаси командага фойда келтиришини англаган холда маъсулиятни хис килиб, кўпроқ изланишга, билим, кўнкума ва малакаларни пухта ўзлаштиришга интилади.

**Дарснинг мавзу:** Карамдошлар оиласи.

**Дарснинг таълимий мақсади:** Ўқувчиларни карамдошлар оиласининг ўзига хос хусусиятлари, ёввойи ва маданий вакиуллари ва уларнинг аҳамияти билан таништириш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Ўсимликларнинг хилма-хиллигини тушунтириш орқали ўқувчиларнинг илмий дунёкарашини кенгайтириш, экологик, иктисолий, ахлокий тарбия бериш.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Ўқувчиларнинг гулли ўсимликларнинг тузилиши, хилма-хиллиги хақидаги билимлари, объектларни таниш ва кузатиш, дарслик устида мустакил ишлаш кўникмалари, нутк ва мулоқот маданиятини ривожлантириш.

**Дарсни жихозлаш:** жағ-жаг, курттана, читир гербарийлари, “Карамдошлар оиласи” жадвали, илдиз меваларнинг муляжлари.

**Дарса фойдаланиладиган технология:** Ҳамкорликда ўқитиш технологияси (командада ўқитиш методи)

**Дарснинг бориши:**

I. Ташкилий кисм

II. Ўтган мавзу юзасидан ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини назорат килиш ва баҳолаш.

III. Ўқувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш.

IV. Янги мавзуни ўрганиш:

а) ўқувчиларни командага ажратиб бир неча кичик гурӯхларни ташкил этиш ҳамда, ҳар бир команда аъзолари томонидан белгиланган ўқув топширикларини мустакил равишда сифатли бажарилишига эришиш;

**Топширикнинг дидактик мақсади:** Карамдошлар оиласи вакилларининг тузилишидаги ўзига хос хусусиятлари, ёвойи ва маданий вакиллари ва уларнинг ахамиятини ўрганиш.

№	Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириклари	Топширикни бажариш бўйича кўрсатмалар	Изоҳ
1.	Дарсликдаги матнни диккат билан ўкинг ва куйидаги саволларга жавоб тайёрланг.	Ўқувчилар гурухи билан ҳамкорликда ишланг.	
2.	Карамдошлар оиласига неча туркумга мансуб тур киради?		
3.	Карамдошлар оиласи вакилларининг вегетатив органларининг тузилишидаги ўзига хосликни аникланг.		
4.	Оддий жағ-жагнинг тузилиши ва ахамиятини ўрганинг.		
5.	Карамдошларнинг гули, меваси тузилишини ўрганинг.	Ўқувчилар билан	
6.	Оддий жағ-жагнинг тузилиши ва ахамиятини ўрганинг.	йтказиладиган савол-жавобда	
7.	Дарсликдаги матн охирида берилган саволларга фаол иштирок		

жавоб топинг ва топширикларни бажаринг. этинг	
---	--

Ўзлаштирган билимларнинг асосида, дарслик ва гербариylардан фойдаланиб куйидаги жадвални тўлдиринг.

Такъосланадиган жиҳатлар	Наматак	Оддий жаг-жаг
Илдиз тизими		
Барги		
Пояси		
Гулл		
Меваси		
Гул формуласи		

б) ўкув материалини яхлит ҳолда қайта ишлаб чикилишини амалга ошириш.

V. Янги мавзу юзасидан командалар ўртасида савол-жавоб, ўкув баҳси ўюштириш.

VI. Ўкувчилар билимини тест саволлари ёрдамида назорат килиш ва баҳолаш.

VII. Янги мавзуни қайта ишлаш ва якунлаш.

VIII. Уйга вазифа бериш.

**“Карамдошлар оиласи” мавзусидаги хамкорликда ўқитиш технологиясининг командада ўқитиш методидан фойдаланилган дарснинг технологик харитаси**

ТЕХНОЛОГИК БОСКИЧЛАР	ЎҚИТУВЧИННИГ ФАОЛИЯТИ	ЎҚУВЧИННИГ ФАОЛИЯТИ
I боскич Ташкилий кисм 2-минут	Ўкувчиларни дарс мавзуси, максади, бориши билан таништиради.	Даре мавзуси, максади, бориши ва унда бажариладиган топширикларни англайди.
II боскич Ўтган мавзу юзасидан ўкувчиларнинг билимларини назорат ки-лиш ва баҳолаш 8-минут	Ўтган мавзу юзасидан тузилган тест топшириклари ёрдамида ўкувчиларнинг билимларини назорат килади ва баҳолайди.	Ўтган мавзу юзасидан тузилган тест топширикларини бажаради.
III боскич Ўкувчиларнинг билиш фаолияти-ни ташкил этиш.	Ўкув дастурининг дидактик максади, бажариладиган ўкув топшириклари билан таниш-тиради.	Ўкув дастурининг дидактик максади, бажариладиган ўкув топшириклари юзасидан кўрсатмаларни

2-минут IV боскич Янги мавзуни ўрганиш. 15-минут	Ўкувчиларнинг командалар-да мустакил ишини ташкил этади.  Ўкув дастуридан ўрин ол- ган топширикларни муста- кил ўзлаштирилишини таъминлайди.  Топширик якунида коман- далар ўртасида савол-жавоб, ўкув баҳси, мунозара ўтказади. Тегишли холларда ёрдам уюштиради.	англайди. Ўкувчилар билан ҳамкор- ликда ўкув фаолиятини ташкил этади. Ўкув дастуридан ўрин олган топширикларни мустакил ўзлаштиради.
V боскич Командалар ўртаси, савол-жавоб, ўқ баҳси, мунозара ўткзиш. 5-минут	Топширик якунида коман- далар ўртасида савол- жавоб, ўкув баҳси, мунозара ўтказади. Тегишли холларда ёрдам уюштиради.	Командалар ўртасида ўтка- зиладиган савол-жавоб, ўкув баҳси, мунозарада фаол иштирок этади.
VI боскич Ўкувчилар билимини назорат килиш ва баҳо-лаш. 8-минут	Ўрганилган мавзу юзасидан тест топшириклари, саволлар ва дидактик жадваллар беради.	Тест топшириклари, саволлар ва дидактик жадвалларни бажаради.
VII боскич Эришилган натижани таҳлил килиш ва яқун ясаш. 5-минут	Командалар фаолиятини таҳлил киласи, ўкувчиларга мустакил ва ижодий иш топширикларини беради	Мустакил ва ижодий иш топширикларини белгилайди.

## 2. Ҳамкорликда ўқитишнинг “арра” ёки “зигзаг” методи. (Э.Аронсон)

Педагогик амалиётда бу метод кисқача “арра” методи деб номланади. Мазкур методда кичик гурӯхлар 6-8 та ўқувчидан ташкил топади. Дарс давомида ўрганиладиган мавзу мантқан тугалланган кисм (блок ёки модул)ларга ажратилади. Ҳар бир кисм юзасидан ўкувчилар бажариши лозим бўлган ўкув топшириклар тузилади. Ҳар бир ўкувчилар гурухи мазкур топширикларнинг биттасини бажаради ва шу кисм бўйича “мутахассис”га айланади. Сўнгра гурухлар қайта ташкил этилади. Бу гурухларда ҳар бир кисм (блок ёки модул) “мутахассиси” бўлиши шарт, мазкур “мутахассис”лар ўзлари эгаллаган билимларни худди “арра” тишлари кетма-кет келганидек, навбат билан ўртоқларига байён киласи. Мазкур гурухларда ўкув материали мантикий кетма-кетликда қайта ишлаб чикилади.

Шуни қайд этиш керакки, ушбу дарсда ўкувчилар икки марта гурухларга ажратилади.

Биринчи гурух “мутахассислар” тайёрлаш гурухи.

Мазкур мавзу бўйича ўкув материали мантикий тугалланган фикрли тўртта кисмдан иборат бўлғанлиги сабабли, дарсда катнашаётган 32 та ўкувчи дарс бошланишидан олдин 4 хил рангдаги карточкалар ёрдамида тенг

сонли түртта 8 ўқувчидан иборат “мутахассислар” гурухига ажратилади. Улар ўзларига тегишли ўқув топширикларни бажаради ва шу кисм бўйича “мутахассислар”га айланади.

Иккинчи гурух “мутахассислар” учрашуви гурухи. Рангли карточкаларнинг хар бирининг орка томонида 1 дан 8 гача ракамлар ёзилган бўлиб, барча рангли карточкалардаги ракамлар йигиндиси синфдаги ўқувчилар сонига тенг бўлиши лозим.

“Мутахассислар” учрашуви карточкаларнинг орка томонидаги ракамлар асосида 8 та гурух ташкил этилиб, бу гурухлар таркибига бир хил ракамли 4 хил рангдаги карточкаларга эга бўлган 4 та ўқувчи киради. Шуни кайд этиш керакки, бу гурухларда хар бир кисм (блок ёки модул) “мутахассиси” бўлиши шарт.

Мазкур учрашувда “мутахассислар”лар ўзлари эгаллаган билимларни худди “арра” тишлари кетма-кет келганидек, навбат билан ўртокларига баён киласди. Ушбу гурухларда ўқув материалининг 4 та кисми мантикий кетма-кетликда қайта ишлаб чикилади. Сўнгра ўқув материали юзасидан тузилган топшириклар яхлит ҳолатга келтирилиб, гурухлар ўртасида савол-жавоб, мунозара ўтказилади.

Ўқувчилар билимларни пухта эгаллашнинг ягона йўли ўз ҳамкорининг ахборотини диккат билан тинглаш эканлигини англаган ҳолда, мушоҳада юритишига, керакли маълумотларни дафтарга ёзишига харакат киласди. Бу ерда ўқитувчи факат ўқувчиларнинг мустакил ишларини ташкил этадиган ташкилотчи вазифа-сини бажаради. Дарс охирида ўқитувчи ўқувчиларнинг билим даражасини тест топшириклири ёрдамида аниклайди. Хар бир ўқувчининг билими сифатидаги ўсиш хисобга олинади.

**Дарс мавзуси:** Зогора баликнинг ички тузилиши.

**Дарснинг таълимий мақсади:** Ўқувчиларни баликнинг ички тузилиши, овкат ҳазм килиш, нафас олиш, кон айланиш, айриш органлари ва моддалар алмашинувининг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Ўқувчиларни баликнинг ички тузилиши, овкат ҳазм килиш, нафас олиш, кон айланиш, айриш органлари ва моддалар алмашинувининг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш оркали илмий дунёкаршини кенгайтириш, табиатга нисбатан ижобий муносабат таркиб топтириш, экологик тарбия бериш.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Ўқувчиларнинг тирик организмларнинг хилма-хиллиги, яшаш мухитига мослашиш белгилари хакидаги билимларини, дарслик устида мустакил ишлаш кўнгикмаларини ривожлантириш.

**Дарсни жихозлаш:** Зогора баликнинг ички тузилиши акс эттирилган жадваллар, макропрепаратлар.

**Дарсда фойдаланиладиган технология:** ҳамкорликда ўқитиш технологияси (“арра” методи)

**Дарснинг бориши:**

I. Ташкилий кисм

II. Ўкувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш ва уларнинг фаолиятини ўкув топширикларини бажаришга йўллаш.

III. Янги мавзуни ўрганиш

а) “мутахассислар” томонидан белгиланган ўкув топширикларини сифатли бажарилишига эришиш.

Мазкур мавзу матни мантикий тугалланган фикрлар куйидаги кисмларга ажратилиди:

1. Зогора баликнинг овқат ҳазм килиш системаси.
2. Зогора баликнинг нафас олиш органлари.
3. Зогора баликнинг кон айланиш системаси.
4. Зогора баликнинг айриш системаси ва моддалар алмашинуви.

### 1-гурух учун ўкув топшириклари

№	Ўкувчилар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўкув топшириклари	Топширикни бажариш юзасидан кўрсатмалар
	<p>Дарсликдаги матнни дикқат билан ўкиб, куйидаги саволларга жавоб топинг ва топширикларни бажаринг:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Зогора балик нималар билан озикланади?</li> <li>2. Зогора баликнинг овқат ҳазм килиш системаси кандай органлардан иборат?</li> <li>3. Зогора балиқда ошқозон вазифасини кайси орган бажаради ва унга кайси органларнинг йўли очилган?</li> <li>4. Баликнинг овқат ҳазм килиш системасини ланцетникники билан таккосланг. Ўхашашлик ва фаркини аникланг</li> </ol>	<p>Ўкувчилар гурухи билан хамкорликда ишланг</p> <p>Ўкувчилар билан ўтказиладиган савол жавобда фаол иштирок этинг.</p>

### 2- гурух учун ўкув топшириклари

№	Ўкувчилар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўкув топшириклари	Топширикни бажариш юзасидан кўрсатмалар
	<p>Дарсликдаги матнни дикқат билан ўкиб, куйидаги саволларга жавоб топинг ва топширикларни бажаринг:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Зогора баликнинг нафас олиш органларининг тузилишини ўрганинг.</li> <li>2. Жабра кандай тузилишга эга эканлигини аникланг</li> <li>3. Жабра варакчаларида газ алмашинув жараёни кандай содир бўлишини аникланг.</li> <li>4. Баликнинг нафас олиш системасини ланцетникники билан таккосланг. Ўхашашлик ва фаркини аникланг.</li> </ol>	<p>Ўкувчилар гурухи билан хамкорликда ишланг</p> <p>Ўкувчилар билан ўтказиладиган савол жавобда фаол иштирок этинг.</p>

### **3 - гурух учун ўкув топшириклари**

<b>№</b>	<b>Ўкувчилар ўзлаштириш лозим бўлган материаллар юзасидан ўкув топшириклари</b>	<b>Топширикни бажариш юзасидан кўрсатмалар</b>
	<p>Дарсликдаги матнни диккат билан ўкиб, куйидаги саволларга жавоб топинг ва топширикларни бажаринг:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Зоғора балиқнинг кон айланиш системаси қандай органлардан иборатлигини аникланг.</li> <li>2. Артерия ва вена қон томирларига таъриф беринг.</li> <li>3. Балиқ юрагининг тузилиши ва кон айланиш доирасини ўрганинг. Балиқнинг кон айланиш системасини ланцетникники билан таккосланг. Ўхашашлик ва фаркини аникланг</li> <li>4. Тўқималарда газ алмашинуви жараёни қандай кечади?</li> </ol>	<p>Ўкувчилар гурухи билан хамкорликда ишланг</p> <p>Ўкувчилар билан ўтказиладиган савол жавобда фаол иштирок этинг.</p>

### **4 - гурух учун ўкув топшириклари**

<b>№</b>	<b>Ўкувчилар ўзлаштириш лозим бўлган материаллар юзасидан ўкув топшириклари</b>	<b>Топширикни бажариш юзасидан кўрсатмалар</b>
	<p>Дарсликдаги матнни диккат билан ўкиб, куйидаги саволларга жавоб топинг:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Зоғора балиқнинг айриш органларининг тузилишини ўрганинг.</li> <li>2. Балиқ бурраги каерда жойлашганлигини аникланг</li> <li>3. Моддалар алмашинуви натижасида хосил бўлган зарарли моддалар қандай чиқариб юборилишини аникланг.</li> <li>4. Моддалар алмашинувининг ўзига хос хусусиятларини аникланг.</li> </ol>	<p>Ўкувчилар гурухи билан хамкорликда ишланг</p> <p>Ўкувчилар билан ўтказиладиган савол жавобда фаол иштирок этинг.</p>

б) “мутахассислар учрашуви” гурухини ташкил этиш ва мазкур гурухларда “мутахассис”лар ёрдамида укув материалининг яхлит ҳолда қайта ишлаб чикилишини амалга ошириш.

V. Янги мавзу юзасидан ўкувчилар ўртасида савол-жавоб, ўкув баҳси уюштириш.

VI. Ўкувчилар билимини тест саволларин ёрдамида назорат килиш ва баҳолаш.

VII. Янги мавзуни қайта ишлаш ва якунлаш.

VIII. Уйга вазифа бериш.

Хулоса килиб айтганда, биология дарсларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш юкори самара беради, ўкувчиларнинг фан

асосларини ўзлаштиришга бўлган кизикишлари ва эҳтиёжларини ривожлантириш имконини беради.

### **Талабаларниң ўз-ўзини назорат қилиш саволлари**

- 1.Педагогик технологиялар хакида тушунча беринг.
- 2.Педагогик технологиялар таълим жараёнида қандай даражада қўлланишини аникланг.
- 3.Биологияни ўқитишда қандай технологиялардан фойдаланиш тавсия этилган?
- 4.Биологияни ўқитишда дидактик ўйинли дарслардан фойдаланишнинг ўзига хос ҳусусиятларини аникланг.
- 5.Биологияни ўқитишда муаммоли таълим технологияларидан фойдаланишнинг қандай афзалликлари мавжуд?
- 6.Модулли таълим технологиялари ва модулли дарсларнинг ўзига хос ҳусусиятларини аникланг.
- 7.Биология дарсларида ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг қайси методларидан фойдаланиш тавсия этилган?

## **9-Боб. БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ УЗВИЙЛИГИ**

### **9.1. БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДА ТАЪЛИМ – ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ**

1. Ўкувчиларда илмий дунёкараш ва тафаккурни шакллантириш.
2. Биологияни ўқитиша ўкувчиларни маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик, экологик, эстетик, иктисодий, жисмоний, гигиеник, меҳнат ва байналминал тарбиялаш масалалари.
3. Биологияни ўқитиша таълим – тарбияниг узвийлигини таъминлаш йўллари.

#### **Асосий тушунча ва таянч сўзлар**

Илмий дунёкараш ва тафаккурни шакллантириш. ўкувчиларни маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик, экологик, эстетик, иктисодий, жисмоний, гигиеник, меҳнат ва байналминал тарбиялаш масалалари. таълим – тарбияниг узвийлиги.

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жихатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали баркамол шахс – фуқарони шакллантиришни назарда тутади.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш узлуксиз таълим тизимидаги ўқитиладиган барча ўкув фанлари катори биологиянинг ҳам зиммасига юкландади. Баркамол шахс – фуқарони шакллантириш вазифасининг мувоффакиятли ҳал этилиши аввало, ўкувчиларда илмий дунёкарашни шакллантиришни талааб этади.

Табиат тўғрисидаги етакчи фанларнинг бирни саналган – биология зиммасига ўкувчиларнинг илмий дунёкарашини шакллантиришда анча маъсулиятли вазифалар тушади. Шу сабабли, ҳам мактаб биология ўкув фанининг мазмуни ўкувчиларда илмий дунёкарашни шакллантиришда катта имкониятларга эга.

Биологияни ўқитиша аввало, ўкувчиларни биологияниг асосий ғоя, назария, конуниятлари ва тушунчалари, амалиёт, ҳалк хўжалигининг турли тармоқларида тутган ўрни, биологик билимларни ўзлаштиришнинг ахамияти билан танишириш назарда тутилади ва шу орқали ўкувчиларда илмий дунёкарашни шакллантириш ва инсоннинг табиат ва жамиятга онгли муносабатини таркиб топтириш билан узвий боғланган ҳолда таълим-тарбиявий тизим вужудга келтирилади.

Мазкур тизим ўзида ўкувчилар томонидан фан асосларини мустаҳкам ўзлаштиришлари баробарида, илмий дунёкараш ва тафаккурни шакллантириш, ўкувчиларни маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик, экологик, эстетик, иктисодий, жисмоний, гигиеник, меҳнат ва байналминал тарбиялаш масалаларини мужассамлаштиради.

Илмий дунёкарашни шакллантириш. Ўкувчиларнинг биология ўкув фанини ўрганиши биологик объектларнинг тузилиши, ривожланиши ва хаёт

фаолияти конуниятларини тушунишга олиб келади. Бу билимлар ўкувчиларнинг илмий дунёкараши ва эътиқодлари сите масини ташкил этади. Ўкувчиларнинг илмий дунёкараши биологик конуниятларни «табиат-инсонжамият» муносабатларининг тарихий ривожланиш нуктаи назаридан тушунишга асосланади.

«Илмий дунёкараш» тушунчасига биология ўқитиш методикасининг турли манбаларида турлича ёндошилган. Жумладан, Б.Е.Райков илмий дунёкараш тушунчасини «дунё хакидаги билимлар мажмуаси», В.В. Всеевятский «табиатга нисбатан тўгри карашлар мажмуаси», Н.М.Верзилин ва В.М.Корсунская «инсоннинг атроф мухитга муносабати, жамоа ва жамиятдаги хулк-авторини аниклайдиган илмий тасаввурлар ва тушунчалар тизими» деб таъриф берганлар. Педагогик энциклопедияда «илмий дунёкараш фалсафий, илмий, сиёсий, иктисадий, хуқукий, ахлокий, эстетик идеаллар ва эътиқодлар йигиндиси, инсоннинг моддий борлик хакидаги карашлари мажмуаси хисобланиб, шулар асосида инсон табиат ва ижтимоий мухитга ўз муносабатини намоён этади» деб таъриф берилган. Ушбу таъриф асосида биология ўқитиш методикаси илмий дунёкарашни шакллантиришда ахамиятга молик бўлган тушунчаларни аниклаш, мазкур тушунчаларни шакллантириш учун зарур бўладиган шарт-шароитларни ва асосий боскичларни, биологияни ўрганиш натижасида вужудга келадиган карашлар ва эътиқодлар тизимига тавсиф бериши, табиатга нисбатан онгли муносабатни таркиб топтиришдаги ўрнини кўрсатиши лозим.


Биологияни ўқитишида ўкувчиларнинг илмий дунёкарашига асос бўладиган тушунчаларни куйидаги гурухларга ажратиш мумкин:

1. Жонсиз ва жонли табиатнинг кимёвий таркибидаги ўхшағликлар, юз берадиган ҳодисаларнинг умумийлиги ва узвийлиги;
2. Тирик организмларда содир бўладиган ҳаётй жараёнлар ва ўзгарувчанликларни тушунишда, муаммоли ўкув топширикларини хал этишда биологик конунлар билан бир каторда, физик-кимёвий конунлардан фойдаланиш орқали фанларро боғланишни амалга ошириш;
3. Моддий борликдаги ҳодиса ва воеаларни ўрганишнинг зарурати, экологик фожеаларнинг сабаблари ва уларни бартараф этиш тадбирлари;
4. Инсон томонидан табиат конунларини ўрганиш ва ундан самарали ва окилона фойдаланиш йўллари;
5. Табиий ҳодисаларнинг ўзаро боғликлиги ва ривожланишида сабаб-окибат боғланишлар.
6. Инсон – ижтимоий мавжудот.
7. Табиатни муҳофаза килиш – бўй сайдернида ҳаётни асрарнинг асоси

Умумий ўрта таълим мактабларида ботаника, зоология, одам ва унинг саломатлиги ўкув курслари мазмун жиҳатдан фактларга бой бўлиши билан бир каторда, хар бир мавзуда ўкувчиларнинг илмий дунёкарашини ривожлантириш имконини беради.

Ботаника ўкув фани дастуридан ўрин олган «Ўсимлик-яхлит организм» мавзусини ўрганишда ўкувчиларнинг илмий дунёкарашини шакллантиришга

аосос бўладиган билимлар умумлаштирилади, табиатни муҳофаза килишига доир кўнкималарни амалиётга кўллаш имконияти туғилади. Мазкур биологик билимлар муайян даражада ўқувчиликнинг атроф-мухитга бўлган муносабати, хатти-харакатини белгилайди. Шу сабабли ўқитувчи ушбу мавзуни ўрганишда жиддий тайёргарлик кўриши, ўқувчиликнинг эътиборини мазкур билимларга таяниб, табиий бойликларнинг табиат ва инсон хаётидаги ахамиятини англаган ҳолда уларни асраш лозимлиги ҳакида хулоса чикаришига йўналтириши лозим. Мавзуни ўрганиш жараённада ўсимликнинг барча органлари ўзаро боғликлиги, организм билан атроф-мухит ўртасида узвийлик мавжудлиги ёритилади. Мазкур билимлар ўқувчиликнинг ўсимликнинг яхлит организм эканлиги, биологик жараёнларнинг боришида органларнинг иштироки, биологик ҳодисаларнинг содир бўлишида сабаб-окибат боғланишларни англашга ёрдам беради. Ўқитувчи ўқувчилик фаолиятини ўсимлик организм мининг тузилиши ва функцияси, кўпайиш усуслари, яашаш муҳитига мослашиши ҳакидаги билимларни умумлаштириш, илмий дунёкарашга оид хулосалар чикаришга йўллади. Ўқувчиликнинг ўсимликларнинг хужайравий тузилиши ҳакидаги билимларни умумлаштириш максадида хужайра, тўқима, орган, органлар системаси ва организм ўртасидаги боғланишларни аниклаш ва куйидаги жадвални тўлдириш тавсия этади.



Ўқувчилар дарслик, кўргазмали воситалар ва тарқатма материаллар ёрдамида мустакил ишлаб, хужайра, тўқима, орган, органлар системаси ва организм ўртасидаги боғланишларни аниклашиб, муайян хулосага келадилар.

Ўқувчиликнинг ўсимликларда борадиган хаётий жараёнларнинг моҳиятини англашлари, жумладан, фотосинтез жараённада ўсимлик органларининг бажарадиган вазифаларини аниклаш учун куйидаги жадвални тўлдириш тавсия этилади.

Ўсимлик органлари	Фотосинтез жараёнидаги вазифаси	Органик моддалар харакати ва сарфи	Ўзаро боғлилик
Илдиз			
Поя			
Барг			
Гул			
Мева			

Дарс якунида ўсимлик органларида содир бўладиган хаётий жараёнлар, уларга таъсир кўрсатувчи ташки муҳит омиллари кайд этилиб, билимлар умумлаштирилари ва ўсимлик – яхлит организм эканлиги ҳакида хулоса чикарилади.

Шунингдек, «Одам ва унинг саломатлиги» ўкув фанидаги «Олий нерв фаолияти» бобида шартсиз ва шартли рефлекслар, тормозланиш, нутк ва

фирнларш ҳакида тушунча беришда диалектик материализмнинг материянинг бирламчи, онг иккиминчаликнига асосланиши лозим, яъни ҳар қандай тасаввур ташки мухит таъсирида вужудга келиши, ташки мухит таъсуретлар манбаси эканлиги кайд этилади.

«Умумий биология» ўкув фанида моддий оламнинг яхлитлиги ва бирлиги, ўсимликлар, хайвонларнинг хужайравий тузилиши, прокариот ва эукариот организмларнинг ўхшашлиги ва фарқлари, уларда борадиган хаёттй жараёнлар ҳакида тушунча бериб, тирик организмларнинг хилма-хиллиги, табиий гурухларда биргаликда яшашга мослашганлиги, уларга таъсир кўрсатадиган экологик омиллар тушунтирилади ва хаётнинг молекула, хужайра, организм, популяция, тур, биогеоценоз ва биосфера даражалари мавжудлиги кайд этилади.

Биологияни ўқитишда ўкувчилар томонидан ўзлаштирилган барча билимлар ДТСда кайд этилган «Организм-биологик система», «Экологик системалар», «Органик олам эволюцияси» йўналишлари бўйича умумлаштирилади ва илмий хуносалар чиқарилади.

Биология ўқитишда ўкувчиларнинг илмий дунёкарашини шакллантириш учун кўйидаги шарт-шароитларни вужудга келтириш зарур:

Ўқитувчилар томонидан ўкувчиларнинг илмий дунёкарашини шакллантиришда ахамиятга молик биологик ғоя, назария ва тушунчаларни чукур илмий-фалсафий нуқтаи назардан тушуниши.

Ўқитиш жараёни (мавзуу, ўкувчиларнинг ўкув-билиш фаолияти)нинг ҳар бир боскичидаги ўкувчиларнинг илмий дунёкарашини шакллантиришда тутган ўрнини тахлил килиш ва аниклаш.

Биология ўқитишда ўкувчиларнинг илмий дунёкарашига асос бўладиган тушунчаларнинг мазмунни ва моҳиятини англашлари, табиий ҳодисаларнинг сабабларини аниклаш ва далиллашда, ўкув муаммоларини ҳал этишда бошқа ўкув фанларидан ўзлаштирилган билимларига асосланиши, яъни нафтикат табиий-математик, балки ижтимоий-гўманиттар ўкув фанлари билан фанлараро боғланишларни амалга ошириш.

Биологик конуният, хуроса ва умумлашмаларни биологиянинг илчай-таддикот методлари ёрдамида олинган натижалар, фактлар ёрдамида асосланиши ва далиллаш.

Ўкувчиларнинг тирик табиатнинг умумий конуниятларини ўрганишнинг мухимлиги, асосий ғоя ва тушунчаларнинг ривожланишини англаш ва тушунишга йўналтириш асосида ўкувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш. Бунда ўкувчиларнинг ижодий ва мустакил ишлари, муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, назарий мазмунга эга ўкув топширикларини тайёрлаш лозим.

Ўкувчилар томонидан илмий дунёкараш масалаларига бўғлиқ тушунчаларни ўзлаштириш даражаси ва сифати, ўзлаштирилган билимларни ўкув ва амалий фаолиятга кўллашни мунтазам равишда аниклаш, олинган натижаларга мувофик ўқитиш жараёнининг мазмуни ва боришига тегинли ўзгартиришлар киритиши лозим.

Турли хаётый вазиятларда ўқувчиларнинг нуктаи назари, эътиқодининг мустакиллиги, хатти-харакати ва хулк-авторининг тўғрилигини далилловчи хусусиятларга эга бўлган умумий биологик тушунчаларни ўқув ва амалий фаолиятга кўллаш эҳтиёжини ривожлантириш зарур.

Илмий дунёкарашни шакллантирища ўқувчилар тафаккурининг ривожланиши мухим ахамият касб этади. Биология ўқув фанларининг мазмуни диалектик-материалистик нуктаи назардан ёритилиши, ўқувчилар томонидан органик олам ва унда содир бўладиган ўзгаришларни тушунибгина қолмасдан, балки тирик организмларда борадиган хаётий жараёнларнинг моҳияти, мазкур жараёнларга таъсир кўрсатадиган омиллар, тирик организмларнинг яшаш мухитига мослашиши ва хилма-хиллигининг сабабларини англайдилар. Биологияни ўқитишида ўқитувчи ўқувчиларнинг мантикий фикр юритишига, таққослаш, умумлаштириш ва хулоса чикаришга замин тайёрладиган ўқув топширикларини тайёрлаши лозим. Ўқитишининг бу шаклда ташкил этилиши ўқувчиларнинг фактлар, ходисаларнинг ўзаро боғликлиги устида мулоҳаза юритишига ёрдам беради. Мулоҳаза юритиши ўқувчиларнинг ўқув материалини онгли ва пухта ўзлаштиришига имкон яратади. Ўқувчиларнинг тафаккурини ривожлантириш уларда мустакил ва ижодий фикрлашни таркиб топтиришга боғлик бўлади. Бу масалалар «Биологияни ўқитишида ўқувчиларда мустакил ва ижодий фикрлашни таркиб топтириш» мавзуусида батағфисл ёритилган.

**Маънавий-ахлокий тарбия.** Инсоннинг маънавияти унинг онгига акс этган барча ижобий рухий, интеллектуал фазилатлар, ахлок эса умуминсоний ва миллатнинг миллий кадриятлари асосида жамиятда қабул килинган, жамоатчилик фикри билан маъқулланган хулк-автор меъёрлари мажмууаси саналади. Баркамол шахсни камолга етказишда маънавий-ахлокий етуклик мухим ахамият касб этади. Шу сабабли, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида узлуксиз таълимни ислоҳ килиш йўналишларидан бири «миллий мустакиллик принциплари ва ҳалкнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий кадриятларнинг устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлокий фазилатларини ривожлантириш»<sup>1</sup> деб белгиланган.

Ушбу вазифаларни биологияни ўқитиши жараённида ҳал этиш учун ўқитувчи дарсда умумий осойишталик, шахснинг ривожланиши учун кулагай психолого-мухит, ўқувчиларда онгли интизомни вужудга келтириши, таҳсил олишдаги бурч ва маъсулиятни таркиб топтириши лозим.

Маънавий-ахлокий тарбиянинг асосий вазифаларидан бири табиатни ўрганиш жараённида ўқувчиларда табиат, меҳнат, инсонларга нисбатан эътиборли муносабатда бўлиш, табиий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланиш, топширилган вазифаларни тўла-тўқис, сифатли бажариш, расмийлаштириш, онгли интизом, бурч ва маъсулиятни таркиб топтириш, инсоннинг кадр-қимматини хурмат қилишга ўргатиш саналади. Ўқувчиларни

<sup>1</sup> Баркамол авлод-Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. «Шарқ» нашиёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти.- Т.: 1997 45 бет.

маънавий-ахлоқий тарбиялашда ўкув фаолиятини рагбатлантириш ва асослаш, ижобий ҳатти-харакатларни кўллаб-куватлаш, салбий ҳолатларни мухокама килиш, ўқитувчининг шахсий намунаси ва ижобий ҳатти-харакатларни кўргазмали кўрсатиш мўхим роль йўнайди.

Ўкувчиларнинг органик олам ва унинг объектларини ўрганишда, ўсимликлар, хайвонларнинг ривожланиши, уларнинг хилма-хиллиги, ҳаётини саклаб колиш ва кўпайтириш учун кайгуриши, ғамхўрлик килиши, ёрдам бериши хақидаги илмий билимлар, муайян кўникма ва малакаларни таркиб топтиришга эътиборини қартиши зарур. Табиат, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришда, Ерда ҳаётни саклаб қолишида биологик билимлардан фойдаланишининг аҳамияти, инсоннинг табиатга нисбатан инсонпарварлаштирилган муносабатининг роли кўрсатиб ўтилади.

**Ватанпарварлик тарбияси.** Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида узлуксиз таълим тизими орқали ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши назарда тутилган. Шахснинг бу хусусиятлари ўкув-билиш, ижтимоий-фойдали меҳнат жараёнида кўзга ташланади. Мактаб биология ўкув фанлари ўкувчиларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириша мухим ўрин тутади.

Биологияни ўқитишида ўкувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Республикализнинг гўзал табиати, ер ости ва усти бойликлари, ҳалқ хўжалигини ривожлантириша кўлга киритилган ютуклар, баркамол шахсни камолга етказиши максадида кабул килинган «Соглом авлод» Давлат дастури, согликни саклаш соҳасида кабул килинган конунлар, табиатни муҳофаза килиш юзасидан ўтказилаётган тадбирлар билан таништириш мухим аҳамият касб этади. Шунингдек, ўрта асрларда яшаган улуғ алломаларнинг жаҳон цивилизациясига кўшган хиссалари, уларнинг маънавий қарашлари, ҳадислар, хикматли хикоялардан фойдаланиш тавсия этилади.

Ўрганилаётган мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда табиатни илмий-назарий, хиссий-эстетик жиҳатдан ўрганишни тўғри йўлга кўйиш – инсоннинг табиатга нисбатан онгли, маънавий-ахлоқий муносабатлари меъёрларининг асосини ташкил этадиган юксак ватанпарлик бурчнинг шаклланишига замин тайёрлайди.

Ўкувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг самарадорлиги қуидагиларга боғлик:

1. Ўкувчиларнинг хиссиётига таъсир кўрсатадиган ўкув материалларини танлаш;
2. Танланган ўкув материалининг ўрганилаётган ўкув материали билан узвийлигини таъминлаш орқали миллий ғуурурни шакллантириш;
3. Ўқитувчи томонидан ўкув материалларини эҳтиросли баён этиш;
4. Ўкувчиларнинг ўкув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда самарали метод ва воситалардан фойдаланиш;
5. Ўкувчиларни ўрганилаётган мавзу мазмуни билан боғлиқ ҳолда касб танлашга, Ватаннинг равнаки ва мустакилликнинг мустаҳкамланишига хисса кўшишга сафарбар этиш;

6. Шарқ маънавияти дурдоналари, ҳадислар, хикматли ҳикоялар ва афсоналардан фойдаланиш.

Ватанпарварлик тарбияси ўқитишининг барча шаклларида, шу жумладан синфдан ташкари машғулотларида амалга ошириш, бунда ватанни мадх этувчи шеърлар, кўшиклар, санъат асарлари, маънавият дурдоналаридан фойдаланиш тавсия этилади.

**Экологик тарбия.** «Хозир XXI аср бўсагасида, фан-техника тараккиёти жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Дунёнинг жўрофий-сиёсий тузилиши ўзгармоқда. Бундай шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилётган таъсирини тартибга солиш, ижтимоий тараккиёт билан кулаг табиий муҳитни саклаб қолишининг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб колмоқда»<sup>1</sup>

Сайдернида экологик муаммолар ва танглик юз берадиган жараёнда ўкувчиларнинг экологик маданиятини шакллантириш зарурати келиб чиқади.

Экологик маданият умумий маданиятнинг муҳим таркибий кисми саналиб, шахснинг маънавий ҳаёти ва кундалик ҳаётида хатти-харакат шаклида намоён бўладиган, ҳаётнинг ва табиатнинг бебаҳо ахамиятини англаш, уларни асрар авайлаш, муҳофаза килишда фаоллик кўрсатиш каби сифатларни ўз ичига олади.

Ушбу маданият албатта ўкувчиларнинг экологик таълим ва тарбияси асосида вужудга келади. Экологик таълим-тарбиянинг асосий вазифаси ўкувчиларда табиатга нисбатан бурч ва маъсулият, онгли муносабатни таркиб топтириш, шарқона одоб-ахлоқ меъёрларига мос хулк-атворни шакллантириш саналади.

Ўқитувчи хар бир дарсда, синфдан ташкари машғулотлар ва экскурсияларда ўкувчиларда экологик маданиятни шакллантириш бўйича режали ва мунтазам иш олиб бориши зарур.

Биологияни ўқитишида экологик масалалар кенг камровли бўлиб, хамма ўкув фанларида мужассамлашган. Ушбу ўкув материаллари ўкувчиларнинг табиатдаги уйғунлик, унда содир бўладиган ходисалар, ўзгаришлар, улар ўртасидаги узвийлик ва мазкур узвийликни. ўзаро боғланишларни бузуб юбориш осонлигини тушунишга имкон беради. Масалан, кишилек хўжалиги далаларида заҳарли пестицид ва гербицидлардан фойдаланиш, кўзланган натижага олиб келиши мумкин, лекин бу жараёнда доривор ўсимликлар ва фойдали ҳашаротлар ҳам нобуд бўлади. Уларни еган кушлар ҳам кирилиб кетади. Натижада шу ареалдаги озик занжири бузилиб кетиши, ўсимликлар коплами ҳам муайян даражада ўзгаришларга учраши тайин.

Ўқитувчи биология ўкув фанини ўқитиши оркали экологик тушунчалар организм ва муҳитнинг ўзаро боғликлиги, табиий жамоаларнинг алмашинуви, биогеоценозлар, экологик системаларнинг ўзгариши, биосфера.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: ҳавфисизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари.- Т.: Ўзбекистон, 1997. 114-бет.

инсоннинг экологик омил эканлиги ва х.к. ўқувчилар томонидан мустаҳкам ўзлаштиришлари, кўнікма ва малакаларни эгаллашига эришиши лозим.

Ўқувчиларда экологик маданиятни таркиб топтиришда қўйидаги вазифалар амалга оширилиши лозим:

Ўқувчилар томонидан табиатнинг яхлитлиги, жамият ва табиатнинг ўзаро алокадорлиги ҳакидаги илмий билимларни ўзлаштириш, табиатга нисбатан онгли муносабатни таркиб топтиришга асос бўладиган экологик билим, кўнікма ва малакаларни эгаллашига эришиш;

Табиат ва унинг таркибий кисмларининг кенг маънодаги аҳамиятини тушуниш, тикланадиган ва тикланмайдиган бойликларнинг фарқига етиш;

Табиий бойликлардан тежамкорлик билан фойдаланиш, атроф-мухитнинг тозалигини асраш, кўкаламзорлаштириш ва табиий бойликларни кўпайтириш учун амалга ошириладиган тадбирлар, ижтимоий фойдали меҳнатда фаол иштирок этиш мотивларини шакллантириш.

Экологик таълим-тарбияни амалга оширишда қўйидаги кўрсатмаларга амал килиш зарур:

Табиат ва атроф муҳитни ўрганиш ва ўзлаштириш инсоннинг билиш ва амалий фаолияти бирлиги асосида ташкил этилади. Шу сабабли ўқитувчи биологияни ўқитишида табиатнинг ҳар бир таркибий кисми, шу жумладан, ўсимликлар, ҳайвонларнинг тузилиши ва хаётий жараёнлари ўрганилганда ўқувчиларга илмий билимлар бериш билан бирга, мазкур билимларни амалиётга татбики ҳақида ҳам маълумот бериши, ҳар бир организмга ташки мухитнинг кўрсатадиган таъсири. организмларнинг яшаш муҳитига мослашишини тушунтирилиши;

Инсоннинг жонсиз ва жонли табиатга, ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёсига кўрсатган ижобий ва салбий таъсирини ёритиш асосида, табиат, инсон ва жамият муносабатлари тушунтирилиши, фан соҳалари бўйича тўпланган илмий билимлар интеграцияси ва фанлараро boglaniшлар амалга оширилиши;

Сайёрамизда вужудга келган локаль ва глобаль экологик муаммоларни ҳал этишда дунё ҳамжамияти, давлат ва нодавлат ташкилотларининг фаолияти, яъни ушбу экологик муаммоларнинг ҳал этилишида давлатлараро умумий алокадорлик масалалари ҳақида маълумот берилиши;

Ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш баркамол шахсни камолга етказиш борасида олиб борилаётган таълим-тарбиявий ишларнинг асосий таркибий кисми эканлигини назарда тутиш зарур.

**Эстетик тарбия.** Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим олувчиларда бой эстетик дунёкарасини ҳосил килиш масаласига кенг эътибор берилган. Маълумки, эстетика – гўзаллик элементлари, шароитлари ва конунлари тўғрисидаги фандир. Эстетик тарбия гўзаллик хисси, туйгулар, бадиий дидни ривожлантиришга каратилган.

Эстетика меҳнатда, ижтимоий ва шахсий хаётда ўз атрофида гўзаллик барни этишга интилишни вужудга келтиради. Гўзалликни кўра билиш, идрок килиш, барпо этиш ва чиройли иш кўриш – тарбия вазифаларидан биридир.

Табиатшунослик дарсларида ўқитувчи ўсимликларнинг органлари, гул ва мевалар, ўсимликлар копламини ўрганишда уларнинг гўзаллигини ёритади. Бунда ўкувчиларнинг эътиборини ўсимликларнинг ташки гўзаллигига қаратиб, улардаги яширин гўзаллик хаёти, мухит билан уйгунлашиши, табиат ва инсон хаётида тутган ўрнини идрок килишга ўргатади.

Ўкувчиларни эстетик тарбиялашда биология ўкув хонаси, тирик табиат бурчаги, мактаб тажриба ер майдонларида вужудга келтирилган тартиб, шинамлик ва гўзаллик мухим рол ўйнайди. Ўкув хонасидаги ўсимликлар, кўргазма воситалари эстетик талабларга жавоб бериши ва маълум бир мазмунда жойлаштирилган бўлиши керак.

Эстетик тарбиянинг вазифаси:

Ўкувчиларни гўзалликни кўриш ва идрок килишга, чиройлини хунукдан фарқ килишга ўргатиш, бу билан эстетикани идрок килиш билан боғлаш;

Табиатда, меҳнат жараёнида, ўз атрофида, шахсий ва ижтимоий хаётда гўзалликни ўрнатиш ва химоя килишга, эстетик дидни меҳнат ва турмуш маданияти билан боғлаш;

Турли ҳаётий вазиятларда чиройли иш тутишга, эстетикани маънавий-аҳлоқий карашлар билан уйгунлаштиришга ўргатишдан иборат.

Биологияни ўқитишида эстетик тарбия серкиррали бўлиб, уни дарс, дарсдан ва синфдан ташкари ишлар ва экскурсияларда амалга ошириш имконияти мавжуд.

**Иктиносидий тарбия.** Республикаиз бозор иктиносидиётига ўтиши, таълим-тарбия жараёнида ўкувчиларга иктиносидий тарбия бериш заруратини келтириб чиқаради. Ўкувчилар ботаника, зоология, умумий биология ўкув фанларида ўсимлик ва ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги, далаларнинг унумдорлигини ошириш, тупроқ ва ерга нисбатан муносабатини тубдан ўзгартириш, олинадиган маҳсулотларни ҳам микдор, ҳам сифат жихатдан ортишиш масалалари билан танишадилар. Ўқитувчи ўрганилаётган мавзуу мазмунига боғлиқ ҳолда иктиносидий тарбияни амалга ошириши зарур.

Масалан, «Поянинг энига ўсиши» мавзусида дарахт таналарининг курилиш, мебелсозлик, когоз тайёрлаш саноати ва х.к.да кенг миқёсла фойдаланиши қайд этилади. Ўкувчиларда тежамкорликни вужудга келтириш учун ўқитувчи ўкувчилар эътиборига куйидаги маълумотларни ҳавола этади. Бир тонна когоз тайёрлаш учун 50-80 ёшдаги 15-16 та дарахт танаси сарф бўлади. Дарахтларни саклаб колиш учун қандай тадбирларни амалга ошириш зарур деб ўйлайсиз? деган саволни кўяди. Ўкувчилар дарахтзорларни кўпайтириш, кераксиз қоғозларни тўплаш ва кайта ишлашга топшириш зарурлигини қайд этадилар. Ўқитувчи 60 кг когоз битта дарахтнинг, 50т когоз 100 га ердаги дарахтзорларни асрраб колишини айтади.

Иктиносидий тарбия ўқитишининг барча шаклларида, шу жумладан, синфдан ташкари машғулотларида амалга ошириш, бунда ватанимизнинг иктиносидиёти ва ҳалк хўжалигининг турли тармоқларини ривожлантиришда биология фанининг тутгани ўрнига оид маълумотлардан фойдаланиш тавсия этилади.

**Жисмоний тарбия** - хар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришнинг ажралмас кисми бўлиб, ўкувчиларнинг маънавий-ахлоқий, аклий, эстетик жиҳатдан уйғун ривожланишини таъминлайди. Жисмоний тарбия ўкувчиларнинг аклий ва маънавий-ахлоқий тарбия билан узвий ҳолда амалга оширилгандагина кутилган натижалар, жумладан, ўз саломатлигини асраш ва мустахкамлаш, ҳатти-харакатларнинг гигиеник меъёрлари, харакат кўникмаларини таркиб топтириш мумкин. Жисмоний тарбия масаласи биологияни ўқитиш методикасида инсон организмининг тузилиши, ҳаётний жараёнлари, ривожланиши билан узвийликда ўрганиш оркали амалга оширилади. «Одам ва унинг саломатлиги» ўкув курсида ўкувчилар у ёки бу жисмоний машқларнинг бажарилиши органлар системаси ишига таъсири, спорт билан шугулланишининг ахамияти, организм чиниқтириш, гигиеник кўникмаларни хосил килишнинг илмий асослари билан танишадилар.

Шунингдек, Ватанимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида олиб борилаётган тадбирлар, ёшлиарнинг спорт билан шугулланиши, соғлиғининг мустахкамланиши учун яратилган шароитлар кайд этилади. Жисмоний тарбиянинг муҳим йўналиши – гигиеник кўникмаларни кундалик одатларга айлантириш, ҳаётда гигиеник меъёрларга амал килишга онгли муносабат, соглом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш, ёшлиқдан спорт билан шугулланишга йўналтиришдан иборат. Спорт билан шугулланган ўкувчиларда иродва саломатлик мустахкамланиши, аниқ максад сари интилиш, кийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга каби ижобий фазилатлар вужудга келиши кўрсатиб ўтилади.

**Гигиеник таълим-тарбия** ўкувчиларнинг соғликларини саклаш ва мустахкамлаш шарт-шароитлари ва уларни вужудга келтириш ҳақидаги билимларга асосланади. Биологияни ўқитишда гигиеник тарбия асосий ўринни эгаллайди ва мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Масалан, ботаникани ўрганишда ўсимликларнинг инсон саломатлигига кўрсатадиган ижобий таъсири, уларнинг атроф-муҳитнинг муссафолигини саклашдаги роли ёритилади. Бактериялар бўлими ўрганилганта, бактерияларнинг хилма-хиллиги, ҳаётний фаолияти, табиатдаги ва инсон ҳаётидаги ахамиятини ўрганиш билан бир каторда, паразит бактериялар, улар томонидан келтириб чиқариладиган касалликлар, мазкур касалликларни юқтирумаслик чора-тадбирлари ҳақида маълумот берилади.

Зоологияни ўқитишда хайвонот оламининг хилма-хиллиги, табиат ва инсон ҳаётидаги ахамиятини кайд этиш билан бирга, паразит тарзда ҳаёт кечирувчи хайвонлар, уларнинг ривожланиш цикли, оралиқ хўжайнлари, касаллик ташувчи организмлар, келиб чиқадиган касалликлар, уларни юқтирумаслик йўллари ҳақида маълумот берилади.

Одам ва унинг саломатлиги ўкув фанида ўкувчиларнинг ўз саломатликларини асраш, шахсий гигиена бўйича билимлари ривожлантириллади, хар бир органлар системасини ўрганиш даврида органлар системасининг ишига жисмоний тарбия ва спортнинг ижобий таъсири, касалликларнинг келиб чиқиши сабаблари ва уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш йўллари ҳақида илмий тушунчалар берилади.

**Мехнат тарбияси.** Баркамол шахсни камолга етказишида мехнат тарбияси мухим роль йўнайди. Шу сабабли ҳам узлуксиз таълим тизими лдин кўйилган мухим вазифа, фан ва техниканинг хозирги боскичидаги ривожи, давлат ва жамият эҳтиёжлари, ўкувчиларнинг кизикишлари, обигатялларига мувофик холда касб танлашга йўллаш, уларда мехнат ва ўкув меҳнати кўнікмаларини шакллантиришга эътибор каратиш зарурлиги кўрсантилган. Мехнат тарбияси ўқитишнинг назария ва амалиётнинг ўзвий бўғлистиги принципини амалга ошириш, ўкувчиларда мехнат фаолиятига нисбатан ижобий мотивлар, мехнат воситалари ва қуролларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатни шакллантириш, ўкувчилар ўртасида ўзаро замкортикни вужудга келтиришга замин тайёрлайди.

Ўкув дастуридан ўрин олган мавзулар бўйича лаборатория ва амалий машгулотларни ўтказиш жараённида ўкувчиларда микроскоп билан ишлаш, микропрепаратлар, мажмуулар тайёрлаш, дарслик, кўргазма воситалари ва тарқима материаллари устида мустакил ишлаш каби ўкув меҳнати кўнікмалари шакллантирилади. Бу кўнікмалар келгусида ўкувчиларнинг танлайдиган касби бўйича мехнат кўнікмаларига айланиши мумкин.

Биологияни ўқитишда ўрганилаётган мавзу мазмунига боғлик холда ўкувчиларда мехнат маданияти кўнікмаларини, жумладан, кўргазмали жиҳозлар, лаборатория ва амалий машгулотларда фойдаланиладиган ўкув жиҳозлари ва асбоблари билан ишлаш, иш столи, биология дарслиги, дафтарини тоза ва озода саклаш, ўкув топшириклари ва уй вазифаларини ўз вактида ва талаб дараражасида бажаришга эътиборни каратиш лозим.

Биологияни ўқитишда ўкувчиларни касбга йўллаш, мехнат тарбиясини амалга оширишга имкон берадиган билим ва кўнікмаларни куйидаги гурӯҳтарга ажратиш мумкин:

Кишлок хўжалик, микробиология, табиатни муҳофаза килиш, инсон меҳнати фаолиятининг илмий-назарий асослари;

Ишлаб чиқариш меҳнати самарадорлиги, ўсимликлар ва хайвонларнинг маҳсулдорлигини оширишни таъминловчи техника ва технологияларнинг асослари билан таништириш;

Биологик конуниятлар ва умумий кўнікмалардан амалий фаолият ва турмушда фойдаланиш асослари билан таништириш.

Ўкувчиларни меҳнат фаолиятига тайёрлашда кишлок хўжалиги меҳнати кўнікмалари мухим аҳамиятга эга. Улар жумласига тупрокқа ишлов бериш, ўғитлаш, ўсимликларни сугориш, уругни экишга тайёрлаш, экиш, ўсимликларни парвариш килиш, хосилни йиғиши ва саклаш, шунингдек, кишлок хўжалиги хайвонларини бокиши, заракунандаларига карши кураш, меҳнат қуроллари билан ишлаш кабиларни киритиш мумкин.

Мехнат тарбиясини амалга оширишда ўқитувчи ўкувчиларни меҳнат фаолиятига психологик жиҳатдан тайёрлаш, меҳнат маданиятини такомиллаштириш, шунингдек, ўкувчиларнинг ўзлаштирган назарий билимларидан фойдаланган холда ақлий ва жисмоний меҳнатни тўғри ташкил этиш кўнікмаларини таркиб топтиришга эътиборни каратиши лозим.

Мехнат тарбиясининг асосий вазифаларидан бири баркамол шахснинг асосий фазилатлари бўлган меҳнатсеварликни ривожлантириш саналади. Бу жараёнда ўкувчиларнинг маънавий-аҳлоқий, аклий, хиссий-иродавий, рухий, жисмоний жиҳатдан уйғун ривожланишини амалга ошириш максалида ҳалқимизнинг бой маънавий дурдоналари бўлган ҳадислар, хикматли хикоялар, мақоллардан фойдаланиш тавсия этилади.

**Байналминал тарбия.** Республикаизда кабул килинган миллий истиқлол мағкурасининг асосий гояларидан бири миллатларо тотувлик хисобланади. «Миллатлараро тотувлик гояси-умумбашарий кадрият бўлиб, турли хил ҳалклар биргаликда истикомат қиласидиган мінтака ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва баркарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қиласи. Бу – гоя бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб қишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир»<sup>1</sup>. «Шу боис, бугунги кунда мамлакатимизда яшаб келаётган миллатларни ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш истиқлол мағкурасининг асосий мақсадларидан биридир. У ҳалқимизга хос бўлган олижаноблик ва инсонпарварлик фазилатларига асосланади»<sup>2</sup>.

Миллатларо тотувлик шахсда мавжуд бўлган байналминал тарбиянинг натижасида вужудга келади. Биологияни ўқитиша ўкувчиларни байналминал руҳда тарбиялаш учун мавзу мазмунига boglik холда биология Фанининг ривожига хисса кўшган жаҳоннинг етук олимлари, уларнинг хаёти ва ижодий фаолияти, жаҳон цивилизациясига буюк хисса кўшган турли миллат вакиллари билан таништириш орқали уларга улар томонидан яратилган умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадга мувофик.

Байналминал тарбия ўқитишининг барча шаклларида, шу жумлазан, синифдан ташкари машгулотларда амалга ошириш, бунда биология фанининг ривожига хисса кўшган жаҳоннинг етук олимлари, уларнинг хаёти ва ижодий фаолиятига багишланган кечалар ташкил этиши ва ўтказиш тавсия этилади.

Биологияни ўқитиши самарадорлиги таълим ва тарбиянинг узвийлигини амалга оширилишига boglik. Мазкур масалалар биологияни ўқитиши методикасида алоҳида ўрганилиши, таълим-тарбия жараёнининг баркамол шахсни шакллантиришда туттган ўрнини кўрсатиш билан изохланади, лекин ўқитиши жараённида бу масалалар бир-бири билан узвий, уйғунлаштирилган холда амалга оширилади.

Биологияни ўқитишида таълим ва тарбиянинг узвийлигини амалга ошириш учун куйидагиларни назарда тутиш лозим:

Ўкувчиларда илмий дунёкарашни шакллантириш шахснинг ривожланишида мухим аҳамият қасб этади. Илмий дунёкарашни шакллантириш ўкувчилар томонидан фан асосларини чукур ўрганиши билан узвий боғланган. Илмий дунёкараш - барча таълим-тарбиявий жараённинг асоси.

<sup>1</sup> Миллат истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. «Ўзбекистон» нашриёти, 2000 й. 54 йет.  
<sup>2</sup> Ўша маинба 60 бет.

Мехнат тарбияси ўқувчиларни таълим ва касбга йўналтириш билан узвий боғланган. Ўқувчиларда меҳнат кўнкималарини шакллантириш, меҳнат фаолиятига тайёрлаш, шахснинг илмий-назарий билимларни ўзлаштирганлик даражаси, ватанпарварлиги ва жисмоний ривожланишига асосланади.

Эстетик тарбия маънавий-ахлоқий, аклий, меҳнат, гигиеник ва жисмоний тарбия билан узвий боғлик холда амалга оширилади.

Ўқувчиларнинг жисмоний ривожланишини, уларнинг аклий, маънавий-ахлоқий, экологик, эстетик ва гигиеник тарбия билан уйғун холда вужудга келади.

### **Талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш саволлари**

1. Ўқувчиларда илмий дунёкараш ва тафаккурни шакллантириш йўлларини ўрганинг.

2. Биологияни ўқитишида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш учун ўқитувчи нималарга эътиборини каратиш зарур деб ўйлайсиз?

3. Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича берилган тавсияларни ўрганинг, Сиз яна нималарга эътибор беришни таклиф киласиз?

4. Биологияни ўқитишида ўқувчиларда экологик маданият ва тафаккурни ривожлентиришнинг заруратини асослаб беринг.

5. Биологияни ўқитишида эстетик тарбияни амалга оширишнинг имкониятларини гапириб беринг.

6. Ўқувчиларни мустакил ҳаётга тайёрлашда жисмоний, гигиеник, интисидой ва меҳнат тарбиясининг ахамиятини асослаб беринг.

7. Хозирги шароитда ўқувчиларни байналминал руҳда тарбиялашнинг ахамиятини тушунтиринг.

8. Биологияни ўқитишида таълим – тарбиянинг узвийлигини таъминлаш йўлларини ўрганинг.

## **9.2. ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР ОНГИ ВА ҚАЛБИГА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ФОЯСИНИ СИНГДИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

1. Ўқувчилар онги ва қалбига миллий истиқлол мағкурасини сингдириш муаммоси.

2. Миллий истиқлол мағкурасининг негизлари.

3. Биологияни ўқитишида ўқувчиларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш йўллари.

### **Асосий тушунчалар ва таянч сўзлар**

Ўқувчилар онги ва қалбига миллий истиқлол мағкурасини сингдириш муаммоси, миллий истиқлол мағкурасининг негизлари, биологияни ўқитишида ўқувчиларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш йўллари.

Ўкувчилар онги ва қалбига миллий истиклол мафкурасини сингдириш муаммоси таълим-тарбия жараённида самарали усул ва воситалардан фойдаланишни такозо этади.

«Хозирги мураккаб шароитда ҳалкимиз, аввало. ўсиб-униб келаётган ёш авлодимиз онги ва қалбиди мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш мухим аҳамиятга эга. Бу ишни бамисоли ёш нихолга мевали дараҳт куртагини пайванд қиласидиган уста бобғондек нозиклик ва меҳр билан, оқилона йўл билан амалга ошириш лозим<sup>1</sup>»

Ўкувчилар онги ва қалбига миллий истиклол мафкурасини сингдириш таълим муассасаларидаги фактат ижтимоий-гуманитар йўналишдаги фанларнинг вазифаси бўлиб колмасдан, балки ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими ўкув режасидан ўрин олган барча ўкув фанларининг вазифаси саналади. Бу борадаги маънавий-маърифий ишлар кенг кўламда олиб борилиб, таълим-тарбия жараёнининг барча жабҳаларида асосий ўринни эгаллаши лозим.

Хусусан, биологияни ўқитишида ўкувчиларда Ватан туйгусини шакллантириш - Она Ватанга, унинг табиатига меҳр-муҳаббат уйғотиш ва бойликларини асрар авайлаш, табиатдаги ўсимликлар ва хайвонларга нисбатан онгли ва тўғри муносабатни таркиб топтириш, экологик маданиятни юксалтиришни максад килиб кўяди.

«Хозирги вактда энг мухим, энг долзарб вазифамиз – жамиятимиз аъзоларини, аввалимбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбиди миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садокат туйгусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир<sup>2</sup>».

Шунга кўра, хозирги кунда ҳар томонлама камол топган, ўзида юксак ахлокий фазилатларни мужассамлаштирган, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат, мустакиллик принциплари ва Она Ватанга садокат руҳида тарбияланган, таълим ва қасб-хунар дастурларини онгли танлаб, пухта ўзлаштирган, жамиятимиздаги ижтимоий-иктисодий ўзгаришларга, турмушга мослашган, соглом турмуш тарзи ва меҳнат кўнинмалари шаклланган, жамият, давлат ва оила олдидаги ўз бурчини хис этадиган, ижодий, эркин ва мустакил фикрлайдиган баркамол шахсларни тарбиялаш долзарб масала саналади.

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг ишчи гурухи томонидан тайёрланган “Миллий истиклол ғояси: Асосий тушунчалар ва тамойиллар” рисоласида кайд этилишича, миллий истиклол мафкураси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, миллий ва умуминсоний кадриятлар, демократия тамойилларига асосланади, ҳалкимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуг бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади.

Ўкувчилар онги ва қалбига миллий истиклол ғоясини сингдиришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний кадрият-

<sup>1</sup> Миллий истиклол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар. Тошкент. «Ўзбекистон» 2000 й.

<sup>2</sup> И.А.Каримов Хушёрликка даъват Тошкент «Ўзбекистон» 1999 йил 16 бет.

лар, демократия тамоийллари, ҳалқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак мънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас мероси мухим аҳамият касб этади.

Шу сабабли барча таълим муассасалари таянч ўкув режаларига ўкувчи-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, таълим-тарбия жараёнини ҳуқуқий демократик жамият куриш тамоийлларирига мослаш максадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш ўкув курслари киритилган. Таълим-тарбия жараёни ва педагогик муносабат-ларни инсонпарварлаштириш ва демократизациялаш принципи хақида аввалги мавзуларда гап юритилган эди.

Биологияни ўқитиш жараёнида ўкувчиларни миллий ва умуминсоний кадрнятлар руҳида тарбиялаш, бу борада ўрганилаётган мавзу мазмунига боғлик ҳолда ҳалқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак мънавий бойликлари, анъана ва удумлари, улуг бобокалонларимизнинг ўлмас. меросидан фойдаланиш мухим аҳамият касб этади.

Шу ўринда миллий ва умуминсоний кадриятларга нималар киради? деган савол тұғынлиши табиғи.

Миллий кадрнятлар алохода олинган ҳалк, миллият ва элатларнинг ўз тарихий тараккиёти давомида яратган ва яратадиган барча моддий ва мънавий бойликлари, урф одатлари, маросимлари, байрамлари ва миллиятнинг ўзлигини белгилайдиган ўзига хос тамоийллари йигиндисидан иборатдир. Бу ўзига хослик моддий, мънавий, ижтимоий, оиласыви ҳаёт, турмуш тарзида намоён бўлади. Бундан ташкири ҳалқамалий санъати, ҳалқ ўйинлари, расм-русларни, урф-одатлари, маросимлари хам миллий кадриятларга киради.

Биологияни ўқитишида ўкувчиларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш учун дарс, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотлар, хамда экскурсияларда мавзуга боғлик ҳолда мамлакатимизнинг ер ости ва ер усти бойликлари, улардан оқилюна фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишлар, иктисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ривожланиш тамоийллари, биология фанининг ривожига хисса қўшган алломаларнинг мънавий мерослари, табиатни мухофаза килишга онд ҳадислар, хикматли хикоялар, ривоятлар, афсоналар ва маколлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Умуминсоний кадрнятлар бутун инсоният ривожи давомида инсонлар томонидан яратилган ва бебаҳо мулки саналган, моддий ва мънавий бойликлар, маданий, илмий, фалсафий, ахложий, эстетик, ҳуқуқий, сиёсий, бадиий, экологик ва х.к. карашлар йигиндиси саналади.

Умуминсоний кадриятлар миллий кадриятлар заминида шаклланади, яъни бирор бир миллиатга мансуб миллий кадриятлар ривожланиб, йиллар давомида сайқал топиб, такомиллашиб, бошка миллият ва элатлар томонидан эътироф этилиб, тан олинади. Шу тарика миллий кадриятлар умуминсоний кадриятлар даражасига кўтарилади. Масалан, Ўрта асрлардаги Шарқ цивилизацияси ўзбек ҳалқи учун миллий кадрият саналса, жаҳон ҳалклари учун умуминсоний кадрият саналади.

Биологияни ўқитишда ўқувчиларни умуминсоний кадриятлар рухида тарбиялашда эътиборни куидагиларга қаратиш:

1. инсониятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихини ўрганиш.
2. буюк алломаларнинг инсоният тарихи ва цивилизациясида тутган ўрнини ёритиш;
3. умумбашарий мулкка айланган илмий асарларнинг яратилиш тарихини ўрганиш;
4. умумхалқ байрамларининг тарихини ўрганиш, ўтказилишида миллий рух киритиш;
5. биология фанининг ривожига хисса кўшган буюк олимлар хаётининг ибратли томонларини кўрсатиш зарур.

Жумладан, «Эволюцион таълимот» бобини ўрганишда ўқувчилар онги ва калбига миллий истиклол гоясини сингдириш жараёнида миллий кадриятларимиз бўлган «Авесто» китобининг яратилиш тарихи, ундаги табииётшуносликка ва табиатга нисбатан онгли муносабатда бўлишга оид фикрлар, Ахмад ибн Жайхоний, Абу Носир Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек, Захириддин Бобурларнинг асарларида эволюцион гояяларнинг ёритилиши ва уларнинг жаҳон цивилизациясига кўшган хиссаларини қайд этиш орқали миллий гурурни шакллантириш, Эмпедокл, Аристотель, Теофраст, Лукреций, Кар, Гален, К.Линней, Ж.Кьюве, Ж.Б.Ламарк, Ч.Дарвинларнинг эволюцион назариянинг яратилиши ва ривожлантиришга кўшган хиссаларини баён этиб умуминсоний кадриятларга хурмат туйгусини таркиб топтириш масаласи ўқитувчининг диккат марказида бўлмоғи лозим.

Ўқувчилар онги ва калбига миллий истиклол гоясини сингдириш самарадорлигини ошириш учун ўқитувчи миллий мафкуранинг бош ва асосий гояяларини чукур англаши, маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда мазкур гояяларга асосланиши, ўқувчи-ёшларни шу юксак мақсадларни амалга оширишга сафарбар этиши керак.

Хулоса килиб айтганда, ўқувчилар онги ва калбига миллий истиклол гоясини сингдиришда биология дарслари, экспурсиялар, дарсдан ва синфдан ташкири машгулотларни самарали ташкил этиш, мавзу мазмунига бοғлик холда уларни миллий ва умуминсоний кадриятларга хурмат, мустакиллик принциплари ва Она Ватанга садоқат рухида тарбиялашга катта эътибор бериш лозим.

### **Талабаларнинг ўз-ўзини назорат килиш саволлари**

1. Ўқувчилар онги ва калбига миллий истиклол мафкурасини сингдириш йўлларини ўрганинг.
2. Миллий истиклол мафкурасининг нималарга асосланишини аникланг.
3. Биологияни ўқитишда ўқувчиларни миллий ва умуминсоний кадриятлар рухида тарбиялаш йўлларини белгиланг.

## **10-Боб. БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИ**

Биологик таълим самарадорлигини ошириш учун муайян шартшароитлар яратиш, яъни биология ўқитишининг моддий-техника базасини яратиш зарур.

Ўқитишининг моддий базаси таълим тизими олдига кўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга хизмат қиладиган, бир-бiri билан узвий боғланган, шунингдек, бир-бiriни тўлдирадиган биология ўкув хонаси, тирик табиат бурчаги, мактаб тажриба ер майдончасидан ташкил топади.

Ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш, ўкув фаолияти вактининг катта қисми биология ўкув хонасида ўтганлиги сабабли, мазкур жараённинг самарадорлиги биология ўкув хонасининг мақсадга мувофик ташкил этилиши ва унинг жиҳозланганлигига боғлик.

Тирик табиат бурчагининг асосий вазифаси дарс, дарсдан ташкири ишлар, синфдан ташкири машғулотларни тирик табиий кўргазма воситалар билан таъминлаш саналади.

Мактаб тажриба ер майдончаси ўқувчилар томонидан дарсда ўзлаштирилган назарий билимларни мустаҳкамлаш, ривожлантериш, ўсимликларни парвариш килиш, кузатиш ўтказиш, тажриба кўйиш, табиатга нисбатан онгли муносабатни таркиб топтириш кўнкимларини эгаллашларига хизмат қилади.

Шунингдек, кишлок хўжалиги экинларининг биологиясини ўрганиш, муайян шароитда ўсимликларнинг ривожланиши ва улардаги биологик конуниятларни ўрганишга замин тайёрлайди.

Ўқувчиларнинг билим, кўнкимва малакларни ўзлаштириш, биология ўкув фанига бўлган кизикишини орттириш жараёни кўп жихатдан биология ўкув моддий-техника базасининг ташкил этилиши, шунингдек, улардаги машғулот ва ишларнинг самарадорлигига боғлик.

Бўлғуси биология ўқитувчилари биология ўкув моддий-техника базаси, мактаб биология ўкув хонасини жиҳозлаш, тирик табиат бурчаги, тажриба ер майдончасини ташкил этиш ва уларда ўкув машғулотларини ташкил этиш йўлларини билиши зарур.

### **10.1. МАКТАБДА БИОЛОГИЯ ХОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

- 1.Биология хонасини умумий кўриниши.
- 2.Биология хонасига кўйиладиган талаблар.
- 3.Биология хонасида мавжуд жиҳозларни саклаш юзасидан тавсиялар.
- 4.Биология хонасининг функциялари.

Ўқувчиларни биология ўкув дастури асосида билим, кўнкимва малакларни ўзлаштириш жараёни, яъни ўқувчиларнинг ўкув фаолиятининг асосий қисми биология ўкув хонаси ва унинг жиҳозланиш даражасига боғлик.

Мактаб биология ўкув хонаси – мактабнинг алоҳида ўкув жиҳозлари билан жиҳозланган бўлими бўлиб, у биология дарслари, дарсдан ташкири

ишлар, синфдан ташқари машғулотларда ўқувчиларнинг билиш фаолиятни ташкил этиш, бошқариш ва фаоллаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Биология ўқув хонаси маҳсус жихозланган, биологияни ўқитиш жараёнини ташкил этишга мўлжалланган хона саналади.

Биология ўқув хонаси ҳам муайян тарихга эга.

Дастлабки табиатшуносликни ўқитиш учун мўлжалланган хоналар ўсимлиқ гербарийлари ва ҳайвон чучелаларини ойнали шкафларда саклайдиган музейга ўхшаш бўлган.

Кейинчалик ўқитиш жараёнинг таддикот методининг жорий этилиши билан таълим-тарбия жараёнидаги лаборатория ва амалий машғулотларни ўtkазish назарда тутилган лаборатория хоналари ташкил этилган.

Биология ўқув хонаси лаборатория ва амалий машғулотларни ўтка ўш учун зарур бўлган ёрдамчи жихозлар билан бойитилган.

Таълим-тарбия жараёнинг ўқитишнинг техник воситаларининг кириб келиши ва қўлланилиши муносабати билан биология ўқув хонаси диапроектор ва кинопроекторлар билан таъминланган.

Ўтган асрнинг 50-60 йилларидан бошлаб мактабларда барча ўқув фанлари, шу жумладан, биология ўқув хонасини ташкил этиш йўлга кўйилган.

Юкорида келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, фан ва техниканинг ривожланиши, мактаблар олдига кўйилган давлат ва ижтимоий буюртмаларга мувофик, биология ўқув моддий-техника базаси ривожланиб боради, ўқитиш максадлари ва вазифаларини амалга оширишга хисмат килади.

Мамлакатимиз мустаккиллиги Йилларида таълим-тарбия жараёнини тубдан ислоҳ килиш, ўқитишнинг моддий-техника базасини ривожлантириш борасида жуда кўп ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармойиша мактабларни ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув услубий материаллар билан таъминлаш зарурлиги кўрсатилган.

Умумий ўрта таълим мактабларининг моддий-техника базасини мустахкамлаш орқали ўқувчиларда ДТС талабларига монанд ҳолда билимларни шакллантириш, кўнишка ва малакаларни таркиб топтириш жараёнинг амалий ёрдам кўрсатиш учун биология хонасини замон талаблари асосида ташкил этиш зарур.

Биология хонаси бошка ўқув хоналаридан фарқли томонлари бўлгани учун йўлакка яқин жойлашган коридордаги охирги хонани танлаш максадга мувофик бўлади. Чунки бу жойларда тирик табиат бурчаги, кўргазматар ташкил этиш мумкин.

Биология хонаси 2 та: дарс олиб бориладиган ўқув хонаси, лаборатория ҳамда тирик табиат бурчаги хоналаридан иборат бўлиши керак.

Биология хонасининг талаб даражасида жихозланиши биология ўқитувчи зинмасига юклатилади. Биология хонаси қўйидаги асосий вазифаларни бажарнишга йўналтирилган:

- ❖ таълимнинг самарадорлиги ошириш максадида ўкув жараёнини ташкил этишда керак бўладиган жихозлар билан таъминлаш;
- ❖ дарс ва ўкув жараёнининг бошқа шаклларида ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;
- ❖ лаборатория ва факультатив машғулотларни ўкув, лаборатория жихозлари, кўргазма воситаларидан фойдаланиш;
- ❖ ўкувчилар билимини аниклаш, назорат килиш ва баҳолашда ЭҲМнинг назорат дастурларидан фойдаланиш;
- ❖ биология бўйича синф ва мактабдан ташқари машғулотларни олиб боришда керак бўладиган жихозлар билан таъминлаш.

Ўкув хонасининг юзаси ўртacha  $70\text{ m}^2$  атрофида, лаборатория хонаси эса  $35\text{--}40\text{ m}^2$  бўлиши керак.

Биология ўкув хонаси қўйидаги зарур бўлган мебель ва маҳсус жихозлар билан жихозланади: доска, ўқитувчи столи ва стули, намойиш столи, ўкувчилар учун парта ва стул, препарат ва муляж сакланадиган алоҳида шкафлар, биология хонасини безатишда эстетик талабларга аҳамият бериш керак.

Хонанинг деворларига ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг эволюцион ривожланиш тарихи, кўзга кўринган биологларнинг портретлари қўйилиши максадга мувофик.

Биология хонасининг барча жихозлари дарс давомида тажриба, амалий иш ва кузатишлар ўтказиш, жадваллар, видеофильм диапозитивларни ўз вактида намойиш қилиш, амалий ишларда дидактик ва тарқатма материал, ҳамда асбобларни тарқатиш ҳамда йигиб олишга мослашган бўлиши керак.

Бу ўз навбатида ўкув куролларини муайян тизимда саклашга, уларни дарсда фойдаланиш учун тез топиш ва тайёрлашга имкон беради.

Мазкур ишларга ўкувчиларнинг жалб этилиши уларда ўкув меҳнатини ташкил киши маданиятини тарбиялайди.

Лаборатория хонаси биология хонасининг ажралмас таркибий кисми саналиб, унда асосан ўкув-кўргазма куроллар, асбоблар, идишлар, яъни ўқитиш жараёнини ташкил этишга керак бўлган барча кўлланмалар сакланади.

Аудио ва видеокассеталар, видеодисклар, дидактик материаллар, лаборатория ва амалий машғулотлар олиб бориш учун йўрикнома бериш ҳамда кўрсатмаларни ҳаммаси мавлум бир мавзу юзасидан тузилган библиографик картотека тизимига киритилади.

Лаборатория хонасидаги столда тажрибалар ўтказиш учун зарур материаллар тайёрланади, кўргазмалар таъмирланади. Столда жўмракли сув крани бўлади. Ундан идишларни ювишда фойдаланилади.

Биология ўқитиш хонаси, лаборатория хонасидан ташқари, тирик табиат бурчагини ташкил қилиш лозим. Тирик табиат бурчагида факат ўкув дастурига киритилган хона ўсимликлари ва тирик ҳайвонларни саклаш, улар

устида кузатиш ва тажрибалар ўтказиш, натижаларини дарсларда намойиш килиш мақсадга мувофик.

Ўкувчилар томонидан олиб борилган қисман тадқикот характеристига эга бўлган кузатиш ва тажриба ишлари дарсдан ва синфдан ташкари ишларда фойдаланилади.

Тирик табиат бурчагини имкон даражасида биология хонасининг якинидаги фойеда ташкил килиш мумкин. Махсус жойни танлашда тирик организмларни саклаш ва жойлаштириш, биологик талабларга мос келишини эътиборга олиш керак.

Сакланеётган хар бир ўсимлик ва ҳайвон олдига улар ҳакидаги маълумотларни акс эттирган паспорт кўйилади. Бу маълумотлар ўқувчилар томонидан тирик табиат бурчаги обьектлари билан якиндан танишиш имконини беради.

Тажриба ва назорат обьектлари устида кузатиш ва тажрибалар ўтказишдан олинган натижаларни умумлаштиришда ўсимлик ва ҳайвонлар ҳакидаги маълумотлар ёрдам беради.

Тирик табиат бурчаги ўқувчиларда ўсимликлар парваришилаш, кўпайтириш, ҳайвонларни бокиши ва парваришилаш кўникмаларини таркиб топтириш орқали меҳнат тарбиясини амалга ошириш, ижтимоий-ташкилий кўникмалар, мактаб мулкига эгалик ва уларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш хиссини вужудга келтиради.

Умумтаълим мактабларида биология таълимнинг самараодорлиги таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш шакллари бўлган дарс, дарсдан ва синфдан ташкари ишлар, экскурсияларни талаб даражасида ўтказичига боғлиқ. Мазкур машғулотларни талаб даражасида ташкил этилиши, аввало биология ўкув хонаси, лаборатория, тирик табиат бурчакларини тўлиқ жихозланishiiga боғлиқдир.

Биология ўкув хонасининг асосий вазифаларидан бири, уни жихозлаш ва йил давомида бойитиб бориш, ўкув жихозларини хисобга олиш, ундан фойдаланиш учун хар доим тайёр холда туришини таъминлаш саналади.

Биология ўкув фани асосан тирик организмлар тўғрисида билим берувчи фан. Биология ўкув фанини ДТС талаблари асосида ўқитиш, тирик организмлар устида кузатиш ва тажрибалар ўтказиш, мустақил ишларни қўллаш асосида машғулотлар ўтказишга имкон берадиган моддий базани ташкил этишин талаб этади.

Ўкув хонаси жихозланганда фаннинг мазмунини тўлиқ қамраб олган бўлиши, унинг олд томонида доска, ўнг томонида телевизор, чап томонига компютер кўйилади. Досканинг чап томонига ўсимлик ва ҳайвон хужайраси стенд ёки модели, ўнг томонида органик олам ривожланиш эволюцияси, сўна томонига хона ўсимликлари, манзарали гуллар, орка томонига биологиянинг бўлимлари бўйича шкафлар ва бу шкафларга хар бир бўлимга тегишли бўлган жихозлар кўйиш керак.

Шкафнинг тепасига биология фанига катта хисса қўшган олимлар жумладан, Е.Л.Коровин, И.А.Райкова, Т.З.Зохидов, А.А.Музаффаров,

Ё.Х.Тұракулов, Б.О.Тошмұхаммедов, Ж.А.Мусаев, А.Абдуллаев кабиларнинг портретлари қўйилади.

Фан хонаси жиҳозлари алоҳида ҳар бир биология фани талабларига жавоб берадиган мұаян тизимда жойлаштирилиши лозим. Тажриба ўтказиш учун мұлжалланған асбоблар фан-техника ютуклари даражасида бўлиши, техник-хавфсизлик қоидалари, меҳнат гигиенаси талабларига жавоб бериши лозим. Шу сабабли ўкув ва лаборатория хоналари ўкув асбоб ускуналаридан фойдаланишида зарур бўлган умумий талаблар мавжуд.

Жумладан, педагогик талаблар сифатида:

Ўкув ва лаборатория хоналари, ундаги жиҳозлар ҳамда воситалар дарсда ўрганиладиган мавзу мазмунини ёритиши;

Ўкувчиларнинг объекtlарни таниши, уларнинг тузилишини тўлиқ тасаввур этишларига йўналтирилиши;

Ўкувчиларнинг билимларни ўзлаштириши, ёдда саклаш ва амалиётда кўллашга ёрдам бериши;

Биологик таълим жараённада кўргазмалилик принципини амалга оширишга замин яратиши;

Ўқитишида илгор педагогик ва ахборот технологияларини кўллаш оркали ўкувчиларнинг биология фани асосларини пухта ўзалштиришлари, биологик, ўкув ва амалий кўнікмаларни таркиб топтириш, уларни мустакил ҳаётга тайёрлаш ва касб танлашларига ёрдам бериши лозим.

Биология хонасида ишлаш вактида қўйиладиган хавфсизлик ва гигиена талаблари:

1. Хонадаги ўкув жиҳозларининг барчаси таълимнинг техникавий воситалари ва меҳнат гигиенаси ҳамда хавфсизлик техникаси талабларига жавоб бериши;

2. Ўкув хонасида техник воситалар (асбоблар)ни ишлатиш ва саклаш қоидаларини эслатиб турувчи (эслатмалар) бўлиши;

3. Хавфсизлик техникаси ва гигиена талабларига тўлиқ риоя килиш баҳтсиз ходисаларни ҳамда турли касалликларни олдини олишнинг ишончли гарови эканлигини ёдда тутиш лозим.

Биология ўкув хонасининг жиҳозланишига қўйиладиган эстетик талаблар:

- ❖ Хонага қўйилган ҳар бир жиҳоз, шунингдек, уларнинг элементлари ва умумий кўриниши гўзаллик конуниятларига жавоб бериши;
- ❖ Ўкувчиларда бадиий-эстетик дидни тарбиялаши;
- ❖ Ушбу хонада дарсда иштирок этиш ўкувчидаги ҳам, ўқитувчидаги завқ уйготиши, эстетик жиҳатдан коникиш хиссини вужудга келтириши керак.

Биология ўкув хонасида жиҳозларни саклаш.

1. Хонадаги лаборатория асбобларидан бири оптик асбоблар бўлиб, улардан биология дарсларида микроскоп ва лупадан ҳайвон ва ўсимликларнинг ҳужайра ва тўқималари, анатомо-морфологик тузилиши, шунингдек, микроорганизмларнинг тузилишини ўрганиш учун фойдаланилади.

2. Биология ўкув хонасида улар махсус рўйхатга олиниб, микроскоп ва лупалар махсус футлярларда шкафларда сакланади.

Маълумки, биология дарсларида фойдаланиладиган кўргазмали куроллар табиий ва тасвирий куролларга бўлинади, уларни саклашда куйидаги тавсияларга амал килиниши зарур:

Ўкув жихозларининг асосий кисми жихоз турига караб алоҳида шкафларда сакланади. Бунда ҳар бир шкаф бош ҳарфлар А, В, С, Д ҳарфлар билан белгиланади.

Шкафлардаги полкалар сонлар билан белгиланади I, II, III, IV ва x.к.

Полкадаги кўргазма жихозлари а, б, в, г, д ва x.к. билан белгиланади.

Масалан, А-1-б бу А шкафдаги, биринчи полкадаги б-жихозни билдиради. Ўкув жихозларининг бундай тартибда сакланиши, ўқитувчи томонидан кўргазма воситаларини тез топиш имконини беради.

Табиий препараташтирилган куроллар: ботаникадан – гербариyllар, жадваллар, амалий ишлар учун куритилган ўсимлик унинг органларидан тайёрланган тарқатма материаллар, умурткасиз хайвонларнинг фиксация килинган вакиллари, хайвонларнинг ривожланишини кўрсатувчи хўл препаратлар, хайвонларнинг айrim кисмлари, баликларнинг суяклари, тангачалари шу тартибда сакланади.

Зоологияни ўқитишида фойдаланиладиган ҳашаротлар коллекциялари, умурткалиларнинг ҳар хил систематик гурух вакилларининг тулуп (чучела) ва скелетлари, тарқатма материаллар – күшларнинг патлари ва бошкалар халтачаларда нафталин бўлган махсус идишларда сакланади.

Кўргазма воситаларининг бу тартибда сакланиши уларни узок вакт саклаш ва фойдаланиш имконини беради.

Одам ва унинг саломатлигини ўқитишида фойдаланиладиган – одам скелети, кисмларга ажратиладиган одам гавдаси ва муляжи махсус полизтилен чехолда, айrim суяклар қутичаларда, микропрепаратлар эса махсус пластмасса идишларда сакланади.

Умумий биология курси учун маймуннинг калла суяклари ва миасининг муляжлари, диапозитивлар ва микропрепаратларни хам юкоридаги тартибда саклаш тавсия этилади.

Тасвирий кўргазмали куроллар бўлган жадваллар ва расмларни махсус тайёрланган шкафдаги сим илгакларга осилган холда вертикал саклаш қулай. Биология ўқитувчиси жадвалларни хам куйидаги тартибда ракамлаши лозим. Биологияга оид жадвалларни ўкув фанларига ажратиш, кетма-кетликда ракамлаш, сўнгра уларни шкафларга жойлашда боблар, кўргазма жихозининг ракамига эътибор бўриш керак.

Масалан, Ботаника, I-I ракамли жихоз, ботаниканинг I-боби «Гулли ўсимликлар билан умумий танишиш» бобига тегишли, I-мавзууда намойиш этилиши керак бўлган жихоз эканлигидан далолат беради.

Биология хонасининг барча жихозлари дарс давомида тажриба, амалий иш кузатишлар ўtkазишида, жадваллар, видеофильмлар, диапозитивларни ўз вактида намойиш килишга, амалий ишларда материал ва асбобларни

таркатиш хамда йигиб олишга мослашган бўлиши керак. Ўкув қуролларни муайян тизимда саклаш уларни дарсда фойдаланиш учун тез топиш ва тайёрлашга имкон беради.

Биология ўкув хонаси ўкув-тарбиявий, илмий-методик, маълумотлар тўплаш, ўкув хонаси ишини режалаштириш ва ўқитиш воситаларини хисобга олиш вазифаларини бажаради.

Биология ўкув хонаси ўкувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш жараёнини амалга оширади. Шу сабабли, ўқитиш жараёни учун зарур бўлган асосий ва ёрдамчи ўқитиш воситалари билан жихозланган бўлади.

Биология ўкув хонасининг илмий-методик функциясини қўйидагича тасаввур қилиш мумкин. Мазкур хона ўқитувчининг педагогик фаолиятини амалга оширадиган жой саналади. Шу сабабли, ўқитувчи дарс, дарсдан ташкари ишлар, экспурсия, синфдан ташкари машғулотларга пухта тайёргарлик кўриши, педагогик фаолиятга ижодий ёндошиши учун зарур бўлган ўкув дастури, ДТС, дарслеклар, биологиядан тузилган истикбол ва мавзули-таквим режа, методик қўлланмалар, ўкувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш имконини берадиган МСНИ (мажбурий стандарт назорат ишлари), масалалар ва тест топшириги тўпламлари, даврий, шунингдек, педагогик нашрлар бўлиши керак.

Шунингдек, таълим мусассасида биология тўгараги ва факультатив машғулотларнинг ташкил этилишига оид материаллар, ўкувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва фаоллаштириш имконини берадиган дидактик ва тарқатма материаллар тўплами бўлиши зарур.

Биология ўкув хонасининг маълумотлар тўплаш функциясини амалга ошириш учун ўқитувчи ўкувчиларнинг мустакил таълими учун зарур бўлган кўшимча адабиётларни тўплаши ва «Ўкинг бу кизик» рукнида адабиётлардан кўргазмалар ташкил этиши керак.

Биология ўкув хонасининг хона ишини режалаштириш ва ўқитиш воситаларини хисобга олиш вазифасини амалга ошириш учун биологияни ўқитишда фойдаланиладиган ўкув, лаборатория ва кўргазмали қуролларни маҳсус тизим ҳолига келтириб, уларни саклаш коидаларига амал килган холда, рўйхатга олиш зарур.

Ўкув кинофильмлари, видеофильмлар бўйича картотекалар асосида хисобга олиш, ЭҲМ дастурларининг рўйхатини тузиши, бир сўз билан айтганда, биология ўқитувчиси ўкув хонасидаги барча жихозларни рўйхатга олиши ва зарур ҳолларда уларнинг жойлашган жойидан тез топиш чорасини белгилаши лозим.

Биология ўқитувчиси биология ўкув хонасининг мудири сифатида мавжуд ўкув ва лаборатория жихозлари, кўргазма воситаларини хисобга олиш дафтарига киритиши ва унинг нархини кўрсатиши, фойдаланишга яроклилигини белгилайли. яроксизларини таъмирлайди. бутлайди.

Ўкув йили охирида инвентаризация ўтказилади, мактаб маъмуриятига ўкув хонаси ва кўргазма воситаларининг ҳолати юзасидан хисобот

топширади. Ўқув хонаси ҳакидаги асосий маълумотлар унинг паспортида ўз ифодасини топади.

Ўқитувчининг биологиядан тузган истикбол ва йиллик мавзули-таквим режасига мувофиқ, биология ўқув хонасини жўхозлашни такомиллаштириш, зарур бўлган ўқув жихозлари билан бойитиш амалга оширилади.

Ўқув дастурига киритилган янги мавзулар ўқитувчининг биологиядан тузган истикбол ва йиллик мавзули-таквим режасида ўз ифодасини топади. Мазкур мавзуни ўқитиш учун зарур бўлган жихозлар аникланади ва шу зарурат асосида ўқув жихозлари тайёрланади ёки харид килинади.

Ўқувчиларнинг мустакил ишлари ва синфдан ташқари машғулотларда ўқитувчи биология ўқув хонасидаги ўқув жихозларини таъмирлаш, янгиларини тайёрлаш ишларига раҳбарлик килади.

Шундай қилиб, биология ўқув хонасини талаб даражасида жихозлаш, ўқув жихозларини саклаш, таъмирлаш, янгиларини тайёрлаш ва тегишли ҳисобларни олиб бориш ўқитувчи зиммасига юкландиган вазифалардан бири саналади.

## 10.2. ТИРИК ТАБИАТ БУРЧАГИ

1. Тирик табиат бурчагининг тарбиявий ахамияти.
2. Тирик табиат бурчагидаги ўсимликлар.
3. Тирик табиат бурчагидаги ҳайвонлар.
4. Тирик табиат бурчагини жихозлаш.

### Асосий тушунчалар ва таянч сўзлар

Тирик табиат бурчагини таълим – тарбиявий ахамияти, уни ташкил этиш, жихозлаш, тирик табиат бурчагидаги ўсимлик ва ҳайвонлар. Эстетик тарбия бериш.

#### Тирик табиат бурчагининг ахамияти

Биология ўқув дастури асосида тузилган ДТСдан ўрин олган жуда кўпчилик кўнімка ва малакаларни дарсларда таркиб топтириб бўлмайди. Уларни таркиб топтириш муаммоси ўқувчиларнинг тирик табиат бурчагида олиб бориладиган кузатиш, тажриба кўйиш, ўсимликларни парваришлаш, кўпайтириш, ҳайвонларни бокиши ва парваришлаш ишларининг ташкил этилишини талаб этади.

Шу сабабли, биология ўқитувчиси:

Тирик табиат бурчагини ташкил этиши ва уни ўқув дастурига мос жихозлаши, табиий обьектларни танлаши;

Ўқувчилар тирик табиат бурчагида ишлаши натижасида таркиб топтириладиган кўнімка ва малакаларни аниклаши;

Тирик табиат бурчагида ўқувчиларнинг мустакил ишлари, дарсдан ва синфдан ташқари ишларни ташкил этишни режалаштириши;

Ўқувчилар томонидан олиб бориладиган ва натижаларидан дарсда фойдаланиладиган кузатиш ва тажриба қўйиш ишларини режалаштириши, уларни ўтказиш муддатларини белгилаши лозим.

Биология ўқитишининг моддий базасини асосий қисмини тирик табиат бурчаги ташкил этади. Тирик табиат бурчаги – ўсимлик ва ҳайвонларни саклаш, улар устида кузатишлар ўтказиш, тажрибалар қўйиш, синфдан ташкари ишларни бажариш жойи саналади.

Тирик табиат бурчагида «Биология» ўкув дастурига киритилган ўсимлик ва ҳайвонлар сакланиши максадга мувофик.

Тирик табиат бурчаги мактабга кўрк бағишлиши билан бир каторда, муҳим ўкув вазифаларни бажаради. Ўқувчилар тирик табиат бурчагидаги ўсимликлар ва ҳайвонлар устида кузатишлар ўтказиш, тажрибалар кўяди. Узок муддатда олиб борилган кузатиш ва тажрибалар ўқувчиларда қисман тадқикот характеристидаги изланишлар олиб бориш, муайян кўникмаларни эгаллаш, билимларни амалиётга кўллашга замин тайёрлайди.

Тирик табиат бурчаги учун ажратилган жойнинг юзаси  $15-18\text{ m}^2$  бўлиб, деразалари жануб ёки жанубий-шаркий томонга караган бўлиши, ёруғлик яхши тушадиган жой бўлиши керак.

Мактабда тирик табиат бурчагининг ташкил этилиши ўқитиши максадлари, ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантириш, уларнинг биологияга бўлган кизиқишлари, билим доирасини кенгайтириш учун бой имкониятларнинг вужудга келишига таъсир кўрсатади.

Тирик табиат бурчаги дастлаб, ўқувчилар кучи билан биология кабинетида, синф деразаларида ташкил этилади. Ўқувчилар уйларидан хона ўсимликлари ёки уларнинг каламчалари, экспурсиялардан – ҳайвонлар ва ёввойи ўсимликларни олиб келадилар. Натижада тирик табиат бурчаги жуда тезлик билан кенгая боради ва маҳсус хона талаб этади. Уни ташкил этиш, тирик организмларни саклаш ва жойлаштириш биологик талабларга тўла мос бўлиши керак. Ўсимлик ва ҳайвонлар биоценозлар бўйича гурухлар ажратилади. Аквариумларда баликлар, молюскалар, тритон ва сув муҳитига мослашган ўсимликлар, террариумларда нам жойда ўсадиган ўсимликлар (кирккулок, киркбўгин, йўсин) ва бака калтакесаклар, кафасларда турли ҳайвонлар ва ўсимлик шохлари бўлади.

Бурчакдаги ўсимлик ва ҳайвонларни системали кулай ва чиройли килиб жойлаштириш муҳимдир. Сакланаётган тирик организмлар агро ва зоотехника коидаларига риоя килган ҳолда саклаш зарур. Ҳар-бир обьект олдида этикетка ва паспортининг бўлиши, улар билан яхши танишиш имконини беради.

Тирик табиат бурчагида ўсимлик ва ҳайвонларни парваришлаш бўйича меҳнат маданияти тарбияланади; мактаб бойлигини эҳтиёткорлик муносабати тарбияланади. Эстетик тарбия учун хам катта имкониятлар бор: ўсимлик аквариумларни, кафасларни қандай чиройли килиб, ўзаро боғликликда жойлаштиришга ўргатади.

Шундай килиб, тирик табиат бурчаги – факт ўкув жойи эмас, балки кўп киррали тарбиявий ишлар жойи хамдир.